

АБУ МУСЛИМ

# ЯНГИ ДУНЁ



94/100)

A 20	2019/3-17
	Адм. Муницип.
	Учред. У
	ОУКЕ
	Д. 2644-3726

2019/5-17

94 (100)

A 20

АБУ МУСЛИМ

# ЯНГИ ДУНЁ

«QAQNUS MEDIA» нашриёти  
Тошкент – 2017

УЎК: 94(100)  
КБК: 63.(0)  
А 20

*Дунё тарихи*

Янги дунё: [Матн] : мақолалар туплами / Абу Муслим.  
- Тошкент : «QAQNUS MEDIA» нашриёти, 2017. - 372 б.

Муҳаррирлар:  
Турсунали АКБАРОВ  
Муҳаммад Темур АЪЗАМ

УЎК: 94(100)  
КБК: 63.(0)

ISBN-978-9943-4931-5-5

*Ю46365  
3*

*2019/3  
17*

© АБУ МУСЛИМ  
© «QAQNUS MEDIA» нашриёти

Нашриётга беришдан аввал, илтимосимга биноан, ушбу китобни ўқиб чиққан дўстлардан бири унга "Бедор дунё талотўплари" дея ном беришни таклиф қилди. Яхши таклиф - китоб моҳиятини шундоқ очиб берадиган ном. Бироқ мен китобни ба-рибир "Янги дунё" деб номладим. Бу ном ҳам аслида нисбийроқ. Зеро, айтмишларки, дунё ўзгармайди, уни инсонлар ўзгартиради: ер ўша, осмон ўша... Ер-у осмон оралиғида эса муқаррам этилмиш инсон яшайдики, она-замин бағри неча юз минг бор тилка-пора қилинган бўлса, сабабчиси унинг ўзи! Майли, дунё – ўз номи ила кўхна, бироқ муқаррам инсон уни янгиласинки, бу янги дунёда ранглари-дан кўзлар қамашсин, деган соғинч ила айни номда тўхталдим. Дунё янгилашиши учун эса ўтмишдан бохабор бўлмоқ керак.

Китобда, асосан, яқин ва узоқ ўтмишнинг фожеалари, дунёга хавф солиб турган ғарб маънавий-ахлоқий таназуллари ҳақида гап боради. Бус-бутун давлатлар, миллатлар пароканда бўлишига сабаб бўлган омиллар ҳақида оғриқ билан қалам йунар эканман, ният ўша: тарихни билишимиз керак. Тарих – кўзгу, тарих – устоз. Ундан хулоса чиқармоқ учун эса инсонга алқ-заковат берилган. Зеро, бир шоиримиз айтган дек, "Юзма юз турибди ўтмиш ва бугун"

Китобга киритилган аксарият мақолалар интернет тармоғидан олинган маълумотлар асосида ёзилди. Шунингдек, ундан таржима қилинган мақоллар ҳам ўрин олган. Демак, ёзмишлар бадиий тўқима нарсалар эмас.

Тўпламга "Янги дунё" дея ном берилишида китобхонлар оламига мухлис эмас, муаллиф сифа-

*тида қадам қўйилаётганига ишора ҳам бор. Турган гап, қадамимиз хайрли бўлишидан ва яна янги китоблар орқали сиз азизлар ила дийдорлашмоқдан умидворман.*

*Эҳтиром ила,*

*Муаллиф*

## ЯНГИ АВТОРИТАР ДУНЁ

Демокаратияни энди ҳеч ким яхши кўрмай кўйди.

Демократия глобал инқирозни бошидан кечирмоқда.

Фуқаролар эркинлиги ва турли мамлакатлар ҳукуматларининг қанчалик демократ экани ҳақидаги кўрсаткичлари ҳақидаги Freedom Hous рейтингига ишонадиган бўлсак, кейинги саккиз йил ичида дунёда демократия салоҳияти анча камайиб кетган. Унга кўра Россия, Кения, Таиланд ёки Аргентина каби ўз минтақаларида кучли таъсирга эга мамлакатлар “халқ ҳокимияти”дан анча узоқлашиб кетаётгани маълум бўлади. Democracy in Reverse (“Демократиянинг чекиниши”) китобининг муаллифи Жошуа Курланцик ҳозирги ҳолат XX асрнинг 30 йилларига ўхшайди, деб ёзади. Бунинг сабаблари кўп. Бироқ шундай бўлса-да, уларни учта гуруҳга ажратса бўлади:

учинчи мамлакатларда демократиянинг таназзули;

евроосиёдаги авторитар тузумларнинг кучайиши;

демократия учоғи ҳисобланган Ғарбда демократияга бўлган ишонч инқирози.

### *Демократик фетиш ва таназзул*

Демократиялаштиришнинг учта тўлқини тилга олинади одатда. Биринчиси – эгалитар бошқарув. Бу АҚШда бошланган, XIX асрга келиб, бу тўлқин Ғарбий Европани ҳам қамраб олди. Иккинчиси – Гитлерга қарши коалициянинг Иккин-

чи жаҳон урушидаги ғалабасидан сўнг бошланди. Учинчиси эса коммунизмнинг йиқилиши билан боғлиқ. Кўпчилик "Араб баҳори" билан тўртинчи давр бошланмоқда, дея ўйлашди. Ҳар бир тўлқиндан сўнг табиий орқага қайтиш ҳам кузатилди. Шунингдек, автократиянинг ўзига хос қарши тўлқини ҳам кўзга ташланди. XX асрга келиб, янги замонавий авторитар ва тоталитар тузумлар ҳам пайдо бўлди. Юқорида зикр қилинган назарияга кўра, ҳар қайси янги демократик тўлқин катта-катта ҳудудларни қамраб олиши, аксил ҳаракат эса аҳамиятсиз бўлиб бориши керак эди. Бироқ:

Аввало, Либерал демократияни савдо-тижоратни эркинлаштириш билан боғлаб, учинчи оламга барча кулфатлар панацеяси сифатида реклама қилинди. Аммо эътиборга олинмадики, иқтисодий ва цивилизацион сакрашлар автократик ва демократик давлатларда бирдек рўй беради.

Натижалар узоқ кутилмади. Турган гап, иқтисодий ҳолат унганмади, умидлар пучга чиқди ва коррупция даражаси юқорлаб борди. Мамлакат раҳбарлари ва локал элита иқтисод устидан назоратларини йўқота бошлади. Чунки валюта курслари эркинлашди, ишлаб чиқариш корхоналари эса чет эллик сармайдорларга сотилиб кетилди.

Курланцикнинг таъкидлашича, шавфқатсиз авторитар тузумларга қараганда демократиялаш жараёнида коррупция даражаси юқорига кўтарилган. Чор Россиясида вилоятлардаги мансаб эгалари ўзларини ўзлари моддий таъминлаганлари каби диктатурадаги коррупция норасмий солиқ каби эди. Демократиялашнинг дастлабки босқичида коррупция даражаси ошди, давлатнинг муҳим бўғинларини қамраб олди. Бунга асосий сабаб – ўша даврда ҳали ҳуқуқий давлат



асослари шаклланиб улгурмагани ҳамда олигарх ва мансабдорларнинг карнай иштаҳаларини жиловлашга қодир кучли диктатор ҳокимияти йўқ бўлиши билан изоҳланади.

Коррупциянинг гуллаши, барқарорсизлик, иқтисодий инқирозлар бугунги кунимизда кўпинча янги деморатиялашган оломоннинг аввалги инқилобдан сўнг дарҳол кучаларга чиқишига олиб келади. Бундай сценарийларни Украина, Миср, Таиланд ва Лотин Америкасининг бошқа кўп мамлакатлари мисолида кўрдик.

Маълум нуқтада, урта қатлам вакиллари амалга ошириб бўлмайдиган ваъдалардан келиб чиққан навбатдаги тартибсизликлардан хавотирлана бошлайди. Ҳатто, кичик тадбиркорлар ва эркин касб эгалари аввалги тўнтаришни қўллаб-қувватлашган бўлса, биров вақт ўтиб, ҳукумат тепасига диний фундаментализмга кўп мурожаат қиладиган ёки инқилоб шиорларидан бўлган “бойликларни қайта тақсимлаш” тарафдори бўлган популистлар келиши эҳтимоли камайиб бораверади. Яқин орагача демократиянинг таянчи ҳисобланган урта қатлам эса ҳарбий бошқарув ёки катта-кичик диктаторларнинг нодемократик равишда барқарорликни таъминлашига ён боса бошлади. Миср мисолида айтадиган бўлсак, айнан шифокорлар, ўқитувчилар ва савдо расталарининг соҳиблари Муҳаммад Мурсийни ҳарбий хунта ағдариб ташлаганидан хурсанд бўлдилар. Ҳолбуки, Муҳаммад Мурсий демократик йўл билан энг паст табақа вакиллари ҳамда исломий ҳаракат фаоллари қувватлаши натижасида давлат тепасига келган эди.

Урта табақанинг демократик йўллар билан сайланган раҳбарга қарши норозиликлари фақт

Мисргагина хос эмас. Бунга ўхшаш ҳодислар Филиппин, Венесуэла, Боливия, Кения, Таиланд ва Тайванда ҳам содир бўлди. Бутун дунёда сиёсат сайлов кутилари олдида эмас, балки кўчаларда қилинмоқда. Намойишчилар эса демократиянинг кенгайиши эмас, балки тартиб ўрнатиш эвазига торайишини талаб қилишмоқда. Курланцик бу ҳолатни ўрта табақа исёни деб атайди.

### *Шарқнинг қора рицарлари*

Бироқ булар замонавий демократиянинг ягона муаммолари эмас. Дунёнинг жуда кўп минтақларидаги иқтисодий муаммоларга Россия ва Хитойнинг таъсири сезиларли даражададир. Ҳатто сиёсий адабиётларда “қора рицар эффекти” деган тушунча ҳам пайдо бўлди. Путиннинг қатъий ва эффектив армияси ёки Хитойнинг иқтисодий қудратидан бугун кўпчилик ҳайратда, ҳатто Ғарб ҳам. Уларнинг сиёсати Белоруссия, Туркменистон, Муғулистонга таъсири ҳақида-ку, гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Хитой модели муваффақиятини глобализация мантиғи билан изоҳлаш мумкин. Бу ҳолатларда сиёсий ҳукуматдан қисқа вақт ичида жамоатчилик билан маслаҳатлашмай мураккаб масалаларни ечиши учун фавқулотда қарорлар қабул қилиш талаб этилади. Авторитар тузумлар эса, бунга ўхшаш нарсаларни демократия ҳукмрон тузумлардан кўра аъло даражада уддалашмоқда. Мисол қилишга арзийдиган ҳолатлар кўп. Айни вақтда Хитой дунёда энг катта валюта заҳирасига эга мамлакатдир. Пекин осонлик билан қўшни мамлакатлар иқтисодини қўллаб қувватлаши учун катта миқдордаги кредитлар бериши, кенг

миқёсда сармоялар киритиши мумкин. Бу ёқда Америка иқтисоди Конгрессда тасдиқлаб қўйилган сарф-ҳаражатлар масалалари бўйича даҳанаки жанглар билан овора.

Бунга фақат Хитойгина мисол бўла олмайди. Сингапур ҳам бор. Туғри, у вақти-вақти билан кўз-кўз қилиш учун сайловлар ўтказиб туради, бироқ амалда мамлакат машҳур Ли Куан Юнинг авлодлари (ҳозирги Бош вазир унинг ўғли)нинг авторитар бошқаруви остидадир. Демократия билан эксперимент қилаётган Ироқ ёнида барқарор ва ўз вазифаларини яхши адо қилаётган Эрон турибди. Ўз навбатида Ғарб тарафидан ташлаб қўйилган ва Путин томонидан маҳв қилинаётган Украина ҳам яқин орада авторитар Белоруссияга ҳавас қилишни бошласа керак.

Авторитар тузумлар пассив эмас. Улар заиф бўлган демократик тузумларни ағдаришга, нодемократик ҳукуматларга молиявий ва ҳарбий ёрдам беришмоқда. Инқирозга дуч келган Украинада Виктор Янукович Россия ҳамёнига қўл чўзган эди. Бу ҳамён эса ҳеч қандай шартларсиз уларга очилиши керак эди, бироқ инқилоб рўй берди. Энди Россия Донецк, Харьков, Луганск ва Оддесадаги кремлпараст кучларни боқишига туғри келяпти. Ўз навбатида Африканинг диктарорлари Ғарбнинг демократик ваъз-насиҳатларсиз Хитой сармоялари билан осонгина ҳамёнларини тўлдириб олиш имкониятига эга.

Ширин сўз таъсир қилмаган тақдирда қамчи ишга тушади. Украина шарқий чегараларидаги муаммолари туфайли Европа иттифоқи ва НАТОга аъзо бўлиши шубҳа остида қолди. Бу – демократиялаш тадбирларига салбий таъсир қилади,

деганидир. 2008 йили айнан шундай ҳолат Гуржистонда ҳам рўй берди. Хитой ва Тайван масалалари ҳам худди шуларга ўхшашдир.

Нодемократик мамлакатларнинг осон ва сурбетларча ўта эффектив ташқи сиёсат юритаётганини кўрган, баъзи ғарб таҳлилчилари совуқ уруш мантиғига асосланган “Бизнинг диктаторларнинг диктаторидан афзал” қобилида ҳаракат қилишга тушиб қолиши ҳолатлари ҳам кўзатиш мумкин. Шунга ўхшаш ёндашиш Мурсийни афдарилганидан сўнг миср-америка муносабатларининг норасмий доктринасига айланди. Америкалик таниқли журналист ва сиёсатшунос Фарид Закария ўзининг “The Future of Freedom: Illiberal Democracy at Home and Abroad” китобида ёзишича, “либерал конституционализм”га ўхшаган нарсаларга ишонган маърифий олигархия либерал бўлмаган, бошқача фикрлайдиган ва демократик озчиликни таъқиб қиладиганлардан кўра яхши вариант экан. Масалан, Ҳиндистон ва Покистон ҳеч келиша олмайди, чунки уларда демократия жуда кўп (яъни, демократия кам эмас). Хуллас, улар учун демократияси камроқ бўлган ҳукумат фойда келтирар эмиш.

Закарияни ўқиган одам ҳиндистонлик муслмонларни ёки покистонлик ҳиндуларни қирғин қилиниши ҳамда Мисрнинг “Ихвонул Муслимийн”нинг ҳаракатларигина уни қизиқтирадими ё йўқ – тушуниш мушкул. Мухолиф сиёсий кучларни бўғишга хизмат қиладиган олигархияни қўллаб-қувватлаш нимага олиб келади? Мамлакатга ғарб сармоядорлари қизиқишини таъминлашига хизмат қилмоқда, халос.

## **Ғарбдаги демократиянинг дрейфи**

Қизиғи шундаки, учинчи дунё давлатларида демократлаштириш жараёнларини олиб бо- раётган институтларга ишончсизлик ошиб кетган учун бу масалада Ғарбнинг ўзида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Бир-биридан фақат номигина фарқ қиладиган партия аъзоларининг сони йилдан-йилга камайиб кетмоқда, сайловларда қатнашиш фаоллиги ҳам энг паст кўрсаткичга тушиб кетган. Айни шу вазиятда бюрократ амалдорларнинг АСТА (The Anti-Counterfeiting Trade Agreement – Қалбаки маҳсулотларга қарши савдо келишуви) розилиги билан оддий инсонларнинг фикрлари инобатга олинмасдан турли қарорлар қабул қилиши ажабланарли ҳол бўлмай қолди. Натижада Болгариядан бошқа Европа иттифоқининг барча мамлакатларида сунгги етти йил ичида Европа реконструкция ва таррақиёт банки тарафидан баҳоланадиган демократияга бўлган ишонч анча тушиб кетди. Словакия ва Венгрияда бу тушиш 20 фоизни ташкил қилади. АҚШ конгресси ҳам ўз тарихида илк бор энг паст қўллаб-қувватланиш кўрсаткичларига дуч келди. “Демократия Ғарбдан Шарққа қараб тарқалади”, деган баландпарвоз шиорлар ҳам йуққа чиқмоқда. Freedom House маълумотларига кўра, Европа иттифоқининг янги аъзо мамлакатларда сунгги ун йил ичида сайловлар шаффофлиги хиралашди...

Ғарбда, Осиё ва Америкада бўлгани каби, сиёсат кўчага кўп чиқадиган бўлиб қолди. Жошуа Курланцик намойишда иштирок этган ёш испаниялик қиздан иқтибос келтиради: “Ота-оналаримиз ўзларига сайловларда овоз бериш ҳуқуқи

берилганидан ўта миннатдор бўлишган эди, биз эса сайловларга бориш маъносиз дегувчи биринчи авлодмиз”. Ёш италиялик сўнгчилар ҳаракатининг пешвоси президент Жоржо Наполитано ўзбошимчалик руҳида учинчи марта “техник” бош вазирни тайинланганидан сўнг Беппе Грилло ҳам шунга ўхшаш фикр билдирди. Грилло Маттео Ренцининг бош вазир лавозимга тайинланганидан сўнг ҳукумат раиси ва демократиянинг ўзига умуман ишонч қолмаганини қайд қилиб қўя қолди.

Шунинг билан бирга италияликларни, токи ҳукумат шиддатли испан инқирозидан қочишни уddалаётган экан, давлат бошқарувидаги навбатдаги ўзгаришлар у қадар хавотирга солаётгани йўқ. Америкалик тарихчи Пол Рей бундай ҳодисани токвилл (toqueville) – юмшоқ мустабидлик йўналишининг демократия дрейфи, деб айтди. Ҳамда мазкур дрейф (оқим билан кўчиш) Ғарбда коммунизм қулаганидан сўнг бошланганини айтди. У бундай деб ёзади: “Тулиқ устунликнинг либерал демократия орқали кўкқисдан муваффақият қозониш” “энг зўр вазиятда – эҳтиёткорона оптимизм билан, энг ёмон вазиятда эса – лоқайдлик билан” кутиб олинган. Аммо, айти дамда шундай ҳолатга етиб келдикки, унда Рей ёзган “зерикиш” ўрнини баджаҳллик, керак бўлса, ноумидлик эгаллаб олган. Оврўпаликларнинг ёш авлоди на тулиқ ҳурриятга, на моддий барқарорликка, на маълум бир жойдаги жамоатчилик ва оила миқёсидаги пухта алоқаларга эга.

## ҚАЁҚҚА КЕТЯПМИЗ?

“Компютерчи” эканимни кўпчилик яхши билади. Шу баробарида “технологияларни ўлгудек ёмон кўраман”, десам ҳайрон бўлишлари табиий. Балки ошириб юборарман? Эҳтимол. Бироқ ростиям шу: технологияларнинг ҳаётимизга қай шаклда кириб келиши ғашимни келтиради!

Одам тўла кўчадан сайр қилган бўлсангиз, мен нима ҳақида гапирётганимни яхши тушунасиз.

Кейинги уч-тўрт йилда атроф – оламдан узилиб, смартфонлар “ичига кириб кетганлар” кўлайиб кетди. Ижтимоий тармоқларга фарқ бўлаётганлар сони соатма-соат кўпаяётганини инкор этмасиз, ахир?!

Мени нотўғри тушунманг, технологиялар – бу улкан имконият. Бу имкониятдан самарали фойдаланиш керак, уларга қўл бўлиш эмас. Биз эса...

“Телефон зомбилари” жамиятига айландик ва экранларга бош эгиб, ниҳоясиз ва бемаъно ахборот истеъмолчиларига айланаётимиз.

Фақат бизми? Pew Internet томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, АҚШдаги катта ёшдаги аҳолининг 56 фоизи смартфонларга эга. Бу жуда кўп миқдорни англатади. Улар исталган вақтда интернетга кириш имкониятига эга. Шунинг ўзиёқ суистеъмолликлар учун шароит туғдиради, бироқ боғланиб қолишнинг ўзаги – биз ўз қурилмаларимизда нима билан банд бўлишимиздир. Apple, Samsung ва HTC каби компаниялар сиз қандай қурилмалардан фойдаланишингиз учун курашаётган бир пайтда, бунданда муҳимроқ нарса – сизнинг диққат-эътиборингиз учун бел-

лашаётган компаниялар ҳам талайгина. Бундай компанияларнинг кўплари реклама орқали даромад кўришади, улар сизнинг иловаларидан имкон қадар кўп фойдаланишингиздан манфаатдор. Facebook, Twitter ёки Buzzfeed каби компаниялар ҳақида уйлаб кўринг. Булар даромадлари ўз фойдаланувчиларининг қизиқишига пропорционал тарзда ўсиб бораётган компаниялардир. Муаммо шундаки, бизнинг диққат-эътиборимизни жалб қилиш – жуда ҳам осон вазифа. Буни улар тўлиқ назоратига ола билдилар.

Кўп эҳтимолга кўра, кўлингизда ёки кўлингиз етадиган жойда Интернет билан боғланган қандайдир ускуна бор. Мазкур ускуна доим шай бўлиб, қандайдир муҳим воқеа ёки сизга тегишли бирон нарса бўйича овоз чиқариши, зирллаши, хуллас, сизга хабар қилиши мумкин. Сиз эса истаган вақтингиз ўша хабар билан дарҳол танишиб чиқишингиз ёки уни ўчириб юборишингиз мумкин. Бунинг устига молиявий тарафдан сизни доим ускунангиз билан боғлиқ ҳолда ушлаб туришни ҳамда бунинг орасида рекламаларини кўрсатишни истайдиган компаниялар бор. Ҳолат шу тарзда давом этар экан, телефонларга муккасидан кетган жамиятга айланиб бораётганимиздан ажабланиш керакми? Диққат-эътиборимизни кундалик турмушдан кўра, айнан ахборот чиқиндилари ва тезоб кўнгилочарликлар манбаи саналган қимматбаҳо мобил телефонлари ўзига қаратиб олди, дея ишонч билан айта оламан. Ярим дақиқа зерикиб утиргандан кўра чўнтакдан телефонни чиқариб, “прикол” гифка (уяли телефонга жойлаштириладиган gif форматдаги расм) устидан кулган яхши эмасми? Реал одамлар



ва реал ҳаётдан завқланиб яшаш ўрнига, доимо телефонларидан кўнгилочарликлар излаётган ва интернетга қарам бўлиб қолган одамлар жамиятига айланиб қолмоқдамиз.

Менга кўра, муаммонинг ечими икки қисмдан иборат. Биринчи – биз ўзимиз. Агар юқорида зикр қилган ҳолатларда ўзингизни кўрган бўлсангиз, интернет ва телефондан қандай фойдаланаётганингиз ҳақида бир ўйлаб кўринг. Кейинги сафар телефонингизни қўлга олаётганингизда сизни бунга нима мажбур қилди, шу ҳақида бир ўйлаб кўринг. Наҳотки, сабаб шу қадар жиддий бўлиб, у сизни атрофда бўлаётган нарсалардан чалғита олса? Мен танишларим ва дўстларим билан учрашганимда телефонларини яшириб қўйишларини илтимос қиламан. Яқинда дўстларим билан учрашганимда уларнинг телефонларини олиб қўйдим. Аввалида бу ишим ёқмади. Кимдир буни билдирди, кимдир “оғирроқ” бўлишга тиришди. Кейин... аста-секин суҳбатимиз кўр еди, мириқиб гаплашдик. Турар эканмиз, кўплар агар телефон бўлганда бунчалар мириқиб ўтира олмаслигини тан олишди. Агар сиз ҳам мен каби ишни амалга оширмоқчи бўлсангиз, бунинг эвазига сизга нисбатан нафрат ўйғониб қолмаслигига тўла амин бўлинг. Чунки бунинг учун сизни тириклайин “ёб қўймоқчи” бўлганлар ҳам топилиб қолади.

Агар сиз одамни телефонида маҳрум қилишнинг агрессив бўлмаган йўлини қидираётган бўлсангиз, “Телефон минораси” ўйинини (The Phone Stacking Game) ўйнаб кўринг. Кафе ёки чойхонада дўстларингиз билан ўтирадиган бўлсангиз, телефон экранларини пастга қаратиб, уларни дастурхон ўртасига тахлаб қўйинг. Ким биринчи бўлиб

“минора”дан телефонини оладиган бўлса... ўша ҳамма харажатни тўлайди. Бу қизиқ ва энг муҳими, ҳеч ким сизни “томи кетган”, “жинни” деб айтмайди.

Сўнггиси – агар менга ишонмасангиз, ўзингиз бир синаб кўринг. Телефонингизни бир соатга, бир кунга ўчириб қўйишингиз керак. Бор диққатингизни атрофингиз, оилангиз, дўстларингиз ва ишларингизга қаратинг. Телефон таклиф қилган нарсалардан кўра вақтингизни анча кўп фойдали нарсага сарф қилганингиздан мамнун бўласиз. Қора экранчаларни тарк қилар эканмиз, биргалликда атрофимиздаги оламни янада гузал қилишга ҳисса қўшамиз, ишонаверинг.

## ҚИЁФА

“...Авторитар режимнинг энг хавфли шакллари-дан бири фашизмдир. Фашистик режим XX асрнинг 30-40 йилларида ғарб мамлакатларида (Германия, Италия) пайдо бўлиб, у ерда мавжуд бўлган демократик ҳуқуқ ва эркинликларни йўққа чиқарди, муҳолиф партия, ташкилотларни террористик усулни қўллаб янчиб ташлади. Фашизмга ижтимоий асосни ҳокимиятга интилувчи кучлар ва алданган ишчи ва деҳқонлар қатлами яратдилар. Фашистик режимлар пайдо бўлишига жамиятнинг ичида ижтимоий-синфий зиддиятларнинг кескинлашуви, ҳукмрон синфнинг сиёсий ҳокимияти инқирози сабаб бўлади. Инқирозлар натижасида ҳукмрон табақа ўз ҳукмронлигини лаберал-демократик усуллар орқали таъминлай олмайди, шу сабабли ҳокимиятни қўлдан бой беришдан қўрқиб террористик усулларни қўллашга ўтади. Уларга мисол қилиб, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши олдидаги Германия ва Италиядаги фашистик режимларни кўрсатиш мумкин. Бу мамлакатларда мавжуд бўлган фашистик режим хусусиятларига қўйидагиларни кўрсатиш мумкин: аҳолини кам таъминланган қатламни ҳимоя қилишни руқач қилиб бошқарувда репрессив усулларини қўллаш; оммавий ахборот воситалари орқали ғайрикоммунистик ва ғайрисемит ғояларни тарғиб қилиниши; халқ фаровонлиги учун ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги ёлғон шиорларни тарқатиш; фашист раҳбарлари сиёсатига қарши бўлганларга давлат миқёсида кураш олиб бориш; ҳукмрон доираларнинг армия, полиция ва бошқа репрессив

19/3  
17

кучларга таяниши; Германия ва Италия фашистларининг йўлбошчиларининг дахлсизлиги доҳийликка даъвогарлиги ва ҳоказо...

Юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, фашистик режимнинг яна бир қатор ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Улардан энг муҳими – ижро этувчи ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ҳокимиятдан мутлоқ устунлигидир. Ижро этувчи ҳокимиятнинг мутлоқ устунлиги “туб ислохотлар”ни ўтказиш, “миллат бирлиги” учун курашиш, “ҳақиқий” демократияни ўрнатиш, қонунийлик ва адолатни тантанаси учун курашиш каби шиорларни ўртага ташлаш билан таъминланди. Бунда парламент фаолият юритишни тўхтатади ва сиёсий жиҳатдан бетарафлашади. Парламент ўзининг қонунларни яратиш ваколатидан маҳрум бўлади.

Конституциявий ҳуқуқ.  
“Энциклопедик луғат”дан

Сўнгги йилларда Ғарбда фашизм бош кўтармоқда, дейилмоқда. Айниқса, Украина атрофида бўлаётган ҳодисалар соясида турли оммавий ахборот воситаларида қарама-қарши тарафлар бир-бирларига айтиш шунисидан ўзгасини раво кўрмаётир. Бундай айбловларда нечоғли ҳақиқат унсурлари бор?

Эътиборларингизга ғарблик бир олимнинг илмий тадқиқотни тақдим қиламиз. Фашизм аломатлари ва унга бўлган мойилликни англаб олишга ёрдам беради, деб умид қиламиз.

Британиялик доктор Лоренс Брит Гитлер (Олмония), Муссолини (Италия), Франко (Испания), Сухарто (Индонезия) ва Пиночетларнинг (Чили) фашистик тузумларини ўрганиб чиққан. Унинг

хулоса қилишича, барча фашистик тузумлар ун тўртта умумий аломатга эгадир. Мазкур аломатлар эса фашизм хусусиятини ташкил қиладди. Олим тадқиқот натижаларини Американинг гуманитар журнали "Free Inquiry"нинг сайтида (2003 йил) "Кимгадир фашизм керакми?" номи остида чоп қилган.

*Демак, Лоренсу Бриттга кура фашизмнинг 14 та аломати:*

**1. Кучли ва давомли равишда миллатчилик.** Фашистик тузумлар доим миллатчилик шиорлар, тимсоллар, қушиқлар ва ҳоказолардан фойдаланишади. Байроқлари, ундаги белги-тамғаларни жамоат жойларида кўриш мумкин бўлади.

**2. Умумтан олинган инсон ҳуқуқларини паймол қилишади.** Душмандан кўрқиш ва хавфсизликни таъминлаш баҳонасида "зарурат" учун инсон ҳуқуқларига амал қилмаса ҳам бўлади, деб уқтиради. Одамларни "ўзгача" фикрлашга мажбур этишади. Хур фикрли (улар наздида – бузғунчи) инсонларга нисбатан зўравонлик ёки узоқ муддатда ҳибсда сақлаш ва шунга ўхшаш чораларни ижобий ҳолат, дея даъво қилишади.

**3. Душманни аниқлаш, гуноҳларни ювадиган қурбонликлар бирлаштирувчи асос сифатида.** Фашистик тузумларда халқлар умумий хавф ёки душманга (ирқий, диний ёки миллий озчилик, либераллар, коммунист, социалист, террорчилар ва ҳоказоларга) қарши кураш учун ватанпарварлик руҳидаги ҳаракатларда бирлашадилар.

**4. Ҳарбий ва куч ишлатар тизимларга хос мавқе беради.** Куч ишлатар тизим ва ҳарбийларга давлат бюджетидан кўп миқдорда пул ажратилади, ички муаммолар эса ҳал бўлмай ётаверади.

Тарғибот воситасида ҳарбийлар ва ҳарбий хизмат ҳақида ижобий тасаввур ҳосил қилдирилади.

5. *Аёл ва эркакнинг ҳуқуқий тенгсизлиги.* Фашистик ҳукуматларда эркаклар кўп бўлиб, аёлларга йўллар тўсилади.

6. *ОАВлари устидан назорат.* Улар бевосита ҳукумат тарафидан ёки билвосита ҳукуматга ҳамтавоқ бўлган журналистлар тарафидан назорат қилинади. Цензура жорий қилинади, айниқса, ҳарбий ҳаракатлар даврида у жуда кучайтирилади.

7. *Васваса.* Хавфсизликка ҳаддан ошиқ эътибор қаратилади — бунда кўрқувдан баҳона восита сифатида фойдаланган ҳолда оммани босиш, эзиш учун фойдаланилади.

8. *Дин ва ҳукумат одамлари бир-бирлари билан чатишиб кетади.* Ҳукуматлари ижтимоий фикрни бошқариш, назорат қилиш учун диндан ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади. Ҳукумат пешволари диний риторика ва истилоҳлардан кўп фойдалана бошлайди. Диннинг асослари ҳукумат сиёсати ва қилаётган ишларига зид бўлса ҳам.

9. *Корпорациялар ҳимояси.* Иқтидорга кўпинча саноат ва тижоратдаги йирик зодагон вакиллари олиб келади, шунинг учун ҳукумат элитаси билан яхши ва ўзаро фойдали муносабатлар ўрнатилган бўлади.

10. *Касаба уюшмаларининг камситилиши.* Реал хавф соладиган ягона куч бу – касаба уюшмалар бўлгани учун уларни умуман йўқ қилиб юборишади.

11. *Санъат ва маърифат буғилади.* Кўпинча зиёлилар таъқибга учрайди. Санъаткорлар ўз ғояси, дунёқарашини эркин ифода эта олишмайди.

12. *Жиноят ва Жазо ғоясининг бурттирилиши.* Полиция чекланмаган ҳуқуқга эга бўлади.

13. *Тийиқсиз таниш-билишчилик ва коррупция.* Ҳуқумат таниш-билиш ва шериклар асосида бошқарилади. Кўп ҳолларда ҳуқуматдаги пешволар давлат ресурслари ва хазинадаги бойликларни ўзлаштириб олади, халқ бойлигини талон-тарож қилади, ўғирлайди.

14. *Кучли “сценарий” асосида ўтказиладиган сайловлар.* Бунда муҳолифатдан бўлган номзодларга нисбатан туҳмат кампанияси бошлаб юборилади. Қонунлар, ОАВлари каби ресурслар фақат улар учун ишлайди. Кўп ҳолларда ҳийла-найрангни ниқоблаш учун суд тизимидан унумли фойдаланади.

\* \* \*

Италиялик машҳур семиотик олим ва ёзувчи Умберто Эко ҳам ўзининг “Абадий фашизм” деб номланган илмий асарида фашизмнинг қуйидаги аломатларини кўрсатиб ўтган:

– анъаналарга ҳаддан ошиқ эътибор, эҳтиром (анъаналар култи);

– билимни ривожлантиришга тўсқинлик;

– модернизмни қабул қилмаслик;

– иррационаллик;

– жамиятдаги зиёлиларга нисбатан шубҳа;

– уз ғояларига қушилмасликни сотқинлик деб баҳолаш;

– ирқчилик;

– қандайдир иқтисодий ёки сиёсий инқироздан жабр кўрган ёки қандайдир хавфдан хавотирда бўлган ўрта синфга суяниш;

– миллатчилик;

– фитна;

- ҳаёт учун кураш йўқ, бунинг ўрнига кураш учун ҳаёт суриш бор;
- заифларга нисбатан нафрат;
- “Биз ҳаммадан яхшимиз”, деган популистик шиорлар;
- доимий равишда ўтказиб келинадиган ҳарбий ўйинлар (ва парадлар);
- “Чириб кетган парламент демократияларига” нисбатан нафрат.



## ИНҚИРОЗЛАР КИМГА КЕРАК?

Кўпчилик тинчлик, тараққиёт, тенгликни истайди, деган фикрда. Бироқ бундай қараш воқеъликдан қанчалар узоқ десак, ишонасизми?!

“Цивилизациялашган” деб аталувчи дунё демографик инқирозни бошидан кечираётгани сир эмас. Айниқса, Ғарбда! Ватанларида кун сайин кўпайиб бораётган лотин америка вакиллари, араб ва хитойликларга нисбатан нафрати кучаяётганлар қанча?! Айримлар эса одоб-ахлоқ ва диний қадриятларга мурожаат қилиб, абортлардан воз кечиб, кўпроқ бола туғиш кераклигини айтишмоқда. Бироқ бугунги инқироз моҳияти ксенафобия ва этнослар орасида сиёсий зиддиятларнинг ошишида эмас. Гап бошқа тамонда. Америка, Япония, Европа ва Россия каби мамлакатларда мухожирлар учун тўсиқ сақланиб қолинса ҳамда ксенофоблар ёлиб бўлишса, маълум вақт ўтиб, ҳар бир ишлайдиган одамга икки-уч ишламайдиган (бундан ҳам кўпроқ) одам туғри келади. Жамият ёшларга қарши бўлиб қолган бўлса, айниқса бегона “ирқ”га мансуб мухожирларга нисбатан кучли нафарат бўлса, нима қилиш керак? Сайловларда овоз берувчи нафақахўрлар сиёсий тизимни гаровга олиб, фарзандлари ва невараларини уларга муносиб қариликларини таъминлашга мажбур этишади.

Ҳамма нарсани муҳаё қилишни талаб қилаётган авлод ҳақида ёшлар нима деб ўйлашар экан-а? Булар – истеъмолчилар даврининг авлодидир.

Булар қишлоқлардан келиб саноат даврини барпо қилганларнинг авлодлари.

Булар ёшлигида на депрессияга дучор бўлган, на урушни кўрган, шу сабаб танбалликка ғарқ бўлганларнинг ўғил-қизлардир.

Булар уй сотиб олишни ёки текинга уйлик бўлишни, бунинг устига қўшимча телевизор, гилам, музлатгич ва автоулов, сўнг эса дала ҳовли ёки шаҳар ташқарисидаги коттежларни орзу қилганлардир.

АҚШ ва Россия, Олмония ва Британияда ҳам аҳвол таҳминан шундай бўлган. Фарзандлар-чи? Фарзандлар – улар учун ортиқча сарф-ҳаражат! Уларнинг наздида фарзанд – ишлашга ва пул топишга, мансаб пиллапояларидан кутарилишга, яхши дам олишга халақит қиладиган омил.

XX асрнинг иккинчи ярмидаги авлод фарзанди жонга тегмаслиги учун ҳаракат қилиб яшашган. Бу авлод умр мобайнида истеъмолчи бўлиб келган: мудом ўзлари ҳақида қайғуриб, келажак авлод учун ҳеч нарса қилмаган, уларни уйламаган. Ва бу истеъмолчилар – қўллари нимага тегса, вайрон қиладиганлар, аждодлари қуриб кетган нарсаларни ҳам еб битирганлар, ҳали кўрасиз – яқин келажакда “қариганимизда фарзандларимиз бизларга қарашмаяпти”, деб дод-вой қилишади...

Ялтироқ журналлар истеъмолчилар жамиятининг муҳим белги – нишони бўлиб, фойдали маълумот бериши ёки хордиқ чиқариш учун тарқатишмайди. Масалан, аёлларга тегишли журналларни косметика, гигиена, либослар, хуллас, ҳашаматли ҳаёт учун маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи турли хил компаниялар қўллаб-қувватлайди ва молиявий ёрдам бериб туришади. Нега? Аввало, уларга никоҳи бузилганлар керак. Сўққабошларни сизлар доим гўзал ва ўзингизга муносиб

жуфт излашингиз ва муносиб яшашингиз лозим, деган даъватга лаққа тушириш осон-да. Қараб-сизки, ёш кўриниш учун аямай сарф-ҳаражат қилишга тушади. Қарабсизки, фарзанд тарбиясидан кўра, “чарчоқни қолдирувчи кремлар” ёки ёшартирадиган шампунлар хаёлини қамрайди. Шу йўл билан маҳсулот ишлаб чиқарувчи фирмаларнинг мижозлари кўпаяди. Бундан 50 йил олдин бунга ўхшаш фирмаларнинг нигоҳи фақат ёшларга, аниқроғи, ёшларнинг бой қатлимига қаратилган эди. Ҳозир эса 60 ёшлик тентак аёллар ҳам уларни ўқийдилар ва навбатдаги лифтинг-кремларни сотиб оладилар. Бу бахтиқаролар эвазига кимдир мўмай пул ишлаб оляпти. Улар қандай қилиб ўзига тез жуфт топиши ва сўнг... қандай қилиб ундан тез қутилиши, қандай қилиб мансабга миниш ҳақидаги “доно” маслаҳатларни ўқишади.

Ун-ун беш йил ўтгач, ёзини ўтказиб юборган ниначи мисол йилларни беҳудага совурганини тушунишади. Бироқ энди кеч. Нима қилади? Ёрдамга муҳтож нигоҳларини давлатга қаратишади-да. Улар тиббий хизматлар, нафақалар учун кафолатлар талаб қила бошлашади, чунки вақтида эътибор қилмаган фарзандлари бугун уларнинг талабларини қондира олмаяптилар. Қарилик ҳақида фикр қилмаган, енгил-елпи яшаб юрган оталарга ҳам бу гап тегишли.

Туғри уларнинг таъминоти масаласида муайян чоралар қўлланаётир, бироқ муаммолардан халос бўла олишмаяпти. Вазиятдан чиқиш учун улар нафақа жамғармалари (пенсия фонди), ижтимоий дастурлар ва турли хил суғурталар ташкил қилинган. Нафақа, суғурта ва турли хил жамғармаларда (фонд) тупланиб қол-

ган маблағларни айланттириш мақсадида уларни турли хил ташкилотларнинг қимматбаҳо қоғозларига тикишди. Бундан ташқари, хусусий тарзда, фуқароларнинг ўзлари ҳам сармоя фондлар ва компанияларнинг қимматбаҳо қоғозларини ҳам сотиб олиш имкониятига эгадир. 1990 йиллардаги жамғарма бозорининг чаққон бўлиб кетиши урушдан кейинги миллионлаб авлоднинг ўз топган-тутганларини олиб келиши билан изоҳланади.

Пул тикишнинг турли усуллари, бизнес режалар ва турли хил жамғармалар мавжуд. Сармоя объектларини танлаб, унга пул тикиш мумкин, баъзи сармоядорларда эса бундай имконият йўқ, улар учун етарли малакага эга мутахассилар барча ишларни қилиб беришади ва ҳоказо. Уйлаб кўринг: жамғарма бозорида мутахассис бўлмаган кимса бирон нарсани танлаши мумкинми? Албатта, йўқ. Шунинг учун ҳам у қўлига нима илинса, шу нарсага борини тикар эди. Балки сиз мутахассис бирон нарсаси билан афзал бўлса керак, деган ҳаёлга боргандирсиз? Йўқ, уларнинг ҳам бирон бир устунлиги йўқ. У йиғилган пулларни максимал даражада сақлаш учун учта чора кўришга мажбур бўлади. Йирик компанияларнинг қоғозларига ("голубые фишки") пул тикиш доим ҳам даромад келтирмаслиги мумкин. Бозор тебранишидан ҳимояланиш учун узоқ муддатга пул тикиш – қисқа ва ўрта муддатда фойдалиқ бўлмаслиги мумкин, лекин узоқ муддат хавфсизроқдир. Умуман олганда, бозор доим ўсиб боради (кам даромадли бўлса ҳам). Ва, ниҳоят, барча нарсани бир сават тухум ичига жойламаса ҳам бўлади, яъни қоғоз тула портфелни: шояд, булар баҳосини йўқатаётганида, бошқалари қимматлашса...

Барча фондлардаги чаққон йигитлар бундан бошқа бирон бир нарсани таклиф қила олишмайди. Шунинг учун ҳам улар ҳаммасини четидан сотиб олаверишади, яъни пулларини кўринган нарсаларга сармоя қилиб ташлашади. Янги иқтисод соҳасида ҳозирча кам даромад олаётган, бироқ вақт утиши билан катта фойда олинади, деган умидда кам даромадли компанияларнинг акцияларини ҳам сотиб олишган. Уша бозордаги қора кўз йигитларни ҳисобга олиб, бозорга турли хил компанияларни олиб кириш бўйича бутун бошли саноат ҳам пайдо бўлди.

Шу нарса аниқки, ҳеч қандай солиқлардан беркитмасдан, балки шаффоф ва барчага маълум тарзда истаган бизнес фаолиятини йўлга қўйиш, уни бозорга, фақат НАСДАК эмас, айнан Нью-Йорк фонд биржасига ҳам олиб чиқиш мумкин. Бунини “Дастлабки, барчага маълум таклиф” деб аташ мумкин ва... сизнинг ҳиссангиз (акцияларингиз) катта пулга сотиб олинади.

Шу тариқа “арзон қимматбаҳо қоғозлар” деган истилоҳ ҳам пайдо бўлди, “Уолл Стрит қироли” ҳисобланган Майкл Милкен уларни “кўп даромадли” деб айтар эди. Бу ҳақиқатдан узоқ эди. Милкеннинг ўзи ҳам инсайдерларнинг маълумотларидан фойдалангани учун тўққиз йилга қамалиб кетди. Нима бўлган тақдирда ҳам ҳар нимага арзимайдиган нарсалар ҳам, аниқса уларни “янги технологиялар” деб аталган “соус” билан қориб тақдим қилинса, акция ва облигация сотиб олувчилар худди очарчилик йиллардаги тансиқ нондек шошиб харид қилишар эди. Компания етарли даражада таниқли бўлиши ва уни бозорга олиб чиқиш, сўнг савдога қўйиш учун унинг ҳисоботлари ҳам

тегишли талабларга жавоб бериши керак бўлади. Бошқа тарафдан, бу қонун талабидир. Харидор-тахлилчиларнинг талаби ҳам шу. Улар одатда компанияни унчалик ўрганмайдилар, фақат молиявий ҳисоб-китобларига қараб қўйишади.

Биз ҳозир ҳисобот тайёрлашдаги қалбакиликлар ҳақида гапирмаймиз, ҳолбуки, бундай воқеалар тез-тез учраб турса ҳам. Қалбаки ҳисобот тайёрлаш қонунга хилоф, Осап Бендер сўзи билан айтадиган бўлсак, “ҳалол” йўллар билан аҳолидан пулларини олиб қўйиш усуллари ҳақида гапирмоқчимиз. Шундай “ҳалол” йўлларнинг бири, яъни қонун доирасидан чиқмайдиган усулларнинг бири, фаолиятни муваффақиятли қилиб кўрсатишдан иборатдир.

Рақамларни таҳлил қилаётганда нималарга эътибор беришади? Устав капитали, айланма пул ва даромадга! Агар сизда икки-уч миллион ва бир нечта бизнесингиз бўлса, унда сиз турли мамлакатларда, турли соҳалар бўйича ўнлаб компанияларни рўйхатдан ўтказиб, улар орасида бир миллион долларни, энг кам миқдордаги даромад устига қўйилган солиқларни тўлаб айлантиришингиз мумкин. Ун марта айландими, мана, сизга айланма маблағ.. Улар бир-бирлари билан қандайдир мавҳум бўлган виртул хизматлар билан ҳисоб-китоб қилишади. Масалан, дастурий таъминот, консалтинг ва бошқа шунга ўхшаш майда-чуйда нарсалар кўп. Бундан ташқари мазкур фирмалар четда бошқа ишлар билан ҳам машғул бўлиши мумкин. Асосийси – айланма маблағ жуда катта бўлиши шарт. Низомда кўрсатилган маблағ? Актив балансга сотиб олинган нархда қўйилади. Ўзингиздан активни жуда қиммат нархда

сотиб олишингиз мумкин. Масалан, компаниян-гизнинг эски ишлаб чиқариш жойини янги компаниян-гизга сотасиз... У эса туланган нарх билан қайд қилинади. Агар мустақил равишда баҳо беришда муаммо пайдо бўладиган бўлса, “косметик таъмирлаш” ўтказиб қўйса ҳам бўлади. Агар қоғозда катта миқдорда пул сарф қилингани кўрсатилган бўлса, ҳеч ким таъмирлашга қанча пул кетганини аниқ айтиб бера олмайди. Миллион долларга патент сотиб олиш мумкин. Аслида эса кашф қилган тараф билан келишиб, яъни унга 100 000 бериб, қолган 990 000 ни қайтариб олса бўлади. Балансингизда эса миллион турган бўлади. Албатта, айтилаётган гапларнинг ҳаммаси но-зиктаъб ва пухта ўйлаб иш қиладиган инвестор-нинг симуляциясига эмас, балки диверсификация учун акция сотиб оладиган ўзаро фонд ходими-га оиддир. Даромад? Шарт эмас! Ҳалигача, миллиард доллар турадиган, энг йирик Интернет компани-ялар даромадсиз ишламоқдалар. Шундай бўлса нима бўпти?! Истеъмомчиларнинг сони маълум нуқтага етганида даромад бўлишига ишонилади. Бунинг устига тармоқ қонуни ҳам бор-ку. Агар сиз телефонга эга бўлсангиз, бундан фойда йўқ, агар иккита телефон бор бўлса, энди кимгадир телефон қилсангиз ҳам бўлади. Телефонлар қан-ча кўп бўлса, телефон станциясига ўхшаш актив-лар ҳам шунча қиммат бўлади... Мана шу тарзда, келажакдаги фойдага умид қилинади. Шунга ўх-шаш компаниялар биотехнологиялар соҳасида ҳам мавжуд. Умуман олганда қандай хай-тек соҳа-си бўйича шундай дейишимиз мумкин. Охир-оқи-бат фойда(даромадни) бор қилиб кўрсатиш ҳам мумкин. Қум сотиб олинади, уни биомахсулотлар

билан тўйинтирилади ва аслида ўзиники бўлган, лекин бошқа бир фирмасига жуда қиммат нархда сотилади. Жуда катта даромад олинади, аниқроғи катта фойда олинган қилиб кўрсатилади. Пулни оффшорда яширмайди, барча солиқ, ҳатто дивидендлар тулиқ тўланади. Нима учун? Жуда чиройлик ҳисобот учун! Шундай қилиб, даромад, айланма маблағ ва сармоёга эга хай-тек соҳасидаги фирма бозорга кириб келади. Унинг акциялари жуда қиммат бўлади. Уларни бир кунда муъжизавий тарзда бойиб кетиш ҳақидаги эртакларни кўп ўқиган нафақа жамғармасидаги йигитлар ва янги шоввоз ўйинчилар талаб кетишади. Шунга қарамай буларнинг ҳаммасини реал бизнес атрофида, яъни қандайдир янги технологиялар асосида шиша ишлаб чиқариш ташкил қилса бўлади. Бироқ асосий фойда олинганидан сўнг ишлар аста-секин орқага қараб кета бошлайди, сармоёдорлар киритган инвестицияси муваффақиятсиз бўлди, деб қўяқолишади.

Тизим айланма ҳолатга келмаган ва бир нарса ни доим айлантириб бўлмайди. Қаердадир реаллик мавжуд бўлиши керак, яъни охири бўлиши лозим. Шундай қилиб, охирини оффшорлар ёки қайноқ нуқталарда яширилади, яъни охирини “ёпиш” учун, маълумот ҳам топиб бўлмайдиган ҳудудларга яширилади. Маҳсулот ва пуллар қаерга кетди? Тайёр маҳсулот Ироқ, Сурия ёки Афғонистонга сотилади, гўё... У ёқда эса, уруш кетмоқда... Ва ҳаммаси туман ичида йўқ бўлиб кетади...

Катта пуллар айлантираётган ва ғирром тижоратга бел боғлаганлар учун қайноқ нуқталар ва инқирозлар ўз кирдикорларини ёпиши учун доим керак бўлган. Кимдир буни фирибгарлик-



даги истисно дейиши ҳам мумкин. 2001 йили “янги иқтисод” бозори касодга учраганида АҚШ Конгрессида кенг миқёсда “Уолл-стрит қандай қилиб одамларни лаққилатмоқда?” деб аталган тергов иш бошланиб кетди. Энди сабр қилишга имкон қолмади. Лаққиллатиш муаммоси умуммиллий муаммога айланди. АҚШнинг миллий муаммолари эса автоматик равишда бошқа халқларга ҳам таъсир қилиб кетди. Бир йил ўтиб, Американинг йирик “Энрон” компанияси фирибгарлик учун қўлга тушди. Энг йирик ўнталликка кирувчи мазкур компания ҳисоботларидаги қатор қаллобликлар аниқланди. Кирдикорликнинг ҳисоби йўқ эди. Қайноқ нуқталар, инқирозлар, мавҳум ҳудудлар трансмиллий глобалистик иқтисод учун ҳаводек зарурдир. Бу ҳолат сиёсий кучларнинг тасодиф равишда ўз-ўзидан шаклланиши эмас. Бу цивилизация мавжуд бўлишининг асосий шартидир. Унда муғамбирлик муҳим хусусиятлардан ҳисобланади. Вирильо ва Бодрийараларга ўхшаган социологларнинг таъкидлашича, замонавийликни белгилайдиган асосий омил – глобализация эмас, балки симуляциядир. Бўриттириб кўрсатилган Интернет ва НАСДАК бозорининг индекси 2000 йил март ойидан 2001 йил март ойигача, яъни бир йил ичида 60 фоизга тушиб кетиши шунга ўхшаш симуляциялардан дарак беради. Бу нарсалар кимгадир бирон нарсани ўргатиши мумкинми? Амримаҳол.

Бозор қайта тикланади, чунки унга янги ўйинчилар келади. Улар орасида янги ривожланаётган мамлакатлар вакиллари ҳам бўлишади. Энди ҳаммаси янги шаклда давом этаверади. Симуляция қилиб бўлмайдиган нарсанинг ўзи йўқ. Конфетни

урнига унинг қоғозини оладиганлар доим топилади. Қимматбаҳо қоғозлар бозори айнан шундай нарсалар учун ташкил қилинган. Ҳар қандай ҳолатда ҳам сотиб олувчиларнинг аксари реал ташкилотлар билан эмас, балки қоғоз ва рақамлар билан ишлашади. Инқироз ва фожеалар суғуртачилардан бошқа барчага фойда келтириши мумкин, дейилган янглиш тушунча бор. Уларнинг даромади ҳеч қандай нохуш ҳодиса руй бермагани учун тўпланган пул фойда сифатида қолади, деб қаралади. Бир қарашда бу тўғрига ўхшаб кўрилади. Чунки қандайдир фожеа, инқироз туфайли суғурта компаниялари банкрот бўлганини эшитиб турамыз. Суғуртачилар – барқарорликнинг энг биринчи тарафдорлари! Бироқ бу милицияга жинойтлардан ҳеч қандай наф йўқ, деганга ўхшаш аҳмоқона фикрдир. Жинойтлар қанча кўп бўлса, кучишлатар тизимлар ҳам ваколат, тажриба ва бошқа қатор имтиёзларга эга бўлишади. Шундай экан, кимдир барчасига чек қўйиб ташлашига ишониб юрманг. Машҳур бир асардаги “Жинойтлар устидан жазо бериш органлари ғолиб бўлмайди”, деган фикрга қўшилишга мажбур бўламиз.

Тасодифий ўлимлар, кутилмаган фожеалар, тошқини-у ёнғинлар ўз-ўзидан содир бўлмаганида эди дунёда суғурта бизнеси ҳам пайдо бўлмасди. “Керакли вақтда” суғурта, улар бўйича тулов масалаларини суғуртачилар аллақачон ҳал қилишга ўрганиб олишди. Биринчидан, улар ҳаммаси бир-бирларини суғурталаб ташлашади. Шунинг учун ҳам бирон бир жойни сув босса, суғурта пулини шу ернинг бирорта суғурта компанияси тўламайди. Албатта, у қайсидир маънода зарар ҳам кўриши мумкин, бироқ бир-бирини суғурта-

лаган жуда кўп компаниялар ҳам зарар кўради. Масалан, Тошкентнинг компанияси. Уни Москванинг компанияси суғурта қилган. Москваникини эса Тошкент... ва ҳ.к. Иккинчидан, улар аниқ хатари бор ёки хатари борга ўхшаб кўринганларни суғурталамайди. Суғурталаса ҳам жуда паст нархда суғурталайди. Улар “аҳолидан пулларни йиғиштириб оладиган” банкларга ўхшайди. Фақат бу ерда банкка пул қўювчи рибо ёрдамида маблағи кўпайишига умид қилади. Суғуртачи эса бирон нарсани йўқотиб қўйишингиз билан кўрқитади. Моҳияти эса, сиз ўз пулингизни бировга фойдаланишга берасиз, у эса уларни айлантиради. Агар сизга бирон кор-ҳол бўлса, у топган фойдасини сиз билан бўлишишга тайёр бўлиши керак. Тўртинчидан, баъзи бир суғурта компаниялари фожиа бўлишини кутади, у рўй бергач, ўзини касодга учратиб қочиб қолади. Масалан, суғурта компанияси рақиб компанияларининг жабрланганларга дарҳол суғурта пулларини тўламасликларини айтиб, ўзлари “шукуннинг ўзидаёқ барча тўловларни амалга оширишини” айтишади. Шундан сўнг халқ унга қараб югуради. Ҳақиқатдан ҳам ҳеч қандай баҳоналарни рўкач қилмай, талаб қилинган миқдордаги пулларни тўлай бошлайди. Етарли миқдорда пул йиғилиб қолса, эгалари ёки уларнинг вакиллари активларини суғурталаб қўяди. Сўнг эса уни куйдиради, яъни одамлардан йиғилган маблағларни “ўша жабр кўрган”га тўлайди. Шу тариқа касодга учрайди. “Ухлатилган пул” эвазига яна бир пирамида ташкил қилса бўлади.

Бироқ ҳозир биз у ҳақида тўхталмай, тўғри нарсалар ҳақида баҳс қиламиз. Хуллас, улар ҳақида қайғурманг.

Фожиа ва инқирозларнинг кўпайиши суғуртачиларга бўлган талабни оширади. Бу эса уларнинг мижозини кўпайтириши табиий. Уз маҳсулотларини реклама орқали сотилаётган қилиб қилиб кўрсатиш яхши. Бироқ маҳсулот керак бўлган соҳаларда унга бўлган талабни янада юқорига кўтариш ундан ҳам яхшироқдир.

Ҳалокат ва фожеалар кун тартибига хавфсизлик масаласини олиб чиқади. Бу эса реклама беришдан минг марта афзалдир. Бу текин, бироқ жуда юқори самара берадиган “реклама”дир. У доим реклама блокларида эмас, балки хабарларда чиқиб туради.

Жамғарма (фонд) бозорида “опцион” деган нарса бор. Яъни келажакда маълум бир белгиланган нархда бирон нарсани сотиб олиш ёки сотиш ҳуқуқи. Фючер шартномасидан фарқли ўлароқ, бу оддий ҳуқуқдир: истасам фойдаланаман, истамасам – йўқ... Бироқ шу ҳуқуққа эга бўлиш учун пул тўлаш керак бўлади. Дейлик, менинг акцияларим пакети 10 доллар туради. Бироқ мен уларнинг нархи тушиб кетишидан хавфсирайман ва бир ой ичида 10 доллардан сотиш ҳуқуқини берадиган опционларни сотиб оламан. Узимни шу тарзда суғурталайман. Агар пакет 10 доллардан тушиб кетса, мен уз ҳуқуқимдан фойдаланаман. Шунда мен 5 доллар йўқотиш ўрнига 1 долларгина йўқотаман. Агар бир ой ичида пакет нархи тушиш ўрнига янада қимматласа, мен уз ҳуқуқимдан фойдаланмайман. Бу ҳолда суғурта учун сарф қилган бир долларим куйиб кетади. Сотиш учун опционлар бор, бироқ сотиб олиш учун ҳам “стелаж” деб номланадиган нарсалар ҳам бор, яъни акцияларим маълум бир чегарада тебранишини назорат қиладиган ва бозорда кучли тебранишлар рўй

берганди мени ҳимоя қиладиган икки карра опционлар...

Жорж Сорос ёки унга ўхшаган бирортаси оддий сармоячидан (инвестор) фарқли равишда бозор тебраниши ҳақида қандайдир маълумотларга эга, деб тасаввур қилайлик. Унинг инсайдерлари, дўстлари ва тажрибаси бор. Бундан ташқари, ОАВ-лари ёрдамида, миш-мишлар орқали ёки ўзларининг ҳатти-харакатлари билан бозорга таъсир қилиш имкониятлари мавжуд. (Масалан, Соросга ўхшаган одамларнинг бозордан бир нарса сотиб олиши ёки сотиши – бозорни тулғантириб юбориши мумкин. Унга ўхшаганларга тақлид қилаётганларнинг сони мингта!)

Масалан, у “Х” компаниясининг акциялари тренди яхши эмас ва ҳамма ундан эҳтиёт бўлиш пайида бўлади. Шу билан бирга “Х” компанияси касодга учрамаслиги учун ўз акцияларини ўзи сотиб олмоқчи эканини ҳам билади. У нархи тушиб кетиш зарарини олдини олиб, барибир бундан ҳеч ким фойдаланмаслигини билиб, ўз опционларни сота бошлайди. Тасаввур қилайлик, “У” акциялари тушиб кетиши ва бундан жуда кўпчилик жабр кўришини у олдиндан билади. У опционларни сотиб олади, сўнг “У” қулайди, жабр кўрганларга у қимматроқ сотади. Бунга куйидагича мисол келтириш мумкин. Айтайлик, кимдир яқинда бир қишлоқнинг ёниб кетишини билади. Қишлоқ аҳлининг бирортасида ҳам суғурта полис йўқ. Уша одам ҳаммага суғурта полиси расмийлаштириб, ёнғиндан кейин уларга ўша полисларни олиб келади ва жабрдийдаларга суғурта тўлови сифатида бериладиган маблағдан сал арзонроқ баҳода тақлиф қилади.

"Z" компаниясининг акцияларининг ўсиши ҳам шунга ўхшаш. У буларни олдиндан билиб, опционларни арзон баҳода сотиб олади. Акциялар нархи ошгач, у сармоядорларга опционларни арзон баҳода таклиф қилади. Яъни улар опцион воситасида акцияларни сотиб олсин ва дарҳол уларни бозор нархида, қимматроқ нархда сотиш имконига эга бўлсин. Кимдир шундай дейиши мумкин: хўп, менда муайян акциялар котировкасининг ортиши ёки ўсиши ҳақида маълумот бор. Мен уларни сотиб оламан ёки сотиб юбораман, вассалом. Опционлар билан боғлиқ машмашаларнинг нима кераги бор?

Бу ерда батафсил тушунтириб ўтиш керак.

Унинг 10000 доллари бор ва у 1000 доллардан 10 та акция сотиб олади. Акциялар бир ой ичида икки баробарига қимматлайди ва у уларни 20000 долларга сотиб, 10000 доллар фойда кўради. Тасаввур қилайлик, 1000 та акцияларни сотиб олиш учун опцион нархлари бир ой ичида 100 доллар, дейлик. Суғуртачи акцияларни сотиб олмай, балки 10000 долларга уша опционларни сотиб олади. Натижада у бир акция учун 100 опционга эга бўлади. Нархлар икки баробарга ошганда у ўзининг опционларининг донасини 900 долларга сотиши мумкин. Уларни албатта сотиб олишади, чунки акцияларнинг нархлари 2000 га кўтарилган. Уларни сотиб олиш ҳуқуқи 1000 ва опцион учун 900 доллардир. Бу жуда фойдали, чунки уларни дарҳол сотиб, ҳар бир акциядан 100 доллар даромад олса бўлади. Натижада унинг ялли даромади 90000 доллар айириш (бошида туланган) опцион нархи... Соф даромад эса 80000 доллар. Демак, оддий сармоячи 10000 доллар тикди ва 10000 даромад

кўрди, суғуртачи эса, 10000 тикиб, 80000 даромад кўрди. Қалай, фарқни кўрдингизми?

Акциялар арзонласа ҳам худди шуни амалга оширса бўлади. Бундан қандай хулоса чиқарса бўлади? Биринчи, катта даромад олиш учун суғуртачига кам пул тикиши талаб қилинади. Иккинчи, оддий сармоядордан фарқли равишда, суғуртачи катта пуллар ишлаб олади (кичик тебранишларда ҳам). Баъзан бундай ҳолатларга оддий сармоядорлар эътибор ҳам бермайди. Учинчи, оддий сармоядордан кўра суғуртачи бозор ўйнаб туришидан юз карра манфаатдордир. Энди ҳаммасини қўшинг. Куп пул керак эмас. Озгина тебранишлар ҳам кифоя. Бунда катта манфаат бор. Хуш, сиз “Суғуртачилар миш-мишлар, хатти-ҳаракатлар, экспертларнинг фикрлари ва ҳоказолар йўли билан ана шу тебранишларни, микроинқирозларни уюштиришга муваффақ бўлмаяпти”, демоқчимисиз?

Даромад улкан, бироқ хатар ҳам катта. Тебраниш керакли тарафга қараб кетаётганига амин бўлиши учун уни (тебранишни) ўзингиз ташкил қилишингиз керак... Фонд бозоридаги ақлсиз кичик сармоядор (яъни пули оз ҳиссадор) таҳлилларнинг (аналитика) барча турлари ёки воқеалар ривожидан эргашади. Аввалдан маълум, ўрнатиб қўйилган қоидаларга таяниб иш қилишга ҳаракат қилишади. Ақлсиз йирик сармоядор (яъни пули куп ҳиссадор) эса (фонд бозоридаги) ички маълумотлардан фойдаланади. Бироқ қоида (тенденция), ҳодиса ва маълумотларни ишлаб чиқади-ганлар ҳам бор. Энг оддийси – бу газетада бирон бир сохта маълумотларни чиқариб юбориш. Жиддийроқ айтганда - қайноқ нуқталарда юзага кел-

тирилган сунъий зиддиятлар экстремистик ҳаракатлар томонидан бошқариладиган молиявий ўйиндир! Бу вақтда зиддиятдан зиён кўраётган фирманинг акцияларини арзон-гаров сотиб олиш, нархи ошганида бир неча баравар қимматга сотиш мумкин. Бозорни ўйнатаётган чолғуни бошқариш - ўша чолғуда ўйнашдан кўра фойдалироқдир. Эслатма: катта фойда олиш учун банк ва фирмаларни касодга учратиш шарт эмас ("X" баъзан шундай ҳам қилиб туришади). Асосий оломон миш-мишлар, мутахассислар, инсайдер маълумотларининг "атайин" чиқиб қолиши... ОАВларига кўп ишонишади-да.

Тасаввур қилинг, сиз Сороссиз. Сиз "X" компанияси акцияларини ҳар донасини бир доллардан сотиб ола бошлайсиз. Шу вақт Сороснинг ўзи "X" компаниясининг акцияларини сотиб олаяпти, деган миш-миш бозор оралаб кетади. Ҳамма ўша акцияларни сотиб олишга киришиб кетади. Акциялар нархи эса, уч доллар бўлиб кетади. Сиз акцияларингизни уч баробар қимматига сотиб юборасиз. Сунг, акциялар 50 фоизгача тушиб кетади ва сиз уларни яна арзон нархда сотиб ола бошлайсиз. Шу тарзда уларни узоқ айлантириш мумкин. Ҳар бир тушиш ва кўтарилишда уларнинг қаймоғини йиғиб оласиз. Бу орада сизга ишлаётган хежинг жамғармангиз буларнинг барчасини такрорлайди ва ҳар бир тебранишда 100 марта кўп даромад кўради... Шундай қилиб, "СОРОС" брендининг ўзи жуда қиммат туради. Умуман олганда, буни бозорни манипуляция қилиш деб ҳам баҳоланади. Бу қонуний эмас, лекин ниқобланади. Ҳамма нарсага ниқоб тортиш, яшириш осон ва бу нарса доим қилиб келинади. Яна бир янгилик, энди оп-



ционларни сотиш ва бошқаларни суғурталашни бозорнинг истаган иштирокчиси амалга ошира олади. Бунинг учун махсус суғурталаш лицензияси шарт эмас. Энди ҳеч ким менга мажбуриятни маълум бир нархда сотиб олиш, сўнг эса ўша мажбуриятни бошқалар фойдалана олмаслик ниятида сотишимга ҳалал қилмайди.

Бир қарашда бу кўпчиликни қийнаган муаммадан узоққа ўхшаб кўринади, бироқ...

Жамғарма бозори ва ундаги озгина тебранишлар ҳам глобализация асрида ҳар бир ер курасида яшовчи одамга даҳл қилиши мумкин. Доу-Жонс индексининг бир-икки пунктнинг ўзгариши Россия давлат бюджетидан ошиб кетадиган маблағни қайта тақсим бўлаётганини англатади.

Бундан ташқари, опцион мавзуи бошқа соҳаларда ҳам яхши ишлаши ҳақида фикрлар ҳам йўқ эмас. Олдиндан тайёрлаб қўйилган ҳар қандай иш, бирон нарсага бўлган ҳуқуқни опцион деб қараш мумкин. Бошқалар ишлаб, тижорат қилаётган бир вақтнинг ўзида бозорларни ўрганиш билан бир қадам олдинда борса бўлади. Масалан, ичимлик бозори чаққон бўлишини билиб, олдиндан ичимлик ишлаб чиқарувчи компанияларни сотиб олиш ёки ушбу соҳа бўйича маркетинг тадқиқотлар олиб бориш. Бозор чаққон бўлишни бошлаганида тайёрлаб қўйилган ҳар қандай ишни қимматга сотиб юбориш мумкин.

Албатта, келтирилган мисоллар анча содда-лаштирилган. Уларда яна айтилмай қолган кўп нарсалар бор. Масалан, талабларга жавоб бермай бозор иштирокчиси бўла олмаслик – шуларнинг биттаси. Бироқ, нима бўлганида ҳам моҳият шу: кичкина бўлган, бироқ ута бой ва катта имкони-

ятларга эга бўлган одамлар гуруҳи бор. Улар бозорнинг ҳар қандай тебранишига қарамай янада бой ва қудратли бўлиб бораверади. Елканли кема шамол бўйи, ҳатто шамолга қарши ҳам ҳаракат қилиши мумкин. Бироқ у шамолсиз ҳаракат қила олмайди. Сокин ҳаво эса бизнес сардорларига ҳеч ҳам керак эмас.

Инсонларнинг иқтисодий фаровон ҳаёти учун таҳдид бўлган инқирозда сақланиб қолиш учун унга олиб борадиган алдов омилларидан узоқда бўлиш керак. Кучли капиталистлар қўлида қўғирчоқ бўлиб қолиш – иқтисодий таълимот бадали бўлмаганлар тушадиган чуқурдир. Шундай экан, бу мақоладан ҳар ким ўз маърифатига яраша мулоҳазаларга эга бўлади. Биз барча инсонларнинг бахли ҳаёт кечиришга ҳақлари борлигини яна бир карра эслатиб қўймоқчимиз, холос.

## ИНҚИРОЗ САБАБИ НИМАДА?

Жаҳонда кечаётган молиявий таҳдиди пасайгани йўқ. Таназзулнинг бошланганига мана, бир неча йил бўлдики, унга самарали ечим топилмади. Аксинча, муаммо устига муаммо қўшилмоқда. Машҳур немис иқтисодчиси Герхард Спаннбауер инқироз сабабларини ўрганиб чиқиб, ўз муаммо ечими бораси ўз қарашларини баён этади. Олим ўз фикрини қуйидаги саволларга аниқлик киритиш билан бошлайди: “Инқироз айбдорлари ҳақиқатдан банкирлар ёки кредитни қайтариб тулашга лаёқатсиз бўлган ипотека мижозларими? Ёки сиёсатчиларми? Балки биз ўрнатган молиявий тизим такрорий инқирозлар ва юксалишларга асослангандир?”

Мазкур саволларга жавоб берар экан, биринчи сабаб сифатида реал қийматга эга бўлмаган пулни кўрсатади. Яъни қўлимиздаги пул қоғоздан бошқа нарса эмаслигини таъкидлайди. Аслида қоғоз пул иқтисодиётда унга тенг қийматдаги маҳсулот ва хизмат учун алмашинув воситаси сифатида ишлаб чиқилган. Авваллари ҳам шундай эди, дейди олим. Аммо ҳозирги кунда ҳукуматлар, масалан, солиқ ва бошқа туловлар миқдорини оширадилар, шунга яраша пул миқдорини ҳам эмиссия қиладилар. Хуш, унда биздаги пул қандай ҳолга тушиб қолди?

Сунгги уттиз йиллик натижалар шуни кўрсатяптики, дунё бўйича ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар ҳажми тўрт баробарга ошган бўлса, унга қарама-қарши ҳолда зарб қилинган банкноталар миқдори қирқ баробарга кўпайди.

Бундан кўринадики, муомаладаги мавжуд пулларнинг кўп қисми қийматга эга эмас. Бу кино залида бор йўғи 100 та ўрин бўлиб, янги кино тақдироти учун 4000 та чипта сотилгандек гап. Бундай ҳолат қандай натижа келтириб чиқариши эса маълум.

Яшашимиз кундан-кунга қимматлашиб бормоқда. Одамлар эса тулашга лаёқатли бўлиш учун кўпроқ ишласаларда, барибир, чўнтақларида ортиқча пул қолмаяпти. Бу эса одамлар қўлидаги қоғоз пулларни омонат ёки қимматли қоғозларга тикишларига олиб келмоқда. Кун келиб, пулни олиш учун банкка мурожаат қилишади. Лекин шунча миқдордаги пул банкда мавжуд эмас ёки аксинча, пулини олса, реал ҳаётда шу пулга тенг келадиган товар ёки хизмат мавжуд эмас. Бир тасаввур қилиб кўринг, дейди Спаннбауер, агар бутун бошли ҳалқ 4 миллиард € лик жамғарилган пулга эга бўлса ва шунинг уч қисмини банк қимматли қоғозларига ёки омонатларга тиксалар-у, вақти келиб, ҳаммалари бир вақтнинг ўзида пуллари қайтариб олмоқчи бўлсалар, кўрадиларки, банк шунча пулга эга эмас. Айни шунда банк қанчалик „чайқовчи“ экани кўриниб қолади. Чунки банклар ҳукуматнинг турли сарф-ҳаражатларига шу пулларни йўналтириб бўлган бўладилар. Шунақа пулни айланттириш эса фақат банкларда мавжуд бўлиб, уларнинг „чайқовчилик“ ишлари қонунан ҳимоялангандир. Ҳолатга бошқача бир мисол келтирамиз: тасаввур қилинг, бир автомобил ишлаб чиқарувчи завод аслида ишлаб чиқарилмаган миқдордаги автомобилни сотади. Бу, албатта, мумкин эмас. Ахир қандай қилиб мавжуд бўлмаган нарса сотилиши мумкин?! Банклар эса худди шундай савдо қилишади. Машҳур иқтисод-

чи Муррау Неутон Ротхбарт бу ҳолатни шундай баҳолайди: «Банклар пулни ҳаводан топадилар. Улар пул топиш учун эса худди нормал ишлаб чиқарувчи каби маҳсулот ишлаб чиқаришлари ва уни сотишлари шарт эмас. Қисқаси, банклар ҳар дақиқада банкрот бўлишга қодир ташкилот. Уларнинг туловга қобилиятлилиги фақат оғизда... Бирорта корхона йўқки, фақат ана ушандан кейин бизнесни бошлайди, қачонки мижозлар ўз хизматлари ёки товарларини талаб қилиб келишганда.»

Бугунги инқирозни бартараф қилиш учун эса мана шундай – номи бор, одамлар ишонади, аммо реалликда қиймати мавжуд бўлмаган, аниқроғи, йўқ бўлган пул ва унинг алмашинув тизимига барҳам бериш керак, дейди Спаннбауер.

Олим инқирознинг иккинчи сабабини қуйидагича шарҳлайди: “Ҳозирги тизим қарзлар устига қурилган тизимдир. Уни фақат “қорбўрон уйини тизими” дейиш мумкин”. У дунёнинг ҳозирги ҳолатини қарз устига қурилган ҳаёт деб баҳолар экан: “..тизим аҳоли ва корхоналарни ҳеч қачон пул тўплашларига йўл қўймайди, балки пулни бу ердан олиб, бошқа ерга ўтказиб қўйишади, холос. Банклар эса бу ўринда пул яратувчилар. Улар фақат қарзга бериладиган пулни зарб қиладилар. Бундай пул фақат эмиссия банкларидан чиқмайди, ҳар қандай банк бунга қодир. Масалан, сиз қиймати 10 миллион бўлган валютани омонатга қўйдингиз. Уша вақтнинг ўзида эса бошқа бир мижоз бориб, 100 миллион кредит сўрайди. Банк резервида мавжуд бўлмаган қолган 90 миллиони эса банк ходимининг компютер тугмачасини босишидан ҳосил бўлади. Бундай йўқ бўлган

пулдан эса банк фақат фоиз ишлайди. Сиз эса не машаққатлар билан топган пулингизни олган кредитингиз фоизига ва ана ўша бехуда чиқарилган, яъни қийматга эга бўлмаган пулнинг қиймати-ни яна тиклаш учун тўлайсиз. Бу худди чанқаган одам денгиз сувини ичишидек бир гап. Сувни ичганингиз билан чанқоғингиз босилиш ўрнига яна ортаверади. Ундай тизим бутун иқтисодиётнинг жаллодидир. Бу – замонавий қуллик тизимидан бошқа нарса эмас. Қарз олувчилар фақат қулликка маҳкум бўлганлардир. Зотан, кредит туфайли банкларнинг ихтиёрсиз қулига айланадилар”. Олим ўз фикрини давом этар экан, бир ҳаётий ҳақиқатни баён қилади: “Бу тизим қуллик тизими экан, аниқроғи, пул дунёни бошқарар экан, пулни ким бошқаради?”. Қуйидаги мисолни эса олим жавоб тариқасида келтиради: 1913 йилда америкалик катта оила аъзолари Роскефеллер, Ротхшилд, Морган, Лоеб&Партнер FED (федерал резерв тизими) эмиссия банкини туздилар ва дунё пулини АҚШ доллари қийматига тенглаштириш тизimini ишлаб чиқдилар. Ушандан бери улар дунё базавий валютаси сифатидаги долларни бошқарадилар, доллар орқали эса дунёни... Ўша пайтда Ротхшилд шундай деган экан: “Менга пул устидан ҳукмдорликни бер, давлатни ким бошқаради – менга барибир...”. Ҳозирги ҳукумат бошлиқлари эса давлатнинг молия тизimini қандай бошқаришни билмай қолдилар. Дунё молия тизими эса аллақачон Америка FED эмиссия тизимига ўтиб бўлган.

Хулоса ясар экан, Спаннбауер айтадики: “Ҳозирги пул тизими айнан инқирознинг бош айбдоридир. Дунё энди янги тизимга муҳтож, бусиз

инқирозни бартараф қилиб бўлмайди”. У кўпгина ривожланган давлатлар қаторида Германиянинг Европа Иттифоқидаги давлатларга молиявий ёрдамни кредит бериш орқали ечиш ҳақидаги ташаббусини, шундай изоҳлайди: “Германия Европадаги энг катта иқтисодий майдон, шунинг учун биз вазиятни барқарорлаштириш урнига бу давлатда худди Европанинг касал одамига ўхшаб ўзимиз Европа бозорини касодга учратмоқдамиз”.

## ТАРИХНИНГ ЖИРКАНЧ САҲИФАЛАРИ: ҚОНГА БОТИРИЛГАН ҚИТЪА

Колумбнинг “Борт дафтари”да оролларнинг хайратомуз гўзаллиги, у ердаги аҳолининг самимий, бахтиёр ва дўстона фазилатларини бир неча марта қайд қилинган. Орадан икки-уч кун ўтиб, дафтарда энди қуйидаги ёзувлар пайдо бўлади: “Уларнинг ҳаммасини босиб олишимиз ва уларга ўзимиз истаган нарсани қилдиришимиз учун 50 нафар аскар етади... Маҳаллий аҳоли бизга истаган жойимизда юришимизга рухсат берди, хоҳлаган нарсаларимизни муҳайё қилмоқда”. Европаликларни энг кўп хайратга солган нарса бу – халқнинг очикқўллиги бўлган. Ва бу ажабланадиган нарса эмас. Колумб ва унинг шериклари бу оролларга ҳақиқий жаҳаннамдан сузиб келишган эди. Уша вақтда Европа шундай сифатга эга эди. Улар эса Европа дўзахидан чиққан бало эдилар (аксар ҳолатларда тубанликка ботган кишилар). Европада капиталистик ҳаёт учун курашнинг қонли тонгги отмоқда эди.

\* \* \*

Европа жаҳаннамида дахшатли синфий кураш авжига чиққан, доимий қора чечак, вабо ва ўлатлар бутун бошли шаҳарларга қирғин олиб келар, боз устига, очарчиликдан одамлар қирилиб кетаётган эди. Бироқ XVI аср Испания тарихчисининг сўзига кўра, “фаровонлик йилларида ҳам ақл бовар қилмас тарзда безатилган дастурхонларига минглаб очлар тикилиб турганига қарамай, бойлар букканича ейишар эди”. Омманинг ҳолати



жуда аянчли эди. Ҳатто, XVII асрда буғдой ва сук нархининг “уртача” ошиши натижасида Франци-яда қирилиб кетган аҳоли сони АҚШдаги фуқаро-лар урушида ҳалок бўлганлар сонидан икки карра ошиб кетган.

Колумб саёҳатидан юз йил ўтиб ҳам Европада-ги шаҳар ҳандаклари оммавий ҳожатхона вазифа-сини бажарар, ичида ҳайвонлар жасади ва шаҳар кўчаларининг ахлатлари чириб ётарди. Лондон-нинг муҳим муаммоларидан бири “қашшоқлар учун уралар” бўлиб, “катта, чуқур ва очиқ ура-ларда қашшоқларнинг ўликлари қалашиб ётар-ди. Уралар буғзига қадар тулганидан кейингина устига тупроқ тортиларди”. Уша замон кишила-ридан бири шундай деб ёзиб қолдирган: “Қан-дай ҳам сассиқ ҳид! Уликларга тулган уралардан келаётган бадбўй жазирамада ва ёмғирдан сунг янада анқийди”. Туғилганидан то ўлгунича чў-милмай юрадиган европаликдан келаётган ҳид бундан кўра анча яхшироқ туюларди. Қарийб ҳар бир кишининг юзида чечакдан қолган доғлар, ўз қурбонларини ғилай, чўлоқ, букри ва бошқа абгор ҳолларга туширадиган юқумли касалликларнинг асоратлари сезилиб турарди. Кишиларнинг ўрта-ча умри 30 ёшга етмасди. Болаларнинг ярми 10 ёшга етмасдан улиб кетарди.

Жиноятчилар сизни ҳар бурчакдан таъқиб қилиши мумкин эди. Уларнинг куп фойдалана-диган усули – ўз қурбони бошига деразадан тош ташлаб, уни тинтув қилиш эди. Бундан ташқари, байрамона кайфиятдаги одамлар ўнлаб тирик мушукларни ёқиб эрмак қилишар эди. Европада очарчилик йиллари шаҳарларда исён кутарилар, синфий урушлар (масалан, “Дехқонлар уруши”

деб ном олган урушлар) натижасида 100 минглаб одамларнинг ёстиғи қурирди. Қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи деҳқонларнинг қисмати ҳам дуруст эмас эди. Замонавий тарихчилар томонидан тасдиқланган ва XVII асрда Лабрюер томонидан қолдирилган француз классик ёзмаларида шундай битиклар бор: “Қишлоқ жойларида яшовчи махлуқлар, гарчи одамбашара бўлиб кўринсалар-да, ушшайган ва бадқовоқ ҳайвонлар каби эди. Улар худди тупроқда думалаган эшак каби ифлос эдиларки, одамга хос бўлган хусн-ранглари ҳам ҳатто сарғайиб кетган эди. Уларнинг ўзига хос нутқи бўлиб, гапларини тўғриласаларгина одам гапираётганига ишонса буларди. Улар ҳар тунда қорайиб кетган нонни еб, сув ичиб, ўзлари яшаётган капаларга қайтишар эди”.

Лоренс Стоун оддий инглиз қишлоғи ҳақида ёзганлари ҳам ўша давр Европасига тааллуқлидир: “Бу нафрат ва адоватга тўлган жой бўлиб, унда яшовчиларни бирлаштириб турадиган ёлғиз нарса - маҳаллий жодугарни қийнаб, сўнг тириклайин ёқиб юбориш учун кўпчилик бирлашиб оладиган оммавий жазаво ҳолати эди”.

Англия ва қитъада учдан бири жодугарликда айбланган шаҳарлар бўлиб, улар аҳолисининг юзтадан ўнтаси бир йил ичида шу айб билан қатл қилинарди. XVI-XVII асрлар мобайнида Швейцариянинг биргина туманида “сатанизм” айби билан 3300 одам қатл қилинган. Кичкинагина Визенштейг қишлоғида бир йил ичида 63 та “жодугар” ёқилган, 700 та одам яшайдиган Обермархталада эса уч йил ичида 54 та одамни ёқиб ўлдиришган.

Қашшоқлик Европа жамияти учун шу қадар асосий тушунча бўлганки, XVII асрда Францияда

унинг даражаларини тула ифодалаб бериш учун 20 га яқин сўздан фойдаланилган.

Насроний Европада қул савдоси гуллаб-яшнардди. Черков бу нарсани қўллаб-қувватлаб, ўзи ҳам йирик қул савдогари бўлган (Америкадаги геноцид қўламини англаш учун черковнинг бу масаладаги сиёсати ҳақида мақола сўнггида тўхталиб ўтамыз). Қулларнинг аксарияти Шарқий Европадан, айниқса, Руминиядан келтириларди (тарих ҳозир ҳам такрорланмоқда). Кичкина қизчалар юқори баҳоланарди.

Бир қул савдогари ўз мижозига ёзган мактубидан шундай деган экан: “Руминиядан кемалар келганида, улар ичида қизчалар ҳам бўлиши керак, бироқ ёш қуллар ҳам катта ёшдаги қуллар каби қиммат нархда бўлади; қандайдир қийматга эга бўлганлар бор бўлса ҳам, улар нархи 50-60 флориндан кам бўлмайди”.

Тарихчи Жон Босвеллнинг таъкидлашича, XV асрда Севильяда сотилган 10 ва 20 фоиз аёллар ё ҳомиладор, ё қўлларида гўдаклари бўлган. Ҳали туғилмаган ёки энди туғилган гўдаклар эса шундайлигича, ҳеч қандай ҳақсиз, қулларни сотиб олувчиларга ўтган.

Бойларнинг ўз муаммолари бор эди. Улар ўзларининг илк “салб юришлари”, яъни европаликларнинг илк мустамлака юришлари давридан экзотик нарсаларга бўлган хоҳишларини қондириш учун олтин ва кумушга жуда ташна эдилар. Ипак, зираворлар, ингичка толалар, наркотик воситалар ва дорилар, атир ҳамда қимматбаҳо тақинчоқлар учун мўмайгина пул керак эди. Бир венециялик сўзи билан айтганда, олтин европаликлар учун “давлатда барча учун ҳаёт томири...

унинг ақли ва қалби... бутун борлиғи ва ҳаёти” бўлган. Аммо қимматбаҳо металлларни Африка ва Яқин Шарқдан ташиб келиш ишончсиз эди. Боз устига, Шарқий Европадаги урушлар сабабли, Европа ғазнаси бўшаб қолган эди. Шу боис янги, ишончли ва нисбатан арзон олтин манбасини топиш зарурати туғилади.

Шундан ҳам кўриниб турибдики, зўравонлик Европа ҳаётида одатий ҳол бўлган. Лекин муайян вақтларда бу зўравонлик шундай даражага етганки, Ғарбий яримшар аҳолиси (Америка ҳиндулари) хаёлига ҳам келтирмаган ишлар содир бўлади. Сеҳргарларни овлаш ва ўтда ёқиш кундалик манзарага айланган. 1476 йилда Миланда одамлар галаси бир кишига ҳужум қилиб уни бўлакларга бўлиб ташлаган, кейин эса унинг гўштини ейишган. Париж ва Лионда гугенотлар (католик черковидан ажралиб чиққанлар)ни ўлдириб, бўлакларга бўлиб, гўштини очикчасига кўчаларда сотишган. Бундан бошқа қийноқ турлари, қотиллик ва канибализм (одам гўштини ейиш) маросимлари ҳам оддий ҳолат бўлган.

Колумб ўзининг денгиз сафарлари учун Европа бўйлаб пул излаётган бир вақтда Испанияда инквизиция авжига чиққан эди. Европанинг ҳамма ерида насронийликдан юз ўгирганликда гумон қилинганларга шафқатсиз азоб берилган, тасаввурга сиғмас жазо чоралари қўлланилган. Баъзилар осилган, гулханда ёқилган, тириклайин қозонда қайнатилган, айбдор тана чўзадиган қийноқ қурилмасига боғланган. Қолганлари янчилган, боши танасидан жудо қилинган, тириклайин териси шилинган, чўктирилган ва чормихга тортилган.

Собиқ қулфуруш бўлган Христофор Колумб ва унинг денгизчилари кема қўйруғи ортида қолдирган 1492 йил августидаги Европа дунёси шундай эди. Улар Атлантиканинг нариги қирғоғига ҳам ҳалокатли бациллани олиб борган ва эндиликда ушбу хасталикни миллионлаб одамлар бошидан кечиришга мажбур бўлган ўша Европа дунёсининг оддий вакиллари эди.

### **Рақамлар**

*“Оқ танли жаноблар бизнинг еримизга қўрқинч ва рангларнинг сулишини ҳам олиб келишди. Улар бошқа халқ рангларининг расвосини чиқариб, ҳалок қилишди... Кундузи ўлган ёки ярадорларни таловчи, тунлари эса жиноятчи, тинчлик қотиллари”.* (Майя Чилам Балам китобидан)

Колумбгача бўлган даврдаги Америка қитъаси аҳолисининг ҳақиқий сонини яшириш бўйича евроамерика илмий доираларининг тил бириктириб олишгани ҳақида Станард ва Черчилъ анча маълумотлар қолдиришган. Бу фитналар бошида Вашингтондаги Смитсон институти турган.

Уорд Черчилъ европалик яҳудийларга қарши геноцидни урганувчи ва замонавий империализм мафкурасининг стратегик йуналиши бўйича шуғулланувчи америкалик олимлар, “прогрессив” тарихчилар Америка қитъаси туб аҳолисига нисбатан уюштирилган геноциднинг халқаро тарихий аҳамияти ҳамда унинг ҳақиқий миқёс-қуламини аниқлаш ва урганишга курсатаётган қаршилиги ҳақида батафсил гапиради.

Жеймс Муни каби ирқчи антропологларнинг XIX аср ва XX аср бошларида келтирган хулосаларига қўра, Колумбгача бўлган даврда Шимолий Америка аҳолисининг сони 1 миллион 100 минг

кишидан ортмаган эмиш. Америка официоз (ярим расмий) фанининг флагмани бўлмиш Смитсон институти бу хулосани шу кунларгача ҳам “илмий” дея баҳолаб, тарғиб этиб келганди. Аммо урушдан кейинги даврда қўллана бошланган қишлоқ хужалиги таҳлили услуби ўша пайтда аҳоли зичлиги анча юқори бўлганини аниқлаш имкони ятини берди. Мисол учун, ҳозирги кунда энг бой ва энг нуфузли евроамерикаликлар дам олишни хуш кўрган Martha's Vineyard оролчасида XVII асрда 3 минг нафар ҳиндулар истиқомат қилган. XX аср 60 йилларининг урталарида Рио Гранддан шимолдаги ҳудудда туб аҳолининг сони европалик мустамлакачилар истилосининг бошланиши аввалида 12,5 миллион бўлгани ҳақидаги хулосага келинди. Биргина Буюк Куллар атрофида, 1492 йилга келиб, 3,8 миллион киши, Миссисипи ҳавзасида эса 5,25 миллион киши яшаган.

Утган аср 80-йилларидаги янги изланишлар натижасида Шимолий Американинг ҳозирги Колумбиягача бўлган ҳудудида истиқомат қилган аҳоли сони 18,5 миллионга етгани аниқланган.

Демограф олим Расселл Торнтоннинг ҳам бу каби изланишлардан кузлаган асосий мақсади ўша даврда ва ўша ерларда ҳақиқатдан ҳам қанча одам яшаганини аниқлаш бўлган. Яъни эҳтимолӣ эмас, ҳақиқий ҳисоб керак эди. Унинг хулосасига кўра, камида 9-12,5 миллион одам яшаган. Охирги пайтларда аксар тарихчилар Доббинс ва Торнтон ҳисоб-китобларининг уртасини олиб, Шимолий Америка туб аҳолисининг сони ўша пайтларда 15 миллион атрофида бўлган, деган фикрда тўхталишмоқда.

Хуллас, янги қитъа аҳолисининг сони 1980-йилларда Смитсон институти таъкидлаган рақамлар-

дан тахминан ун беш марта, бугунги кун фаразидан эса етти марта куп булган. Доббинс ва Торнтон келтирган рақамлар XIX асрда ҳам маълум бўлган, бироқ “мафкуравий” талабларга жавоб бермагани учун рад қилинган эди.

Сўнги маълумотларга таяниб айтиш мумкинки, Христофор Колумб 1492 йилнинг 12 октябрь санасида тушган оролни ўз таркибига олган ва тез орада “Янги дунё” дея аталган қитъа аҳолисининг умумий сони 100-145 миллион кишини ташкил этган (Станард). Икки аср ўтиб, қитъа аҳолиси 90 фоизга камайган. Шимолий ва Жанубий Америкада қачонлардир ҳаёт кечирган энг омадли халқларнинг бугунги кунга келиб, 5 фоизи сақланиб қолинган, холос. Ғарбий ярим шар (яъни, Шимолий ва Жанубий Америка)даги туб аҳоли устидан ўтказилган геноцид ўзининг кўлами ва давомийлиги билан шу кунгача мислсиз бўлиб қолмоқда. Жаҳон тарихида бунга ўхшашини топиб бўлмайди. Мисол учун, 1492 йилгача 8 миллион таинослар (аравак қабилалари) раванқ топиб яшаган Испаньолада 1570 йилга келиб, туб аҳоли яшайдиган атиги иккита ночор қишлоқ қолган экан. Ваҳоланки, ундан 80 йил илгари Колумб таинослар ҳақида “улардан кўра яхшироқ ва хушмуомалироқ одамлар йўқ”, дея ёзган эди...

### ***Худудлар буйича баъзи маълумотлар***

Биринчи европаликлар пайдо бўлган вақтдан бошлаб 75 йил ичида, яъни 1519 йилдан 1594 йилгача Марказий Мексика, яъни Америкадаги одам энг кўп яшаган худуд аҳолисининг сони 95 фоизга камайиб кетди: 25 миллион одамдан 1 миллион 300 минг одам қолди, холос.

Ғарбий Никарагуага биринчи испанлар келгандан 60 йил ўтиб, унинг 1 миллион аҳолисидан 10 минг нафари қолди. Ғарбий ва Марказий Ҳондурасда ярим аср туб аҳолининг 95 фоизи қириб ташланди. Мексика кўрфази ёнидаги Кардобада 97 фоиз аҳоли йўқ қилинди. Жалапа деб номланган қўшни ҳудудда ҳам аҳолининг 97 фоизи қириб ташланди: 1520 йилда 180 минг киши бўлган бўлса, 1626 йилга келиб улардан атиги 5 минг нафари қолди. Бутун Мексика ва Марказий Америкада ҳам аҳвол шундай эди. Европаликларнинг келиши бу ерларда минг йиллар давомида яшаб келган туб аҳолининг бутунлай йўқ бўлиб кетишига олиб келди. Ҳозирда Перу ва Чили деб аталадиган ерларга европаликлар бостириб келмасидан аввал 9 миллиондан 14 миллионгача одам яшаган... Уша аср сўнггида эса Перуда бир миллионга яқин одам омон қолган, холос. Яна бир неча йил ўтиб, уларнинг ярмигина жон сақлаб қолишга муваффақ бўлган. Андаги 8,5 миллиондан 13,5 миллионга етадиган аҳолининг ҳам 94 фоизи қириб ташланган.

Уша пайтларда иккита Америка қитъасида аҳоли энг кўп яшаган улка – Бразилия бўлган, десак муболаға бўлмас. Португалиялик биринчи губернатор Том де Сузанинг сўзига кўра, туб аҳоли захирасининг сони шунчалик кўпки, “уларни бемалол қушхоналарга ҳайдаб олиб борса ҳам тугамайди”. Унинг ҳисоб-китоби хато эди. 1549 йили, колония ташкил қилинганидан 20 йил ўтиб, эпидемия ва плантациялардаги оғир қул меҳнати туфайли Бразилия халқи қирилиб кетиш даражасигача етган...

XV асрда иккита “Ҳиндустон”га тахминан 200 мингга яқин испанлар кўчиб ўтдилар (Мексика,



Марказий Америка ва жануб томонларга). У вақтга келиб, бу ҳудудлардаги туб аҳолининг бешдан тўрт қисми йўқ қилиниб бўлганди.

### *Колумб давридаги геноцид услублари*

Унда нацистлар услуби билан жуда катта ўхшашлик борлигини кўриш мумкин. Колумбнинг иккинчи экспедициясида (1493 йил) испанлар маҳаллий аҳолини қул қилиш ва қириб ташлаш учун гитлерчилар каби зондеркоманд услубларини қўллашган. Испан каллакесар гуруҳлари дорлари, кишанлари ва одам ўлдиришга ўргатилган итлари билан оммавий қотилликлар содир қилиш учун жазо экспедицияларини уюштириб турган. Таъкидлаш лозимки, капиталистик ва нацист геноциди орасидаги алоқа чуқурроқ илдизларга эга. Катта Антиллада истиқомат қилган ва охириги ўн йиллик давомида бутунлай қириб ташланган таинос халқи “Ўрта аср ёвузликлари” ёки христиан фанатизми, ҳаттоки, европалик босқинчиларнинг патологик бахиллиги қурбони бўлмади. Маълумки, уларнинг барчаси янги иқтисодий рационалик билан ташкил этилганлиги туфайли геноцид билан якун топган. Испания Куба, Ямайка ва бошқа орол аҳолисини даромад келтириши лозим бўлган шахсий мулк сифатида рўйхатга олган эди. Улкан ва дунёдаги энг йирик оролларга тарқалиб кетган аҳолини Ўрта аср европаликларнинг бир тўдаси томонидан методик равишда қайд этилиши, айниқса, ҳайратланарлидир.

Колумб 14 ёшдан катта бўлган барча аҳолига ҳар уч ойда испанларга олтин қум зарраларини ёки 25 фунт миқдоридagi пахта (олтин бўлмаган ҳудудларда) топшириш мажбуриятини юклаган.

Ушбу белгиланган миқдорни бажарганлар елкасига охирги ўлпон тўлови санаси кўрсатилган мис нишон осиб қўйилган. Мазкур нишон ўз эгаси яна уч ой ҳаёт кечириш имконига эга бўлади. Ушбу нишонсиз ёки муддати ўтган нишон билан қўлга тушганларнинг икки қўл бармоқлари кесиб ташланган. Кесилган бармоқлар қурбоннинг елкасига осиб қўйилган ва у ўз қишлоғига ўлар ҳолатда жўнатилган. Колумбнинг губернаторлиги вақтида Испаньоланинг ўзида 10 000 нафаргача ҳинду ўлдирилган. Белгиланган мажбуриятни бажариш амалда имконсиз эди. Маҳаллий аҳоли олтин қазииш учун озиқ-овқат жамғариш ва бошқа ишларни бутунлай тўхтатиши керак эди. Бу эса, ўз навбатида, очарчиликка олиб келди. Заифлашиб қолган ҳиндулар испанлар олиб келган касалликларга осонгина ўлжа бўлишарди. Бу касалликлардан бири Колумбнинг иккинчи экспедицияси вақтида Канар оролларида Испаньолага олиб келинган “чўчқа гриппи” эди. Ун минглаб, балки юз минглаб ҳиндулар бу қирғиннинг биринчи босқичидаёқ ўлиб кетди. Воқеаларга гувоҳ бўлган киши Испаньола кўчаларидаги ҳолатни шундай тасвирлаган: грипп сабабли ўлган одамларнинг жасадлари кўмилмасдан тўпланиб ётарди. Ҳиндулар кўзлари етган томонга қочишга ҳаракат қилишган: оролнинг чеккароқ қисмларига, тоғларга, ҳатто бошқа оролларга. Лекин ҳеч қерда бу балодан қутилиб қолиш имкони йўқ эди. Оналар ўзларини ўлдиришдан олдин болаларини ўлдиришарди. Бутун бошли қишлоқлар аҳолиси оммавий тарзда ўзларини қоядан ташлаб ёки заҳар ичиб ўлдиришарди. Лекин бунданда кўпроқ одамлар испанларнинг қўлида ўлим топарди.

Колумб давридаги манбалар европалик мустамлакачилар ҳиндуларни сихларда қовурганликлари, гулханда ёққанликлари ва дорга осганликлари ҳақида гувоҳлик беради. Болаларни эса итларга емиш сифатида бўлаклаб берганлар. Таинослар аввалига испанларга ҳеч қандай қаршилик кўрсатмаганлар. Улар оммавий шок ҳолатига тушиб қолган бўлса, ажабмас. "Испанлар одамни бир зарба ила иккига чопиб ташлаш, бошини танасидан жудо қилиш ёки қорнини ёриб ташлаш ҳақида гаров уйнашарди. Улар гўдакларни оналаридан тортиб олиб, бошини тошга уриб ёришарди... Қолган болаларни эса оналари ва ўша ерда бўлганлар билан бирга узун қиличларига шода қилишарди".

Булардан кейин «эсэсчи»лардан Шарқий фронтда янада жидду-жаҳд қилишни талаб қилмаса ҳам бўлаверарди, деб адолатли равишда таъкидлайди Уорд Черчилъ. Битта ўлдирилган европалик учун юзта ҳинду қатл қилиниши ҳақидаги қондани испанлар жорий қилишди. Нацистлар ҳеч нарсани ихтиро қилишлари шарт эмасди, улар фақат нусха олишса кифоя эди.

### ***Кубадаги XVI аср қирғини***

Испанияликларнинг садистик ҳатти-ҳаракатлари ҳақидаги далилларнинг саноғи йўқ... Мисол учун, кўп келтириладиган Куба эпизодига кўра, 100 тача аскардан ташкил топган бўлинма қирғоқ бўйида ўткир тиғли тошларни кўриб қолади ва уларнинг ўткирлигини синаш мақсадида эркаклар, аёллар, болалар ва қариялардан иборат бир гуруҳ ҳиндуларни зўравонларча ўша тошларга ташлаб, қорниларини ёра бошлайдилар. Шундай

қилиб, ҳиндулардан биронта тирик жон қолма-  
гунича ёвузликни давом эттирадилар. Сунг, сал  
нарироқда турган катта хонадонга ҳам бостириб  
кириб, уша ваҳший қилмишларини давом эттира-  
дилар...

Бу хунрезлик Зукайо қишлоғида бошлан-  
ди. Қишлоқ аҳолиси “конкистадор” деб аталган  
махлуқларни кутиб олиш учун уларга ширин та-  
омлар, балиқлар ва мева-чеваларни тайёрлаб  
қўйишган эди. Бу қирғин уша жойдан бошқа жой-  
ларга ҳам тарқалди. Испанларда садизм шиддати  
бошланиб, қонга булган чанқоқлари қонгунича  
қанча ҳиндуларни қириб ташлаганининг ҳеч ким  
билмайди. Лас Касаснинг ҳисоблашича, улар 20  
мингдан кам бўлмаган.

Европаликлар ақлга сиғмас зуғум ва қий-  
ноқларни ўйлаб топишдан роҳатланишар эди.  
Осилган киши буғилиб ўлиб қолмаслиги учун оёқ  
бармоқларинингучигина ерга тегиб турадиган ба-  
ландликдаги дорга ўттизта ҳиндуни Ийсо масийҳ  
ва унинг ҳаворийлари шаъни учундек бирин-ке-  
тин осиб қўйишди. Ҳиндулар ўлиб улгурмасидан  
испанлар уларнинг устида ўз қиличларининг ўт-  
кирлиги ва чидамлилигини синаб кўрдилар, бир  
зарб билан кукракларини ёриб, ички аъзолари-  
ни чиқариб ташлашар ёки ундан баттар ишлар-  
ни ҳам қилишарди. Сўнгра, уларнинг нимталан-  
ган баданларини сомон билан ўраб, тириклайин  
ёқиб юборардилар. Бир аскар икки ёш атрофида-  
ги икки болани тутиб олиб, оғзига қилич тиқиб,  
жардан улоқтириб юборади...

Вьетнамнинг Май Лай, Сонг Май ва бошқа қиш-  
лоқларида содир этилган қирғинлардан хабардор  
кишилар бу қайдномалар билан танишадиган  
бўлса, ўзаро таққослаш қанчалик тўғрилигини

тушуниб етади. Чунки испанлар ҳам ўз террорларини қайдномаларда “тинчлантириш” деган ном билан атаганлар. (Агар бошқа бир атамани қўллашганида, зулм қўлами қанчалик бўларди?!) Вьетнамдаги уруш узининг миқёси билан қанчалик даҳшатли бўлмасин, беш юз йил олдин биргина Испаньола оролининг ўзида содир этилган ишларга тенглаша олмайди.

1492 йили Колумбнинг бу оролларга келиши вақтида маҳаллий аҳоли сони 8 миллион кишини ташкил этарди. Турт йил ўтиб, уларнинг учдан биридан то ярми қолган.

### *Қуллар меҳнати*

Оммавий қотилликлар, қийноқлар камёб ҳолат бўлмаган, уларнинг ҳаммаси маҳаллий аҳолини буйсундириш ва “тинчлантириш” учун террор қуроли бўлиб хизмат қилган. Америка аҳолисига олтин ва кумуш конларида ишлаши керак бўлган ўн миллионлаб текин ишчи куч сифатида қаралган. Уларнинг сони – босқинчиларнинг фикрича шунчалик кўп эдики, қуллардан иборат ишчи кучларни ўзларидан кўпайтириш ўрнига уларни бошқалар билан алмаштириш испанлар учун “энг қўлай ва рационал иқтисодий услуб” бўлган. “Эскирган” ҳиндуларни янги қуллар тўдаси билан алмаштириш учун аввалгиларини оғир меҳнат билан ўлдиришган.

Уларни Анд тоғларидан қуйига, тропик ўрмонлардаги кока плантацияларига ҳайдаб тушардилар. Пастда эса уларнинг организми ўлим билан якун топувчи хавфли касалликларнинг енгилгина ўлжасига айланарди. Бурун, оғиз ва томоқ чиршига олиб келувчи “ута” каби хасталиклардан

одам боласи азобли ўлимга дучор бўларди. Бундай плантациялардаги ўлим даражаси шу қадар юқори эдики (беш ой ичида 50% гача), қирол кока ишлаб чиқаришни чеклаш ҳақида фармон чиқаришга ҳам мажбур бўлганди. Бироқ, кўплаб фармонлар каби, бу ҳам фақат қоғоздагина қолиб кетди. Ўша пайтда ёзиб қолдирилганидек, “плантациялардаги кока касалликдан бошқа нарса эмас, бу эса энг даҳшатлисидир. Бу испанларнинг чеки йуқ очкузлигидир”.

Бироқ кумуш конларига тушиш бундан ҳам ёмон эди. Ишчиларга ҳафтасига бир қоп қовурилган маис (жуҳори) берилиб, 250 метр чуқурликка туширилар эди. Оғир иш, ўпирилишлар, носоз вентиляция ва назоратчиларнинг зулмидан ташқари, ҳиндулардан бўлган кончилар мишъяк, симоб ва ҳоказоларнинг заҳарли буғлари билан нафас олишга мажбур эди. “Агар душанба куни 20 та ҳинду шахтага тушадиган бўлса, якшанба куни уларнинг ярмигина мажруҳ ҳолда тепага чиқиши мумкин эди”, деб ёзади ўша замон гувоҳларидан бири.

Станарднинг ҳисоб-китобига кўра, кока деб номланувчи ўсимлик теримчилари ва ҳинду кончиларининг умри илк геноцид даврида уч ёки тўрт ойдан ошмаган. Бу аҳволни 1943 йил Освенцимдаги синтетик резина фабрикасида ишлаган асирларнинг ҳаётига ҳам ухшатиш мумкин. Ацтекларнинг пойтахти Теночетландаги қирғиндан сўнг Испания Кортеси Марказий Мексикани “Янги Испания” деб эълон қилди ва у ерда қулдорликка асосланган мустамлака тартибини ўрнатди. Ҳиндуларни конларда ишлатиш учун “тинчитиш” (юқорида таъкидланганидек, Вьетнамдаги уруш

даврида Вашингтоннинг расмий сиёсати ҳам худди шундай аталган) ва қийноққа солиш услуби ўша замонда шу тарзда ифодалаган.

“Кўп сонли шоҳидларнинг кўп сонли гувоҳликлари ҳиндуларни тоғ конларига тўп-тўп қилиб олиб кетилаётгани ҳақида ҳикоя қилади. Уларни бир-бирларига бўйинкишанлар билан занжирбанд қилишган. Қулаб тушганларнинг бошини танасидан жудо қилишарди. Уйларга қамаб ёндирилганлар, юришга қийналган кексалар ва юришни билмайдиган болаларнинг бўғизлаб ташлангани ҳақида гапиришади. Аёлларнинг кўкрагини кесиб ташлаш ва уларни кўл ёки кўрфазларга улоқтиришдан олдин оёқларига оғир нарсаларни боғлаб қўйиш одатий ҳолга айланганди. Онасидан юлиб олинган, ўлдириб йўл белгиси сифатида фойдаланилган чақалоқлар ҳақида ҳикоя қилинади. Қочоқ ёки “саёқ” ҳиндуларнинг оёқ-қўллари чопилиб, кесилган кафтлари ва бурунларини уз бўйинларига осиб, қишлоқларига жўнатилган. Имкони борича кўплаб тутиб олинган ҳомиладор аёллар, болалар ва қарияларни тубига ўткир қозилар қоқилган махсус ураларга улоқтираётганлари ва чуқур тулғунига қадар ўша ерда қолдирилаётгани ҳақида ҳикоя қилишади. Ва бошқа кўп, жуда кўп нарсалар ҳақида”. (Станард)

Натижада, “конкистадор”лар 1595 йили ҳозирги Мексика ҳудудига келган вақтларида у ерда яшаётган 25 миллион аҳолидан 1,3 миллион кишигина қолганди. Тирик қолганлар ҳам асосан кон ва плантациялардаги азобли меҳнатга дучор қилинган эдилар.

Пизарро тўдаси қилич ва қамчилар билан иш юритган Анд тоғларида XVI аср охирига келиб,

аҳоли сони 14 миллиондан қарийб 1 миллионгача камайиб кетди. Бунинг сабаби ҳам Мексика ва Марказий Америкада бўлгани каби эди. 1539 йилда Перуда бир испаниялик ёзиб қолдирганидек: “ҳиндулар бу ерда батамом ҳалок бўлмоқдалар... улар биргина емиш илинжида қўлида хоч билан бўлса ҳам дуо қилишга мажбур бўлмоқдалар. Аммо [аскарлар] барча ламаларни фақат шам ясаш мақсадидагина ўлдириб ташламоқдалар... ҳиндуларга экин ишлари учун ёрдамлашадиган биронта ҳам ҳайвонни қолдирмаяптилар, уларда бошқа ҳайвон ва уни оладиган бошқа жойи бўлмагани учун ҳиндуларнинг очликдан ўлишдан бошқа чораси қолмаяпти”. (Черчилъ)

### ***Геноциднинг психологик жиҳати***

Америка геноциди бўйича энг янги замон тарихчилари унинг психологик жиҳатига, ўнлаб ва юзлаб халқлар ва этник гуруҳларни битта ҳам қолдирмай қириб ташлашда депрессия ва стресснинг тутган ўрнига борган сари кўпроқ эътибор қарата бошламоқдалар. Ва бу ерда биз собиқ Совет Иттифоқидаги халқларнинг ҳозирги аҳволи билан бўлган ўхшашликни кўриш мумкин.

Америка туб аҳолисининг руҳий “дислокацияси”га оид кўплаб далил-исботлар геноцид тақвида сақланиб қолган. Европалик босқинчилар томонидан қул қилинган халқларни очикчасига қириб ташлаш мақсадида уларнинг маданиятига қарши юз йиллар мобайнида олиб борилган маданий уруш Янги дунё туб аҳолисининг руҳиятида ақл бовар қилмас даражадаги оқибатларни келтириб чиқарди. Бундай “руҳий ҳужум” туб аҳолида алкоголизмдан тортиб то сурункали депрес-



сия, кенг миқёсда ва узини ўзи улдиришга олиб келди. Аксарият ҳолларда эса, одамлар ерга ётганича жон бера бошладилар. Руҳиятнинг шикастланиши туғилиш даражасининг кескин пасайиб кетишига, болалар орасида ўлим даражасининг ортишига сабаб бўлди. Касалликлар, очарчилик, оғир меҳнат ва қотилликлар туб жамоанинг тўлиқ қирилиб кетишига олиб келолмаган бўлса-да, туғилишнинг паст кўрсаткичлари, болалар орасидаги ўлим даражаси, барибир, эртами-кечми шунга олиб келарди. Ҳиндулар орасида болалар туғилиш даражасининг кескин пасайиб кетганини кўрган испанлар, вақти-вақти билан уларни бола туғишга мажбурлашга ҳам ҳаракат қилиб турардилар.

Кирпатрик Сейл таинос қабиласининг геноцидга бўлган реакциясини шундай хулосалайди: "...таиносни катта кемалар эгаси бўлган оқ танли кишилардаги ҳайратга солган нарса – бу уларнинг зурвонлиги ёки очкўзлигию мулкка бўлган ғайритабиий муносабати эмас, балки уларнинг дийдаси қотиб кетганлиги, бахиллиги ва юрагида муҳаббат йўқлиги эди".

Умуман, барча қитъалар – Испаньола, Анд ва Калифорниядан тортиб то Экваториал Африка, Ҳинд субқитъаси, Хитой ва Тасманияга қадар чўзилган империалистик геноцид тарихини ўқир экансиз, Уэльснинг "Оламлар урушлари" ёки Брэдберининг "Марс хроникалари" каби асарларни бошқача тушуна бошларкансиз. Ҳолливуддаги ўзга сайёраликлар ҳужумини-ку, айтмаса ҳам бўлаверади. Евроамерика фантастикасининг бу каби даҳшатларининг илдизи ўша ўтмишга бориб тақалмасмикин? Аждодлари Колумбдан то Чер-

чилгача, Гитлердан то Бушгача бўлган шахслар томонидан қириб келинганлар ва ҳозир ҳам қириб келинаётганлар олдида ўзини “ўзга сайёраликлар”нинг қурбони қилиб кўрсатган ҳолда айбдорлик ҳиссини йўқ қилишга чақириқ эмасми?

### ***Қурбонларни ёвузлаштириш***

Геноцид махсус тарғибот билан қўллаб-қувватлаб турилар, унинг ўзига яраша “қора пиари” ҳам бор эди. Аслида, бугун ҳам евроамерика империалистлари бундай қора пиардан ўз аҳолисининг наздида бўлғуси қурбонини ёвуз ва қўрқинчли қилиш, уруш ва талончиликка ўзича адолат тусини бериш учун фойдаланишади.

1493 йилнинг 16 январида, таиносларни ўлдиришганидан уч кун ўтиб, Колумб ўз кемаларини яна Европага бурди. У ўзининг “Борт дафтари”ига испанлар маҳаллий аҳолини ва “Кариб оролининг одамхўр ва ёвуз аҳолисини” қандай ўлдиришгани ҳақида битиб қўйди. Замонавий антропологларнинг таъкидлашича, айнан мана шу ёзув Антил аҳолисини, кейинчалик эса “янги дунё” вакиллари оммавий қирғин қилишга, қайсидир маънода, сабаб бўлди. Мустамлакачиларни олқишлаган ва уларга буйсунган туб аҳоли вакиллари “ёқимтой таинос” дея ҳисобланган. Қаршилик кўрсатганлар ёки испанлар томонидан ўлдирилганлар эса мустамлакачиларнинг қўлидан келадиган барча жазоларга лойиқ “ваҳший одамхўрлар” сирасига киритилар эди. Мисол учун, Колумбнинг кундалигида 1492 йил 4 ва 23 ноябрь куни битилган ёзувларда қуйидагиларни ўқиш мумкин: “...бу ёвуз ваҳшийлар пешонасининг ўртасида кўзи бор... улар ит тумшуқлари билан қурбонлари-

нинг қонини ичадилар, бўғизлайдилар ва бича-дилар...” “Бу оролларни инсон гўштини ейдиган одамхўрлар, ёввойи, буйсунмайдиган ирқ босиб олган. Уларни антропофаглар деб аташ туғрироқ бўлади. Улар мулойим, тортинчоқ ҳиндуларга қарши уларнинг танаси учун узлуксиз уруш олиб бормоқдалар. Улар ов қилаётган нарса шудир. Улар ҳиндуларни аёвсиз қирмоқдалар ва террор қилмоқдалар”. Колумбнинг иккинчи экспедицияси аъзоси бўлган Команинг бу тавсифи Кариб аҳолисидан кўра европаликларга кўпроқ қаратилгандир. Европаликлар ўзлари аввал кўрмаган, аммо ўз ўлжасига айланиши керак бўлган бу инсонларни олдинданок одам ҳисобидан чиқариб юборган эдилар.

Булар нафақат узоқ ўтмишнинг, балки бугунги куннинг ҳам ачинарли ҳақиқатидир, афсус. “Ёввойи ва таслим бўлмас ирқ” – Ғарб империализмининг Колумбдан то ҳозирга қадар илгари сури-лаётган асосий ўйдирмасидир.

“Ёввойи” эканига сабаб унинг гўёки “маданиятли” мустамлакачиларга қул бўлишга рози бўлмаганлигидадир, балки?! (Ўз вақтида шўро коммунистлари ҳам “цивилизациянинг ёввойи душманлари” деган тамғадан “унумли” фойдаланиб келганлар).

1493 йилда “пешонасининг ўртасида кўзи бўлган” ва “итга ўхшаган бурунга эга бўлган Кариб одамхўрлари”ни уйлаб топган Колумб ва 1942 йил ўрталарида “эс-ес” раҳнамоларининг мажлисида Шарқий фронтдаги урушни: “Аввалги барча кампаниялар вақтида Германия душманлари “азалий ва маданий... Ғарбий Европача нозиклиги” туфайли кучли рақибга ўз вақтида бўш келиш

учун етарлича ақл-идрок ва виждон бор эди” деб тавсифлаган рейхсфюрер Гиммлер уртасида узвий алоқа мавжуддай...

Аслини олганда, мафкуравий инверсия қоидасига мувофиқ, Янги дунёнинг туб аҳолиси эмас, балки мустамлакачиларнинг ўзлари одамхўрлик билан шуғулланишган. Колумбнинг иккинчи экспедицияси Карибга одамларни ўлдириб, уларнинг ички аъзоларини ейишга ўргатилган кўп сонли мастиф ва грейхаунд зотли итларни олиб келди. Тез фурсат ичида испанлар ўз итларини одам гўшти билан боқишга ўтдилар. Тирик болаларга эса тансиқ таом сифатида қаралди. Мустамлакачилар ўз итларига ёш болаларни, кўпинча ота-онасининг кўз ўнгида ғажиб ташлашларига рухсат берар эдилар.

Замонавий тарихчилар Карибда бутун бошли “гўшт сотиш” шаҳобчалари мавжуд бўлган, деган фикрга келишмоқда. Бу “савдо расталари”да ҳиндуларнинг гўштли итлар учун емиш сифатида сотилган. Колумбнинг бошқа “мероси” каби одамхўрлик ҳам янги қитъада ривож топди. Инклар юртига бостириб кирган босқинчиларнинг бирининг мактуби сақланиб қолган: “...Карфагендан қайтаганимда Рохе Мартин исмли португални учратиб қолдим. Унинг уй эшиги олдида итлари учун тайёрлаб қўйилган ҳиндуларнинг чопилган гўштли итлари осилиб турар эди, худди ёввойи ҳайвон гўштлидек...” (Станард).

Ўз ўрнида испанлар ҳам олтин ва қулларни излаш вақтида қийин ҳолатга тушиб, очарчиликка дучор бўлганида одам гўшти билан боқилган ўз итларини ейишга мажбур бўлган ҳолатлари бўлишган. Геноциднинг мудҳиш бир истехзоси шундай бўлган.

## Нима учун?

Черчилль савол беради: инсон номи остидаги мавжудот, ҳатто улар Колумб даврида яшаган ҳамда ёппасига бойлик ва юксак нуфуз иштиёқига чалинган испан булсалар ҳам, узоқ вақт давомида ўзга одамларга нисбатан беҳад ваҳшийлик ва ўта ғайриинсоний муносабатда бўлишганини қандай изоҳлаб бўлади?!

Америкада илк Ўрта асрлардан “Уйғониш”гача бўлган давргача геноциднинг ғоявий негизларини кузатган Станард ҳам олдинроқ шу каби саволларни кўтариб чиққанди: “Мусулмонлар, африкаликлар, америкалик ҳиндулар, яҳудийлар, лўлилар ҳамда бошқа диний, ирқий ва этник гуруҳларга нисбатан амалга оширилган геноцид ортида жону дили билан турган ўша одамлар ким ўзи?! Бугун ҳам одамларни оммавий равишда ўлдираётганлар кимлар?! Бундай мудҳиш жиноятларни содир этиш учун одам қандай бўлиши керак?!”

Станард қадимги даврдан бери давом этиб келаётган европалик насронийларнинг жинс, ирқ ва уруш ҳақидаги қарашлари билан таништириб қўйишга чақиради. Унинг кузатишича, Ўрта асрлар охирида Европа Янги дунёнинг туб аҳолисига қарши тўрт юз йиллик геноцид учун керак бўладиган барча сабабларни ҳозирлаб қўйган экан.

Станард насронийликнинг “нафсоний истакларини” тиймоқ каби буйруқларига, яъни Европа маданиятида черков тарғиб қилаётган ва шахватга бўлган репрессив муносабатга алоҳида эътиборини қаратади. Хусусан, у Янги дунёдаги геноцид билан черков ҳукмронлиги ва юқори табақали

феодалларга таҳдид солувчи матриархал жоҳилият мафкураси вакиллари бўлган “жодугарлар”га қарши террор уртасида генетик алоқа борлигини аниқлаган. У ирқ ва тана ранги ҳақидаги концепциянинг Европадан келиб чиққанини ҳам таъкидлайди.

Ўрта аср бошларида насронийларни қул қилиб ушлаб туришга қарши бўлган черков доим қул савдосини қўллаб-қувватлаган. Чунки черков, том маънода, фақат насронийни инсон деб ҳисоблаган, холос. Бошқалар эса насронийликни қабул қилиб инсонга айланиши мумкин бўлган, сўнг эса озод бўлиш ҳуқуқига эга бўлган. Бироқ, XIV асрда черков сиёсатида мудҳиш ўзгаришлар рўй берди. Ўрта ер денгизи атрофида қул савдоси гуллаб-яшнаши оқибатида мўмай даромад олиш имконияти пайдо бўлди. Аммо бу даромадларга насронийлик мафкурасини мустаҳкамлаш мақсадида черков томонидан қўйилган бўшлиқлар хавф солар эди. Аввалги даврдаги мафкуравий асослар энди насроний ҳукмрон табақаларнинг моддий манфатларига қарши кела бошлади. Ва ниҳоят, 1366 йилда Флоренция зодагонлари ўзга динга мансуб қулларни олиб келиш ва сотишга рухсат берди. Бунда “ўзга динга мансублик” ҳукми остига “католик оқимига янги кирган, бироқ асл келиб чиқиши насроний бўлмаган барча қуллар” ва “ўзга дин ўлкаси ва ирқига мансуб” барча қуллар кириб кетди. Шу йўсин, черков ўзининг диний эътиқодига асосланган қулдорлик тамойилини ирқий мансублик қоидалари билан алмаштирди. Бу эса (арман, яҳудий, лули, славян ва ҳ.з. каби) ўзгармас ирқий ва этник аломатларга асосланган янги давр геноцидлари учун муҳим қадам бўлди.

Европанинг “ирқшунослик илми” бу уринда диндан ҳеч ҳам ортда қолмади. Зодагонлар табақасининг генетик жиҳатдан тоза бўлиш шарти Европа феодализмининг ўзига хос хусусиятларидан эди. Испанияда *limpieza de sangre* - “қоннинг тозалиги” тушунчаси XV аср охири ва XIV аср давомида муҳим аҳамият касб этди. Зодагонликка на бойлик ва на хизмат билан эришиб бўларди. “Ирқшунослик илми”нинг манбаи ўша даврдаги насл-насаб алоқаларини текширувчи бир тўда мутахассисларнинг авлодларга оид изланишлари натижаси ортида ётарди.

1520 йилга келиб швейцариялик танилган медик ва файласуф Парацельс томонидан илгари сурилган “Айри ва тенг бўлмаган келиб чиқиш” назарияси, айниқса, катта аҳамият касб этди. Мазкур назарияга кўра, ҳиндулар ва насроний бўлмаган бошқа “рангли” халқлар Одам ва Ева (Ҳаво) дан эмас, балки паст бўлган бошқа ота-боболаридан келиб чиққан, деб ҳисобланган. Парацельс ғоялари европаликларнинг Мексика ва Жанубий Америкага бостириб кириши арафасида кенг тарқалди. Бу ғоялар XIX асрда псевдоилмий ирқчиликнинг ажралмас қисмига айланган ва ўзича “полигенезис” деб номланувчи назариянинг илк намоён бўлиши эди. Аслида, Парацельс ёзувлари чоп этилишидан ҳам аввал, геноцидни бу каби ғоявий ўхшаш тарзда оқлаш ишлари Испания (1512 й.) ва Шотландияда (1519 й.) пайдо бўлган эди. Испаниялик Бернардо де Меса (кейинчалик Куба епископи) ва шотландиялик Иоган Мейжер ҳам ўзларича “Янги дунёнинг туб аҳолиси Худо томонидан Европа насронийларига кул бўлиши ирода қилинган ўзига хос ирқ эканлиги” ҳақида бир хил “хулоса”га келишганди.

Испан “зиёли”ларининг ҳиндулар инсон ёки маймун эканлиги ҳақидаги ғоявий баҳслари Марказий ва Жанубий Америкада қурқинчли эпидемия, оммавий қотилликлар ва жуда оғир меҳнат оқибатида миллионлаб аҳоли қирилиб кетаётган XVI аср ўрталарига бориб тақалади.

Ҳинду ўлкаларининг “расмий тарихчиси” Фернандес де Овиеда ҳиндуларга нисбатан бўлган ваҳшийликни инкор қилмай, “юлдузлар каби чексиз бўлган даҳшатли ўлим”ларни баён қилади. Бироқ, у бу нарсаларни маъқул ҳисоблаб, “насроний бўлмаган жоҳилларга қарши порох ишлашиш – Худо учун ладан тутатиш кабидир”, деб ўзи-ча изоҳлайди (ладан – шу ном билан аталувчи ва бошқа ўсимликлардан олинадиган ҳамда насронийларнинг диний маросимларида тутатиладиган смола).

Лас Касаснинг Америка туб аҳолисига шафқат қилиш ҳақидаги илтижоларига испан теологи Хуан де Сепульведа шундай дейди: “Ким маданиятсиз, жоҳил, гуноҳ ва қабоҳат билан бузилганларни босиб олиши адолат эканига шубҳа қилиши мумкин?!”. У Арастунинг “Сиесат” асаридан иқтибос келтиради, унда айтилишича, баъзи одамлар “табиатан қулдир” ва “уларга ваҳший ҳайвонлар каби муносабат қилиб, туғри яшашига мажбур қилиш керак”. Бунга жавобан Лас Касас шундай деган: “Келинг, Арастуни тинч қўяйлик, чунки бахтимизга Масихнинг “Ўзгани ўзингни севганинг каби сев”, деган амри бор”. (Бироқ ҳиндуларнинг Лас Касасдек европалик ашаддий ва инсонпарвар ҳимоячиси ҳам “улар ҳақиқатан ҳам тўлиқ варвардир, балки” деб тан олишга ўзини мажбур ҳисоблаган).



Лас Касас ва Сепульведа ўртасидаги машҳур ўша баҳсдан ўн беш йил аввал испаниялик шарҳловчи шундай деб ёзганди: "...оддий халқ Америка ҳиндуларини инсон эмас, балки "инсон ва маймун ўртасидаги учинчи тур мавжудот бўлиб, улар Худо томонидан инсониятга хизмат қилиш учун яратилган" дея ишонган кишиларни "донолар" деб ҳисоблашган" (Станард).

XVI асрнинг аввалидаёқ оқ танли евроамерикалик ҳукмрон доирада олдинда турган геноцидни оқлаш учун мустамлакачилик ва ирқчиликка асосланган апологияси (ўз-ўзини оқлаш ғоялари) шакллана бошлади. Станард ўз тадқиқотларида Америка туб аҳолисининг испанлар ва англосаксонлар томонидан қирғин қилиниши нацистларнинг яҳудий, лули ва славян халқлари устидан амалга оширган геноциди билан ғоявий боғлиқ эканини илгари сургани ҳайратланарли эмас. Европалик мустамлакачилар, кўчиб борган оқ танлилар ва нацистларнинг барчаси ғоявий жиҳатдан ягона асосга боғланади. Станарднинг қўшимча қилишича, ушбу мафкура бугун ҳам тирик. АҚШнинг Жануби-шарқий Осиё ва Яқин Шарққа бўлган интервенцияси ҳам шу билан асосланади.

## ЕВРОПАНИНГ ҚОРА ЮРАГИ<sup>1</sup>

Шундай бўлганида биз жаҳонга узимизнинг маданий, фикрий ва сиёсий тараққиётимизни намоен қилган ва бир пайтлар сиёсат маркази бўлган Хунза, Ахти, Кумух, Ведено, Жайри ва Таркиларни шаҳар меъморчилигининг жавҳарларига айлантирган булар эдик. Бироқ гап ҳозир бу ҳақда эмас. Вена фақатгина меъморий ёдгорлик эмас. Вена – бутун насроний ғарб цивилизациясининг тимсолидир. Айнан Вена шаҳри ўрта асрларда Ислоннинг икки фатҳини тўхтата олган Европанинг сўнгги нуқтаси бўлди. Эслатиб ўтай, Ислоннинг биринчи тўлқини умавийлар даврида 711 йил (ҳиж. 92 йил олтинчи халифа Валид ибн Абдул Малик даврида) Гибралтар ва Испания орқали Европани қоплаган эди. Мусулмонларнинг отлиқ қўшинлари шиддатли бўронга ўхшаб Пириней тоғларидан ўтиб, илк бор Европа минтақасига чуқур кириб бордилар ва 732 йили (ҳиж. 114 йил ўнинчи халифа Ҳишом ибн Абдул Малик даврида) ҳозирги Парижга яқин Пуатье деган жойда тўхтадилар. Ислоннинг иккинчи тўлқини эса, Европага усмонийлар даврида келди. Бу сафар мусулмонларнинг қўшинлари Болқондан Европанинг марказигача кириб бориб, Венани 1529 (ҳиж. 935 йили Сулаймон Қонуний даврида) ва 1683 (ҳиж. 1094 йили Муҳаммад IV даврида) йиллари қамал қилдилар. Ҳар иккала уриниш ҳам муваффақиятсиз бўлди, чунки Вена ҳужумларга бардош бера олди.

---

1. Мақола муаллифи – Руслан Қурбонов. Интернет тармоғидан олинди. таржима қилинди – Абу Муслим.

Усмонийларнинг Венани муваффақиятсиз қамал қилиши Марказий Европа фатҳини тўхтатиб қўйди. Шундан бери ҳар қандай европалик учун Вена ва ҳатто баъзи россияликлар учун ҳам Ислон Европани забт эта олмаслигининг тимсолига айланди. Бу ҳақда рус ҳамкасбларим билан Венанинг тор кўчаларида сайр қилар эканмиз, улар ҳазил аралаш эслатиб туришдан чарчамадилар. Мен уларга эса табассум ила: "Биз бошқа йўлдан боряпмиз...", деб жавоб бердим ва кўҳна Венада ўз юртидагидек юрган ҳижобли қизларга ва кичик ресторанда шарбат ичиб, ўз тилларида суҳбатлашиб ўтирган мусулмон йигитлар тарафига бошим билан ишора қилиб қўйдим.

Дарҳақиқат, иккита исломий фатҳ тўлқинини (умавий ва усмонийлар ҳужумларини) қайтара олган Европа бугун глобализация ва чегараларнинг йўқ бўлиб кетиши оқибатида келиб чиққан исломий демографик "ҳужумига" ва мусулмонлар миграция тўлқинига жавоб бера олмаётир.

### *Шайтоний мода*

Вена бутун ғарб цивилизациясининг маркази ва тимсоли бўлгани учун ҳам менга қизиқдир. Мен бу ерга нафақат илмий мақсадлар ортидан, балки Европанинг рамзий қалбига шўнғиш ва уни ичидан ҳис қилиш учун келдим.

Аввал кўчаларни кездим, дўконларга бордим, одамлар билан суҳбат қурдим... Мусулмон бўлганим учун мен барча нарсага эътиқодимдан келиб чиқиб нигоҳ ташлайман. Биринчи навбатда эътиборимни – бу ердагиларнинг тавҳид ва рисолат қадриятларига қанчалик содиқ қолишганига қаратаман.

Илк кўзга ташланган нарса – маҳаллий аҳолининг “қора кучлар”га бўлган кучли ишончи. Деярли барча китоб дўконларида болалар учун жодугар, алвасти, жин ва бошқа махлуқотлар ёритилган бошқотирмалар тўлиб ётибди. Катталар учун эса шайтон, вампир, жодугар ва бошқа ман-фур “қора кучлар” ҳақида китоблар муҳайё. Китоб дўконларининг бутун бошли бўлими фантастика-нинг қора жанри, шайтоний мистика ва эзотери-кага бағишланган...

Бу мода фақат австрияликларга хос эмас. Замо-навий Европа маданияти шайтоний ва қабр ҳақи-даги афсоналар билан тўлган. Голливуд индус-триясининг ўтган йилги шубҳали шедеврларига боқиш кифоя – “Фаришта юраги”, “Ван Хелсинг”, “Оқшом” ва бошқа юзлаб филмлар...

### *Кўрқинч маданияти*

Замонавий Ғарб дунёсининг бундай салбий қаҳрамонлар ва сюжетларга қизиқиши қаердан пайдо бўлди?

Мазкур даҳшат асосига қурилган Ғарб мадани-яти ўрта асрларда авжга чиққан палласида санъ-ат соҳасида ўлим ва шайтон асосий ўринни тути-шига олиб келди. Таниқли маданиятшунос Йозеф Хейзинг мазкур ўрта аср кўринишларини “даҳ-шатли арвоҳлар ҳамда ёпишқоқ ва фалаж қилув-чи кўрқувлар таъсирида инсон шуурининг қаъри-да туғилган бир титроқ...” дея тасвирлайди.

Кино санъатининг даҳшатли фильмлар жан-ри айнан Европа маданияти асосида пайдо бўл-ган ва Ғарб мамлакатларида ўта оммалашган. Бу кўриниш бутун бошли авлодлар бошидан кечирган даҳшат ва кўрқувга йўғрилган “мада-

ният" дир. Уйлайманки, замонавий ғарб одами айнан шундай «санъат» – даҳшатли филмлар, қора кучлар ва вампирлар ҳақидаги китоблар ва сайланмалар – орқали ўз қонига ва шуурига асрлар давомида сингдирилган кўрқувни итқитмоқчи...

### *Готик мистикаси*

Шу фикрлар билан ўзимни эски шаҳар кучоғига ташлайман...

Марказий майдонда жойлашган ўта баҳайбат Авлиё Стефан черкови бошим узра пайдо бўлади... Унинг архитектураси муҳташам бўлиб, одамни сирли кўрқув оғушига тортади. Бу готика – осмонга санчилган совуқ аррали миноралар, серқирра ва қилтаноқли деворлар...

Черковнинг баланд деворларининг ҳар бурчагида даҳшатли махлуқлар осилиб турибди. Булар – инсон ўйлаб топган энг жирканч махлуқлардан бири – гаргулалар. Менга тушунтиришлари-ча, католик афсонаси тасаввуридаги ушбу жирканч махлуқотлар билан жаҳаннам тўлдирилган.

Бироқ улар ибодатхона деворларига қаёқдан келиб қолди?..

Гаргулалар қандай мақсадни кўзлаб яратилгани ҳамон жавобсиз. Тахминларнинг бирига кўра, ўша пайтларда Европанинг аксар аҳолиси саводсиз бўлгани боис бу махлуқотлар уларни даҳшатга солиш ва тобеъ қилиш учун ишлатилган. Бошқа бир талқинга кўра, гаргулалар бу биноларни ёвуз руҳлардан кўриқлаган. Бу талқин уларнинг бадбашаралигини шарҳлаши мумкин. Афтидан тошдан ясалган ҳайкаллар ё зулмат кучларини кўрқитган ёки уларга даҳшат солиш вазифаси бошқаларга юклатилганини хабар қилган.

Бундан ташқари инглиз меъморий обидалар тарихчиси Фрэнсис Блай Бонд черков гаргулалари черковнинг "хизматидаги" шайтоний махлуқлар бўлиб, Худонинг қудратига шоҳид бўлгач, Унинг тарафига ўтган, деб фикр билдирган. Менга эса улардан кўзланган мақсадни қуйидагича тушунтиришди: ибодатхона (храм) бу бутун оламнинг тимсолидир, католиклар тасаввурида бизлар, бу дунё, жаннат ва жаҳаннам каби гаргулалар ҳам махлуқот оламининг бир қисми экан...

### *Салибчилар руҳи*

Вена черковларини айланиб юрибман... Тевтон жамоаси черкови, Капуцинлар черкови, Авлиё Мекоил черкови... Нимқоронғу залларга кирдим ва меҳроблар қаршисида бир вақт тўхтадим. Тан олай, биноларнинг салобати ва дабдабаси менда катта таассурот қолдирди. Айниқса, меҳроблар инсонда катта таассурот қолдиради. Улар айнан кўзланган мақсад, яъни одам тасаввурини лол қолдириш вазифасини яхши ўташади.

Бироқ мислсиз юксак ўқсимон шифтлар, зах рутубат билан бирга деворлар тасвири элас-элас кўзга ташланади. Деворларда қалбни ларзага солувчи "Инжил" воқеалари маҳорат билан тасвирланган бўртма манзаралар... Буларнинг ҳаммаси дилга қандайдир фавқулодда ғашлик ва андух соларди. Маҳзун қалбингизга жойлашади, ҳар бир бурчагига етиб боради ва тобора қуюқлашади... Кўп ўтмай улар оғир юк каби сизга таъсир қила бошлайди... Киши руҳониятини даҳшатга солувчи бу деворлар ва мислсиз ғам-андуҳга ғарқ этувчи ички манзаралар – буларнинг бари бу масканга келувчи инсоннинг иродасини букиш мақсади-

да қилинганмикин, деган фикр миямда ғужғон ўйнарди. Мана шу нарсалар асосида Ўрта аср католик черкови барпо қилинган – иймон келтирганларнинг иродасини синдириш, унинг руҳини черков асирига айлантириш... Бироқ нега? Мен буларни вақт ўтгач тушундим... Унгача мен ёлғиз ва ўзимни ўрта асрлардаги жони ва қалби бутунлай католик черкови измига топширилган мутаассиб диндор салибчи рицардек ҳис қилиб маҳзун зулмат ичида турибман. “Инсофсиз мусулмонлар” томонидан таҳқирланган “Ийсо тобути” ҳақида ва Муқаддас Замин (Фаластин)га шу заҳоти отланиб “иймонсизларни” қонга чуқтириш каби католик издошининг қалбни ўртайдиган хитоблари ва юракни тилка-пора қилувчи даъватлар... Афтидан, ўрта аср салибчиларининг диний мутаассиблиги (фанатизм) айнан шу муҳитда туғилган...

Ўрта асрларда Европада яшаган салибчиларнинг диний мутаассиблиги менга ҳеч тинчлик бермайди. Муқаддас заминга уларни нима бошлаб борди? У ердагиларнинг исмлари, амаллари ва ҳатто ибодатларини ҳам билмай туриб минглаб мусулмонларнинг қонини тукишига нима сабаб бўлган экан-а? Ийсо алайҳиссаломга бўлган муҳаббатми? Бошқа динга нисбатан нафратми? Бойлик орттириш илинжими? Ёки бошқа нарсами? 1212 йил (ҳиж. 609 йил) “Болалар салиб юриши” номи билан танилган салибчилар юриши Германия ва франциялик ўн минглаб болалардан ташкил топганини қандай тушуниш мумкин? Католик черковига мансуб ушбу ёш хизматчиларнинг қалбларида нима бор эди? Қандай афсона ва ривоятлар билан улар вояга етказилган эдилар, гар улар оммавий равишда қотиллик ва қон

тўкишга рози бўлган бўлсалар? Шундай фикрлар оғушига чўмган ҳолимда Венанинг кўчалари ва черковларига кирдим, ўша Европанинг қалбига назар солишга ҳаракат қилдим...

### *Улимга сиғиниш*

Авлиё Рупрехт черковида тош бўлиб қотиб қолдим. Бу бино VIII-IX асрлар орасида роман услубида қурилган Венанинг энг кўхна черковидир. Бундай баҳайбат меъморчиликдан мароқ олдим десам, ҳеч нарса демаган бўлар эдим. Зеро, баҳайбат деворлар, пастқам шифтлар, қорайган қандиллар ва қўпол шувоқлардан ҳақиқатдан баҳра олдим... Кавказда туғилганим боис мен ҳар бир катта шаҳар (мегаполис) ва ҳар қайси Европа пойтахтидан қалбимга яқин – дағал бўлган, деярли тош асри архитектурасини излайман. Уларда қандайдир куч, оддийлик ва илк аждодлар руҳияти бор...

Бироқ бу ерда мени кутилмаган совға кутар эди. Черков хонасининг ғарбий қисмида шишалик тобутда (саркофаг) чириб кетган одам скелети ётар эди. Бу нима бўлди экан? Йўриқномадаги олмонча сўзларни зўрға ҳижжалаб ўқиб, инглиз тилини яхши билмайдиган черков ходималаридан узук-юлуқ ахборот тўплаб билишимча, кўмилмаган бу жасад душманлар қўлида ҳалок бўлган аллақандай авлиё Виталийга тегишли экан...

«Шаҳидлар»нинг жасадларига муносабатнинг православча анъанаси билан яхшироқ танишман. Улардан фарқли ўлароқ, чириган қолдиқларни черков қавми ва бошқа меҳмонлар учун кургазма қилиб қўйиш католиклар анъанасига хос экан. Мен кўп вақт бу урф-одатни тушуна олмадим, ки-



тоблар титдим ва нуфузли католик роҳибларининг фикрларини ўқидим... Мени таажжубга солган бир анъана масалага ойдинлик киритди...

### *Уликлар шаҳри*

Суриштириб билишимча, Италиянинг Палермо шаҳрида ўлган одамларнинг мурдалари қўйилган бутун бошли ер ости галереяси мавжуд экан. Капуцинлар катакомбаларида очиқ ҳолатда 8 мингдан ошиқ мурдалар намойишга қўйилган. Бу энг машҳур мўмиёланган кўргазмаларнинг биридир. Скелетланган, мўмиёланган ва балзамланган жасадлар осилган, ётган ва тикка турган ҳолда композиция қилиб ташкил қилинган...

XIX аср охирларида француз ёзувчи Мопассан бу катакомбаларни зиёрат қилади. У чириётган жасадларнинг жирканч манзараси ва бу ерда ҳукм сураётган хурофотларни кўриб даҳшатга тушади: “Кенг ва баланд, катта галерея деворига ажойиб ва бемаъни либослар кийдирилган жуда кўп скелетлар тизиб қўйилган экан. Баъзилари ёнма-ён муаллақ осиб қўйилган, бошқалари эса ердан шифтгача беш қават тош токчаларга тиклаб қўйилган. Мурдалар қатор – саф бўлиб турибди: бошлари кўрқинчли, оғизлари эса ҳозир гапириб юборадигандек. Баъзиларининг қолган сочлар бош чаноқ ва жағларни янада хунук қилиб турибди; баъзиларининг ҳамма сочлари сақланиб қолган, баъзиларининг бир тутам мўйловлари қолган, айримларининг эса соқоллари бор. Баъзилари тепага қараган, баъзилари эса пастга; баъзиларининг юзларида даҳшатли кулгу, баъзилари эса оғриқдан инграб тургандек, гўё... Уларнинг барчаси таърифлаб бўлмайдиган ғайринин-

соний кўркүв (азоб) ичида. Бу бечора, хунук ва кулгилик ўликларни қариндошлари тобутлардан чиқариб, бу ерга жойлаш учун кийинтириб ҳам кўйишган. Уларнинг деярли барчаси қандайдир қора либосга ўранган; баъзиларининг бошларида бош кийимлари (капюшон) бор. Айтишларича, вақти-вақти билан каламуш умуртқаларни кемириб ташлаганидан баъзиларнинг бошлари узилиб тушар экан. Минглаб каламушлар бу мурдалар омборида яшар экан...”

### ***Одамлар суягидан қурилган черков***

Прага (Чехия) марказидан узоқ бўлмаган собиқ Седлце қишлоғига яқин жойда цистериан монастири ва барча авлиёлар черкови жойлашган. У пастки қаватдаги суяклар сақланидиган жойи билан сайёҳларни ўзига жалб қилиб келади. Бинонинг хоналари ҳақиқий одамларнинг суякларидан қурилган.

Булар XIV аср бошида вабо эпидемиясидан қирилиб кетган ва қабристондан жой етмаган ўн минглаб одамларнинг суякларидир. Мазкур ерларнинг XVI ва XVIII асрлардаги роҳиблари ва хўжайинлари суяклар устида изланишлар олиб бориб, натижада суяклардан бутун бошли черковнинг ички қисмини қуриб чиққан эканлар... Черковга кираверишда эса, ўликларнинг тирикларга мурожаати осиб кўйилган: “Биз ҳам эдик сиздек, сиз ҳам бўласиз биздек...”

Шунга ўхшаш черков – Каплица чашек ёки “Бош суяк ибодатхона”си Польшада ҳам бор. Бу бечораларнинг ҳаммаси XVIII аср ўрталарида бўлиб ўтган Силез урушлари ва турли юқумли касалликлардан қазо топганлар. Кичик ибодатхонанинг

девор ва шифтлари уч мингга яқин одамларнинг суяклари ва бош чаноқларидан қурилган.

Пол остида эса яна 20-30 минг одамнинг қолдиқлари ётибди. Бу ибодатхонани 1776 йили Вацлав Томашек қурган. Ибодатхонани қуриш, одам қолдиқларини йиғиш ва дезинфекция қилиш ҳамда бошқа қолдиқларни кўмиш учун саккиз йил вақт кетган...

Юқори Австрияда жойлашган Галштат шаҳрида бош чаноқларига бўлган иштиёқ бошқа бир анъанага сабаб бўлган. Ва бу анъана ҳали ҳамон бор. Бирон ўлик дафн қилинганидан 20-30 йил ўтгач, унинг суяклари қабрдан чиқарилади. Унинг бош чаноғи йўнилади, оқланади ва ялтироқ ҳолатга келтирилиб, гуллар ёки хочлар расмлари туширилади. Устига ўликнинг исми, касби, вафот куни ва бошқа маълумотлар ёзиб қўйилади. Бу анъана Юқори Австриянинг кўперларида қабристонларга жойлар етишмаганидан пайдо бўлган. Айни пайтда Галштат «галерея»сида 610 та безалган бош чаноқлари бор. Ер сатҳида бўлган бош чаноқлар сони аслида кўпроқ, бошқалари уйларга олиб кетилган.

### **Қора ўлим**

Марҳумларнинг жасадларини лаҳадга қисқа вақт ичида ва эҳтиёткорлик билан қўйишга шошилган мусулмонлар учун бундай ҳолат ваҳшийликдан ўзга нарса эмас. Урта аср Европаси учун эса бу маданиятнинг бир қисмидир. Бунинг устига жасадларни бу тарзда қабрлардан чиқариш ва аллақачон вафот топганларнинг қолдиқлари билан бундай кўнгилхушлик қилиш Европа давлатларида вабо ва бошқа касалликларнинг тарқалишига сабаб ҳам бўлган.

Европа юз йиллар мобайнида даҳшатли вабо эпидемиясига дуч келиб турди. Шуларнинг бири – “XIV аср вабоси” – 35 миллион одам, яъни қитъа аҳолисининг тўртдан уч қисми ҳалок бўлишига олиб келди. “Қора ўлим” (ўша вақтларда вабо шундай аталган) ўша даврда Европанинг доимий йўлдоши бўлган.

Европа шаҳарларида ҳукм сурган ашаддий антисанитария, чиқинди қувурларининг йўқлиги, кўчаларга тўкилган ифлос ва ювинди сувларнинг барчаси вабо касалини тарқатишнинг энг яхши воситаси бўлган каламушларнинг кўпайишига қулай муҳит яратган. Европаликларнинг жоҳиллиги вабонинг сабаби – шайтоннинг қули мушуклар, деб эълон қилинишига сабаб бўлди. Мушукларни оммавий равишда қириб ташланиши эса вабо каламушларининг янада кўпайиб кетишига олиб келди...

Диний таассуб, жоҳиллик, антисанитария, қашшоқлик, даврий эпидемиялар, тоғ-тоғ мурдалар – бу Европанинг ички дунёси шаклланаётган даврнинг орқа фонидир. Ажал Европа турғунининг пешидан қолишмаган... кўзларига тик боққан... юзига бадбўй нафасини уфурган... Рақсга тушаётган скелетлар акс этган сурат – ўлимга олиб борадиган касаллардан букчайиб қолган Европани рамзига айланган, ўша даврнинг санъатида жуда ҳам оммабоп ва машҳур бўлган.

### ***Бўлиниб ташланган императорлар***

Капуцинеркирх томон йўлда Венанинг навбатдаги черкови ҳам ўзида кўп қизиқарли сирлар яширган. Черков қаршисида Австрия императорларининг хонадони – Габсбургларнинг оилавий

сағанаси жойлашган. Бу сағанага император Маттиаснинг аёли Тироллик Анна XVII асрда асос солган. Ҳозирда бу ерда ун Австрия императори ва 15 император аёлнинг қолдиқлари бор.

Императорлар қисм-қисмга бўлиниб дафн қилинган. Шоҳона жасадни парчалашган, юзини дабдала қилиб пачоқлашган, токи у дунёда соғлом ҳолда кўринмасин... Кейин эса юрак ва бошқа ички органлар олинган. Императорларнинг юраклари ҳалигача августиликларнинг черковларида, ичак-чавоқлари эса бронза идишларда Авлиё Стефан черковининг катакомбаларида сақланади.

Одам суяги ва қолдиқларига бўлган муҳаббат Католик Европасида одатий ҳол эди. Бунга ўхшаш сағана ва галереяларни Португалия, Италия, Франция ва Малтада ҳам учратиш мумкин. Император оилалари вақти-вақти билан бу сағаналарни зиёрат қилиб, ўлганлар ҳокига таъзим қилиб туришган.

### *Ўлим чеҳралари*

Ўлим чеҳраси европаликларнинг бутун умри мобайнида ёнма-ён борган. Кўрқув ва ўликларнинг нафаси ўша давр европаликларнинг руҳларини пачоқлаб ташлаган. Ўлимга сиғиниш билан овора ва жасадлар билан ўйновчи халқнинг қалбида қандай дин мавжуд бўлгани ва у дин қайдай қилиб қалбларда сақланганини тасаввур қилиш мен учун мушкул.

Европалик ўрта аср насронийси бунчалик мурдаларни хўрлаш учун қандай ички ҳислатларга асосланиши ёки нималарни бошидан ўтказиши керак эди? Ғарб одамнинг онгига ўликларга бўлган бузуқ муносабат шунчалик таъсир қилганки,

ҳатто ҳозир ҳам майит ҳақидаги кинолар, китоблар, шайтоний атрибутика, муסיқа орқали даҳшат ва қўрқинч ҳиссини қайта-қайта талаб қилмоқда.

Ироқдаги Абу Ғурайб қамоқхонасида сақланган мусулмон ҳарбий тутқинлари устидан ваҳшиёна жинсий зўравонлик ҳолатлари... Европа мамлакатларида ҳижобни таъқиқлаш ҳаракатлари... Замонавий Ғарб шаҳарларида вабодай тарқаётган гей маданиятининг “дин”га тақалган “илдизлари”...

Вена томон йўл олган учоққа утирганимда унинг кўчаларидан бунча саволга жавоб топаман, деб ўйламаган ҳам эдим...

### *Руҳшунослик ва Фрейд*

Венанинг черков ва сағаналаридан кейин мени таажжубга солган нарса Австрия пойтахтининг ҳар бурчагида фаолият юритаётган психиатрлар бўлди. Гоҳ у ерда, гоҳ бу ерда уй деворларида шифокор-психиатрларнинг эълонлари осилган. Буни қандай тушунтиришни билмайман. Бу австрияликларнинг ялпи руҳий носоғломлиги бунга сабабми ёки ўз ватандошлари Зигмунд Фрейдга тақлидми?

Тортишувларга сабаб бўлган руҳий таҳлил назариясининг муаллифи Зигмунд Фрейд Венада яшагани ва ижод қилгани ҳаммага маълум. У галициялик яҳудийлар оиласида таваллуд топган ва тулиқ исми Сигизмунд Шломо Фрейддир. Бу ерда у университетни тамомлаб, тиббиёт фанидан доктор унвонига эга бўлган ва ўзининг назариясига жило берган. У кўп тамаки истеъмол қилганидан ўпка саратонидан азият чеккан. Натижада 33 марта азобли операцияни бошидан ўт-

казган. У ўзининг шифокори ва дўсти ҳисобланган Макс Шурдан ўша вақтда машҳур бўлган ғоя – эвтаназия (ўз ўлимига розилик бериш)ни амалга оширишда ёрдам сўрайди. У Фрейдга уч баробар кўпроқ морфин дозасини берган ва 83 ёшли Фрейднинг ўлишига сабаб бўлган.

Айнан Фрейд инсон ички дунёсининг энг разил кўринишларига эрк беради. Ваҳоланки, унгача оддий жамиятда бу қабиҳ иллатлар яшириб келинар, уларни йўқотишга ҳаракат қилинар эди. Мутахассисларнинг таъкидлашларича, агар Фрейд бўлмаганида сюрреализм ҳам, “абсурд театри” ҳам, сексуал инқилоб ҳам, кино ва мусиқадаги “маданият”нинг бузуқликлари ҳам пайдо бўлмас эди!

Баччабозлик таъқиқини “илмий” йўл билан олиб ташлаш Фрейд номи билан боғлиқ. Агар аёл киши бошқа аёлга, эркак киши бошқа эркак кишига нисбатан жинсий шаҳвати кўзғалса, яъни баччабозлик қилса, у одам жинсий ориентациясини ўзгартишига эҳтиёж туғилмайди, зеро, инсон табиатан бисексуалдир, деган эди Фрейд. Гўё, бошқалар уни тўла тушунмаганларидан пайдо бўладиган руҳий ўнғайсизликни бартараф қилишда ва янгича ўзлигини қабул қилишда бу одамга ёрдам бериш керак эмиш.

### *Гей-трамвайлар*

Фрейднинг “илмий дуо”си билан европаликларнинг баччабозликка бўлган майлларига йўл очилганини Вена трамвайлари мисолида кўрмоқдаман... Ҳар бир трамвайда, гўё бу қандайдир ифтихордек етти рангли жаҳон “Гей-ҳаракати”нинг байроғи ҳилпираб турибди.

Мен такси ойнасидан бир гей-парадни кўриб, хайдовчидан бу нима, деб сўрадим. Хайдовчи болгариялик экан, уялган бўлиб, Вена трамвай хайдовчилар профсоюзи дунё гей-ҳаракати билан бирдам эканининг рамзи сифатида бундай байроқлар билан шаҳарнинг барча трамвайларини безатишни мақсад қилган, деб тушунтира кетди. Мен ҳайратимни яширмай ундан: “Бу қанақаси бўлди? Кимдир гей-ҳаракат билан бирдам бўлмасачи? У қандай қилиб бу ҳаёсиз трамвайлардан фойдаланиши мумкин?” деб сўрадим. Таксичи елкасини қисди ва агар таксичилар профсоюзи шунга ўхшаш тадбирни амалга оширишни хоҳлаб қолса нима қилишини билмай шаҳар учун узр сўрагандай бўлиб жавоб берди.

Венада гей-маданият нафақат кенг тақдим қилинган, балки Европанинг тан олинган гей-пойтахтларининг бири ҳисобланади. Январ ойида Австрия парламентида қабул қилинган эркак бошқа эркак билан никоҳ қуриши ҳақидаги қонун кучга киритилди. Мамлакат адлия вазири Клавдия Бандион Ортнернинг айтишича, мазкур қонуннинг қабул қилиниши Австрия жамияти учун “жуда катта тарихий қадамдир”.

Венанинг гей-маданияти ҳақида интернет тармоқларида: “Бошқа Европа пойтахтларига қараганда Австрия пойтахтида баччабозлик бой тарихга эга... баччабоз императорлар, саркардалар ва ўтмишнинг бастакорлари сингари Венанинг баччабозлари таътилга чиққан гей-сайёҳлар учун шаҳарни мафтункор қилишмоқда...” деб ёзилмоқда.

Европанинг бошқа қисмлари ҳам Австриядан қолишаётгани йўқ. Масалан, Исландия Бош ва-



зири Ёханна Сигурдардоттир 8 йилдан бери ўз жинсининг вакиласи бўлган журналист Ёнина Леосдоттир билан бир никоҳда яшаб келади. Олмония вице-канцлери ва ташқи ишлар вазири Гидо Веестервелле, Франциянинг маданият ва мулоқот вазири Фредерик Миттеран, Берлин бургомистри Клаус Вооверайт; Норвегия пойтахти Осло ҳокими Эрлинг Лае ва Париж ҳокими Бертран Деланоэлар эркак бўла туриб, бошқа эркакка турмушга чиққан...

Мен ҳали Европанинг аксар депутатларини, собиқ вазирларини, ҳокиму санъат арбобларини эсга олмадим.

### *Гей-тарих*

Венада ҳар йили жуда кўп гей-парадлар, баллар ва турли хил тадбирлар бўлиб ўтади. Венанинг баъзи ҳудудларида кичик ресторанлар, тунги дам олиш масканлари, кафе, магазинлар, секс-клублар, гейлар учун ҳаммомларга тўлган бутун бошли гей-маҳаллалар шаклланган.

Бу ҳам камдек, Вена энди бутун дунё гей, лесби ва трансвеститларни ҳам ўзига жалб қилмоқчи. Австрия пойтахтининг сайёҳлик идораси гей-сайёҳлик йўналишини кенг тарғиб қилмоқчи. Идора вакиласи Ева Дракслернинг айтишича, “Биз шахримизни жинсий озчиликлар учун сайёҳлик макони бўлишини истаймиз”. Венада гей ва лесби жамоаларининг инфратузилмалари учун жуда кўп қулайликлар ва шарт-шароитлар яратилган. Венанинг жуда кўп меҳмонхоналари ўзларини “gay-friendly”, яъни гейларга дўстона муносабат кўрсатган маскан, деб эълон қилмоқда.

Гейларга тегишли ресурсларда Вена тарихи баччабозлик билан чамбарчас боғлиқ қилиб кур-

сатилмоқда. Шуларнинг бирида айтилишича, XIX асрда Вена баччабозларининг ёрқин вакили кайзер Франц Иосиф IIнинг укаси шахзода Лювиг-Виктор бўлган, унга халқ Люци-Вуци деб ном берган эди. Бундан ташқари австриялик баччабозлар Венани турк қамалидан қутқариб қолган Австрия миллий қаҳрамони шахзода Евгений Савойскийни ҳам очиқ баччабоз бўлгани ҳақидаги ривоятни оммалаштиришга уринишмоқда.

Бундан ташқари Фаластинни босиб олган ва Қуддусга хавф солган инглиз қироли Ричард Шерюрак салибчилар юриши даврида Венада яшаган. Айтишларича, у очиқчасига узининг баччабозлиги билан танилган экан. Ричард Шерюрак гейларнинг рамзи бўлишига унинг Франция қироли Филипп II билан бўлган муносабатлари тарихий гувоҳлик сифатида келтирилади. 1187 йилги йилнома (хроника)да қайд этилишича, икки эркак жуда яқин бўлганидан “кечалари уларни тўшак ҳам ажрата олмаган”.

### ***Европанинг туғилиши***

Яна бир савол менга ҳеч тинчлик бермаяпти. Аниқроғи иккита саволим бор: Европада туғилган замонавий ғарб жамиятида шахвоний шалоқлик, бузуқлик ва “ҳамма нарса мумкин!” деган бебошликнинг отилиб чиқиши қаердан бошланди, қайси чуқурликдан чиқди экан? Европаликларнинг олдинги авлодларидаги ташқи художўйлик, “Ийсо тобути” учун жонини фидо қилиш, нарсонийлар пойтахтини мусулмонлардан ҳимоя қилиш билан бирга католик черкови ман қилган шахватга берилишлари қандай мурса қилган экан?

Авваламбор, биз тушунишимиз лозим бўлган нарса, Вена бу фатҳ қилиб келаётган Исломга насроний Европанинг қарши туриши тимсолидир. Бироқ мусулмонлар туфайли Европа ўз маданияти, цивилизация лойиҳасига эга бўлгани ҳам таажжубли-да.

Мен бу ерда Андалус ва Сицилия мусулмонларининг Европанинг ўзига хос интеллектуал ва маданий ўзаги шаклланишида ўйнаган роли ҳақида гапираётганим йўқ. Мен бошқа нарса ҳақида сўз юритяпман. Жуда кўп вақт Андалусия мусулмонлари Европанинг бир қисми ҳисобланган. Осиё ерларини тасарруфига олган византияликлар эса осиелик ҳисобланган. Шунга қарамай, XV асрда испанлар мусулмонларни Андалусиядан, турклар эса византияликларни Осиёдан қувиб солдилар. Европа қисқа муддат ичида бўлса ҳам насроний дунёсининг – Pax Christiana синонимига айланди. Ушанда ўзларини Ислом дунёсидан ажратиб кўрсатишга, Pax Islamicадан фарқи борлигини ва ўзларининг умумий ухшашликни таърифлашга эҳтиёж туғилди. Бироқ ўшанда ушбу дунё учун умумий ном олдин зикр қилинган Pax Christianадан, яъни насронийлик маданиятидан эмас, балки насронийликдан олдинги бутпараст бўлган мажусийларнинг қадимги юнон маданиятидан – Европа деб ном олинган. Маълумки, Европа – қадимги юнон мажусий афсоналарининг қаҳрамонидир (персонаж). У финикилик малика бўлиб, уни Зевс “худоси” буқа шаклига кириб ўғирлайди ва Крит оролига олиб кетади. Қандай қилиб, Европанинг мажусийлик моҳияти католиклар ҳукмронлик қилган йўғон асрлар қатлами остидан ўсиб чиқиб, Pax Christiana лойиҳасини ютиб юборди экан?

### **Насронийликка сингиб кетган мажусийлик**

Жавоб мен кутмаган тарафдан келди... Габсбурглар сулоласи томонидан қурилган Хофбург сарой комплекси боғида юрибман. Комплекс, шубҳасиз, ўта дабдабалидир. Бино сулоланинг императорлари тарафидан қурилиб борилган. Бундан мақсад Австрия тахтининг буюклигини оламга намойиш қилиш бўлган. Ахир Габсбурглар нафақат Австрия императорлари бўлган, балки улар олмон халқининг – Рим империясининг императорлари ҳам эди.

Рим империяси насронийларнинг катта давлати эди. У 962 йилдан 1806 йилгача мавжуд бўлиб, ўзининг чўққига чиққан даврларида Олмония, Австрия, Шимолий ва Марказий Италия, Швейцария, Нидерландия, Белгия, Чехия ва бошқа Марказий Европа ерларига ҳукмрон бўлган. Рим империяси Ғарбий Европа насроний дунёсини бирлаштириш илинжида антик даврлардаги Рим империяси ва Буюк Карл Франк империяси ворислигига ўзини даъвогар, деб билар эди.

Шунга қарамай, ўша давр насроний дунёсининг пойтахтида жойлашган насроний қирол қалъасининг ҳар бир бурчагида католик маданияти қатлами орасидан униб чиққан мажусийлик тимсоли ва рамзлари кўп эди. Насроний қиролларга тегишли сарой комплексининг ташқи шакли (контур) бўйича мажусий ярим яланғоч персонажлар Апполлон, Ҳирақл, Афина ва ҳоказоларнинг катта-катта ҳайкаллари ўрнатилган эди. Ўша вақтнинг барча санъатида Дионис, Хермесу Зевслар кўзга ташланади...

Мен билан Венани сайр қилаётган насроний ҳамкасбим мажусийлик ярим яланғоч ҳайкаллар ва рассомлик санъатига насроний динидаги қиролларнинг бунчалик иштиёқ қўйганидан ҳайратда. Қадимги юнон мажусий афсона қаҳрамонлари нафақат ўз жасоратлари билан ном чиқаришган, балки улар жинсий тубанлашиш, баччабозликка бўлган мойилликлари ҳатто оналари билан жинсий алоқалари билан ҳам донг таратган.

### *Шаҳвониятнинг авж олиши*

Уша даврда насронийларга етакчи бўлган сулолалар ва маданият соҳасининг бошқа оқсуяклари антик даврнинг шаҳвоний маданияти билан қизиқишларига сабаб, католик черковининг мафкуравий зулмига қарши бир исён экани ҳақида хулоса қилишимиз мумкин. Мақолам аввалида ўрта аср католик европасидаги даҳшатли зулмлар, шайтон ва улимдан оммавий қўрқиш, инсон иродаси ва ҳиссиётининг бўғилишлари ҳақида ёзган эдим. Папа тахти инсон учун табиий бўлган шаҳватни қондириш йўлларига таъқиқ қўйишда ҳаддидан ошаётган вақтида Европа аҳолиси ўзининг шаҳватини қондириш учун ўзига турли хил йўллари излашга тушган.

Менинг православ ўртоғим мен билмайдиган тафсилотларни очиб берди. Маълум бўлишича, европаликларнинг куч билан бостирилиб турилган ҳиссиётлари нафақат юнон қаҳрамонларининг ишқий сиймолари орқали, балки ҳаддан ташқари Биби Марямни ҳурматлаш, ундан завқланишларидан ҳам билиб олсак бўлади. Унга “Ширинтой Марям” деб мурожаат қилишларида ҳам бу ўз аксини топган.

Тушунишимча, православларда бундай муносабатларга ўрин йўқ. Бироқ католиклар ўзларининг жабр-зулмлари билан бошқа масала. Европаликларнинг ҳиссиёт ва фикр эркинлиги, шаҳватпарастлик истаклари борасидаги асрий очликлари Европа жамиятини ич-ичидан портлатиб юборди. Бу ижтимоий портлаш натижасида замонавий Европада насронийлик йўқ қилинди, унинг ўрнига эса жинсий ахлоқсизлик ва барча нарсага рухсат моҳиятига эга мажусийликнинг янги тури пайдо бўлди.

### ***Тео ван Гог ва Абу Ғурайб***

Айнан мажусий бўлиб, насронийларга қарши бўлган ахлоқсиз, жинсий тубанлашган бугунги Европа ўз шаҳарларида мусулмонлар нуфузи фаллиги ошаётганидан ўзини қўйишга жой топа олмагани алоҳида диққатга сазовордир. Европа мамлакатларида мусулмонлар қанчалик кучайиб борсалар, улар кимлигини исботлаш учун мусулмонларга қарши шунчалик сафарбарликка ва кучларни бирлаштиришга ҳаракат қилади.

Бироқ бу бирлашиш насронийлик асосида эмас, янги мажусийлик (нео-языческой) доирасида амалга ошаётир. Чунки маънавий қашшоқ бўлган бугунги Ғарб бошқа дунёга (маънавий) ҳеч нарса таклиф қила олмайди. Асрлар оша келаётган даҳшат, қўрқув ва жинсий бузуқликнигина тақдим қила оладилар, холос. Европа ва ундан туғилган Америка жамиятлари ўзидан кўра интизомли ва жиддий маданият, масалан, Ислон билан дуч келганида уни парчалаб, ич-ичидан портлатиб юборишга, ўзларининг янги насронийлик, мажусий-маданий бўтқасига аралаштириб юборишга ҳаракат қилади.

Шу сабабми, кўплари фосиқ (гей ва лесби) европалик сиёсатчиларнинг мусулмон фуқароларнинг эътиқодий ҳуқуқларини топташга уринишмоқда... Шу сабабми, Ғарб феминист аёлларининг муслималарни ҳам фоҳишага айлантириб, уз даражасига туширишга бўлган васваса – истаклари бор... Ғарбнинг “мусулмон гейлар ҳаракати”га ўхшаш манқуртларга кўрсатилаётган ғамхўрликлари сабаби ҳам шу. Тео ван Гогнинг аёллар танасига Куръони карим оятлари ёзилган провокацион “Таслим қилиш” (“Ислом” сўзининг “бўйсунуш” маъносига шаъма) филми орқали мусулмонларга азият бериш, таҳқирлашига ҳам шу сабаб бўлган...

Абу Ғурайб ва Гуантанамодаги мусулмон асирлари устидан қилинган жинсий зўравонлик кўришидаги жиноятларга ҳам шу сабаб бўлган... Чунки бу зўравонликлар замирида нафақат камситиш ва хўрлаш бор, балки эътиқодни мутлақ тарзда рад қиладиган усуллар орқали ўз душманини маънавий, руҳий тарафдан йўқ қилиб ташлаш ҳаракати ҳам ётибди... Зеро, Ғарбдаги жинсий инқилоб диний қарашлар ва маданиятни вайрону хароб қилиш мантиғи Ислом маданиятини ҳам шу кўйга солишини талаб қилади.

## АРАБ ДУНЁСИ: ФОЖЕА, ИНҚИРОЗ, ПАРЧАЛАНИШ...

Ўтган аср 50-йилларида туғилган араблар ҳаётининг ҳеч бир лаҳзаси муҳим аҳамиятларга эга бўлган ҳодисаларсиз ўтмаган. 1956 йил – Исроилнинг Мисрга босқини; 1967 йил – Уруш оқибатида жуда кўп араб ерларини Исроил томонидан босиб олиниши; 1973 йил – бир тарафдан араб мамлакатлари коалицияси, бошқа тарафдан эса Исроил ўртасида бўлиб ўтган уруш; 1982 йил – Исроилнинг Ливанга бостириб кириши, Байрут қамали ва Тал Ал-Заатардаги фаластинликларнинг йўқ қилиниши; 1990 йил Ироқнинг Кувайтга бостириб кириши натижасида араб бирлигининг дарз кетиши.

2001 йил 11 сентябр фожеаси эса бутун араб дунёсини ларзага солди. Либия, Яман, Миср, Сурия ва Ироқда ҳали ҳам давом этаётган “араб баҳори” асоратлари...

Арабларнинг иродасини охириги марта синаб кўриш – Ғазо секторига бостириб кириш ва аҳолини аёвсиз бомбардимон қилиш бўлди. Ўзлари ҳам оммавий қирғин ва холокост қурбони бўлган халқнинг бу қадар бешафқат бўлишини дунё бунгача билмаган эди. Бундан ташқари, турли хил АҚШ ОАВ, жамоатчилик масалалари бўйича Америка-Исроил қўмитаси аъзолари ва бир қатор қонуншунослар бу масаладан шунчаки кўзларини юмиб, бошқаларни ҳам ушбу фожианинг тўла кўламини кўришга тўсқинлик қилишмоқда.

Бироқ араб жамиятининг бугунги оғир ҳолатга тушиб қолишига унинг ўзи ҳам айбдордир.



Сўнги 40 йил ичида араб мамлакатларида қандай ҳодисалар рўй берди?

Иқтидор мустабид ҳукмдорлар қўлига ўтди. Улар мудофаа баҳонаси билан тинчлик ва ҳамжиҳатликда яшашни истаган аҳоли устидан ўз иқтидорини янада кўчайтириб олишди.

Араб миллати барқарорсизлик, азоб ва зулмларга ташқаридаги қандайдир сабаблар ва босқинлик туфайли дуч келганлари йўқ, тартибсизликларнинг аксари ичкаридаги сабаблар туфайли ҳам эди.

Араб жамиятида маънавий бир дастурнинг ўзи йўқ эди. Шафқат ва ҳамдардлик ўрнини бераҳмлиқ ва қаттиқлик эгаллади. Мустабид ҳукмдорлар ҳукмронлик қилар, халқ эса уларнинг навбатдаги буйруқларини бажариб, қонли жангларда иштирок этишар эди.

Араб давлатлари ҳар бир аҳолисининг нафас олишигача назорат қилиб турадиган диктаторлар бошқарадиган ҳудудларга айланди. Бу мамлакатларнинг иқтисодий тизими бутунлай вайрон бўлди. Ҳалигача кўпчилик бу инқирознинг ҳалокатли эканини фаҳм қилганларича йўқ, шунинг учун ҳам улар эски тузумни бузишни истамаяптилар.

Шубҳасиз, муътадиллик ва кўп маданиятли жамиятда ўз динларини сақлаган ҳолда тинч ва тотувликдаги ҳаёт ҳақида гапираётганлар ҳам бор, бироқ уларнинг соғлом фирклари борган сари эшитилмай қолмоқда.

Бир гуруҳ одамлар дин номи билан қотилликларга қўл уришди ва Исломга алоқаси бўлмаган қарашларни зўрлик билан омма эътиқодига сингдириш ҳаракатида бўлдилар.

Араб жамияти кетма-кет фожиаларга гирифтор бўлавериши натижасида бугунги кунда фалаж ҳолатига келди. Араб мамлакатлари ички урушлар ва мазҳаблараро курашларга уралашиб қолди. Натижада ташқи душманлар қолиб, бир-бирлари билан душманчилик ҳолатига тушиб қолдилар.

Ирқий ёки диний жиҳатдан таҳқир учун жиний жавобгарлик масъулияти кўзда тутилган қонунлар, таассуфки, қабул қилинмаган. Оқибатда одамлар қалбидаги инсонийлик тобора сўниб бормоқда. Эътибор қаратган бўлсангиз, сиз-у биз, инсон қалби барҳам топаётган жараёнларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз. Бинобарин, меҳр-оқибат тушунчаси инсон онги учун ёт тушунчага айланиб, курраи заминда кўплаб мудҳиш муаммолар ҳукм сурмоқда. Яқинда бир журналист ўз мақоласида: "Араб дунёси ўз қалбини батамом йўқотиб қўйди", деб ўтган эди. Араб жамиятида кечаётган қирпичоқ, хунрезлик ва шу каби бошқа мудҳиш манзараларнинг ҳар куни намоиш этилаётгани, можаролар ҳаддан ортиқ чўзилиб кетганини кўриб, ўша журналистнинг фикрига қўшилишдан бошқа чора қолмаяпти.

Хуллас, турли сабаблар ва омиллар натижасида араб дунёсида миллий давлатлар пайдо бўлди. Юз йил аввал арабларнинг кўпчилиги пойтахти Истанбул бўлган Усманийлар империясининг қарамоғида эди. Араб дунёсининг бугунги сиёсий харитаси эса турли рангли парчалардан ташкил топган расм-топишмоққа ўхшаб кетади. XX асрнинг иккинчи ярмидаги қийин ва чигал воқеалар Усманийлар империясининг якун топиши, Яқин Шарқда бир миллат ва бир умматни парчалаб ташлаган чегараларнинг пайдо бўлишига олиб

келди. Бу воқеалар турли сабабларга содир бўлганига қарамай, бошқа барча давлатларга қараганда Британия бу воқеаларнинг ривожига кўпроқ "тер тукди". Британияликларнинг бир-бирига зид бўлган уч хил келишувга кўра иш кўриши сиёсий бошбошдоқликни юзага келтириб, Ислом дунёсининг йирик ҳудудида мусулмонларнинг бўлиниб кетишига олиб келди.

### ***Биринчи жаҳон урушининг бошланиши***

1914 йилнинг ёз ойида Европада уруш бошланиб кетди. Тўрт йил давом этган вайронакор урушда 12 миллион одам қурбон бўлди. Ута мураккаб иттифоқлар, милитарист ва мустамлакачиларнинг карнайдек иштаҳалари ва, умуман олганда, мамлакат юқори даражадаги раҳбариятининг хатолари ушбу уруш келиб чиқишига сабаб бўлди. Рақибларнинг бир тарафи "Атланта" бўлиб, унга Британия, Франция, Россия ва унинг иттифоқчилари кирган бўлса, иккинчи тараф – "Уч давлат ўртасидаги иттифоқ" эди ва унга Олмония, Австро-Венгрия ва Италия (кейинчалик бетараф бўлиб олган) каби мамлакатлар аъзо эди; уруш ҳаракатлари бошланиб кетганида бу блокка Усманийлар салтанати ва Болгария ҳам кўшилди.

Дастлаб Усманийлар салтанати бетарафликни сақлашга ҳаракат қилди. У куч жиҳатидан урушда қатнашаётган бошқа мамлакатлардан заиф бўлиб, бир қатор ички ва ташқи таҳдидларга қарши курашишга мажбур эди. Уша даврда, Усманийлар султони номигагина ҳукмдор бўлган. Энг сўнгги ҳақиқий иқтидор соҳиби бўлган Султон Абдулҳамид II 1908 йилда тахтдан

ағдарилиб унинг ўрнида ҳарбийлардан иборат ҳукумат – “Уч поша” ҳукмронлик қиларди. Улар дунёвийликни даъво қилган “Ёш турклар” ҳаракатига тааллуқли эди. Усмонийларнинг Европа мамлакатлари олдида жиддий молиявий мажбуриятлари бўлиб, салтанат уни тўлай олмаган. Даставвал “Антанта” сафига қушилмоқчи ҳам бўлди, лекин қабул қилишмагач, 1914 йил октяб-рида “Уч давлат ўртасидаги иттифоқ” тарафидан урушга кирди.

Британияликлар дарҳол Яқин Шарқ ерларини босиб олиш ҳамда усмонийларни йўқ қилиш режаси устида иш бошлайди. 1857 йилда Ҳиндистонни босиб олган Британия, 1888 йилга келиб, Мисрни ҳам назорат қила бошлаганди. Усмонийлар султонлиги айнан Британиянинг икки мустамлакаси ўртасида жойлашган эди. Инглизлар биринчи жаҳон уруши бошланганидан фойдаланиб, усмонийлар давлатини йўқ қилишга киришди.

### ***Араблар қўзғолони***

Британияликларнинг муҳим тактик қадамларидан бири усмонийлар салтанатидаги арабларни марказий ҳукуматга қарши қўйишдан иборат бўлди. Араб яриморолининг ғарбида – Ҳижозда, уларга бу масалада ёрдам берадиганлар излаб топилди. Макканинг ўша пайтдаги амири Шариф Ҳусайн бин Али Британия ҳукумати билан усмонийларга қарши қўзғолон кўтариш ҳақида тил бириктиради. Қўзғолон қилишга унинг турк миллий ғояларига қарши бўлганлиги, қандайдир шахсий адоват ёки ҳокимиятга ўч бўлгани сабабдир, эҳтимол. Хуллас, Шариф Ҳусайн британияликлар билан иттифоқ тузиб, усмонийларга қарши бош кўтарди. Инглизлар қўзғолончиларга қурол-ас-

лаҳа, маблағ етказиб бериш мажбуриятини олди. Бундан ташқари, Британия урушдан сўнг Шариф Ҳусайнга алоҳида араб қироллиги берилишини ваъда қилдилар. Мазкур қиролликка бутун Араб яримороли ҳамда Ироқ ва Сурия ҳудудлари ҳам киритилиши керак эди.

Тарафлар кўзғолон кутаришга тайёргарлик муҳокама қилган мактуб "МакМагон-Ҳусайн ёзишмалари" номи билан машҳур (Ҳенри МакМагон ўша вақтда Британиянинг Мисрдаги олий комиссари бўлган).

1916 йил Ҳижозда қуролланган кучманчи араблар Шариф Ҳусайн бошчилигида усмонийларга қарши урушни бошлаб юборади. Бир неча ойдан сўнг кўзғолончилар Британия армияси ҳамда флоти ёрдамида Ҳижозда муҳим саналадиган бир-икки шаҳарни босиб олишади. Улар орсиди Жидда ва Маккаи Мукаррама ҳам бор эди. Британияликлар аскарлар, қурол-аслаҳа, пул ва маслаҳатчилар (масалан, машҳур Лоуренс Арабий) билан ёрдам бериб туради. Улар кўзғолончиларга ҳатто байроқ ҳам ясаб берадилар. Британияликлар мазкур байроқни Мисрда махсус тайёрлашган бўлиб, кейинчалик бу "араб кўзғолони байроғи" номи билан машҳур бўлди. Урдун, Фаластин, Судан, Сурия ва Кувайт байроқларининг асоси айнан шу бўлган.

Биринчи жаҳон уруши 1918 йилгача давом этди. Бу орада араб кўзғолончилари усмонийлардан жуда кўп шаҳарларни тортиб олишга муваффақ бўлдилар. Британияликлар Фаластин ва Ироқ бўйлаб юриш қилдилар, Қуддуси шариф ва Бағдодни ҳам босиб олдилар. Ўз навбатида араблар уларга Аммон ва Дамашқни ҳам босиб

олишга ёрдам беришди. Араблар қўзғолонини аҳолининг катта қисми қўллаб-қувватламаганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу ишлар, асосан, ўз ҳокимиятини кенгайтириш истагида бўлган бир неча раҳбарлар бошчилигида озчилик ҳаракати тарафидан амалга оширилган. Халқ мазкур низодан четда турган, улар қўзғолончиларнинг ҳам, усмонийларнинг ҳам тарафида турмаган. Агар британияликларнинг бошқаларга берган ваъдаси бўлмаганида, Шариф Ҳусайннинг араб давлатини тузиши режаси муваффақият қозониш эҳтимоли катта эди.

Араблар қўзғолони бошланмасидан ҳамда Шариф Ҳусайн араб давлатини ташкил қилмасидан олдин инглиз ва французларнинг ўз режалари бор эди. 1915–1916 йилларда британиялик дипломат Марк Сайкс ва франциялик дипломат Франсуа Жорж-Пико ўртасида махфий учрашув бўлиб ўтади. Улар усмонийлар салтанати мағлуб бўлганидан сўнг араб дунёси тақдири ҳақида музокаралар ўтказишди. “Сайкса-Пико келишуви” деб ном олган мазкур битимига кўра, араб дунёси Британия ва Франция ўртасида бўлиб олинган. Британияликларга Ироқ, Кувайт ва Урдун ҳудудлари ўтиши керак эди, ҳозирги Сурия, Ливан ва Туркиянинг жануби эса Франция ихтиёрида бўлиши белгиланганди. Фаластин тақдири эса кейинга қолдирилиб, уни ҳал қилишда саҳюнчиларнинг манфаатини инобатга олиш назарда тутилганди. Келишувда баъзи ҳудудларни европаликлар назоратида бўлган ҳолда ўзини ўзи бошқариш услубида идора этиш режа қилинган бўлса, қолганларини Британия ва Франция тўлиқ назорат қилиши керак эди.

Биринчи жаҳон урушидан сўнг Яқин Шарқни парчалаш режаси сир сақланиши кўзда тутилганди. Бироқ 1917 йилда Россиядаги большевиклар туфайли бу режа овоза бўлиб кетди. “Сайкса-Пико келишуви” Шариф Ҳусайнга ваъда қилинган нарсаларни инкор қиларди. Шу боисдан инглиз-араб муносабатлари сезиларли даражада таранглашиб қолди. Аммо бу британияликларнинг олдинги аҳд ва ваъдаларига хилоф равишда тузган ягона битими эмасди.

### *Бальфур декларацияси*

Яқин Шарқда ўз фикрига эга бўлган яна бир гуруҳ мавжуд бўлиб, булар саҳюнчилар эди. Саҳюнчилик – сиёсий ҳаракат сифатида Фаластинга қарашли муқаддас ерларда яҳудийлар давлатини тузиш ғоясини илгари сурган. Бу ҳаракат XIX-асрда ташкил топган ҳамда Германия, Польша ва Россияда истиқомат қилаётган яҳудийларнинг Фаластин заминига кўчиб ўтишларини рағбатлантириб турган. Биринчи жаҳон урушидан сўнг саҳюнчилар Британия ҳукуматидан яҳудийларни Фаластинга кўчишлари учун рухсат олишга ҳаракат қила бошлади. Британиянинг жуда кўп сиёсатчилари мазкур ҳаракат тарафдори бўлган. Улар орасида ички ишлар вазири Артур Бальфур ҳам бор эди. 1917 йил 2 ноябр кuni у саҳюнчилар пешвоси бўлмиш Ротшильдга юборган мактубида Британия ҳукумати Фаластинда саҳюнчилар давлатини тузиш ғоясини расмий равишда қўллаб-қувватлашини маълум қилади:

“Олий ҳазратларининг ҳукумати яҳудийларнинг Фаластинда ўзларининг миллий ўчоқларини ташкил этиш таклифини ижобий томонидан

куруиб чиқмоқда ва бу ғоя амалга ошиши учун узининг бор имкониятларини ишга солади. Фаластинда истиқомат қиладиган ва яҳудий бўлмаган жамоаларнинг на фуқаровий на диний ҳуқуқлари бузилмаслиги керак. Бундан ташқари исталган бошқа мамлакатлардаги яҳудийлар фойдаланиб келаётган ҳуқуқ ва сиёсий мақомлари ҳам узгармай қолади”.

### *Ихтилофли шартномалар*

Шундай қилиб, 1917 йилга келиб, британияликлар уч тараф билан тил бириктирадилар. Унда инглизлар томонидан араб дунёси учун турли хил сиёсий келажаклар ваъда қилинади. Араблар ўз навбатида Шариф Ҳусайнга ваъда қилинган араб қироллигини истадилар. Французлар (британияликлар ҳам) эса бу ерларни узаро бўлиб олиш ҳақида ўйлашган, саҳюнлар эса, Бальфурнинг айтганидан келиб чиққан ҳолда, Фаластинни олишга интизор бўлдилар.

1918 йилга келиб, мазкур уруш “Антанта” мамлакатларининг ғолиблиги ҳамда усмонийлар салтанатининг мағлубияти билан якун топди. 1922 йилгача усмонийлар расмий тарзда бошқарувда турган бўлса-да, салтанатнинг бутун ҳудуди европаликлар тарафидан аллақачон босиб олинган эди. Уруш туган бўлса ҳам уч тараф Яқин Шарқ келажаги бўйича узил-кесил қарорга олмагандилар.

Ким ғолиб бўлди? Умуман олганда, ҳеч қайси тараф ўзи истаган нарсага тулиқ эриша олмади. Урушдан бироз вақт ўтиб, Миллатлар Лигаси ташкил этилди. Унинг вазифаларидан бири собиқ усмонийларга тегишли ерларни бўлиб бериш эди. Ушбу халқаро ташкилот араб ҳудудлари учун ўз



мандатларини чиқарди. Мазкур ҳужжатга кура, "узлари тўлиқ мустақил бўлмагунига қадар" бу ерлар Британия ёки Франция бошқарувида бўлиши кўзда тутилганди.

Шу тариқа, Миллатлар Лигаси ҳозирги Яқин Шарқ минтақаси мамлакатларининг сиёсий харитасини белгилашда бевосита иштирок эта бошлади. Чегараларни белгилашда маҳаллий аҳолининг манфаатлари, этник, жўғрофий ва диний жиҳатлар умумун эътиборга олинмади. Ҳаммаси ўзбошимчалик билан амалга оширилди. Бугунги Яқин Шарқнинг сиёсий чегаралари аҳолининг миллий-диний таркибига умуман алоқаси йўқлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш уринлидир.

Мандат тизими ёрдамида инглизлар билан французлар анчадан бери орзу қилишганидек Яқин Шарқ минтақасини ўз назоратига олишга муваффақ бўлдилар. Шариф Ҳусайн ва унинг фарзандларига эса британияликлар қўл остидаги ҳудудларни бошқаришга рухсат берилди. Шу йўсинда шаҳзода Файсал Ироқ ва Сурия қироли деб эълон қилинди, шаҳзода Абдуллоҳ эса Урдун қиролига айланди. Амалда эса ҳокимиятни британияликлар ва французлар бошқарар эди.

Британияликлар саҳюнчиларга баъзи чекловларга амал қилган ҳолда Фаластинга кўчиб келишларига рухсат беришди. Британияликлар бу ерда яшаётган араблар томонидан ортиқча норозилик келиб чиқмаслиги учун яҳудийлар кўчиб келишини маълум маънода чеклашга чақирдилар. Бу эса саҳюнчилар норозилигига сабаб бўлди ҳамда улар турли йўллار билан 1920-1940 йиллар мобайнида Фаластин заминига оммавий тарзда оқиб кела бошлади. Араблар ҳам мазкур оммавий

кўчиб келишларни ўзларининг ерларига ҳамда 1187 йилдан бери мусулмонлар қўлида бўлган Қуддуси шарифга бўлган таҳдид дея баҳоладилар.

Биринчи жаҳон уруши якунланганидан сўнг британияликлар томонидан юзага келтирилган сиёсий тартибсизлик бугунда ҳам ўз ечимини топгани йўқ. Бир-бирига зид бўлган битимлар асосида ташкил қилинган давлатлар Яқин Шарқ минтақасини сиёсий жиҳатдан барқарор ҳолатга келтириб қўйди. Мусулмонларнинг тарқоқлиги ортидан саҳюнчиларнинг кўтарилиши ҳукумат идораларида коррупциянинг авж олишига ва бутун минтақанинг иқтисодий жиҳатдан инқирозга юз тутишига олиб келди.

Юз йил олдин сунъий равишда амалга оширилган тартибсизлик ўнгланиши уёқда турсин, балки янада кучайиб, илдиз отиб бормоқда.

*Манба: "Lost Islamic History"*

## АФҒОНИСТОНДАГИ УРУШ

1979 йилда бошланган Афғонистондаги уруш 10 йил давом этди. Унда собиқ иттифоқнинг ун беш мингдан зиёд аскарлари ҳалок бўлди. Афғонлардан эса, турли ҳисоб-китобларга қараганда, икки миллионга яқин одам ўлдирилган. Буларнинг ҳаммаси сарой тунтаришлари-ю сирли заҳарлашлардан сунг бошланди.

### Уруш арафаси

1979 йили 8 декабрь куни Совет иттифоқи коммунистлар партияси Марказий Қўмитасининг тор доирадаги "аркони давлатлари" Леонид Ильич Брежневнинг хонасига йиғилди. Бу ерда Брежневга жуда яқин бўлган одамлар – КГБ раиси Юрий Андропов, ташқи ишлар вазири Андрей Громико, партиянинг асосий мафкурачиси Михаил Сулов ва мудофаа вазири Дмитрий Устинов бор эди. Бу сафар Афғонистондаги вазият, инқилобий республикадаги ички ва ташқи ҳолат муҳокама қилинди ҳамда Афғонистон Демократик Республикаси ҳудудига совет қўшинларини киритиш учун турли баҳоналар қидирилди.

Уша вақт Леонид Ильич Ер шарининг олтидан бир қисмида эришиш мумкин бўлган барча ҳурматга сазовор бўлганди. Унинг "Энг олий ҳокимият" чуққисига чиққанини ҳам эслаб қўйиш уринли. У камтарликни бир четга суриб қўйган ҳолда иттифоқ қаҳрамонларига бериладиган бешта олтин юлдузни кўксига қадаб олган эди. Уларнинг тўрттаси Совет иттифоқи қаҳрамони ва биттаси социалистик меҳнат қаҳрамони юлдузи эди. Мукофотлар ичида Совет иттифоқининг энг олий ҳар-

бий нишони, бриллиантдан ясалган “Ғалаба” ордени ҳам булган. 1978 йили Брежневга топширилган мазкур нишон Иккинчи жаҳон урушида тубдан бурилиш ясашда кўрсатган хизматлари учун берилган энг сунгги, ун еттинчи юлдуз эди. Бу нишонга Сталин, Жуковга ўхшаган ҳарбий қўмондонлар сазовор булган эди. Мазкур нишон умумий ҳисобда 17 нафар одамга 20 марта берилган бўлиб, Леонид Иьлич ҳаммасидан ўзиб кетиб, бир неча марта тақдирланган. У маршалга бериладиган асо ва тилло қиличга эга эди ҳамда яқин келажакда отда ўтирган ҳайкали ҳам ясалиши кутилаётганди. Бундай чексиз мавқега эгалиги унга ҳар қандай қарорни қабул қилишга имкон берар эди. Бундан ташқари, маслаҳатчилари унга Афғонистонда социалистик ғояларга содиқ ҳукумат шакллантириш мумкинлигини эслатган ҳолда бу мамлакатдан иккинчи Муғилистон ясаш мумкин деган маънода маслаҳатлар бериб туришган. Партиядош дўстлари унга саркардалик маҳоратини ҳаммага кўрсатиб қўйиши учун кичкина, бироқ дабдабали ғалаба қозониш кераклигини бот-бот уқтиришарди. Халқ эса ҳурматли Леонид Иьличнинг генералиссимус ҳам булмоқчи экани ҳақида гапирар эди. Бошқа тарафдан қараганда, Афғонистон ҳақиқатдан ҳам тинч давлат эмасди.

### ***Апрел инқилобининг натижаси***

1978 йилнинг 27-28 апрел кунлари Афғонистонда Совет инқилоби рўй берди.

Муҳаммад Довуд режимиға қарши намоишларнинг бошланишиға коммунистик арбоб, газета муҳаррири Мир Акбар Ҳайбарнинг ўлдирилиши сабаб булди. Унинг ўлимида Муҳаммад Довуднинг махфий хизмати айби борлиги айтилди.

Мухолиф муҳаррирнинг жанозаси режимга қарши норозилик намойишига айланиб кетди. Тартибсизлик ташкилотчилари орасида Афғонистон халқ демократик партияси раҳбарлари бўлмиш Нур Муҳаммад Таракий ва Бабрак Кармал ҳам бор эди. Улар шу куннинг узида ҳибсга олинди. Партиянинг яна бир раҳбарларидан Ҳофизулло Амин бу воқеалар бошланмасидан олдиноқ уй қамоғига олинган эди.

Демак, уч раҳбар ҳам ҳибсда бўлиб, улар орасида ҳеч қандай низо йўқ эди. Амин ўғли орқали Афғонистон Халқ Демократик партиясидаги ўзларига содиқ бўлган ҳарбийларга мактуб йўллаган ҳолда, қуролли қўзғалон кутаришга буйруқ беради. Бу орада ҳукумат алмаштирилди. Президент ва унинг бутун оиласи ўлдирилди. Таракий ва Кармал ҳибсдан озод этилади. Гувоҳи бўлганимиздек, инқилоб, аниқроғи, биз инқилоб деб атайдиган нарса жуда осонлик билан амалга оширилган. Ҳарбийлар томонидан сарой босиб олинди ҳамда мамлакат раҳбари оиласи билан бирга йўқ қилинди. Барча ҳокимият "халқ" қўлига ўтди. Афғонистон эса Демократик Республика деб эълон қилинди. Нур Муҳаммад Таракий мамлакат раҳбари ҳамда Бош вазир лавозимини эгаллади, Бабрак Кармал эса унинг ўринбосари этиб тайинланди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари ва Ташқи ишлар вазири лавозими исён ташкилотчиси бўлган Ҳофизулло Аминга таклиф қилинди. Бироқ ярим феодал бўлган ушбу давлат раҳбарлари социализмнинг совет моделини, хусусан, аҳоли онгига марксизм ғояларини сингдириш, юрт заминдорларини қулоқ қилиб, ерларини мусодара қилиш, фақирлар қўмитала-

ри-ю, партия ячейкаларини таъсис этиш каби моделини афгон ерида жорий этишга ошиқмас эди. Собиқ иттифокдан келган мутахассисларни аҳоли ёмон кутиб олди. Жойларда норозиликлар кучайиб, бу исёнга айлана бошлади. Вазият ёмонлашди, мамлакат жарга қараб шўнғишни бошлади. Уз навбатида триумвиратга ҳам дарз кета бошлаганини айтиш жоиз.

Биринчи бўлиб Бабрак Кармал ўйиндан чиқарилди. 1978 йилнинг июлида у мансабидан туширилиб, узоқ Чехословакияга элчи қилиб юборилди, мамлакатда вазият оғир эканини билгани учун у ватанига қайтишга шошмасди. Икки раҳбар орасида манфаатлар тўқнашуви бошланиб, бу амбициялар урушига айланиб кетди. Сўнг, Ҳофизулло Амин мамлакатни бошқараётган Таракийни истеъфога чиқишини талаб қила бошлади. Таракий эса, Гаванага бориб келган, Москвада илиқ кутиб олинган, Брежнев билан учрашиб, унинг қўллаб-қувватлаш ҳақидаги ваъдасини олган эди. Давлат раҳбари дунё кезиб юрганида Амин ҳокимиятни қўлга олишга тайёргарлик кўрди. У Таракийга содиқ бўлган зобитларни алмаштирди, шаҳарга ўзининг қабиласига бўйсунадиган қўшинларни олиб кирди. Сўнгра Афгон халқ демократик партияси Марказий Қўмитасининг навбатдан ташқари ўтказилган мажлисида Таракий ва унинг одамлари ишларидан олинди ҳамда партиядан чиқарилди. Таракий тарафдори бўлган 12 минг киши отиб ташланди. Иш шундай ташкил қилинган эдики, одамлар кечқурун ҳибсга олинар, тунда сўроқ қилинар, эрталаб отиб ташланар эди. Ҳаммаси шарқона анъаналар асосида амалга оширилаётганди. Москва Таракийни олиб ташланишигача бўлган даврда

мавжуд анъаналарни ҳурмат қилар эди. Совет иттифоқи Марказий Қўмитанинг давлат раҳбарининг лавозимидан четлатилиши ҳақидаги қароридан норози бўлди. Таракийни истеъфо беришга кўндира олмагач, Амин ўзининг шахсий кўриқчиларига президентни бўғиб ўлдиришга буйруқ беради. Бу воқеа 1979 йили 2 октябр куни содир бўлди. Афғонистон халқига эса, 9 октябр куни расмий равишда “узоқ муддат давом этган касаллик туфайли Нур Муҳаммад Таракий Кобул шаҳрида вафот этди”, деб эълон қилинди.

### *Яхши-ёмон Амин*

Таракийнинг ўлиmidан Леонид Йьлич қаттиқ хафа бўлди. Унга янги тутинган дўстининг ўз ўлими билан эмас, балки Амин тарафидан ваҳшийларча ўлдирилгани ҳақида хабар берилди.

Уша вақтдаги КГБнинг Биринчи асосий бошқарма раҳбари (ташқи разведка) Владимир Крючков шундай эслайди: “Брежнев дўстликка содиқ одам бўлгани сабабли Таракийнинг ўлиmidан қайғурди, қандайдир маънода ўзининг шахсий фожиаси каби қабул қилди. У бу ишда ўзини айбдор ҳис қилаётган ҳам эди. Яъни у Таракийни Кобулга боришдан қайтариши мумкин бўлиб, бу ишни қилмагани учун ҳам изтиробда қолган эди. Аминни эса давлат раҳбари сифатида умуман қабул қилмади”.

Афғонистон бўйича Сиёсий бюро мажлисига ҳужжатлар тайёрланаётган бир вақтда Леонид Йьлич қўл остидагиларга: “Амин – ноинсоф одам”, деди. Ушбу эътироз Аминни Афғонистондаги ҳокимиятдан олиб ташлаш учун турли йўлларни топишга ҳаракат қилиш учун етарли эди.

Уша вақтнинг ўзида ҳам Москвага Афғонистондан бир-бирига зид маълумотлар келар эди. Бунга сабаб, ўша маълумотларни бир бирига рақобати кучли бўлган ташкилотлар топарди (КГБ, ГРУ, МИД, ЦК КПССнинг халқаро бўлими ва турли хил вазирликлар).

Куруқликдаги қўшинлар қўмондони, армия генерали Иван Паловский ва Афғонистон Демократик Республикасидаги бош ҳарбий маслаҳатчи Лев Горелов ГРУ тайёрлаган маълумотлар ҳамда Амин билан шахсий учрашувда олинган ахборотлар асосида Сиёсий бюрога афғон халқининг пешвози ҳақида “Москванинг содиқ дўсти ва Афғонистонни совет иттифоқининг мустаҳкам дўсти сифатида” таърифлаган. “Ҳофизулло Амин кучли шахс ва у мамлакат раҳбари сифатида қолиши керак”.

КГБнинг ташқи разведка каналлари орқали юқорида келтирилган сифатлардан тубдан фарқ қилувчи маълумотлар хабар қилинар эди: “Амин – мустабид, мамлакатида ўз халқига нисбатан террор ва репрессияларни очиб берди, Инқилоби ғояларининг сотқини, америкаликлар билан тил бириктирган ҳамда ташқи сиёсатда Москвага зид бориб, Вашингтон измига тушди. У МРБнинг агенти”.

Аслида КГБ разведкасининг бирор бир раҳбари “Таракийнинг энг биринчи ва энг содиқ шогирди”, “Савр инқилоби йўлбошчиси”нинг совет душмани ва сотқин эканига ҳеч қандай ҳужжат-далил келтирмаган. “Тож-Бек” саройи ҳужумида Амин ва унинг иккита вояга етмаган ўғли ўлдирилганидан кейин Аминнинг хотинига тирик қолган қизи билан истаган мамлакатга чиқиб кетиш их-



тиёри берилганида у Совет иттифоқини танлайди. Ушанда: "Турмуш уртоғим совет иттифоқини яхши кўрар эди", деб қарорига изоҳ берган эди.

1979 йил 8 декабрдаги Сиёсий бюро Марказий қўмитасининг тор доираси йиғилган мажлисга қайтамиз. Брежнев бошқаларни тинглаб ўтирибди. Андропов ва Устинов Афғонистонга аскар кiritиш зарурияти ҳақида гапирар эди.

Бундай йўл тутишига асосий сабаб сифатида Совет иттифоқининг жанубий чегараларини ҳамда Ўрта Осиё республикаларини ўз манфаатлари доирасига қўшиб олишни режа қилаётган АҚШ тажовузидан ҳимоя қилиш, Афғонистон ҳудудларига Байқанур космодроми ҳамда бошқа зарурий объектларни хавф туғдириши мумкин бўлган "Першинг" ракеталарини жойлаштирилиши ҳамда Афғонистоннинг шимолий вилоятларининг мамлакатдан ажраб чиқиб, Покистонга қўшилишининг олдини олиш эҳтимоли қайд этилди. Натижада ҳаракатланишнинг икки вариантини кўриб чиқишга қарор қилинди: Аминни олиб ташлаб, унинг ўрнига Кармални қўйиш, ушбу вазифани бажариш учун Афғонистонга бир қисм аскарларни кiritиш. "КПСС Марказий Қўмитаси Сиёсий бюросининг танланган аъзолари" билан учрашувга таклиф қилинган Бош штаб раҳбари маршал Николай Огарков бир соат мобайнида мамлакат раҳбарларига совет қўшинларини Афғонистонга олиб кириш ғояси ҳалокатли бўлиши мумкинлигини тушунтиради. Бироқ улар маршалнинг гапларини қабул қилмайдилар. 9 декабр куни Огарковни Бош котиб ҳузурига яна таклиф қилишди. Бу сафар хонада – Брежнев, Суслов, Андропов, Громыко, Устинов, Чернен-

ко бор эди. Унга мажлис протоколини тузишни топширилди. Маршал Огарков бор кучи билан аскарларни киритиш масаласига ўзининг қарши фикрларини айтди. У афғонларнинг ўз ҳудудларига бегоналарни қўймаслик анъаналарини эслатди, киритилган ҳарбийларнинг жанглардан боши чиқмай қолиши мумкинлиги ҳақида гапирди, бироқ ҳамма гаплари беҳуда бўлди. Маршал сўзини Андропов кесди: "Сизни бу ерга фикрингизни билиш учун эмас, балки Сиёсий бюро кўрсатмаларини ёзиб, сўнг уларни бажаришни ташкиллаштириш учун чақирганмиз". Баҳсга Леонид Ильич Брежнев нуқта қўйди: "Юрий Владимировични қўллаб-қувватлаш лозим".

Совет иттифоқининг яксон бўлишига сабаб бўлган қарор шу тарзда қабул қилинган эди. Совет аскарларини Афғонистонга киритиш бўйича қарор қабул қилган ўша вақтдаги раҳбарларнинг биронтаси ҳам иттифоқ парчаланишини кўрмади. Улар ҳолатида касал бўлган Суслов, Андропов, Устинов, Черненко урушни бошлашга бошлаб, 80-йиллар бошида бирин-кетин ўлиб кетишди. 1989 йили эса Андрей Громыко ҳам вафот қилди.

Совет қўшинларини Афғонистонга киритилишига Ғарб сиёсатчилари ҳам таъсир ўтказган. НАТОнинг ташқи ишлар ҳамда мудофа вазирликлари 1979 йили 12 декабр куни Брюсселда Ғарбий Европада Американинг "Круз" ва "Першинг-2" деб номланган янги, ўрта масофадаги ракеталарини жойлаштириш режаси юзасидан қарор қабул қилишган. Ушбу ракеталар Совет иттифоқига қарашли Европа ҳудудининг деярли барча жойини нишонга олиш имкониятига эга эди. Ўз навбатида советлар мазкур хавфдан ҳимояланиши зурур эди.

## **Сўнги қарор**

12 декабр куни Афғонистонга совет қўшинларини киритиш бўйича якуний қарор қабул қилинди. КПСС Марказий Қўмитасининг махсус папкасида котиб Черненко томонидан ёзилган Сиёсий бюро мажлисининг протоколи сақланган. Протоколда Афғонистонга совет қўшинларини киритиш ташаббускорлари сифатида Андропов, Устинов ва Громыколар қайд қилинган. Шундай бўлишига қарамай, совет ҳарбийлари энг биринчи бўлиб ҳал қилиши керак бўлган масала – Ҳофизулло Аминни афдариш ва йўқ қилиниши ҳамда унинг ўрнига советлар тарафидан қўйилиши керак бўлган Бабрак Кармал ҳақида мазкур ҳужжатда лом-мим дейилмаган. Шунинг учун ҳам Афғонистон Демократик Республикаси илтимосига кўра совет қўшинлари мазкур мамлакатга киритилди, деган гап ҳеч қандай асосга эга эмас. Аскарларни киритиш ғоясини Сиёсий бюро аъзоларининг ҳаммаси бир овоздан маъқуллаган. Бироқ Сиёсий бюронинг мазкур мажлисида СССР Вазирлар Кенгашининг раиси Алексей Косыгиннинг иштирок этмаганлиги диққатга сазавордир. У мамлакат иқтисодий аҳволдан яхши хабардор бўлгани сабабли Афғонистонга қўшин киритишга мутлақо қарши бўлган эди. Ўша вақтдан бошлаб, Брежнев ва унинг атрофидагилар билан Косыгиннинг муносабатлари ёмонлашган, деб айтилади.

### ***Икки марта заҳарланган Амин***

13 декабр куни КГБнинг норасмий разведкаси Аминни афдариш бўйича махсус локал операци-

яни бошлаб юборди. Унга генерал Юрий Драздов бошчилик қилди ҳамда операцияни амалга оширишни форсий тилида бемалол гаплаша оладиган “Миша”га топширди. Махсус манбаларда унинг фамилияси Талибов экани қайд қилинган. У Амин ошхонасига катта ошпаз сифатида киритилган эди. Буларнинг ҳаммаси Кобулдаги но-расмий агентура ҳамда АҚШдаги собиқ резидент генерал Драздов ўз ишларини аъло битирганига далолат қилади. Афғонистондаги муваффақиятли операция учун у Ленин ордени билан тақдирланган. “Миша” тайёрлаган ва Аминга аталган салқин ичимлик қуйилган қадаҳ захарланган эди. Бироқ тасодифан захарланган қадаҳ унинг жияни, контрразведка бошлиғи Асадулло Аминга берилади. У захарланганида совет ҳарбий шифокорлари томонидан биринчи ёрдам кўрсатилади. Сўнг у оғир аҳволда Москвага юборилади. Шифо топганидан сўнг Кобулга қайтарилади. Ватанида Бабрак Кармалнинг буйруғига биноан отиб ташланади. Чунки орада ҳокимиятда анча ўзгаришлар бўлганди.

Ошпаз “Миша”нинг иккинчи уриниши муваффақиятли бўлди. Бу сафар у меҳмонлар жамоасидан захарни аяб ўтирмади. Амин кўриқчилари “Миша”дан омон қолди. Сабаби улар алоҳида таомланар эди. 27 декабр куни Ҳофизулло Амин совет аскарлари Афғонистонга киритилиши ҳақидаги маълумот олади ва серҳашам зиёфат уюшти-ради. Уни совет ҳукуматини Таракийнинг улими ва ҳукумат алмашгани ҳақидаги расмий маълумот қониқтирганига ишонтиришади. Совет ҳукумати Аминга ёрдам сифатида ўз аскарларини мамлакатга киритмоқчи бўлади. Зиёфатга Афғонистон-

нинг деярли барча мансабдорлар таклиф қилинади. Бироқ зиёфат чоғида жуда кўп меҳмонлар ўзларини ёмон ҳис қила бошлайди. Баъзилари ҳушидан ҳам кетади. Уларнинг ичида Амин ҳам бор эди. Президентнинг рафиқаси дарҳол советлар элчихонасининг Марказий ҳарбий госпиталига кўнғироқ қилиб, вазиятдан уларни огоҳ этади. Биринчи бўлиб терапевт полковник Виктор Кузнецов ва жарроҳ Анатолий Алексеев етиб келади. Оммавий заҳарланиш бўлганини аниқлаб, улар Ҳофизулло Аминни қутқариш учун реанимацион ҳаракатларини бошлаб юборадилар. Улар президентни ўлимдан қутқариб қолишади.

Ушбу хабарга ташқи разведка раиси Владимир Крючковнинг муносабатини бир тасаввур қилиб кўринг. Кечга яқин машҳур “Пуртана-333” – Аминнинг “Тоғ-Бек” саройини ишғол қилиш операциyasi бошланди. Операция 43 дақиқа давом этди. Ушбу ҳужум барча ҳарбий академиялар китобига киритилган. Амин ўрнига Кармални алмаштириш учун КГБнинг махсус “Момоқалдирос” гуруҳининг “А” бўлинмаси ёки журналистларнинг талқинича, “Альфа” (30 одам), “Зенит” – “Вимпел” (100 одам) ҳамда ГРУ ҳарбий разведкасининг “мусулмон батальони” (530 одам) – махсус 154-бўлинма ўзбек, туркман ва тожиклардан иборат эди. Ҳар бир ротада форсий тилдан таржимон ҳам бор эди. Улар асосан Ҳорижий тиллар ҳарбий институт курсантларидан иборат эди. Айтмоқчи, тожик, ўзбек ва туркманларнинг аксари таржимонсиз ҳам Афғонистоннинг асосий тилларидан бири бўлган пуштун тилини тушунар эди. Совет мусулмон батальонига Ҳабиб Холбоев қумондонлик қилди. Саройга қилинган ҳужумда КГБ махсус гуруҳидан

5 одам ўлди. “Мусулмон батальони”дан эса олти одам бой берилди. Десантчилар туққиз одамини йуқотди. Аминни заҳарланишдан қутқариб қолган ҳарбий шифокор Виктор Кузнеченков ҳам шу ерда ҳалок бўлди. Совет иттифоқи Олий Кенгаши Президиумининг махфий фармони билан 400 га яқин одам турли хил орден ва медаллар билан тақдирланди. Уларнинг тўрт нафари Совет иттифоқи қаҳрамони бўлди. Полковник Виктор Кузнеченков жанговор Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди (ўлимидан сўнг).

СССР Олий Кенгаши президиумининг буйруғи ёки ҳукуматнинг қўшин киритиш юзасидан бошқа бирорта ҳам ҳужжат топилмади. Барча топшириқлар оғзаки тарзда берилди. Фақатгина 1980 йилнинг июнига келибгина, МК КПСС Афғонистонга қўшин киритиш ҳақидаги қарорни маъқуллади. Ғарбда «Афғонистон давлат бошлиғининг ўлдирилиши, советлар мамлакатни босиб олганига ҳужжатдир» дея талқин қилинди. Бу СССРнинг АҚШ ва Европа билан муносабатларига салбий таъсир курсатди. Кейинроқ, АҚШ ҳам ўз қўшинларини Афғонистонга киритди ва у ердаги уруш ҳамон давом этиб келмоқда...

## МУСТАБИД УЧУН ҚОПҚОН НЕГА САДДАМ ҲУСАЙН КУВАЙТНИ БОСИБ ОЛМОҚЧИ БЎЛДИ?

### *Бир вақтлар йўқолган вилоят*

1990 йили Яқин Шарқда бўлиб ўтган уч кунлик қуролли тўқнашув нафақат минтақа, балки бутун дунё келажагига жиддий таъсир қилди. Форс кўрфазидаги аслида жуда кичкина, бироқ ниҳоятда нефтга бой бўлган Кувайт давлати турли ҳодисалар марказида қолиб кетди.

Кувайтни назорат қилиш мақсадида азалдан усмонийлар, инглизлар ва немислар курашиб келган. Маҳалий ҳокимият бўлинмалари расмий равишда фаолият кўрсатиб турган бўлса ҳам, аслида у ердагилар жуда кўп йиллар мобайнида ўзига бўйсундириш истагида бўлган турли хил ташқи кучлар орасида кун кўришга мажбур бўлди.

Кувайт амирлиги 1961 йили расмий равишда ўз мустақиллигини эълон қилди. Бироқ, сал қолса, ўз мустақиллигини йўқотиб қўйиш ҳам мумкин эди. Кувайт билан чегарадош бўлган Ироқнинг минтақа тарихи юзасидан ўз қарашлари бор эди. Ушбу мамлакат сиёсатчилари Кувайтни Ироқдан ноқонуний равишда тортиб олинган 19-вилоят деб билар эди.

Уша пайтда Буюк Британия Кувайтни Ироқ тарафидан босиб олинишига йул қўймади. Агар Ироқ Кувайтга қарши ҳаракатларни амалга оширадиган бўлса, Буюк Британия қуролли кучлар билан аралашиши ҳақида таҳдид қилди. Ушанда-

лигини афзал деб топишди ҳамда Кувайтни буй-сундириш ҳақидаги қарорга вақтинча барҳам беришди.

### ***Саддамнинг “адолатли уруши”***

1979 йили Эронда исломий инқилоб рўй берди. Бунинг оқибатида ҳукумат тепасига оятуллоҳ Ҳумайний келди. У АҚШ ва Совет Иттифоқининг ашаддий душманларидан ҳисобланарди.

Воқеаларнинг бу тахлит ривожланиши АҚШнинг Яқин Шарқдаги таъсирини заифлаштириб қўйди ва у Эронга қарши тура оладиган кучни излашга тушди.

Ироқнинг ёш ва серғайрат ҳукмдори Саддам Ҳусайн шундай куч сифатида танланди. Эрон Ироқ ҳудудида ҳаракат қилаётган шиъаларга мансуб гуруҳларни фаол равишда қўллаб-қувватлай бошлади. Уз навбатида Ироқ Эронга ер давоси билан чиқди. 1980 йилнинг 22 сентябр куни Ироқ армияси Эронга бостириб кирди.

Америка Қўшма Штатлари Ироқни қўллаб-қувватлаган ҳолда Саддам Ҳусайнга разведка маълумотларини тақдим қилди. Зарур пайтда кредитлар берди ҳамда қурол-аслаҳа етказиб турди. Ҳатто кимёвий қуроллар учун керакли материаллар ҳам АҚШ томонидан тақдим этилди.

Эрон – Ироқ уруши саккиз йил давом этди, ҳар икки тараф жуда катта моддий талофат кўрди ҳамда жуда кўп одамларини қурбон қилди. Уруш тинчлик сулҳи билан ниҳоясига етди.

### ***Қарзини кечиш учун бостириб кириш***

Мазкур уруш Ироқ иқтисодига жуда катта зарар олиб келди, аҳолининг турмуш даражаси ҳам сезиларли даражада тушиб кетди. Бундан ташқар



ри, уруш даврида бошқа давлатлардан жуда катта миқдорда қарзлар бетартиб равишда олиб ташланган эди. Буларнинг ҳаммаси Ҳусайн режими беқарор аҳволга олиб келди.

Ироқ пешвоси юзага келган инқироздан чиқиш йўллари излар эди. Ҳа вақт у Кувайтга бўлган эски даъволарини эслаб қолади.

Эрон-Ироқ уруши даврида Кувайт Эроннинг минтақада таъсири ошиб кетишидан хавфсираб Ироққа умумий миқдорда 15 миллиард долларга яқин қарз берган эди. Бироқ уруш тугаганидан сўнг икки мамлакат орасидаги муносабатлар бузила бошлади.

Ироқ Кувайтни чегара олдидаги Ироқ нефть конларидан уғирлик қилаётганликда айблаб чиқди. Яъни, бу орқали Кувайт тарафидан қиялаб бурғалаш технологияси орқали нефть қазиб олиш назарда тутилаётган эди. Қайд этиш ўринли, бу технологияни кувайтликларга АҚШ берган эди.

Саддам Ҳусайн Кувайтдан Ироқнинг қарзларини бутунлай кечиб юборишни талаб қилди камига икки миллиард доллар бадал пул ҳам сўради.

### ***“Бу масала Америкага боғлиқ эмас”***

Кувайт Қўшма Штатлар билан яқин алоқалар ўрнатганини Саддам Ҳусайн жуда яхши билган.

Нега Саддам Ҳусайн Кувайтга бостириб кирди, деган муҳим саволга ҳалигача сиёсатчи ва тарихчилар жавоб топа олишмаяпти.

Бу мавзуда турли хил антиқа жавоблар бўлган. Баъзилар Саддам Ҳусайн гиёҳванд бўлиб қолган дейишса, баъзилари гуёки Кувайт элчиси музока-

раларда ироқлик аёлларни фоҳиша деганини айтишади.

Бироқ, бу ишга жиддий ёндашган таҳлилчилар Ироқ раҳбариде уруш қилган тақдирда Вашингтон ҳеч қандай қатъий чора кўрмайди, деган ишонч бўлган.

Ироқ ва Кувайт ўртасидаги зиддиятлар кучайишидан олдинги Вашингтон позициясидаги баъзи ноаниқликлар бўлмаганида, буларнинг ҳаммасини Саддам Ҳусайннинг катта кетишига йўйиш мумкин эди. Ироқ раҳбари ўз ниятларини очиқчасига айтган бўлса ҳам Америка Қўшма Штатлари томони уни уруш қилишдан қайтаришга уринмаган.

1990 йили 25 июл куни Саддам Ҳусайн АҚШ элчиси Эйприл Глэспи билан учрашади. Музокараларда Кувайт масаласи ҳам муҳокама қилинади. “Менда президентнинг аниқ йўриқномаси бор – Ироқ билан муносабатларни яхшилаш керак. Араблар орасидаги низолар бўйича, масалан, сизларнинг Кувайт билан чегаралар бўйича мунозараларингиз ҳақида ҳеч қандай позицияга эга эмасмиз... Бу масала Америкага боғлиқ эмас”, деди Глэспи.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, бу сўзлар Ироқ раҳбарининг Кувайтни бўйсундириш учун фаол ҳаракат бошлашига берилган сигнал эди.

### ***Вашингтонлик луттибозлар***

Ҳусайн элчининг сўзларини нотўғри тушунди ҳам дейлик. Бироқ Вашингтон Кувайтга ҳужум қилинишининг олдини олиши мумкин эди. Нега энди Глэспи хоним аниқ-тиниқ қилиб гапирмади?

Саддам Хусайннинг иззат-нафси Вашингтон учун жуда қулай эди. Нефтга бой минтақа ҳамда Эрон чегараларига яқин жойда ўз ҳарбийларига эга бўлиш АҚШ учун жуда бўлиб турганди. Аммо ҳарбий қўшинларни ҳеч қандай сабабсиз жойлаштириш араб мамлакатлари норозилигини туғдириши мумкин эди. Ўзи улар шундоқ ҳам АҚШдан тўйиб юришганди.

Адолатни тиклаш учун, катта ва кучли армияга эга Ироқдан кичик ҳамда заиф қўшнисини ҳимоя қилиш мақсадидаги ҳарбий аралашув эса тамоман бошқа гап.

Қизиқ ҳолат: “Саҳродаги бўрон” ҳарбий амалиёти чоғида Ироқ армияси тор-мор келтирилиб, АҚШ Ироққа айтганини қилдирганидан кейин ҳам улар Саддам Хусайннинг истеъфосини талаб қилишмади. Урушдан кейин ҳам яна 12 йил давомида Ироқ раҳбари бўлиб юришига имкон берилди. Эрон-Ироқ урушидан бошлаб, то унинг ўлимигача вашингтонлик сиёсатчилар Саддам Хусайнни ўз мақсадлари йўлида фойдаланиб келгандек таассурот пайдо бўлади.

Нима бўлган тақдирда ҳам 1990 йили 25 июл куни Саддам Хусайн унга ҳеч ким халал қилмаслигига тўла амин бўлган эди.

### *Ал-Кувайтдаги “инқилоб”*

Июл охирида Миср президенти Хусни Муборак воситачилигида Ироқ ва Кувайт ўртасида музокаралар ташкил қилинди. 1990 йил 1 август куни музокаралар бекор бўлди. Ироқ қарзни кечишни, тавон пули ҳамда беғараз ёрдам қилинишини талаб қилди. Кувайт амири шайх Жабар Аҳмад Сабих бундай талаблар қабул қилинмаслигини айтди.

Ироқ қўшинлари эса Кувайт чегараларига фаол равишда яқинлаб келётган эди.

1990 йил 2 август куни Ироқ телевидениеси Кувайтда инқилоб рўй бергани ва тўққиз нафар Кувайт армиясининг зобитидан иборат “Озод Кувайтнинг муваққат ҳукумати” халққа қарши сиёсат юритиб, коррупцияга ботган қирол режими билан курашишда Ироқдан ёрдам сураётгани ҳақида эълон қилди. Бунга жавобан Саддам Хусайн ўз армиясига Кувайтга юриш қилиш ҳақида буйруқ берди.

Ҳақиқатдан ҳам “Озод Кувайтнинг муваққат ҳукумати” ташкилоти бўлган, бироқ у аҳоли орасида етарли обрў қозонмаган. Куч ишлатилган амалиётларнинг барчаси ироқликлар томонидан амалга оширилган.

2 август, соат 1:30 ларда Ироқнинг махсус бўлинмалари тикучарлар ёрдамида Кувайт амири қароргоҳига ҳужум қилиб, амирни асир олмоқчи бўлди. Бироқ амир гвардияси ушбу ҳужумни қайтаришга муваффақ бўлди. Натижада Кувайт амири Саудия Арабистонига қочишга улгурди.

### ***Уч кунлик блицкриг***

Тунги соат иккида Ироқнинг 120 мингдан ошиқ ҳарбий бўлинмалари Кувайтга бостириб кирди. Ҳаво кучлари Ал-Кувайтни бомбордимон қилди, қирғоқ тарафидан эса денгиз пиёда аскарлари ҳужум қилди. Соат бешларда Ироқ қўшинларининг асосий қисми Дасман саройига яқинлашди. Сарой учун кураш кечгача давом этди ва бу Кувайт қўшинларининг мағлубияти билан якун топди. Саройни олишда Кувайт амирининг укаси Фаҳад Ахмад Жабер ҳалок бўлди.

Кувайт армиясининг қолган қисмлари 4 августга қадар қаршилик кўрсатиб турди. Мамлакатнинг 35-танк бригадаси икки кундан ошиқ вақт рақибнинг йирик танк гуруҳини ушлаб туришга муваффақ бўлди.

Шунга қарамай, 4 август кунининг охирига келиб Кувайт армияси бутунлай тор-мор қилинди, мамлакат устидан назорат эса тамоман Ироқ қўлига ўтди.

Уруши давомида ироқликлардан 295 аксар ҳалок бўлди ва 360 га яқини турли жароҳатлар олди. Кувайт армиясида кўп йўқотишлар бўлди: 4200 аскарлари ҳалок бўлиб, 12 мингга яқини асир олинди. Улим ва асирликдан омон қолган ҳарбийлар Саудия Арабистони ҳудудига қочиб ўтди.

### ***Муқаррар хато***

Бир неча кун ўтиб, “Озод Кувайтнинг муваққат ҳукумати” қўшилиш илтимоси билан Ироққа мурожаат билан чиқди. 28 август куни Кувайт расмий равишда Ироқнинг 19-вилояти деб эълон қилинди.

Ироқ устида эса булутлар қуюқлашмоқда эди. БМТ Хавфсизлик кенгаши Ироқ қўшинларини Кувайтдан зудлик билан чиқиб кетишини талаб қилди. Саддам Хусайн режимига қарши иқтисодий санкциялар жорий қилинди. Вашингтон эса иттифоқчиларини тўплай бошлади ҳамда босқинчини жазолаш учун минтақага сараланган ҳарбий бўлинмаларни келтира бошлади.

Саддам Хусайн яшин тезлигида қозонган ғалабасидан боши айланиб, унга қарши куриляётган чораларнинг барчаси сохта, хужакурсинга бўлаётганига қаттиқ ишонар эди. Чунки, Глэспи хоним

аниқ-тиник қилиб айтди-ку, “бу масала Америкага боғлиқ эмас” деб. Ахир, Америка Қўшма Штатлари алдаши мумкин эмас-ку?

...Бироқ амалда бунинг тескариси бўлди. АҚШ бошчилигидаги ҳарбий коалиция Ироқ армиясини Кувайтдан сиқиб чиқарди.

Бунинг изоҳи шуки, сиёсатда дўстлик йўқ. Сиёсатда манфаат бор.

Бу гап ҳамон ҳам қадамда ўз исботини топиб келмоқда.

## ЁЛҒОН ТУФАЙЛИ БОШЛАНГАН БОСҚИН

**АҚШнинг Ироққа қарши бошлаган босқинига  
ўн йил бўлди, аммо унинг жароҳатлари ҳалигача  
битгани йўқ**

АҚШнинг тинчгина яшаётган Ироққа қарши бошлаган босқинига ўн йилдан ўтди. Катта қурбонлар ва вайронагарчиликларга сабаб бўлган ушбу қирғин нима сабабдан бошланиб кетганига ҳанузгача маънилироқ жавоб топилгани йўқ. АҚШнинг дунё зўравонига айланишига туртки бўлган Ироқ кампаниясини бошлашига ироқлик оддий муҳандиснинг исботланмаган гапи сабаб бўлган деса, балки кўпчилик ишонмас ҳам! Келинг, ҳаммасини бир бошдан сўзлаб берайлик...

Германиянинг Карлсруэ шаҳрида Рафед Аҳмад Алвон Жанобий исмли оддийгина бир киши яшайди. Унинг исми кўпчиликка нотаниш бўлса ҳам, АҚШ собиқ президенти Жорж Бушдан тортиб Германиянинг собиқ канцлери Герхард Шрёдер каби жуда кўп раҳбарлар уни яхши танишади. Бу одам Америкага Саддам Ҳусайннинг кимёвий қуролга эга экани ҳақидаги “ҳужжат”ни ҳадя қилгани билан машҳур. Эллик уч ёшли Рафед Алвон Жанобий уни кимдир пойлаётгандек доимо хавфсираб, атрофига тез-тез қараб қўядиган одат чиқарган.

2000 йилларгача у ўзига ўхшаш ўн минглаб ишсизлар каби Германиядан сиёсий бошпана излаётган оддий бир ироқлик ишсиз муҳандис эди. Бироқ орадан бир неча йил ўтгач, у бир неча қудратли мамлакатларнинг махсус хизматларини лаққа тушириб, ўз манфаатларига хизмат қилди-ра оладиган ўзига хос бир шахсга айланди.

2003 йил бошида БМТдаги ўзининг машҳур нутқида АҚШнинг собиқ давлат котиби Колин Пауэлл “ишончли маълумот етказувчи гувоҳга” таяниб таъкидлаган эдики, Саддам Ҳусайнда омавий қирғин қуролларининг мавжудлиги мутлақо шубҳа туғдирмайди. Чунки, Америка Саддам режими халқаро кузатувчилардан яшираётган “кўчиб юрувчи ғилдиракли лабораториялар”ни ўз кўзи билан кўрган гувоҳнинг кўрсатмаларини қўлга киритган.

АҚШ давлат котиби таянган гувоҳ биологик қурол ишлаб чиқариш корхонасида ишлайдиган Рафед Алвон Жанобий эди. Давлат котиби бутун дунёни ларзага солган ушбу ваҳимали гапларини айнан унинг сўзларига асосланиб гапирган эди. Пауэлл “бир-икки ой ичида юз минглаб одамларни қириб юбора оладиган катта миқдордаги биологик қурол ишлаб чиқариш қудратига эга бўлган поезд ва вагонлар” ҳақида батафсил гапириб берди. Бунга ўхшаш даҳшатли “тафсилот”лар ва ваҳимали “далил”лар дунё аҳлини Саддам Ҳусайнга қарши уруш очиш лозимлигига ишонтириш учун керак эди.

Алвон Жанобий эса Саддам Ҳусайнни ағдариш ва шу билан бирга Германиядан сиёсий бошпана олиш учун ҳаммасини ёлғондан тўқиганини кейинчалик тан олди. Унинг сўзлари бошидан-охиригача, майда-чуйда тафсилотларигача ёлғон экан. Эндиликда, ўзининг тан олишича, у немис махсус хизматлари билан бўлган суҳбатда ҳаммасини ёлғондан тўқиб гапирган экан.

Унинг ёлғон маълумотларига кўра, у ватанида бактериологик ва биологик қурол ишлаб чиқарувчи кимёвий лабораторияларда ўта махфий



равишда ишлашга мажбур бўлган эмиш. Бу лабораториялар махсус вагонларда жойлашган бўлиб, халқаро кузатувчилар текширишга келганида уларни бир жойдан бошқа жойга кўчириб туришган. Биринчи имконият туғилиши биланоқ у Ироқдан қочган эмиш: у золим ҳукмдорга хизмат қилишни истамаган экан.

Рафед Жанобийнинг Ироқда биологик қуроллар борлиги ҳақида бирорта гапи тўғри бўлиб чиқмади. Мутахассислиги муҳандис бўлган бу кимса кимёвий лабораторияларни ҳам, оммавий қирғин қуролларини ҳам ўз кўзи билан кўрмаган. У “золим ҳукмдорни афдаришим учун бирор нарса ўйлаб топиш имконияти пайдо бўлди”, дея юз минглаб одамларнинг ўлимига сабаб бўлган ёлғонини оқламоқчи бўлади.

Айтмоқчи, немисларнинг махсус хизматлари бир неча ой ичида унинг ёлғонларини фош қилишга муваффақ бўлишди. Ҳар сафар у янги-янги ёлғонларни тўқир ва олдинги ёлғонлари кейингиларига тўғри келмай қоларди. Бироқ, афсуски, уша вақтдаёқ бу ажойиб гувоҳ “америкалик дўстлари”га Ироқнинг “оммавий қирғин қуроллари” ҳақида маълумот бериб улгурган эди. Жорж Буш маъмурияти уша пайтда Ироқни босиб олиш учун ишончли баҳона қидираётган эди. Шунинг учун ҳам Берлиндан келган махфий хабарга қаттиқ ёпишиб олди.

Бироқ Германиянинг кейинчалик юборган “гувоҳнинг ёлғон гапириш эҳтимоли” ҳақидаги хабарлари, ҳатто Германия махсус хизмати раҳбари Аугуст Ханниннинг Марказий разведка бошқармасидаги ҳамкасбига ёзма равишда Жанобийнинг ғирт ёлғончи экани ва унинг кўрсатмала-

рини эътиборга олмаслик ҳақидаги мактублари ҳам инобатга олинмади. Чунки сохта гувоҳнинг ёлғонлари америкаликлар истаган ва анчадан бери орзу қилаётган маълумотлар эди-да!

МРБдагилар Рафед Жанобийга Curveball деган лақаб қўйишди. Бундай олқишга ҳали Америка учун ишлаётган ҳеч бир жосус сазовор бўлган эмасди. Америкаликлар Шарқий Европадан чиққан ва махфий қурол ҳақидаги маълумотларга эга бўлган сотқинларни одатда ball (тўп) деб, аташар эди. Curveball сўзи эса бейсбол ўйинида кутилмаган зарбани англатади.

Шу вақтгача Буш маъмуриятининг қўлида Саддамнинг биологик қуролга эга экани ёки Ироқ ҳукуматининг "Ал-Қоида" террорчи ташкилоти билан алоқалари бўлганини исботлайдиган бирорта далил-ҳужжат бўлмаган. Бу орада ироқлик Жанобийнинг, бунинг устига касби кимёгар бўлган одамнинг топилиб қолиши чинакам тақдирнинг туҳфаси эди. Ироқни босиб олишга яхшигина баҳона топилди ва қонли уруш бошланиб кетди. Буюк товламачи аслида оддийгина ёлғончи-каззоб бўлиб чиқди. Жанобийнинг ўзи эса, Колин Пауэллнинг нутқини эшитиб, ҳайратда қолганини айтади ва: "Немислар мен айтган маълумотларни америкаликларга сотибди", деб хафа бўлади.

Америкаликлар эса ўз ахборотчиларига бир тийин ҳам тўлагани йўқ. "Бебаҳо маълумот етказган одам"нинг ёлғончи ва каззоб экани маълум бўлгунича Германия махсус хизмати ироқлик муҳандисга ҳамкорлик учун ойига уч минг евродан пул тўлаб турган. "Бироқ мен ҳаммасига розиман, – деб қўшимча қилади Curveball. – Охир-оқибат Ироқни золим раҳбар бошқараётгани йўқ-ку!"

2007 йили Германия махсус хизматлари "маффийлик" грифини бекор қилиши билан жамоатчиликка олдин ҳам маълум бўлган нарсалар, яъни Ироқдаги уруш ёлғон ва тўқима маълумотларга асосланиб бошлангани уз тасдиғини топди. Рафеднинг исми газета-журналлар саҳифасида пайдо бўла бошлади. Маҳмадона Рафед эса ушанда барча гапларни узича тўқиб айтгани ҳақида интервьюлар бера бошлади. Ёлғон тўқигани ҳақидаги суҳбатларига бошида яхшигина пул тўлаб туришди. Бошқалар бу ёлғон учун узок йиллик қамоқ жазосига маҳкум этилиши мумкин эди, лекин муҳандис ёлғончилиги эвазига мўмайгина пул ишлаб олди. Сўнгра эса Жанобийнинг гап-сўзлари шов-шув бўлмай қолди, таҳририятлар у билан суҳбат учун пул тўламай қўйди. 2010 йили ироқлик "Остап Бендер" Германиядаги НДР телекомпанияси мухбирлари билан аҳдлашувни бузгани учун уни полицияга чақиришга мажбур бўлишди. Собик Curveball дастлаб мухбирларни қабул қилишга ваъда берган бўлса-да, уларнинг пул (қалам ҳақи) бермаслигини билгач, суҳбатдан воз кечган экан.

Аслида, ироқлик товламачи муҳандиснинг ёлғонлари Америкадаги расмий сиёсатдонларнинг расмий ёлғонлари олдида ҳеч нарса бўлмай қолди. Икки нотижорий ташкилот – "Мустақил журналистика учун" жамғармаси ва "Ҳукумат ҳаққонияти учун" маркази Оқ уйнинг 2001 – 2003 йиллар оралиғида Ироқ масаласида эълон қилган ёлғон баёнотлари сонини ҳисоблаб чиққан. Улардаги маълумотларга кўра, 2001 йилнинг сентябридан 2003 йил сентябригача бўлган расмий чиқишларида АҚШ президенти Жорж Буш икки юз олтмишта, давлат котиби Колин Па-

уэлл - икки юз эллик түртта, мудрофаа вазири Доналд Рамсфелд - бир юз түкқизта, Оқ уйнинг матбуот котиблари Ари Фляйшер ва Скотт Маккеллан - бир юз түкқизта ва ун түртта, мудрофаа вазири уринбосари Пол Вулфовиц - саксон бешта, президентнинг миллий хавфсизлик масалалари буйича маслахатчиси Кондализа Райс - эллик олтита, АҚШ вице-президенти Дик Чейни - қирқ саккизта ёлғон ишлатган. Улар омма хузуридаги нутқлари, матбуот анжуманлари баённомалари, суҳбатлар, қасам ичиб берилган гувоҳликлари ва бошқа манбалар орқали бутун дунёни ўзларининг ҳақликларига ишонтирмоқчи бўлишган. Тадқиқотчилар АҚШ расмийларининг фақат икки мавзу - Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор ва Саддам Хусайн "Ал-Қоида"га алоқадор, деган даъволарни исботлаш учунгина икки йилда жами 935 та ёлғон ишлатганини ҳисоблаб чиқишди.

Ана шундай ёлғонлар билан бошлаб юборилган урушнинг нима билан тугагани ҳаммага маълум. Саддам Хусайн ўз гуноҳлари ва хатолари учун фожияли ўлим топди. Ўз ҳукмронлиги йилларида хужужийлиги, тақвоси ёки адолатпарварлиги билан унчалик ҳам танилмаган ҳукмдорга Парвардигор ўлимини муносиб қарши олиш имконини берди.

Саддам Хусайн ўрнига ундан баттар золимлар келишди. Улар адолатсизликда, диний эътиқодларни поймол қилишда ундан қолишмас эди.

АҚШнинг собиқ давлат котибни Колин Пауэлл Ироққа бостириб кириши арафасида БМТда сўзлаган нутқининг ҳаётидаги энг шармандали ҳодиса бўлгани ҳақида айтди. Кеч бўлса ҳам, текширилмаган маълумотлардан, аниқроғи, ёлғон ва уйдирмалардан фойдаланганини тан олди.

Curveball Рафед Жанобий эса бир неча йил олдин Германия фуқаролигини қўлга киритди. У олдингидек кинокамералар қаршисида ўз хурсандчилигини яшириб ҳам ўтирмайди. “Мен алдаган эдим, – дейди у. – Кимёвий қурол, кўчма лаборатория ҳамда бомба солинган қутилари ўзим ўйлаб топганман”. Ва беўхшов тиржайди. У доим шундай, кулиб юради. Эҳтимол, бу билан у тинч мамлакатни уруш гирдобига тортгани, миллионлаб ватандошларининг ҳалокатига сабаб бўлгани ҳақидаги миясида тинчлик бермаётган нохуш ўй-хаёлларни бир зумга унутмоқчи бўлар?! Балки, адолат танатана қилиб, уруш бошланишига сабаб бўлгани ёки оммавий қирғинларга шерик сифатида устидан жиноий иш қўзғалиши мумкинлиги ҳақида фикрлар унга азоб бераётгандир?! Нима бўлганда ҳам пул ёки озгина мартаба учун миллатини, халқини, эътиқодини сотганини Худодан ҳам, бандасидан ҳам яшира олмаслигини яхши билади. У шунчалар кенг қўламли хиёнатга ва жиноятга қўл уришига сабаб бўлган нарсалар эса жуда арзимас: уни бемалол америкалик дўстларига сотган бегона мамлакатнинг фуқаролигию, сотқинлиги эвазига қўлга киритган қонли танга-чақалар, холос. Одатда хиёнаткор сотқинларнинг қисмати ҳамisha шундай якун топади.

Ироқдаги уруш расман тугаган, дея эълон қилинса-да, ҳозиргача давом этмоқда. Турли манбалар мамлакат босиб олиниши туфайли 700 мингдан бир ярим миллионгача ироқлик ҳалок бўлгани ҳақида хабар бермоқда. Ироқнинг шаҳар ва қишлоқларида ташқи душман бир неча гуруҳга ажратиб ташлаган ироқликлар ҳар куни, кунора бир-бирларини портлатиб, қурбонлар сони-

ни тинимсиз ошириб боришяпти. Издан чиққан иқтисод, вайрона бўлган шаҳар ва кўчалар, портлатилган мактаблар, мотам либосидаги бевалар, бир-бирининг душманига айланган ака-укаларнинг фожиаси зарарларини ҳозиргача, ҳеч ким ҳисоблаб чиққани ҳам йўқ.

Ушбу уруш олиб келган миллионлаб қурбонлар, халқаро майдонда, айниқса Ислом оламида АҚШ обрўсининг тўкилиши, урушга сарфланган триллионлаб доллар пуллар, ҳалок бўлган минглаб жангчилар – буларнинг ҳаммаси Американинг Ироқ кампанияси учун тўлайдиган товоннинг бир қисми, холос. Америка президенти Буш бошлиқ раҳбариятнинг ниятига кўра, Ироқ уруши туфайли ушбу давлат тепасига кучли, барқарор, Америкага маъқул келадиган, демократик ҳукуматнинг келишига кўмаклашиш эди. Улар бу билан минтақадаги террорчи ташкилотларга сезиларли зарба бериш, Эрон ва Сурия каби мустабид режимларнинг бемалол ҳаракат қилишига имкон қолдирмаслик, турли мамлакатларда, хусусан, Саудия Арабистонида ислоҳотлар жараёнига йўл очиш, ХАМАС каби гуруҳларга ёрдам беришнинг олдини олиш, Фаластин – Исроил масаласини осонгина ҳал этишни кўзда тутишган эди. Бироқ режалар чиппакка чиқди. Мақсадлар амалга ошмади. Тинч Ироққа қарши бошланган бемаъни уруш бундан бошқа яна кўплаб кўнгилсизликларни келтириб чиқарди. Ироқда ҳам, атроф ҳудудларда ҳам Эроннинг таъсир доираси янада кенгайди. Айнан Саддам Ҳусайнгина узоқ йиллар мобайнида Эроннинг минтақадаги қудратини сўндириб турган куч эди. Саддам ағдарилганидан кейин Эронни ўраб турган “темир парда” кўтарилди. Яъни, Ироқнинг бугунги сиёсатида ҳал қи-

лувчи рол ўйнаётган шиъа ўйинчилари (масалан, бош вазир Моликий, Сеистоний, Ас-Садр, Ҳаким) Саддам таъқибидан қочиб, Эронда муҳожирликда яшаган бўлса, Америка босқинидан кейин яна Ироққа қайтиб келишди. Эрон қўшниси Ироқ орқали Сурия, Ливан ва Фаластин каби бошқа ҳудудларда ҳам мавқеини мустаҳкамлаб олди. Ироқ босқинидан кейин Эроннинг иттифоқчилари ХАМАС ва “Ҳизбуллоҳ” сезиларли ҳарбий ва сиёсий муваффақиятни қўлга киритди.

Эроннинг минтақада бундай мавқеини қўлга киритиши ўз хавфсизлиги ҳақида жиддий ташвишланиб қолган Исроилнинг ҳам тинчини бузган. Бу воқелик эса Фаластин – Исроил масаласини боши берк кўчага киритиб қўйди. Бунинг устига Америка томони 2006 йили эълон қилган докладга кўра, Ироқнинг ишларига аралашиш туфайли бу ерда террорчилик актлари сони нақ етти бараварга ошган.

Ироқ босқини Американинг ички сиёсатига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Вьетнам урушидан бери ташқи сиёсат соҳасида АҚШ жамиятида энг катта ишончга сазовор партия республикачиларники эди. Ироқда йўл қўйилган хатолар туфайли уларнинг монополияси синдирилди ва бунинг оқибатида республикачилар демократларга ўринларини бўшатишга мажбур бўлишди. Жамоатчилик фикрини ўрганиш сўровларига кўра, бу ҳолат анъанавий равишда республикачиларни қўллаб келган ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг партиядан чиқиб кетишларига сабаб бўлган.

Бироқ Ироқдаги Америка босқинининг энг муҳим натижаси АҚШ келгусидаги ташқи сиёсатида яшириниб ётган бўлиши ҳам мумкин. Чунки Вьетнам уруши келтирган талофатлар Америка-

даги уруш ва бошқаларнинг ишига аралашишга қарши кишиларнинг душманлик кайфиятини кучайтирди, ўнлаб йиллар мобайнида бу нарса ташқи сиёсий қарорларнинг қабул қилинишига ўз таъсирини ўтказди. Очиқ кўриниб турибдики, Ироқ уруши ҳам Американинг дунё билан муносабатларида ҳали кўп йиллар муҳим мезон бўлиб қолади. Қолаверса, Ироқ уруши ўзининг зўравонлик ғояларини амалга ошириш учун тинч яшаб турган ўлкаларга зулм, вайронгарчилик, ўлим ва парокандалик олиб бораётган янги мустамлакачиларга яхшигина сабоқ бўлса, ажаб эмас...



## АЛАВИЙЛАРНИНГ ҲОКИМИЯТГА КЕЛИШ ТАРИХИ

Сурия ҳудудида кўп асрлардан бери алавийлар заиф, қашшоқ оқимларнинг бири бўлган. Шунга қарамай, XX асрнинг иккинчи қисмида улар Дамашқда ҳукмрон синфга айланди. Алавийлар бойиб кетишди, ҳукуматда кўпчиликни ташкил қиладиган бўлишди, муҳим мансабларни эгаллаб олишди ва таълим муассасаларида ҳам жуда кўп ўринларга эга чиқишди. Бундай ўзгаришлар қандай юз берди? Алавийларнинг анъанавий душманлари бўлган суннийлар ва Асадни ёқтирмайдиганлар бу борада жуда мураккаб конспирация назариясини ишлаб чиқдилар. Шунга кўра, уларнинг мақсадга етишлари (ҳокимиятни қўлга олиш) камида юз йил вақтни қамраб олган экан.

Конспирация назариясининг муаллифларига кўра, алавийлар 1959 йили БААС партиясининг ҳарбий қўмитаси ташкил қилиниши билан Сурия ҳукуматини қўлга олишга жуда яқин келиб қолишган. Қўмитанинг ташкил қилиниши ўта махфий бўлиб, партия аъзоларининг аксари у ҳақида хабардор бўлмаган. Айнан шунинг ўзиёқ қўмита умумсиёсий мақсадлар эмас, балки секта манфаатларини кўзлаганини кўрсатади.

Кардахада БААС партиясининг юқори мартабали ҳарбийлари билан алавий пешволари ўртасида бўлиб ўтган махфий учрашувлар ҳам бу назарияни тасдиқлайди. Анжуманда асосан БААС партиясининг бошқарув мансабларига алавийларни кўтариш муҳокама қилинди. Бунинг ор-

тидан 1963 йили Ҳимсда яна бир яширин учрашув ташкиллаштирилди.

Холис тарихчилар сирасига киритиладиган Жон Девлин Суриядаги ҳукуматнинг алавийлар томонидан эгалланиши тасодиф бўлганини таъкидлайди. У шундай ёзади: “Суриядаги ҳар қандай ички келишмовчиликни фақат сунний ва алавийлар рақобати билан баҳолайвериш унчалик туғри ҳам эмас. БААС дунёвий партия бўлиб, унинг аъзолари ичида миллий озчилик вакиллари жуда кўп бўлган”. Бошқа тарихчилар яна бир талай омиллар – жуғрофий, сиёсий, этник, маданий ва маърифий жиҳатларнинг ҳам муҳимлигини айтишади ва Сурияда ўтган асрнинг 50-70-йилларда бўлиб ўтган миллатлараро зиддиятни “редукционизм” деб аташади.

Юз йиллардан ошиқ вақт давом этган кучли рақобат алавийларнинг руҳиятига катта таъсир ўтказган. Алавийлар сунний ҳукмдорлар ва ҳар қандай хорижий кучларга ҳамиша қарши бўлиб келган. Улар бошқариб бўлмайдиган ва шиддатли халқ деган номни олган.

Алавийлар ўз тоғларида яшриниб, яккамохов ҳаёт кечира бошлашди. Ташқарида нима бўлаётгани уларни қизиқтирмасди ва алавийлар назорат қилаётган ҳудудлар ташқи таъсирдан четда қолди.

Турклар катта қийинчиликлар билан XIX аср иккинчи ярмида алавийларга тегишли ҳудудлар устидан ўз назоратларини ўрнатишга. Турклар ҳукмронлиги даврида алавийлар истиқомат қиладиган ҳудудларга суннийлар келиб яшай бошлашди. Бироқ суннийларнинг кўлайиб боришини кўрган алавийлар тунлари уларга ҳужум қилишарди.

Одатда, алавийлар суннийлардан бўлган ер эгалари қўл остида ишлашарди. Маош сифатида ҳосилнинг бешдан бир қисмини олишарди. Усманий салтанатининг солиқчилари қашшоқ ва камбағал алавийларни аяб ўтирмасди. Улар яшайдиган Латакияда суннийлар яшайдиган ҳудудлардан кўра солиқларни 2-3 баробар ошириб қўйишарди.

Биринчи жаҳон уруш ва ундан кейинги даврларда алавийлар ўз ерларини оммавий равишда тарк эта бошлашди. Эркаклар армияга кетар, қизлар эса баъзан 7-9 ёшидан бой-бадавлат суннийлар оиласида энагалик қилишар эди. Кўп ҳолларда бундай қизлар ўз хўжайинларидан ҳомиладор ҳам бўлиб қолишарди. Баъзи оилалар ўз қизларини қулликка сотишга мажбур бўлган. Насроний руҳонийси Самуэл Ляйд 1860 йилларда Сурия бўйлаб саёҳат қилиб, ёзган эди: “Алавийларнинг ҳозирги ҳолатини ер юзидаги жаҳаннамга ўхшатиш мумкин”.

XX асрда юқорида зикр қилинган тенденциялар фақатгина кучайган. Бой-бадавлат сунний зодагонлар шаҳардаги ҳаётдан роҳатланар, алавий деҳқонлар эса экин майдонларида оғир меҳнат билан банд эдилар. Жак Вейлерсс ёзган эди: “Ҳар иккала жамоа ўз қонунлари билан алоҳида-алоҳида яшашади. Улар нафақат бир-биридан фарқ қилади, балки ўзаро душман ҳамдир. Аралаш никоҳлар мумкин эмас. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасидаги зиддиятлар шу даражада чуқурки, тубдан фарқ қилувчи ягона сиёсий тизимда яшовчи икки хил аҳоли ҳақида гапирсак ҳам бўлаверди”. Бир неча ўн йилдан кейин Николас ван Дамнинг таъкидлашича: “Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси ўртасида фарқ шу даражадаки, ҳатто шаҳарда

яшовчилар қишлоқ аҳолисининг ичиб-ютиш учун келганга ўхшайди”.

Бир неча юз йил давом этган қарамлик, суннийларга бўлган нафрат сунъий равишда ташкил қилинган ва бугунги кунда Сурия Араб республикаси номи билан танилган мамлакат тарихида узоқ муддатли оқибатларга олиб келди. 1920 йили французлар Дамашқни босиб олишларидан олдин алавийлар французларга мойиллик кўрсатиб келишган. Юсуф ал-Ҳакимнинг ёзишича: “Алавийлар ўзларини худди жаҳаннамдан озод бўлгандек тутишмоқда. Улар босқинчи французларнинг мандатини қўллаб-қувватлашмоқда ва ҳатто Бутун Сурия конгрессига ўз вакилларини юборгани ҳам йўқ”.

Алавийлар Сурияни бошқариш учун юборилган Макка амирининг ўғли шаҳзода Файсалдан нафратланар эди. 1919 йили французлар қўллаб-қувватлаши ва улар тақдим қилган қуроолар билан Файсалга қарши кўзғолон кўтаришди. Замондошларидан бирининг ёзишича, “Алавийлар усмонийлар салтанатининг қулашини хоҳлайдилар”. Француз генерали Гуро 1919 йил охирида ҳукуматга ёзган мактубида: “Алавийлардан бўлган турли қабилаларнинг 73 пешвоси мутлақ Франция протекторатига қарашли Нусайрийлар иттифоқи ташкил қилинишини сўрайди”, деб ёзган эди.

Бироқ икки йил ўтар-ўтмас, алавийлар Солиҳ Алий бошчилигида французларга қарши исён кўтариб чиқишди. Асад сулоласи мазкур воқеаларни ўз фойдасига ишлатмоқчи бўлади. Аслида эса французларга қарши кўтарилган исёнга сабаб исмоилийлар билан французларнинг иттифоқ ту-

зиши эди. Алавийлар ва исмоилийлар ўртасидаги зиддиятлар французлар билан уруш чиқишига олиб келди. Французлар алавийларга мухторият бериши биланоқ уларнинг қўллаб-қувватлашига эга бўлдилар.

Французлар ҳукмронлигидан алавийлардек ҳеч ким фойда кўрган эмас. 1922 йили 1 июл куни Латакия мухтор вилояти ташкил қилинди. Алавийлар, ниҳоят, суннийлар назоратидан қутилди. Алавийлар сунний қозилар назоратидан чиқишди. Жамоа вакиллариغا тегишли барча ишлар алавий маҳкамаларига бўйсундирилди. Алавийлар маъорифига кам солиқ солинди ва французларнинг катта миқдордаги моддий ёрдамини ҳам олишди.

Бунга жавобан алавийлар французлардан ўз ёрдамини аямадилар. Бошқа жамоаларнинг бойкот қилишига қарамай, улар 1926 йили ўтказилган сайловларда фаол иштирок этишди. Французлар тарафидан ташкил қилинган *Troupes Speciales du Levant* ҳарбий қисмларининг аксар ҳарбийларини алавийлар ташкил қилган. *Troupes Speciales du Levant* қисмлари 1945 йилнинг иккинчи ярмигача француз раҳбарларига содиқ қолишди.

Алавий полициячилар суннийларнинг норозилик намоёишларини тарқатишда, босқинчиларга қарши бош кўтаришларини шиддат билан бостиришга жонбозлик кўрсатишди. 1922-1927 йилларда Сурияда Франциянинг бош комиссари бўлган Анри де Юванел: "Бир алавий сиёсатчисининг айтишича, уч-тўрт йил ичида биз уч юз-тўрт юз йил ичида қўлга киритмаган ютуқларга эришдик. Биз фақат ҳозирги ҳолат давом этишини хоҳлаёмиз", деганини хотирлаганди.

Айниқса, 1936 йилда алавийларнинг мухтор вилоятини Сурияга қўшилганида французпараст кайфиятлар аниқ намоён бўлган эди. Алавийлар суннийлар билан бирлашишни “қулликқа қайтишдан бошқа нарса эмас”, деб билишарди. Франция вазири Леон Блюмга бир алавий сиёсатчи: “Алавий ва суннийларни ажратувчи жарлик жуда чуқур эканини эслатиб қўймоқчиман. Бирлашиш тасаввур этиб бўлмайдиган ҳалокатга олиб келади”, деб ёзганди.

Кейинчалик олти нафар кўзга кўринган аслзода алавий (улар ичида Ҳофиз Асаднинг бобоси ҳам бўлган) Блюмга яна бир мактуб юборади. Унда айтилишича, “Алавийлар суннийлардан тарихи ҳамда дини билан фарқ қилади. Алавийлар Сурия билан бирлашишни инкор қилади, чунки бу суннийлар давлати. Франция мандати тугаши алавийлар учун ўлим билан тенг хавфни келтириб чиқарди. Диний феодализм руҳи Сурияни ўзини-ўзи бошқара олмайдиган мамлакатга айлантиради. Франциягина Сурияда қолиб, алавийларнинг эркинлиги ва хавфсизлигини таъминлай олади”.

1936 йили 450 минг алавий, друз ва насронийлар имзо чеккан петицияда: “Алавийлар – сўйиш учун ҳозирланган мол эмас”, дейилиши хавотирни янада кучайтиради. Дунёда ҳеч қандай куч уларни анъанавий (сунний) душманларига бўйин эгишга, абадий қул бўлишга мажбур қила олмайди. Алавийлар севимли Франция билан дўстлик алоқалари узилганидан чуқур афсусдадир”.

Латакия 1936 йили олган мухторияти бекор қилинганига қарамасдан, вилоят “махсус сиёсий ва молиявий режимда”, деб эълон қилинди.

1939 йили алавийларнинг суннийларга қаршилиги янада ортди. Юқорида номи тилга олинган ал-Муршид суннийларга қарши кўтарилган кўзғолонга бош бўлди. Бу исёнда 5 мингдан ошиқ одам иштирок этди. Муршид бир неча йил давомида Латакияни Дамашқдан мустақил ушлаб турган.

1946 йили французлар мандати тугаганида ҳукумат шаҳарлик сунний аслзодалар қўлига ўтган эди. Ҳатто мустақиллик эълон қилинганидан сўнг ҳам алавийлар Дамашқ ҳукуматига қарши бўлишди ва 1947 йили Муршид иккинчи бор кўзғолон кўтарди. Исён бостирилди, Муршид эса қатл қилинди. Муршиднинг ўғли бошчилигидаги алавийларнинг учинчи кўзғолони 1952 йили бўлиб ўтади. Учта кўзғолондаги муваффақиятсизлик туфайли алавий пешволари Ливан ёки Трансиорданияга қўшилиш ҳақида ўйлай бошлашди. Алавийлар Сурияда қолмаслик учун барча нарсага тайёр эдилар. Бу эса суннийлар назарида алавийлар ҳақида тасаввурни янада ёмонлаштирди.

Дамашқнинг сунний ҳукмдорлари ўз тарафидан Латакиянинг ажралиб кетмаслиги йўлидаги саъй-ҳаракатини аяшмас эди. Уларни тушуниш мумкин – мамлакатнинг денгизга чиқадиган ягона йўли мазкур минтақа ҳисобланади. “Алавийлар давлати”, алавий ҳарбий қисмлари, алавий қозилари ва парламентда алавийлар учун жойлар бекор қилинди. 1954 йилдаги Друзлар кўзғолони бостирилгач, алавийларда бошқа умид қолмади ва улар “Озод Сурия” фуқароларига айланишди. Буни англагач, улар ҳукумат тепасига қараб интила бошлади. Армия ва БААС партияси бу учун жуда қулай вазифани адо қилди.

Ҳатто французлар кетгач ҳам армияда алавийлар ва бошқа миллий озчилик вакиллари кўпчиликини ташкил этган. Эски аскарлар хизматда қолар, янгилари эса хизматга келар эди. Суннийларнинг алавийларга бўлган нафратини эътиборга олсак, ҳолатнинг бундай давом этиши жуда ажабланарлидир. Бунга бир неча омил сабаб бўлган. Биринчидан, Сурия армиясига миллий озчиликлар "тўдаси" тамғаси урилган. Кузатувчиларнинг бири бўлган Патрик Сил: "Суннийлардан бўлган латифундчилар миллий кайфиятни шакллантирувчи асосий куч бўлса-да, улар армиядан нафратланар эди. Икки жаҳон уруши орасида армияда хизмат қилиш француз хоинига айланиш билан тенг эди. Ҳимсадаги ҳарбий академия исёнчи, дангаса, саводсиз шахслар ёки ижтимоий ҳолати жуда паст одамлар учун жой ҳисобланарди". Аслида эса, миллий озчилик учун академия юқориқ мансабга кўтарилишга ёрдам берадиган восита (трамплин) эди.

Иккинчидан, суннийлардан бўлган ҳукмдорлар мамлакатда армиянинг ўрни муҳимлигини унутиб қўйишди. Кам молияланган ҳарбий хизмат унчалик жозибали бўлиб кўринмаган. Учинчидан, алавийлар яшайдиган ҳудудлардаги иқтисодий аҳволнинг ёмонлигидан ҳарбий хизматдан озод қилувчи солиқларни тўлай олмаслиги ҳам муҳим рол ўйнаган. Алавийларнинг авлодлари эса ҳарбий хизматни ҳаёт учун пул топишнинг ягона йулларидан бири, деб билишига олиб келган.

Шунга мувофиқ армияда алавийлар таъсири жуда юқори бўлиб кетган. 1949 йилги баёнотда айтилишича, Сурия армиясида қандайдир аҳамиятга эга қисм бўлса, у ҳам миллий озчилик вакилларининг бошқарувидадир. Бу ерда гап фақат



алавийлар ҳақида кетмаяпти. Масалан, 1949 йилларда президент Ҳусайн Заиманинг шахсий кўриқчилари фақат черкаслардан иборат бўлган. Сержантлар таркибининг учдан икки қисми ва Сурия армиясининг ярмидан кўпи эса алавийлардан иборат эди.

Сунний пешволар эса юқори лавозимларнинг назорат қилиниши – бутун армияни назорат қилиш билан баробар, деб ҳисоблашган. Ҳолат шу даражада эдики, озчилик вакиллари мансабда кўтарилиши ва батальон қўмондони бўлиши жуда мушкул эди. Тақдир тақозосига кўра, бу улар учун ижобий рол ўйнаган. 1949-1963 йиллари сунний зобитлар жуда кўп давлат тўнтаришлари ва бир-бирларига чоҳ қазиш билан машғул эдилар. Ҳар қайси янги тўнтариш янги тозалашлар, рақобатчиларни йўқ қилиш ёки уларни истеъфoga чиқишига сабаб бўларди.

Сотқинликдан кўрқиб Сурия армиясида ҳақиқий эпидемияга айланиб кетди. Бундай ҳолатда миллий озчилик вакиллари этник алоқаларининг мустақкамлиги туфайли бошқаларга қараганда анча дуруст ҳолатда эди. Битталаб армияга хизматга келган суннийлардан фарқли ўларок, алавийлар армияга секта аъзоси сифатида келар эди. Бу ерда уларни қабиладоши ёки бошқа таниш-билишлари кутиб олар ва керакли вақтда қўллаб-қувватлар эди.

Армияга қўшимча сифатида алавийлар БААС партиясида ҳам юқори даражага эга бўлиб бордилар. Партия ташкил қилинган илк кунлардан бошлаб, миллий озчилик вакиллари бу партиядан ниҳоятда кўп эди. Айниқса, Латакиядаги партия бўлинмасидаги аъзоларнинг аксари алавийлардан эди.

Дамашқдаги булинманинг аксар аъзолари ҳам пойтахтга келган қишлоқ аҳолиси вакилларидан иборат бўлган. Шаҳардаги лицей ва университетларда ўқийдиган деҳқонларнинг фарзандлари одатда партиёга аъзо бўлишарди. Алеппода партиё аъзоларининг тўртдан уч қисми талабалар – деҳқонларнинг болалари бўлган.

Алавийларни БААС партиёси мафкурасидаги иккита доктрина ўзига маҳлиё қилганди: социализм ва секуляризм. Социализм мамлакатнинг энг қашшоқ жамоаси учун иқтисодий имкониятларни тақдим қиларди. Секуляризм эса жамият доирасидан динни узоқлаштиришга имкон берган, яъни анъанавий Ислом таъсирини камайтиришни таъминлаган. Алавийлар учун бундан қулай комбинацияни ўйлаб топиш жуда мушкул иш. БААСнинг маълум ва машҳур бўлган панарабизм ғоялари эмас, балки юқорида айтилган ғоялар алавийларни бу партиё байроғи остида бирлашувига ундаган.

Алавийларнинг ҳокимиятга келишининг муҳтасар тарихи шу.

## “УЛУҒ ОТА”НИНГ ҲОЗИРГИ ҲОЛАТИ

### 1. Сталинизмга қайтиш

Совет иттифоқидан кейинги Россияда собиқ СССРни ҳамда унинг энг қонхўр диктатори Иосиф Сталинни соғиниш, қўмсаш ҳисси жуда кучли, деб ёзади Стефано Маньи *Opinione* газетасида эълон қилинган мақоласида.

“Қизил байроқлар, жигарранг-қизил кўйлақлар, Ленин ва Сталиннинг ҳайкалчалари Россия ҳамда Украинанинг баъзи ҳудудларида яқинлашиб бўлмайдиган табаррук нарсага айланди. Бу сталинизмнинг қайта уйғонаётганидан даракми? Ҳа. Жуда кўп норасмий маълумотларга кўра, Украинанинг бир бўлагини ўзиники қилиб олиш истагида бўлган ҳозирги Россияда миллатчилик ёки ҳатто чоризм устунлик қилаётгани йўқ. Балки бу ҳаракатларда СССР ва унинг қонхўр диктатори Сталинни соғиниш бор”, деб ёзилади мақолада.

“Бу ерда гап янги нарса ҳақида бормаяпти, лекин кўпчилик бунга сезгани йўқ. Ёки унга етарлича эътибор берилмаяпти. 2007 йили Путин бошқарувидаги Россия ўз қўшнисини бўлган Эстониянинг халқаро ва молиявий сайтларини фалаж ҳолатига келтириб қўйди. Бунга Эстония ҳукумати-нинг Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлган совет қаҳрамонлари ёдгорлигини кўчириш ҳақидаги қарори сабаб бўлди. 2008 йили Гуржистон билан бўлиб ўтган урушдан бир неча ой ўтиб, Сталинни соғиниш ҳисси шу даражага етган эдики, ҳатто телеканаллардан бирида Россия тарихида таъсири энг кучли бўлган шахс ҳақидаги суровнома на-

тижаларига ҳам таъсир қилди – Сталин Николай II сўнг учинчи ўринни эгаллади. Аслида Сталин мазкур сўровномада катта фарқ билан биринчи ўринни эгаллаган эди. Бироқ бундай натижа ҳатто Россия телеканоли учун ҳам ноқулай эди”, деб эслатади муаллиф.

“2012 йилги Украина инқироzi арафасида сталинизмга қайтиш аломатлари яққол кўзга ташланаётганди. 2012 йилнинг баҳорида Сталин ўлган куннинг 60 йиллиги муносабати билан ВЦИОМ тарафидан ўтказилган сўровнома натижаларига кўра, совет диктатори Россия ва совет тарихида энг севимли шахс экани маълум бўлди. Бошқа тарафдан эса ёдгорликлар, ҳайкаллар, постер, кинофилмлар воситасида Сталинни эъзозлаш каби ҳаракатлар кўпайиб бормоқда. Қизиғи шундаки, ўша даврда яшамаган янги авлодда кучли равишда ўтмишни соғиниш ҳисси намоён бўлмоқда. Бунга ҳайрон бўлмаслик керак. Сталинизмга қайтиш тўлқини мактаб ва университетларнинг ўқув дастурларига киритилган бўлиб –бу давлат раҳбари тарафидан татбиқ қилинаётган “тарих сиёсати”нинг натижасидир. Сталиннинг жиноятлари оқибатида ГУЛАГда, депортация жараёнларида аҳолининг маълум қисми йўқ қилиниши, диссидентлар ёки шулар қаторига киритилган одамларни отиб ташланиши оқибатида йигирма миллион киши ўлиб кетган. Албатта, бу нарсалар ҳақида мактаб ва университет китобларида ҳеч қандай маълумот берилмаган”, дея таъкидлайди муаллиф.

“Шу билан бир қаторда Сталинни “буюк ташкилотчи”, фашизм устидан ғалаба қозонган улў саркарда ҳамда ғарб “империализми” душмани,

дея сифатлашади. Худди ҳозирги Россия тарғиботида Киев ҳодисалари орқасида турган ва Украина инқироzi сабаб бўлган куч империалистлар экани таъкидлагандай. Бошқа тарафдан қараганда, Қримдаги Россия қадамларининг динамикаси ҳам эскича услубларнинг қайта уйғониши, яъни сталинча ташқи сиёсатдан ўзга нарса эмас: қўшни мамлакатда "фашистлар хавфи" ҳақида хабарлар чиқа бошлайди, маҳаллий қўғирчоқ ҳукумат ташкил қилинади, улар эса ёрдам сўраб мурожат қилади, сўнг мамлакатга бостириб киришади", фикрини яқунлайди Стефано Маньи.

## **2. "Совуқ уруш"нинг қайтиши**

XX асрнинг энг муҳим жиҳатлари саналар экан, улар орасида "совуқ уруш" алоҳида ўринга эга. Купчилик наздида ҳозирга келиб бу нарса барҳам топган. Аслида ҳам шундайми? Мен бу мақолада Ғарб ва Россия ўртасида ҳеч қандай "совуқ уруш" ҳолати йўқ, чунки вазият етарли даражада кескин тус олмади ва бундай бўлиши ҳам мумкин эмас, деган фикрларга, айниқса, мафкуравий қарама-қаршилиқ йўқ, деган фаразларга қарши баҳслашаман.

Биринчи фаразга келсак: Унга кўра, 1946 ва 1991 йиллар оралиғидаги турли даврларда қарама-қаршилиқларнинг кескинлиги ҳам ўзига хос бўлган. Аммо, менинг назаримда, ҳозир алоқаларнинг исиши эмас, балки "совуқ уруш" бошланиши арафасидаги қарама-қаршилиқ ҳолатида турибмиз. Эслатиб ўтиш ўринли, "совуқ уруш"нинг пайдо бўлиши куп жиҳатдан собиқ иттифоқнинг айнан ўша, бугунги кунда Россия ҳам янги экспансия учун танлаган, жанубий ва

жануби-ғарбий йўналишлардаги тажовузкоро-на интилишларига боғлиқ бўлган. Гуржистон ва Украина ўшанда Совет иттифоқи таркибида эди. Лекин нима бўлганда ҳам, йўналишлар мос келмоқда. 1945 йилда СССР Туркияга Кавказор-ти бўйича ҳудудий даъво билан чиққан. Шунинг-дек, Қора денгиз бўғозларининг мақомини ўз-гартиришни ва Дарданеллада ҳарбий-денгиз базасини очиш ҳуқуқини талаб қилган эди. Бу талаблардан 1953 йилга келибгина расман воз кечилган, холос. 1946 йилда СССР ўз аскарла-рини Эрондан олиб чиқиб кетишни узоқ вақт чўзиб келган. Ваҳоланки, Собик иттифоқ аскар-лари Эронга ушбу мамлакат гитлерчилар Герма-ниясининг таъсирига тушиб қолмаслиги важи билан киритилган эди. Бироқ 1946 йилга келиб, гитлерчилар Германиясининг ўзи қолмаган эди. Ўша – 1946 йилда СССР Ўртаер денгизидан ўрин эгаллаш учун Триполитания (Ливия) устидан протекторат беришларини талаб қилди, шунинг-дек, амалда коммунистлар исёнини кўтариб, Юнонистонни ҳам ўз назоратига олмоқчи бўлди. Совет Иттифоқи исёнчиларни қурол-яроғ билан таъминлади, Болгария, Югославия ва Албания ҳудудларида улар учун операция базаларини ташкил қилиб берди. Юнонистонда айнан Ғарб тарафини олувчи ҳукуматни қўллаб-қувватлаш учун Европа қитъасига қайтадан АҚШ ҳарбийла-ри келди. Ахир бу нарсалар бугун Абхазия, Дне-стрбўйи, Жанубий Осетия ва ўзича Новороссия деб аталаётган жойларда ҳам кузатаётганимиз-нинг ўзи эмасми? Бундан ташқари, СССР 1940 йилдан бери тўғридан-тўғри аннексияни амал-га оширмаган бўлса-да, империалистик Москва учун Болтиқбўйи мамлакатлари ва Финляндия-

нинг жанубий қисмидан кейинги мақсад Қрим бўлди. Шундай қилиб, ҳозирги ҳолат ҳам “совуқ уруш” бошланишидан олдинги вазиятдан унчалик катта фарқ қилмайди. Қрим масаласи эса вазиятни янада чигаллаштиради, холос.

Бундай ҳолат юзага келиши Россиянинг ҳозирги раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ташқи сиёсатдаги тажовузкор ҳаракатлар билан изоҳланмайди. “Совуқ уруш”нинг бошланиши билан собиқ СССРда қатағонлар ҳам кучайиб кетганди. Албатта, ҳозирги ҳолат билан мутлоқ ўхшашлик йўқ. Бироқ, бошқа бир тарафдан қараганда, “космополитлар” ва “Ғарбга таъзим қилувчилар”, иккинчи тарафдан – “миллий сотқинлар” ва “бешинчи колонна” орасидаги фарқ эса кўпроқ маънода эмас, сўзда бўлса керак. Ҳа, оммавий қатағонлар йўқ... ҳозирча. Агар керак бўлиб қолса, деган ёндашув билан аҳолининг қарашларига мафкуравий маънода сталинча услублар билан ишлов берилмоқда.

Айтганча, Сталин ҳақида. Хрущевдан Ельцингача бўлган даврда бирор ким “доҳий йўқ экан – мамлакат ҳам йўқ”, деган шиорни кўрган, эшитган ёки ўқиганми? Жиддий айтганда, ҳатто Сталинга нисбатан ҳам “у бўлмаса – СССР ҳам йўқ” ибораси қўлланилмаган. Туғри, Сталин шаънига шунга ўхшаш мақтовлар кўп айтиларди, лекин айнан шу ибора сира ишлатилмасди. Чунки, ўшанда аксарият одамлар СССРни абадий деб ўйлашарди. Мана, ҳозирги пайтга келиб, раҳбарларни кўкларга кўтариб мақташ одати яна пайдо бўлди.

Ҳуш, барча ғалабаларимизнинг янги илҳомчиси бизни нимага ўргатмоқда? Бу саволга таҳминан, олдингиси ҳам ўргатиб кетган нарсаларга,

дея жавоб бериш мумкин. Мюнхенни кўя туринг, Сочидаги Валдайда сўзланган “тарихий нутқ”ни олайлик. Мазкур нутқни донгги чиққан депутат Клинецевич Черчиллнинг Фултондаги нутқиға қиёс қилди. Уша нутқ Совет иттифоқи томонидан “совуқуруш”га чақириқ ўлароқ қабул қилинганди. Россиянинг миллий лидери ўз чиқишида жаҳонда беқарорлик ҳукм сураётгани ва дунё учун янги тартиб ўрнатиш кераклигини маълум қилди. Унинг сўзларига кўра, беқарорликнинг асосий сабабчиси – дунёни бошқаришга киришган, бироқ бунинг уддасидан чиқа олмаган АҚШ экан. Айнан америкаликлар бутун дунё бўйлаб, шу жумладан, Россияда ҳам “исломчи” террорчиларга ҳомийлик қилган ва бу ишни давом эттириб келмоқда.

Шундай қилиб, россияликлар ҳаддан ортиқ аксиламерикачилик, ғарбий чегара чизикларида тажовузкор урушлар ва қуролланган провокациялар, ақлдан озган ташвиқот ишлари ва ички душманларни қидириш билан банд бўлиб қолмоқда. Ушбу манзарада ортиқча бўлмаган яна бир нарса шуки, ички душманлар билан бўлаётган уруш чексиз ваколатларга қайтадан эга бўлган хавфсизлик органларининг кучи ва “бошқариладиган судлар” воситасида амалга оширилмоқда. Бу ерга узлуксиз ва тезкор суръатларда катталашиб бораётган ҳарбий бюджет, шунингдек, олтмиш беш йил бурунги “Москва-Пекин” номли қўшиқнинг нота ва сўзларини топишга бўлган уринишни ҳам қўшиб қўйиш мумкин. Айнан шу жойда “социализм дунёси” номли нарсанинг етишмаётгани ҳам баъзан эсга тушиб қолади. Албатта, Тимченко, Прохоров ва Дерипасканинг борлиги ҳамда Сечин ва Якуниннинг маошлари социализмга нимагадир тўғри келмаяпти.



Биз, тинч аҳоли вакилларимиз, лекин бизнинг бронепоезд керакли жойда турибди... Ҳа, тўғри, 4 ноябр кунги ҳарбий тантаналарни бу гал битта партия эмас, бир нечтаси ташкил этади. Германия Демократик Республикаси (ГДР)да ҳам бир нечта партия бор эди. Биз учун ГДР тажрибаси тарихий аҳамиятга эга бўлиб қолиши мумкин. Корея Халқ Демократик Республикасида ҳам партиялар кўп. Бир нечта партия бўлса-да, буюк доҳий битта. У доим “совуқ уруш” олиб боради, ҳатто уни қайноқ урушга айлантириши билан ҳам кўрқитиб туради...

## ЯҚИН ШАРҚ ҲАРОРАТИ...

Сўнгги вақтларда Яқин Шарқ минтақасида кузатилаётган ҳодисаларни нафақат инқирозга юз тутган мамлакатлардаги ижтимоий ва иқтисодий жараёнлар мисолида, балки катта мамлакатларнинг минтақада ўз таъсирини кучайтиришга уриниши натижасида геосиёсий қарама-қаршиликларнинг кучайиб кетгани билан ҳам ўрганиш керак бўлади.

Жуда муҳим бўлган минтақадаги мамлакатларнинг лидерлик учун шиддатли курашлари баъзан мувоффақиятли, баъзан мағлубиятли бўлди. Бу эса минтақа мамлакатлари ўртасидаги (альянс) бирлашмаларига ҳам ўз таъсирини ўтказди. Иттифоқчилик асосида қурилган бирлашмаларнинг баъзилари заифлашиб қолди, баъзилари эса умуман касодга учраб, йўқ бўлиб кетди. "Араб баҳори" нафақат режимларнинг ағдарилиши, балки минтақа геосиёсий ўйинларида асосий ролларни ўйнаётган Миср, Сурия ва Ливия каби мамлакатларнинг жуда заифлашиб кетишига сабаб бўлди (баъзи мамлакатлар умуман "ўйиндан" чиқарилиб ташланди).

### *Ҳаммаси Ироқдан бошланган...*

Яқин Шарқдаги "янги давр" кичик Жорж Бушнинг ташаббуси билан бошланди, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. АҚШнинг "Яқин катта Шарқни демократлаштириш" деб номланган улкан режаси минтақа ҳамда Каспий денгизидан то Ҳинд океанигача бўлган ҳудудда тўла устунликка эришиш ва ўзига қарам бўлган режимларни пай-

до қилишга қаратилганди. Бунинг учун Оқ уй "совуқ уруш" қолдиқлари ҳисобланган Ироқ, Ливия, Сурия ва Эрондан қутилиб олиши керак эди.

Ироқдаги уруш Яқин Шарқ тизимига берилган биринчи зарба бўлди (Аммо, энг аввалги зарба сифатида Афғонистонни кўрсатсак ҳам бўлаверади. Бу мамлакат нисбатан минтақадан узоқда жойлашган бўлса ҳам у кўп жихатлари билан шу минтақага боғлиқ. Масалан, Эрон билан умумий чегаранинг мавжудлиги). Мазкур минтақада АҚШ ҳали мавжуд режимни алмаштириш бўйича ҳарбий босқинда иштирок этмаган эди. Буш отаси каби бир вақтлар – Саддам Ҳусайнни Қувайдан қувиш учун тузилган коалицияга бош бўлган вақтдаги муваффақиятни такрорламоқчи бўлди. Бироқ ўшанда ҳарбий ҳаракатлар кенг қамровли бўлмагани сабаб Бағдоддаги режим ағдариб ташланмаганди. Ўшанда Ироқ Эрон олдидаги буфер мамлакат сифатида сақланиб қолинган эди.

Ироққа берилган янги зарба ва мамлакатнинг бўлиниб кетиши, З. Бжезинскийнинг фикри билан айтадиган бўлсак, "қора тешик"нинг пайдо бўлишига олиб келди. Бироқ Эрон ўз чегараси олдидаги беқарорлик омилини ўзига фойда келтира оладиган нарсага айлантира олди. Бир қарашда ажабланарлидек туюлса ҳам, АҚШ Эрон учун катта хизмат қилди. Заиф бўлишига қарамай ҳали ҳам катта хавф туғдириши мумкин бўлган Саддамни йўқ қилишга ёрдам берди.

Эрон-Ироқ ўртасидаги (1980-1988) урушда Эронга катта зарар кўрган эди. Хусусан, ўта заифлашгани натижасида давлат ўзининг исломий инқилоб экспортини давом эттира олмади. Америкаликларнинг Ироққа бостириб кириши орқали мазкур мамлакат ўзининг геосиёсий мустақил-

лигини тамоман бой берди. Мамлакат бир неча бўлақларга бўлиниб кетди. Шиъаларга мансуб бўлган аҳоли қатлами Эронга умид кўзлари билан қарай бошлади. Вашингтондан урушни давом этишга чақириқлар узоқ вақтгача янграб турди, яъни Эронга ҳужум қилиб, ундаги мавжуд режим афдарилмасдан туриб, Ироқнинг мағлуб этилиши мумкин эмаслиги айтиларди. Бироқ кенг миқёсли уруш учун АҚШда на куч, на ғайрат топилди. АҚШнинг Ироқда ботиб қолганини кўрган Эрон эса минтақа лидерлиги учун дадил қадамлар қўя бошлади.

### ***Эроннинг юксалиш ва заифлашиши***

Яқин Шарқдаги аксар мамлакатлар ўзининг таъсирини янада кучайтириш учун минтақанинг турли хил сиёсий партиялари, ташкилот ва ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб турадиган бўлди. Бу ишда энг катта муваффақият қозонган давлат Эрон эди. Унинг ўз вақтида, хусусан, араб дунёсидаги сиёсий кучларни қўллаб-қувватлаб туриши, керак пайтда, ўз самарасини бера бошлади.

Масалан, 1979 йилнинг ўзидаёқ эронликлар томонидан Ливанда шиъа гуруҳларидан иборат "Ҳизбуллоҳ" партияси ташкил қилинди. 2006 йилга келиб, Исроилга қарши туриш тимсолига айланган ушбу партия жуда кўп арабларнинг хурматига сазавор бўлиб улгурганди. Авваллари Ливандан ташқаридагиларга деярли таниш бўлмаган шиъаларнинг ушбу партияси вақт ўтиши билан жуда машхур бўлиб кетди (аҳли сунна вал жамоага қарши бўлган ОАВ ҳам бунга ўз ҳиссасини қўшди). Эрон ўзининг ғалабасини янада қув-

ватлироқ қилиш мақсадида Фаластин майдонида ҲАМАС ҳаракатини ҳам қўллаб-қувватлай бошлади. Уларнинг 2006 йилда ўтказилган сайловларидаги ғалабасига Техроннинг ҳам ғалабаси деб қаралди. Эроннинг собиқ президенти Аҳмадинажот барча минбарларда Исроилни қаттиқ танқид қилиб, араб кучаларида энг машҳур сиёсатчига айланди. Минтақада Эроннинг таъсири ошиб кета бошлади. Тарихда ҳали бунга ўхшаш ҳодиса бўлмаган эди. Ўтган асрнинг 80-йилларида Эроннинг исломий инқилоби «экспорти» Ироқ тарафидан тўхтатиб қолинган бўлса, энди Эрон учун ҳеч қандай тўсиқ қолмаганди.

Европа ва АҚШ томонидан бўлаётган босимларга қарамай мазкур мамлакат бошқа геосиёсий ўйинчилар билан алоқалар ўрнатди, ўзининг технологиялари ва имкониятларини ишга сола бошлади. Таъсир кўлами ҳам ошиб борди. Бу орада Форс кўрфазининг мамлакатлари Эрон қуроли ҳамда ўз мамлакатларида озчилик ҳисобланган шиъаларнинг нарозилик намоёишларидан чўчиб, АҚШ ва Европадан қурол-яроғ сотиб олишга мажбур бўлдилар (Эрон билан кўрқитилган Форс кўрфази мамлакатлари ўзини Ғарб қучоғига отишга ҳамда улардан жуда катта пул эвазига қурол-яроғ сотиб олинишига мажбур қилинди). Ғарб таҳлилчилари ва Яқин Шарқ бўйича мутахассилар Эрон билан бўладиган янги уруш ҳақида башоратлар бериб, кўпчиликни чўчитиб қўйди. Улар ҳатто АҚШ ва Исроилнинг Эронга ҳужум қиладиган санасини топишга ҳам роса уриндилар. Бироқ Яқин Шарқнинг геосиёсий реконфигурацияси умуман кутилмаган, бошқа – Тунис кучаларида Буазизи деган шахснинг мусулмон дунёсида

ғайри одат ҳисобланган ўзига ўзи ўт қўйиш амалиётини амалга ошириши билан бошланди. Сўнг эса, араб дунёсига ҳам ўт кетди...

“Араб баҳори” Эронни ғалати ҳолатга солди – бир тарафдан қараганда ғарбпараст тузумлар ва Эронга қарши (ёки Эрон билан совуқ муносабатларда бўлган) мамлакатлар вайрон бўла бошлади. Бу аланга Эронга ҳам ўтиши мумкин эди. Бошқа араб мамлакатлари (авваламбор Сурия)даги режимлари ағдарилиши минтақадаги кучлар мувозанатига жиддий таҳликага солди. Эрон шунча йиллар давомида ўз манфаатларига тўғрилаб, мослаб келган нарсалар кетма-кет бузила бошланди. Тунис, Миср ва Ливиядаги ҳодисалар Техронга бевосита таъсир қилмаган бўлса-да, Сурия уруши унга росмана таъсир қила бошлади. Эрон Сурияни йўқотишга асло рози бўлмади. Асад режимини қўллаб-қувватлагани учун эса “Араб уйғониши”нинг энг катта душманига айланди. Араблар 2006 йилда Ливан–Исроил ўртасидаги урушда “Ҳизбуллоҳ”нинг қозонган ғалабасини мадҳ қилганликларини ҳам тезда унутиб қўйдилар. Исроилнинг энг катта душмани сифатида кўрилаётган Эрон мавқеи тушиб кетди. Энди янги инқилобий масала ҳукмрон эди. Яқиндагина олқишлар олиб турган Эрон ва “Ҳизбуллоҳ” Башар Асадни қўллаб-қувватлаши билан нафратга лойиқ реакцион кучга айланди.

Асад режими йиқилиши хавфидан Эрон-Сурия-Ҳизбуллоҳ стратегик коалицияси хавф остида қолди, Баҳрайндаги шиъаларнинг норозилик намоёнликлари қаттиқ кўринишда бостирилди. Бундан ташқари, энди Эрон фаластинликларнинг асосий ҳимоячиси сифатида кўрилмайдиган

булди – Суриядаги уруш натижасида Эрон ва ҲА-МАС ўртасида низо чиқди. Узоқ вақт Дамашқда кўним топган ҲАМАС ҳаракатининг баъзи пешволари, ички ихтилофлар ва иккиланишлар ортидан, охири Сурия муҳолифати тарафдорларига айланди. Бу ҳолда Эроннинг уларга кўрсатаётган молиявий кўмагининг тўхтатиб қўйилиши ҳам табиий ҳол эди. Фаластинликлар эса янги бош ҳомий бўлмиш Қатар кучоғига ўзини отди. Қатар амирининг 2012 йилда Ғазога қилган сафари ҲАМАСни Қатарнинг паноҳига ўтганига ишора эди. Туркиянинг Сурия муҳолиф кучларини қўллаб-қувватлаши натижасида Эрон билан муносабатлари совиб кетди.

### *Туркия гамбиту*

Туркия раҳбарлари томонидан қабул қилинган янги йўналишни тасодифий деб айтиш мушкул иш. Чунки, Туркия минтақада Эронга рақобат қила оладиган мамлакатлардан бири сифатида кўрилаётган эди. Иқтисодий ривожланиши ва сиёсий ташаббуслари айнан шу мамлакатни Яқин Шарқдаги барча сунний-мусулмонлар учун мисол қилиб кўрсатиш имконини берарди. Эрдўған Туркия иқтисодининг ривожланишига улкан хисса қўшди ва жуда қисқа муддатда мамлакат ЯИМини икки баробар кўпайишини таъминланди. Ҳарбийларни ҳам ўз жойига ўтқазиб, уларни бир ёқлама фаолият кўрсатадиган қилиб ташлади. Яқин Шарқ минтақасининг янги тарихида Туркияни мўътадил исломий бошқаруви билан энг муваффақиятли модернизация қилинган ягона мамлакат сифатида кўрсатиш мумкин эди. Туркия араб мамлакатлари билан иқтисодий ҳамкорликни

қайта тиклади. Унинг “қўшни мамлакатлар билан ноль муаммо” сиёсати ўзининг ижобий натижаларини берди. Масалан, қўшни Сурия билан дўстона бўлмаган қўшничилик алоқалари турли соҳалардаги ҳамкорлик билан алмашди.

Туркия фаластинликларнинг асосий ҳимоячиси деган номга ҳам эришди (2009 йили Давосда Эрдўған Исроил президенти Ш.Пересни омма олдида танқид қилиб ташлади. 2010 йилда эса қамал қилинган Ғазога инсонпарварлик ёрдамини олиб бораётган “Мави Мармара” кемасига Исроил қўшинларининг ҳужумини эслаш кифоя). Араб ёшлари нигоҳида Эрдўған Исроилни танқид қилишда Аҳмадиниждоддан ҳам ўзиб кетди. Араблар кўп вақтдан бери мавжуд бўлган туркларни ёмон кўришларини (усмоний халифалигидан қутулиб олган баъзи араб мамлакатларидаги туркларга қарши қаратилган сиёсат оқибати) ҳам унутди. Эрдўған борган араб мамлакатларида уни кучаларга чиқиб, тантанавор кўринишда кутиб ола бошлашди.

“Араб баҳори” Туркия учун ҳам ўзига хос жиддий синов бўлди. Анқара Бин Али ва Муборакнинг истеъфосини ҳамда ўша мамлакатларда “муътадил” партияларнинг (Туркия режимига яқин мафкурага эга ҳаракатларнинг) ҳукумат тепасига келишини олқишлади. Бироқ катта шартномаларга эга ва жуда кўп турк мутахассислари ишлаётган Ливиядаги ҳодисалар Эрдўғанни иккилантириб қўйди. Оқибат, Туркия барибир мухолифат тарафини олди. Бу иши билан Ғарбга ўзини демократия тарғиботчиси сифатида кўрсатишни, шу билан бир қаторда Яқин Шарқ аҳолиси кўз ўнгида “Араб уйғонишининг” душмани сифатида намоён



булишни истамагандир. Инқилоб олови қўшниси Сурияга ўтганида ҳам Туркия мухолифатни қўллаб-қувватлади. Улар Асад режими жуда тез ер тишлайди, Суриянинг “ихвончилари” тез орада ҳукмат тепасига келишига қаттиқ ишониб юборишди. Шундай бўлган тақдирда Туркия Сурия халқининг биринчи нажоткорига айланар эди.

Ўзининг собиқ шеригини қурбон қилиш Туркия ҳукумати тарафидан шахмат гамбити (ғалаба учун бирон бир фигурани қурбон қилиш) сифатида қаралиб, бундан сўнг Туркия Яқин Шарқ минтақасидаги нуфузини янада мустаҳкамлаши керак эди. Бироқ Асад кетмади, уруш эса яна катта маблағ ва ҳомийларни талаб қила бошлади. Агар геосиёсий ҳолатга объектив нигоҳ соладиган бўлсак, Сурия масаласида Туркия жуда катта хатога йўл қўйганини кўрамиз. Энди эса улар мухолифат ҳамда суриялик қочқинлар учун жуда катта маблағ сарфлашга мажбур бўлишяпти. Райҳонли шахрида юз берган портлашлар Сурия билан чегарадош худудларнинг ҳукуматга қарши норозилик намойишларига айланиб кетди. Сурия конфликтига аралашиб қолгани “Адолат ва тарақиёт” партиясининг обрусига катта зарба бўлгани ҳам маълум. Ғози парки атрофидаги норозилик намойишларига Туркиянинг Сурияда олиб бораётган сиёсатидан норози бўлганлар ҳам келиб қўшилди. “Қўшинлар билан ноль муаммо” сиёсати ўтмишда қолди. Туркиянинг Форс кўрфази мамлакатлари билан жуда яқин бўлиб олиши, секуляризм ғояларида тарбия топган жуда кўп туркиялик фуқароларнинг ғзабини келтириб чиқарди. Улар фикрича, Туркия кўпроқ Ғарбга ўхшаши керак, ғарбча яшаши, уларга тақлид қилиши керак

эди. Янги ҳукуматнинг нигоҳи эса фақат Шарққа қаратилганди...

Ливия ва Суриядаги ҳодисалар туфайли Эрдўғаннинг халқ дардига қулоқ солиш кераклиги ҳақидаги айтган сўзи ўзига қарши ишлатила бошланди. (Истамбулдаги “Тақсим” майдони ҳамда Туркиянинг бошқа шаҳарларидаги норозилик намойишларини тарқатишда полиция ишлатган кучларни эсга олинг). Мисрда Муҳаммад Мурсийнинг ағдарилиши ҳам Туркия учун жиддий имтиҳон бўлди, чунки мисрлик “Иҳвонул Муслимийн” Анақара тарафидан муҳим шерик сифатида қаралиб келинаётган эди. Бу воқеаларнинг дебочаси Қатарда содир этилган “сарой тўнтариши” бўлди.

### ***Қатардаги “бир саотлик амир”***

15 йил олдин Форс кўрфазидаги кичкина бир мамлакатнинг Яқин Шарқ минтақасига катта сиёсий таъсир ўтказа олиши мумкинлигини ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин эди. Тадқиқотчилар ҳали Қатар феноменини ҳамда табиий ресурсларидан тушган пулларни ўзларининг сиёсий амбициялари ва ўша амбициялар қаердан пайдо бўлиб қолганини ҳали ўрганиб чиқишлари керак бўлади. Иқтисодчилар аллақачон Қатарнинг иқтисодаги муваффақиятлари ҳақида баёноتلар бериб улгуришди. Халқаро стандартларга мос араб тилидаги биринчи оммавий ахборот воситаси бўла олган ҳамда Афғонистон, Ироқ ва Фаластиндаги урушларни ёритиб турган “Ал-Жазира” барчанинг оғзига тушган эди. Қатар ташқи сиёсатда муросасоз сиёсатни йўлга қўйганди. У Эрон ҳамда Европа мамлакатлари, АҚШ билан илиқ муносабатлар

ўрнатган эди (ҳатто араб қиролликлари ичида фақат Қатарда 1996 йили очилган Исроилнинг расмий тижорат вакиллиги жойлашган). Қатар асосан бир-бирига қарама-қарши бўлган мамлакатларнинг манфаатлари орасида муваффақиятли тарзда мувозанатни сақлашга уринар, шунга риоя қилар эди.

Араб дунёсида рўй берган воқеалар уни минтақадаги сиёсий жараёнларга таъсир ўтказуви катта кучга айлантирди. Қатарнинг Ливия ва Суриядаги ҳукуматга қарши норозилик намойишларини ташкил қилишга қандай аралашиб қолгани, уни олдиндан режалаштирганми ёки аввалги босқичдаёқ қўшилганми – ҳали охиригача ўрганилган эмас. Нима бўлганда ҳам Қаззофий ва Асадни ағдариш учун муҳолифатга Қатар томонидан катта молиявий ёрдам берилгани аниқ. Муаммар Қаззофийнинг ўлдирилишидек шармандалик билан тугаган Ливиядаги воқеа-ҳодисаларда Қатар жуда муҳим роллардан бирини ўйнади. Бундан ташқари, Тунис, Миср ва Марокашда ҳукумат бошқарувига “ихвончилар” келишида ҳам Қатарнинг ўрни беқиёсдир.

“Ихвончилар” билан Қатарнинг иттифоқини Яқин Шарқ минтақасида шу яқин орада ташкил қилган энг муваффақиятли, стратегик аҳамиятга эга бирлашма, деб ҳисобласак ҳам бўлади. Ушбу муносабатларнинг асоси Қатар амири ҳамда “ихвончилар” раҳбарларининг жуда яқин шахсий алоқаларига бориб тақалади. Минтақада энг йирик ташкилотлардан бири ҳисобланган “ихвончилар”га бой ҳомий топилмай турганди. Қатар эса минтақага қарши бошлаган экспансиясига ёрдамчи бўладиган “ихвончиларга” ўхшаган ҳаракатни

тополмаётганди. Улар бир-бирларини ҳақиқатдан ҳам керак вақтда учратишди.

“Араб баҳор”ининг илк босқичларида Қатар ўзида бор барча омиллардан унумли фойдаланиб олишга муваффақ бўлди. Унинг қўлида энг йирик информацион йиртқич ҳисобланган “Ал-Жазира” телеканали “озодлик курашчиларининг” ҳар бир қадамини ёритиб турди. “Диктатор режим” тарафидан содир этилган ҳар бир жиноятларини икир-чикиригача фош қилиб турди. Яқин Шарқда машҳур мусулмон олимларидан бири саналган, Қатарда истиқомат қилаётган асли мисрлик уламо Юсуф Қарзовий минтақа давлатларидаги ўзгаришларда инқилоб-даъватчиси родини бажаришга тайёр эди. Ливия ва Сурия муҳолифатида ҳам Қатарнинг “ўз одамлари” бор эди.

Бироқ Қатарнинг юлдузли онлари узоққа бормади. Яқин кунларгача “Араб баҳори”нинг жарчиси ҳисобланган “Ал-Жазира”га “ихвончилар”нинг тарғибот машинаси дейилган тамға урилиши билан унинг аввалги машҳурлиги бирдан тушиб кетди. Сурия масалалари бўйича Қатарнинг иттифоқчиси бўлган Туркия ҳам норозилик намойишлари гирдобига тушиб қолди. 2013 йили Сурия муҳолифатининг раҳбари этиб “саудияликларнинг одами” тайинланди, Қатар қўйган одам эса олиб ташланди. Қатарнинг энг муҳим иттифоқчиси ҳисобланган мисрлик “ихвончилар” ҳам ҳокимиятни ўз қўлида ушлаб қола олмади. 2012 йилнинг июл ойларида рўй берган ҳарбий тўнтариш оқибатида улардан ҳокимият тортиб олинди. Бироқ 2013 йилнинг июн ойи охирида Қатар амири Ҳамаднинг сирли равишда ҳукуматдан кетиши ғаройиб ҳодиса бўлди. Расмий равишда

у тахтини ўғли Тамимга топширди, бироқ барча аломатлар “сарой тўнтариши” юз берганига даллат қилар эди. “Араб баҳори”нинг меъморларидан бири ҳисобланган бош вазир Ат-Таний ҳам ўз лавозимини тарк қилди. Эҳтимол, амир Холиднинг “буюк давлат” қуриш режаси ҳамда бу нарсани амалга ошириш учун “араб баҳори”га сарф қилган ҳаражатлари Қатар элитаси вакиллари-нинг ғашига тега бошлагандир. Айниқса, Саудия Арабистони ҳамда уларнинг АҚШдаги “республикачи”лардан бўлган иттифоқчиларининг ғашига тегиши Қатарда тўнтариш содир этилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди.

### *Саудияча хотима?*

Саудия Арабистонининг Қатар сиёсатидан норози бўлишига етарлича сабаблар бор эди. Айниқса, “Араб баҳори” даврида Қатарнинг фаол ҳаракатлари Саудия ҳукмрон синфларининг ғазабини келтирди. “Сурия мероси” бўйича баҳсларда эса кўрфазнинг иккита қироллиги ўртасида жиддий ихтилофлар борлиги аниқ кўрина бошланди.

Саудияликлар “Иҳвонул муслимийн” ҳаракатининг таъсири ошиб кетаётганини ҳам мафкуравий тарафдан катта хавф деб билди. “Иҳвон”чиларнинг сиёсати мослашувчанлиги билан бирга “салафий”лар сиёсатига кўра мурасасоз ҳамдир (либерал). “Иҳвончи”лар сиёсий жараёнларда фаол бўлишга чақиради: партиялар ташкил қилиш, сайловларда иштирок этиш ва ҳоказо... Узининг ҳукмронлигини “ҳақиқий исломий” деб санайдиган Саудия Арабистони қироллиги учун булар умуман тўғри келмайдиган нарсалар тоифасига киради. “Иҳвонул муслимийн” ҳаракатига

яқин бўлган ва унинг жарчиси деб ҳисобланадиган уламолар ўз навбатида теократияга қарши чиқишлар ҳам қилиб туради. Саудия Арабистони сиёсий исломга бўлган монополияни “Ихвончи”ларчиларга бой беришдан қаттиқ қўрқади. Мисрда бўлиб ўтган ҳарбий тўнтариш ҳамда қонуний сайланган президент Муҳаммад Мурсийнинг ҳибсга олинишини Саудия Арабистони қизғин қўллаб-қувватлашининг асосий сабаблари ҳам шунда бўлса керак. Мисрда бўлиб ўтган ҳодисалар бўйича тарқатилган мурожаатда Саудия қироли: “Саудия Арабистони халқи ҳамда ўзим номимдан тарихингизнинг муҳим даврида Миср раҳбариятини табрик этамиз”, дея ҳарбийларга табрик йўллаган. Бунга қўшимча тарзда ҳарбийларга молиявий ёрдам сифатида араб қиролликларидан Мисрга пул оқиб кела бошлади.

Саудия Арабистонида турли мамлакатлардаги салафий деб номланадиган ҳаракатларга таъсир қилиш имконияти бор. Саудия ҳукумати сўнгги ўн йил ичида Ливан ва Ироқда Эрон таъсирининг ошиб кетишига қарши маҳаллий суннийларга суяна бошлади. Бироқ бу ҳаракатлар локал характерга эга ҳисобланади. Саудияликларда Эрон ва Туркия сингари ўзининг сиёсий модели мавжуд эмас. Яъни, ривожланиш ва тараққиётнинг муқобил лойиҳасини араб қиролликлари ҳали ҳам тақдим қила олишгани йўқ. Икки ҳарам хизматчилари, ҳаж ибодатини ташкиллаштирувчи ҳамда “фунадменталтизм”нинг асосий марказларидан бири, шубҳасиз, янгиланаётган Яқин Шарқ минтақасида муҳим рол ўйнаши керак. Бироқ юқорида санаб ўтилган омиллар етарли эмас. Бойлиги ва АҚШ билан яқин муносабатларини ҳисобга ол-

масак. Саудия Арабистони эскирган ва бесўнақай сиёсий тузулмаган эга бўлиб, бу эса ўз ўрнида мамлакатни етарли даражада мурасасоз бўлишига ва ўз манфаатларини ҳаётга татбиқ қилишга йўл бермайди. Саудияликлар “араб баҳори” натижаларидан фойдаланган ҳолда ўз мавқеларини мустаҳкамлашга уринсалар ҳам, уни узоқ муддатга ушлаб туриш анча мушкул иш. Сурия ва Ливанда “шиъалар хавфи” масаласини рўкач қилиб ўз одамларини олдинга суриш эса бошқа масала. Минтақа пешвосига айланиш ва жозибали ҳамда самарали тарққиёт моделини тақдим қила олиш эса, бу умуман бошқа масала. Ушбу тизимнинг инқрози эртами ё кеч, албатта амалга ошади. Бу инқирознинг келишига унинг эски ва “содиқ” иттифоқчисиси ҳисобланган АҚШ ёрдам бериб юборганини эшитсак, бундан ажабланмасак ҳам бўлаверади...

### ***Қарам бўлган Яқин Шарқ***

Сўнгги вақтларда АҚШнинг минтақада аввалги таъсирини йўқотгани ҳақида кўп гапириладиган бўлиб қолди. Бу эса америкаликлар кетганидан сўнг Яқин Шарқ минтақасида ким янги пешво бўлар экан, деган гап-сўзларнинг пайдо бўлишига ҳам сабаб бўлмоқда. Шубҳасиз, ҳозир АҚШ ўн беш йил олдингидек кучга эга эмас, бироқ улар ҳозир ҳам кучли иқтисод ва ҳарбий қудратга эга мамлакат ҳисобланади. Ҳар қандай минтақавий жараёнларга ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

“Араб баҳори” ҳодисаларидан ўзига манфаат олиш учун сиёсат юритаётган мамлакатлар ҳақида сўз юритиб, АҚШ ролини атайин айтмаётган эдик. Улар ўз ўрнида, аввалдан сиёсий жараёнлар-

даги ўз ролларини кўз-кўз қилмаётган эди. Обама даврида ҳам АҚШ олдинги президентлардан кам бўлмаган фаол сиёсат юритмоқда. Яқин ўтмишда, яъни кичик Буш даврида “Ёмон давлатлар” ҳарбий аралашувсиз тезда маҳв қилиниши ҳақида орзу ҳам қилиб бўлмасди. Америкалик ҳарбийларнинг ишини фейсбук ва твиттер билан қуролланиб олган араб ёшлари бажариб берди.

Бир қарашда Бин Али ва Муборакнинг ағдарилиши АҚШ учун зарар бўлгандек туюлади. Бироқ унчалар ҳам тўғри эмас. Чунки бунда АҚШнинг ўзидаги турли хил гуруҳларнинг геосиёсий тўқнашувлари ҳисобга олинмаган. Бу ерда гап “демократ” ва “республикачилар” ҳақида бормоқда. Бу номлар шартли равишда тилга олинса ҳам АҚШ сиёсий элитасида шаклланиб бўлган қарашларни акс этади. Либерализм тарафдорлари, енгил куч ишлатиш (soft power) ва тикка бормаслик тарафдорлари демократик партия атрофида бирлашган. Консерватор, фундаменталистлар эса қўпол куч ишлатиш (hard power) тарафдори бўлиб, улар асосан республикачилар атрофида бирлашадилар. Мазкур геосиёсий блоклар бир-биридан турли хил омиллар билан ҳам фарқ қилади. Буларнинг ичида диний фарқларга кўра асосланиш ҳам бор. Масалан, АҚШ республикачилар партиясининг мафкуриси “протестант фундаментализмига” асосланади. Буларни ҳисобга олиб, қуйидагиларни хулоса қилсак бўлади: ушбу блокларни ўзаро бир-бири билан боғлайдиган жойлари, бу – уларнинг англосаксон дунёсига мансублиги ва АҚШда жойлашганидир. Шу мамлакатга ҳукмрон бўлиш учун улар ҳар нарсага тайёрдирлар. Булар, албатта, ушбу альянсларнинг мақсадларига етишлари



учун бир-бири билан ҳамкорлик қилмайди, дегани эмас. Агар бирор бир масалада фойда келиши аниқ бўлса, бир-бирлари билан дўст бўлиб кетаверадилар. Масалан, Россия ва Хитой каби умумий рақибларни заифлаштириш ёки Ливияда Қаззофийни ағдаришдаги ҳамкорликлар бунга мисол бўла олади. Энди Сурия масаласида ҳам уларнинг ҳамкорлик қилаётгани кўзга ташланмоқда.

Тунисдаги Бин Али, Мисрда эса Муборак режимлари “республикачилар” таъсири остида экани аввалданок маълум эди. Ушбу геосиёсий лагернинг Саудия Арабистони билан ҳам яқиндан ҳамкорлиги борлиги ҳам маълум (ағдарилган Тунис президенти айнан ушбу қиролликдан бошпана топгани ҳам тасодиф эмас). “Республикачилар”нинг вакиллари Тунис ва Мисрдаги ҳодисаларга эҳтиёткорона ёндашиб, Оқ уйни “исломийлар” билан мулоқот қилишда айбладилар (ўзлари эса четдан “исломийлар” билан алоқа ўрнатишга ҳаракат қилишди). Обама ва бошқа демократлар эса бўлаётган ҳодисалардан мамнун эканини яшириб ўтирганлари йўқ. “Араб баҳори”нинг асл сабаблари нима бўлса ҳам, Туркия ҳукумати қандай мақсадни кўзлаган бўлсалар ҳам, “Ихвонул Муслимийн” бу жараёнга киришишдан нимани мақсад қилган бўлса ҳам – америкалик демократлар Туркия, Қатар ва “ихвончи”лардан иборат ўзига қарам иттифоқчилар альянсини шакллантиришга муваффақ бўлдилар.

Қарамлик ҳақидаги сарлавҳа юқорида бежиз тилга олинмаган. Бу масалада Миср мисоли ўта ибратли ҳисобланади. Яъни, мамлакатдаги жиддий иқтисодий ва ижтимоий муаммолар, бунинг устига “ихвончи”ларнинг ҳукуматга келиб, Ғарб-

дан мустақилликка эга бўлишга қаратилган сиёсат юритишга ҳеч ким йўл бермади.

“Иҳвончи”лар турли баҳона ва мажбуриятлар билан аввало АҚШ ва Халқаро валюта фонди каби халқаро молия тузилмалари ёрдамида қўл-оёқлари боғланди (энг аввало иқтисодий масалаларда). Қачонлардир Насир собиқ совет иттифоқи қучоғига қочиб, қийин ҳолатдан чиқиб кета олган эди. “Иҳвончи”ларга ўзларига иттифоқчи топишига нима халақит берганини айтиш қийин. Ва, мана, “Иҳвонул муслимийн” Мисрда ҳокимиятни қўлдан бой берди: уларнинг Тунис ва Марокашдаги иттифоқчилари ҳам катта қийинчиликларга дуч келдилар. Уларнинг Қатардаги позициялар ҳам мавҳумлигича қолмоқда. Сурияда эса улар муваффақиятга эриша олмадилар. Аксинча, барча фронт бўйлаб чекинишга мажбур бўлмоқдалар. Суриялик “иҳвончилар” учун коалициядаги собиқ шериклари, яъни Саудия Арабистонидан молиявий кўмак олаётган радикал гуруҳлар ҳам уларга қарши бўлиб қолди. Суриядаги қатарликлар қўйган муҳолифат пешвоси Саудиянинг одамига алмаштириши ҳам булар орасида ихтилоф борлигидан дарак беради. Эндиликда улар орасида очиқчасига қарама-қаршиликлар бошланди.

### *Кенг миқёсли мўлжал*

Ҳодисаларни режалашда кенг кўлам ва узоқ мақсадни кўзлаган нарса – айнан геосиёсий мўлжалнинг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Буни биринчи, ҳатто иккинчи қадамда ҳам илғаб олиш қийин бўлади. Шунини ҳисобга олиб айтадиган бўлсак, “Араб баҳори” шароитида қайсидир режимни ( у хоҳ қарам бўлсин, хоҳ қайсар)

ағдарыш геосийёсий ўйинчиларининг асосий мақсади ҳисобланмайди. Бугунги кунимизда дунёда, хусусан, Яқин Шарқдаги энг муҳим стратегия бу – ҳеч, фаол иштирокчиларнинг мутлоқ устун бўлиб кетмаслигини таъминлаш, керак бўлса, уни оммавий норозиликлар ва вайронагарчиликлар орқали касодга учратиш бўлиб турибди. Мисрдаги халқаро ташкилот офисларидан мамлакатнинг бир неча бўлақларга бўлинганини акс этувчи хариталар топилиши ҳам қизиқарлидир. Шундан бери анча вақт ўтди, керакли хулосалар чиқариш вақти келди. Аммо мусулмонлар ўзларига ўзлари зарба беришдан тўхтаётганлари йўқ. Бу эса маккор ва золимлар фойдасига ишламоқда.

Дарҳақиқат, Ғарб қарашларига кўра, Яқин Шарқда бутун минтақани бирлаштиришга қодир бўлган пешволар бўлиши керакми? Шунинг учун минтақадаги халқаро тузулмаларнинг асосий иши “хукмрон” бўлишни истаганларни бир-бирига қарши тўқнаштириб қўйиш ва ҳеч қайси тарафни устунликка эришишига йўл қўймаслик, низо оловларини ўчиб қолмаслигини таъминлаётганидан ҳайрон қолмаслик керак. Эҳтимол, шунинг учун Суриядаги уруш ҳам тугамайди, Ливияда эса қабилалар орасидаги уруш сурункали равишда узоқ вақт давом этади. Мисрдаги тўнтаришларнинг илдизи айнан шу. “Бошқариладиган тартибсизлик” ҳам ўн йиллар давом этиши мумкин. Муҳими, АҚШ асосий қуро-яроғ етказиб турувчи ва нефть ва газнинг асосий истеъмолчиси сифатида қолса, бас...

Мана аҳвол?!

## **ЗОЛИМ ҲУКМДОРЛАР ҲУНТАЛИГИ**

Золим ҳукмдор битта бўлади, халқ эса кўп. Миллионларни бошқараётган одам кўпинча ўз хотиржамлигини йўқотиб қўяди. Чунки кимдир ундан шубҳалана бошлайди ёки у кимгадир ёқмай қолади. Ҳаммага бирдек ёқишнинг эса иложи йўқ. Шунинг учун ҳам инсоният тарихида бошқача фикр қилувчиларга тоқатсиз бўлган золим ҳукмдорлар кўп бўлган ва улар “минг одамнинг ўлими – статистикадан бошқа нарса эмас”, деб ҳисоблаганлар. Қўйида уларнинг энг золимлари билан танишасиз.

### **Оливер Кромвель**

Рўйхатни англизлардан бошлаймиз. Ҳн еттинчи асрда яшаган сиёсатчи ва ҳарбий кўмондон Оливер Кромвелнинг Шотландия ва Ирландия католикларига нисбатан қандайдир нафрати бўлган. Давлат бошқарувига келгач, Ирландияда 50 000 дан ошиқ одамни ўлдириб юборган. Данди шаҳрида эса, бандаргоҳ билан қўшиб, 2000 одамни ўлдирган.

### **Максимилиан Робеспьер**

Рўйхатнинг иккинчи ўрнини француз Максимилиан Франсуа Мари Исидор де Робеспьер эгаллаган. У кўп қиррали шахс бўлган: сиёсатчи, нотик, ҳукушунос, инқилобчи ва энг золим ҳукмдорлардан бири. У Франциядаги “Террор асри”нинг бошида турган. Франция инқилобида оқсуяк, руҳоний ва олдинги ҳукумат тарафдорлари оммавий равишда қатл қилинган. Унинг топшириғи билан

40 000 дан ошиқ киши нобуд бўлган. 1794 йили у судга тортилиб, тартибсиз ҳукмлари сабаб бошидан айрилган.

### ***Иван Грозний***

Иван Грозний руслар подшоҳи деганда биринчи бўлиб хаёлга келадиган одам. Уни ҳозирги Россия ҳудудининг асосчиларидан. Давлатда баъзи ислохотларни амалга оширган бўлишига қарамай у атрофидаги ҳаммани сотқинликда гумон қилган. Масалан, бутун бир шаҳар аҳолисини Польша билан тил бириктирганликда гумон қилиб, уни қуршаб олади ва ҳар куни қўшинлар 1500 одамни танлаб, қатл қилар эди. Муслмон хонликларини босиб олиб, уларнинг аҳолисини ҳам қириб ташлаган (Қозон хонлиги).

### ***Влад III***

Валахия ҳукмдори Влад Цепиш 40 мингдан 100 000 гача одамнинг ёстиғини қуритган. Руминиялик золим бу ишидан роҳатланган бўлса керак. Валахияни ўз назоратига олиш мақсадида мамлакатга кирган турк қўшинлари шаҳарга кираверишда 20 000 дан ошиқ кўмилмай чириб кетган ўликларнинг бадбўй ҳидидан орқага қайтиб кетишади.

### ***Иди Амин***

1971 йили ҳокимиятни қўлига олган Уганданинг қора танли золим ҳукмдори нафақат мамлакатни тўлиқ инқироз ботқоғига ботирди, балки шу билан бирга 1 500 000 аҳолини ҳам қириб юборди. Иди Амин Иван Грознийга ўхшаб атрофидаги ҳаммани сотқинликда гумон қилар эди.

### ***Пол Пот***

Камбоджанинг ўта золим ҳукмдори. Унинг “интеллигенция”га бўлган нафрати чексиз эди ва 4 йил ичида бир ярим миллион одамни йуқ қилди. Потнинг бу жиноятлари расмий равишда геноцид деб аталган.

### ***Леопольд II***

Отасидан сўнг иккинчи қирол бўлган Леопольд Бельгиядан етмиш олти марта катта бўлган Африка ҳудудларини босиб олиши билан машҳур бўлган. Конгода геноцид уюштирган.

### ***Адольф Гитлер***

Бутун тарих бўйича энг танилган шахслардан бири, десак муболаға бўлмайди. У ҳақда қанча гапирсак оз. Унинг режими турли мамлакатларда бир эмас, икки эмас, ўн миллиондан ошиқ одамнинг бошига етган.

### ***Иосиф Сталин***

Сталинга ҳам алоҳида таъриф бериш шарт бўлмаса керак. Турли ҳисоб-китобларга қараганда сиёсий ёки бошқа қарашлари учун унинг режими томонидан 3 миллиондан ошиқ одам ўлдириб юборилган. Ундан ҳам кўп одамлар қамалган ва сургун қилинган. Унинг ҳукмдорлик даврида Собиқ иттифоқда олти миллиондан кўп одам очликдан қирилиб кетган.

### ***Мао Цзэдун***

Рўйхатнинг сўнггида ҳаққоний равишда энг қонхўр деб аталган Хитой ҳукмдори Мао Цзэдун

турибди. Бир миллионга яқин одам қатл этилган. Олти миллионга яқини эса меҳнат лагерларига бадарға қилинган. Унинг ўзича юритган сиёсати ва иқтисодий “ислоҳотлари” оқибатида мамлакатда 15 миллиондан 46 миллионгача одам очликдан ўлиб кетган. Аммо бу азоблар шу билан якун топгани йўқ. 60-йиллардаги маданий инқилоб даврида яна 100 миллионга яқин одам қурбон бўлди.

## БУЮК УРУШ ҲАҚИДА СОВЕТЛАРНИНГ БЕШТА УЙДИРМАСИ

### *Биринчи уйдирма*

Тарихда Яхшилик билан Ёмонлик ўртасидаги энг буюк жанг "Улуғ ватан уруши – совет халқининг немис-фашист босқинчиларига қарши уруши" деб аталади ва у 4 йил давом этган (1941 йил 22 июнида бошланиб, 1945 йилнинг 9 майигача).

### *Аслида*

Иккинчи жаҳон уруши 1939 йилнинг 1 сентябридан, яъни Учинчи рейхнинг Совет иттифоқи билан биргаликда Польшага қилган ҳужумидан бошланиб, 1945 йилнинг 2 сентябрига, яъни Япония империяси таслим бўлгунга қадар давом этган. Кўплаб мамлакатлар ҳудудида Иккинчи жаҳон уруши билан бир даврда кечган маҳаллий урушларга ном берилган. Бироқ Совет иттифоқидан ташқари бирор давлатда урушнинг муайян қисмига берилган ном бу даражада катта майдонда нисбатланмаган. Совет раҳбарияти ушбу масала юзасидан ўзининг алоҳида тарих фанини яратишига Совет иттифоқининг Учинчи рейх билан ҳамкорликда 1939 йилданоқ Иккинчи жаҳон урушида амалда иштирок этгани сабаб бўлди (тафсилотлар "Иккинчи уйдирма"да баён қилинади). Мухтасар айтганда, 1939 йил 17 сентябр куни Германия билан тил бириктирган Советлар Польшага ҳужум қилади. Биргаликда эришилган ғалаба қизиллар билан фашистлар томонидан Брестда ҳарбий парад ўтказиш билан нишонланган.



Шунинг учун ҳам урушнинг айнан 1941 йилнинг 22 июн кунидан – Совет иттифоқининг Учинчи рейхга қарши урушга киришга мажбур бўлган кундан бошланганига урғу бериш – иттифоқ тарихчилари учун жуда принципиал масала эди. Яъни, Иккинчи жаҳон урушини фашистик Германия билан бир тарафда турган ҳолда бошланганини яшириш керак эди.

Совет иттифоқи ва Учинчи рейх ўртасидаги Шарқий Европада кечган муҳораба йирик бўлса ҳам, бир тарафидан иттифоқчиларнинг (кейинроқ – антигитлерчилар коалицияси дейилган) фашистлар коалицияси ўртасидаги урушнинг бир эпизоди эди.

Иккинчи жаҳон урушида ҳаммаси бўлиб 61 давлат қатнашган (47 мамлакат Гитлерга қарши коалицияда ва уларга қарши бўлган мамлакатлар коалицияси тарафида иштирок этган). Уларнинг айримлари фаол ҳарбий ҳаракатларни олиб борган бўлса, баъзилари ўз иттифоқдошларига фақат озик-овқат етказиб бериш билан шуғулланарди. Уларнинг кўпчилиги эса урушда фақат номинагина иштирок этди.

Гитлерга қарши коалицияда куйидаги мамлакатлар бор эди: СССР (1941 йилдан), АҚШ (1941 йил, 7 декабрдан), Буюк Британия, Франция, Хитой, Польша, Австралия, Канада, Югославия, Нидерландия, Норвегия, Янги Зеландия, Жанубий Африка Иттифоқи, Чехословакия, Бельгия, Греция, Эфиопия, Дания, Бразилия, Мексика, Мўғлистон, Люксембург, Непаль, Панама, Аргентина, Чили, Куба, Перу, Гватемала, Колумбия, Коста-Рика, Доминика Республикаси, Албания, Ҳондурас, Сальвадор, Ҳаити, Парагвай, Эквадор, Сан-Ма-

рино, Туркия, Уругвай, Венесуэла, Ливан, Саудия Арабистони, Никарагуа, Либерия, Боливия. Уруш даврида эса фашистлар блокидан чиққан бир неча давлат ҳам коалицияга қўшилди: Эрон (1941 йилдан), Ироқ (1943 йилдан), Италия (1943 йилдан), Руминия (1944 йилдан), Болгария (1944 йилдан), Венгрия (1945 йили), Финландия (1945 йили).

Фашистик мамлакатлар коалицияси: Германия, Италия (1943 йилгача), Япония, Финландия (1944 йилгача), Болгария (1944 йилгача), Руминия (1944 йилгача), Венгрия (1945 йилгача), Словакия, Таиланд (Сиам), Ироқ (1941 йилгача), Манчжоу-Го, Хорватия, Сербия. Босиб олинган мамлакатлар ҳудудида эса фашистлар иттифоқи таркибида бўлган қўғирчоқ ҳукуматлар ташкил қилинар эди: Виши Францияси, Сало республикаси, Албания, Черногория, Ички Мўғулистон, Бирма, Филлипинлар, Вьетнам, Камбоджа, Лаос. Шунингдек, Германия ва Япония тарафида турган давлатнинг фуқаролари иштирокида тузилган кўпгина коллаборацион қўшинлар ҳам жанг қиларди: РОА, РОНА, ССнинг хорижий дивизиялари (рус, украин, эстон, латиш, дат, бельгиялик, француз, албан), "Озод Ҳиндистон". Шунингдек, Уқ давлатлари қуролли кучлари таркибида расман нейтрал қолаётган давлатларнинг ихтиёрий кучлари бор эди: Испания (Ҳаворанг дивизия), Швеция ва Португалия.

### ***Иккинчи уйдирма***

Совет мафкураси фашизмнинг принципиал душмани ҳисобланарди. Ўз навбатида Совет иттифоқи фашистик Германиянинг принципиал душмани эди. Фашистларнинг барча ҳамтавоқлари душман, коллаборационистлар эса сотқин ва хоинлар деб саналган.

## Аслида

Совет мафкураси тахминан 1938 йилдан фашизмнинг бир томонлама душманига айлана бошлади. 1941 йилдан бошлаб эса тўлқонли душманлик бошланди. Уша даврнинг тарғибот-ташвиқотларида (1933-1939 йиллар оралиғи) Германия тузуми ва ҳаёти тахминан АҚШ, Франция ёки Буюк Британия ижтимоий тузумлари каби тавсиф қилинади. Яъни, бу мамлакатда ишчи ва деҳқонларнинг халқ ҳокимиятидан тубдан фарқ қилувчи буржуазлар ҳукумронлиги ўрнатилган. Ҳозир бу факт ҳайратланарлидек туюлиши мумкин. Лекин фашизм бошида ҳеч кимга ёмон бўлиб кўринмаган. Фашизмга қарши глобал курашнинг бор тарихи - бу секин-аста кўзнинг очилиши ва мамлакатлар, халқлар ҳамда алоҳида гуруҳларнинг аста-секин антифашизм сари ўтиши, холос. Ҳатто, фашизмга қарши курашган Британия империяси ҳам узоқ вақт давомида улар билан келишиш тактикаси бўйича ҳаракат қилган.

1938 йилнинг 30 сентябр куни Мюнхенда Британия империясининг бош вазири Невилл Чемберлен ва Франция бош вазири Эдуар Даладе Учинчи рейх рейхканцлери Адольф Гитлер ҳамда Италия бош вазири Муссолини билан битим имзолайди. Ҳужжатга кўра, Германия томонидан Чехословакиянинг бир қисми босиб олинishi де-факто сифатида тан олинган. "Мюнхен келишуви" деб ном олган ушбу битим Британия ва Франциянинг номига доғ туширган. Яъни улар тўқнашув ёки келишмовчилик бўлмаслиги учун Гитлер билан келишишга ҳаракат қилган.

Совет иттифоқига келадиган бўлсак, унинг Германия билан ҳамкорлиги 1922 йилдан 1939 йилгача жуда кенг миқёсда давом этиб келадиган эди.

Бошқарувига нацистлар келгунига қадар СССР Германияда социалистик инқилоб уюштирмақчи бўлиб турганди. Агар бу иш амалга ошадиган бўлса Германия ғарб капитализмига қарши курашда муҳим стратегик ҳамкор бўлиши режалаштирилганди. Совет иттифоқи ва Германия ўртасидаги савдо-сотиқ ишлари авжига чиққан, ўзаро технологиялар алмашиб туришган, ҳарбий соҳаларда эса фаол ҳамкорлик қилиб келаётган эди. (1920-30 йилларда Совет иттифоқида германиялик ҳарбийларни тайёрлаш ва ҳарбий технологиялар устида ишлаш учун камида учта йирик марказ фаолият олиб борган. Бу эса Версал тинчлик сулҳининг қўпол равишда бузилиши эди). Умуман олганда, Европанинг катта қисмини босиб олишда қўл келган, сўнгра 1941 йилнинг 22 июнида Совет иттифоқининг ўзига ҳам бостириб кирган Вермахт темир машинасининг асослари иттифоқнинг ўзида ишлаб чиқарилган эди.

Учинчи рейх ва Совет иттифоқи ўртасида ўзаро хужум қилмаслик юзасидан имзоланган битимнинг (Молотов-Рибентроп пакти) махфий протоколига мувофиқ, Иккинчи жаҳон уруши бошланиши билан Совет иттифоқи (де-факто) Учинчи рейх тарафидан 1939 йилнинг 17 сентябр куни Польшага биргаликда бостириб киради. 1939 йилнинг 22 сентябр куни эса Брестда Вермахт (Германия армияси) ва Қизил армиянинг демаркацион чизиқ бўйича имзоланган битимига бағишланган тантанали парад ташкил этилади.

Брест бу – қаҳрамон қалъа. Бироқ урушнинг илк кунларида қаҳрамонлик кўрсатган шаҳарлар нега “Қаҳрамон-шаҳар” унвонини олган ҳолда, фақат Брестгина “Қаҳрамон-қалъа” номига муно-

сиб кўрилганини ҳамма ҳам билавермаса керак. Бунинг жавоби оддий: Учинчи рейх Совет иттифоқига бостириб кирганида шаҳар аҳолиси бунга ҳеч қандай муносабат билдирмаган. Улар ўзларини бошқа мамлакат фуқароси деб ҳис қилганлар. Чунки улар икки йил аввал Польша фуқароси эди. Совет иттифоқи эса Германия билан Польшани бўлиб олишганида Брест шаҳри Совет иттифоқи ихтиёрига ўтган. Сўнг босқинчилар томонидан бу ҳодиса тантанали парад билан нишонланган. Фашистлар босқинига Брест шаҳри қошидаги эски қалъада жойлашган ҳарбий гарнизонгина қаршилиқ кўрсатган. Табиийки, бу қалъадагиларнинг барчаси яқинда кўчиб келган совет кўшинларидан иборат эди. Шунинг учун ҳам шаҳар эмас, балки қалъагина қаҳрамон унвонини олган (бунга қадар 1939 йилда Брест қалъасини Гитлер кўшинларидан польяклар мудофаа қилган эди. Тан олиш керакки, улар қалъани муносиб равишда ҳимоя қила олганлар). Кўпчилик 1939 йилнинг сентябр ойидаги фашистларнинг босқинига бошқа шаҳарларнинг кўрсатган қаҳрамонона мудофаасини билавермаса керак (масалан, Львов шаҳри мудофааси).

Лвов мудофааси қонли кечмаган бўлса ҳам, аммо фожиага тўла бўлган. Фашистлар 12 сентябр кунини шаҳар чеккасига киришган (худди 1941 йили Москва яқинигача етгани каби). Сўнг 10 кун давомида уларни польяк ҳарбийлари қувиб солишга ҳаракат қилганла. Шу вақтда бошқа тарафдан Қизил армия бостириб келиб, шаҳар гарнизонига таслим бўлиш талабини қўйган. (Улар таслим бўлган ва асирга тушган польяк зобитларининг кўпи кейинчалик отиб ташланган).

1941 йили 22 июнда Учинчи Рейхнинг Совет иттифоқига бостириб кириши билан иттифоқнинг фашизм душмани экани ёдга тушади.

Бу ёғини китобларимиздан яхши биламиз.

### *Учинчи уйдирма*

Совет халқи бир тан ва бир жон бўлиб, немис-фашист босқинчиларга қарши кураш олиб борган. Кимдир Қизил армия сафида, кимдир партизанлар қаторида, кимдир эса имкони етган даражада уларга зарар етказиб турган. Сотқин ва хоинларгина уларга қарши курашган эмас.

### *Аслида*

Кейинчалик "совет халқи" деб аталадиган одамларнинг аксари ўзларини совет фуқаролари деб билмаганини айтиб ўтиш уринлидир.

Юқорида Брест қалъаси ҳақида тўхталиб ўтдик. 1939 йили Польшани босиб олиши натижа-сида Совет иттифоқи 200 квадрат километрдан ортиқ ҳудудга эга бўлди. Бунга Ғарбий Украина, Ғарбий Белоруссия, Шарқий Польша ва Жанубий-Ғарбий Литва киради. Умумий ҳисоб бўйича мазкур ҳудудда 13 миллионга яқин одам истиқомат қиларди. Санокли ойлари ичида Совет иттифоқининг фаол ташкилотлари мазкур ҳудудларда "халқнинг эркин иродаси"ни шакллантиришга муваффақ бўлди ва бу ҳудудларни совет таркибига қўшиб юбордилар. 1940 йилга келиб, қизил армия 50 минг квадрат километрга тенг Бессарабия ва Ғарбий Буковинани урушсиз босиб олди. Бу ҳудудларда 3 миллион 776 минг аҳоли яшар эди (1949 йили 2 августда Молдавия ССРга айланди). 1940 йили Совет иттифоқи Эстония, Латвия ва Литванинг ҳам бир қисмини босиб олди. Сўнг 21-22 июл кунлари ўтказилган "сайловлар"

натижасига кўра, мазкур мамлакатлар совет республикаларига айлантирилди.

Шу билан бирга совет ҳукумати ҳукмронлик ўрнатилган ҳудудларда оммавий репрессиялар (қатоғонни) йўлга қўйди. Ишчи ва деҳқонларга бегона бўлган синфий унсурлардан халқни тозалаш ишлари кенг кўламда олиб борилди. Шундай тоифадаги одамлар ҳибсга олинар, турмаларга ташланар, бундан ташқари Сибирга сургун ҳам қилинарди. Кўп ҳолатларда эса қамалган одамлар отиб ташланарди. Совет раҳбарияти ўйлаб топган усуллар ичида энг кўп овоза бўлгани Болтиқ бўйи мамлакатларининг аҳолисининг депортация қилиш операциялари ҳисобланади (1940 йили амалга оширилган шундай операцияларнинг бирида 50 000 одам депортация қилинган. 1949 йилги "Прибой" операциясида эса 100 000 дан ошиқ одам ўзи яшаб турган жойдан қувғин қилинган). Бундан ташқари польшалик ҳарбийлар оммавий равишда қатл қилинган (Катин ўрмонида, Старобелск ва Осташковск лагерларида умумий ҳисобда 22 минг ҳарбий отиб ташланган).

Бу ҳудудларда яшайдиган аҳолининг Совет иттифоқини бирор душмандан мутлақо ҳимоя қилишни хоҳламаганини тасаввур қилиш мушкул эмас. Ҳатто минтақанинг 1939 йилгача Иттифоқ таркибида бўлиб келган қисмида ҳам, оддий қилиб айтганда, совет ҳокимиятини ҳамма ҳам қўллаб-қувватламаган.

Белоруссия ва Украинада миллатчилик кайфияти кучли эди. Чунки Совет иттифоқи таркибида (олдинлари Россия империяси таркибида) ҳар икки миллатга ўз маданияти унуттирилди ҳамда ўрнига рус маданияти мажбурий равишда

сингдирилди. Бунинг устига, 1933 йили Украинада кузатилган очарчилик халқ хотирасида турган эди (Совет иттифоқининг нотўғри (ёки атайин) юритган сиёсати туфайли ўшанда Қозоғистон ва Украинада қаттиқ очарчилик бўлган. Жуда кўп аҳоли шу туфайли қирилиб кетган). 1941 йил билан очарчилик йилларини атиги 8 йил ажратиб турар эди. Яъни, 1941 йили Украинанинг балоғат ёшидаги барча аҳолиси халқ бошига тушган буюк фожиа, кулфатни ўз кўзи билан кўрган, ўз таназида ҳис қилган. Шунинг учун ҳам “немислар бўлса бўлсин, советлар бўлмасин – барибир бундан ёмон йўқ”, деган сўзлар украиналиклар учун нафақат руҳий маънода ўта ишонарли, балки (ҳозир ҳам кўриб турганимиздек) объектив ҳақиқат ҳам эди.

Улуғ ватан урушининг бошланиши тушми ё ўнгда бўляптими, ажратиб бўлмайдиган ҳолатда эди. Урушнинг илк ойларида Қизил армия аксарият ҳолатда шунчаки чекинган эмас, балки улар кум каби сочилиб кетган, деб айтсак тўғри бўлади. Кейинчалик фашистлар 1941 йил июн-июл ойларини “олдинда душман йўқ, орқада ҳам ҳеч нарса йўқ” (фашист кўшинларига жиддий қаршилик кўрсатилмагани учун улар Совет иттифоқи ҳудудига шиддат билан кириб бордилар. Орқада озиқ-овқат ҳамда қурол-яроғларни етказиб турувчи қисмлар эса уларга етиб олишга улгуролмас эди), деб эслаганлар. Совет ҳарбийлари уришишни истамас, нима учун уришаётганларини, нима учун ўлишлари кераклигини билмас эди. Шунинг учун ҳам оммавий тарзда хизматдан қочиш (дезертирство) ҳолатлари кўп бўлган. Ўша кунларда кўрсатилган кам сонли қаҳрамонлик-



лар билан бир қаторда Қизил армия қисмлари, бўлинмаларидаги аскарларнинг оммавий тарзда хизматдан қочишларига ишониш қийин эди. Константин Симонов томонида ёзилган “Урушнинг 100 кун” деб номланган китоб дастлаб Совет иттифоқида нашр қилинмаган (мазкур китоб 1982 йили кескин ўзгаришлар билан “Урушнинг турли кунлари” номи билан чоп этилган). Чунки унда урушнинг дастлабки уч ойида рўй берган тартибсизликлар баён этилганди-да. Фақат тўсувчи отрядлар ва жазо батальонлари пайдо бўлганидан кейингина армияда тартиб ўрнатилди, шундан кейингина қизил армия ижобий натижаларга эриша бошлади.

### ***Тўртинчи уйдирма***

Уруш вақтида барча немис фашист бўлган, ҳар бир ҳарбий эса “ЭсЭс”чи эди.

### ***Аслида***

Бу уруш билан боғлиқ бўлган энг катта муаммо эмасди (буни “кичик уйдирма” дейиш ҳам мумкин). Бироқ адолат юзасидан германияликлар ҳақида бир-икки нарса деб қўйиш ҳам керак. Улар аслида бугунги тарихнинг 30-40-йилларида қозонилган номга лойиқ бўлмаса керак. Немисларнинг бир неча минг йиллик маданияти, буюк тарихи бўла туриб, биз фақат “Хенде хох” ва “Гитлер капут”нигина биламиз. Яъни, бизни фақат шунга ўргатганлар.

“Иккинчи рейх” мағлуб бўлганидан кейин катта ва бой маданиятга эга, ҳарбий анъаналари кучли бўлган мамлакатда улкан харобалар юзага келди. Аввалида вермахт ҳар қандай сиёсий кўринишлардан холи бир ташкилот ўлароқ шаклланган эди: “хужумчи отрядлар” (“хужум-

чилар”, “жигарранг кўйлаклилар”) кабилар эса бунинг акси эди. “Узун пичоқлар кечасидан” сўнг бошқа ҳарбийлашган немис ташкилотлари ҳам вермахт таркибига кирди. Аммо уларнинг бу ердаги таъсир доираси у қадар катта бўлмаган. Вермахт раҳбарияти 1939 йилга қадар сиёсатга мутлақо аралашмаган. 1944 йил 20 июлда Гитлерга қарши юқори лавозимдаги ҳарбийлар томонидан уюштирилган суиқасддан сўнг у (Гитлер) барча генералларни партиёга аъзо бўлишга мажбурлаган эди.

Ушандаги суд ҳукмига кўра, 20 июн куни бир фельдмаршал, 19 нафар генерал, 26 полковник, 2 элчи, 7 дипломат, 1 вазир, 3 давлат котиби ва рейх криминал полициясининг бошлиғи отиб ташланди. Умумий ҳисобда эса 200 одам суд ҳукми билан, 5000 га яқини эса умуман ҳукмсиз отилган. Яна 7000 га яқини ҳибсга олинган ва концлагерларга юборилган. Булар орасида адмирал Канарис (пўлат симга осиб ўлдирилган) ва Роммел (ўзини ўзи отиб ўлдиришига имкон берилган) ҳам бўлган.

Вермахтнинг оддий ҳарбийлари орасида урушнинг сўнгига қадар натцистлар партиёсига аъзо бўлганлари деярли учрамайди: улар асосан зобитлар орасида кўпроқ учраб турарди. Уларнинг сони Вермахтда 5 фоиздан ошмаган. Ҳарбий хизматга чақирилганлар ва кўнгиллилар SS қисмларига тушишга ҳаракат қилишарди. Чунки бу қисмлар кўп имтиёзларга эга бўлар эди. Бошқа тарафдан улар анча сиёсийлашган ташкилот бўлиб, тинч аҳоли орасида тозалаш ишларини амалга оширар, комиссарларни, яҳудийларни қатл қилиш бўйича деярли барча буйруқларни сўзсиз бажарар эди.

Шундай бўлса ҳам SS баъзи ҳолатларда партиянинг одамхўрлик руҳидаги буйруқларига қаршилик кўрсатарди.

Оддий немислар учун нацистларнинг давлат тепасига келиши кутилмаганда юз берди. Бу худди Россия ҳукуматига камсонли ва унчалик таниқли бўлмаган коммунистлар партияси келгани каби амалга ошди. Урушдаги мағлубиятдан сўнг немислар ўзларининг нацизмга оид ўтмишдан покланишга бўлган ҳаракатлари (денацификация, миллатчиликка асосланган партияларнинг тақиқланиши ва ҳоказолар) шубҳасиз таҳсинга сазовордир. Бу ўз тарихларида шундай босқичлардан ўтган бошқа миллатлар учун ҳам сўзсиз ўрнақдир. Масалан, Россия жуда кўп мамлакатларни босиб олган, ўша ҳудудлардаги аҳолига, айниқса, уларнинг зиёлиларига нисбатан қатағон сиёсатига узил-кесил муносабатини билдириши керак. Сўнгги вақтларда Россияда урчиб кетган миллатчилар, Совет иттифоқига қайтишни қўмсаш каби иллатларга қарши жиддий чора-тадбирлар кўриши керак бўлади.

### ***Бешинчи уйдирма***

Фашистлар Германияси устидан фақат Совет иттифоқи ғалаба қозонган (иттифоқ ва унинг меросхўри бўлган мамлакат ҳаммани шунга ишонтирмоқчи бўляпти).

### ***Аслида***

Йирик мамлакатлар коалицияси ўртасида юз берган глобал ҳарбий конфликтда бир мамлакатнинг бошқа бир давлат устидан қозонган ғалабаси ҳақида гапириш нотўғри бўлади. Бу инсонийликка тўғри келмайди. "Ғалаба" деб номанган апельсинни кўп ҳисса қўшган ёки камроқ ҳисса

қўшганларга бериш керак, деб ажратиш адолатдан эмас. Коалициянинг барча ҳарбийлари шубҳасиз жангчи биродарлар саналади ва уларнинг ҳар қайсисининг ғалаба учун қўшган улушининг қадри бебаҳо. Ҳарбийлар бир хил кўринишда ҳалок бўлганлар – ерда, денгизда ва ҳавода. Худди ғалаба ҳақидаги машҳур қўшиқларнинг бирида айтилганидек, у “барча учун бир” бўлган.

Биринчи уйдирмада айтиб ўтганимиздек, урушнинг бошидан охирига қадар иштирок этган ягона мамлакат Британия империяси ҳисобланади. Бугун “Британия” дейилганида кўпчилик фақат Британия оролларини тасаввур қилса керак. Бироқ 1939 йилда Британия инсоният тарихида мавжуд бўлган давлатларнинг энг каттаси бўлган. Ер куррасининг чорагига тенг келадиган ҳудудга эга бўлиб, 480 миллион одамни бирлаштирган эди. Британия империясининг таркибига Ирландия, Австралия, Янги Зеландия, Янги Гвинея, Канада, Ҳиндистон (ҳозирги Ҳиндистон, Покистон, Бангладеш, Бирма ва Шри-Ланка), Гайана (Британия Гвианаси), Африка қитъасининг тўртдан бири ва Яқин Шарқ минтақасининг катта қисми (замонавий Исроил, Урдун, Ироқ, Кувайт, Оммон, Яман ва Бирлашган Араб Амирликлари) кирар эди. Британия империяси худудида ҳақиқатдан ҳам ҳеч қачон қуёш ботмасди.

Мазкур мамлакатнинг иқтисодий ва ҳарбий қудрати Учинчи рейхникидан анча устун эди. Бироқ бу кучлар бутун дунё бўйлаб “сочилганлиги” ҳамда ҳарбий ҳаракатлар асосан Европада бораётгани учун Германия билан курашда британияликларнинг имконияти анча чекланган эди. Не-

мисларнинг Польшадаги блиц-криги, Бенилюкс мамлакатлари ва Франциядаги урушларидан сунг немислар ҳамда инглизлар ўртасида узоқ давом этган позицион уруш авжига чиқди. Ва бу уруш “Атлантика учун кураш” деган ном олди. Бу кураш деярли 6 йил давом этди ва тахминан 100 000 одамнинг бошига етиб, Атлантика океанини ҳарбий ҳаракатлар олиб борилаётган асосий майдонларнинг бирига айлантирди.

Ҳарбий ҳаракатлар давом этган бошқа муҳим майдонлар ҳақида гапирадиган бўлсак, Шимолий Африкада немислар билан инглизлар куруқликда жанг қилган, Хитойда (жанубий-шарқий Осиё) Япония империяси ўзи босиб олган кўп мамлакатлар билан жанг олиб борган. Тинч океанида Япония империяси ва АҚШ ўртасида 1941-1945 йилларда давом этган денгиз жанглари шулар жумласидандир

Ҳарбий ҳаракатларнинг сунгги майдони миқёси, талафотлари ва қурбонлар сони бўйича энг йириги эди. Иттифоқчилар учун бу жанглар ҳеч қандай истисносиз энг муҳими саналарди. Шунинг учун 1941 йилнинг 22 июнидан бошлаб АҚШ Совет иттифоқини “ленд-лиз” – қурол-аслаҳа, материаллар ва керакли нарсаларни “қарз”га етказиб бериш дастурига киритади. Ленд-лиз – АҚШнинг Иккинчи жаҳон урушидаги иттифоқчиларига техника, қурол яроғ, стратегик хомашё ва товарларни қарз эвазига таъминлашга қаратилган давлат дастури саналади. Худди шу шаклдаги дастур бўйича АҚШ Британияга ҳам керакли нарсаларни етказиб берган. Умумий ҳисоб билан Совет иттифоқига ленд-лиз асосида 11 миллиард долларга тенг маҳсулотлар етказиб

берилган (ҳозирги пулнинг қадри билан ҳисоблаганда 140 миллард доллар бўлади). 17 ярим миллион тоннага тенг турли хил товарлар, қурол-яроғлар, самолётлар, паровоз, автомобиль, кемалар, машина ва ускуналар, озиқ-овқатлар, рангли ва қора металллар, кийим-кечак, кимёвий реактивлар ва ҳоказолар... 330 минг литр спиртни ҳам алоҳида таъкидлаш зарур.

Баъзи йўналишлар бўйича Совет иттифоқи томонидан ленд-лиз тарзида олинган товарлар мамлакат саноатида уруш даврида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан икки ярим баробар кўпроқни ташкил қилган. Масалан, ленд-лиз бўйича 1941-1945 йилларда Совет иттифоқида фойдаланилган портлаш моддаларининг учдан бири, 40 фоиз мис ва 50 фоиздан кўп алюминий, кобальт, олова, жун, темир йўл рельслари ва ҳоказолар олиб келинган. Советлар саноатида ишлаб чиқарилган аввалгидан икки баробар кўпроқ локомотивлар, Студебеккер шассисига жойлаштирилган “катюша”нинг аксар қисмлари, фронтга юборилган қарийб барча гўшт консервалари Америка маҳсулоти эди. Шу ўринда айтиш ўринли, Совет иттифоқи олган ленд-лиз қарзларини бошқа мамлакатлардан фарқли равишда ҳали ҳам узмаган.

## ЛЕНИН КИМ ЭДИ?

Ҳеч қаерда ишламаган ҳуқуқшунос, жуда кам тиражли газеталар муҳбири, маълумоти тугалланмаган олий, террорчининг укаси, Россияда яшашни истамаган муҳожир, китобларининг ярми Маркс ва Энгелсни мақташ, ярми эса бошқаларни ҳақорат ёзувчи, бир вақтнинг ўзида иккита хотин билан яшовчи шаҳватпараст...

У Россияни олти йил бошқарган – 1917 йил охиридан 1924 йил бошларигача. У ҳукмронлик қилган вақтда Европанинг энг кучли мамлакатларидан бири энг қашшоқ, таланган ва хўрланган бир давлатга айланди. Очлик ва турли хил балоларнинг келиши оқибатида жуда кўп одамлар қирилиб кетди. Суд тизими ўрнига оммавий отувга ҳукм қилишлар жорий қилинди, давлат халқни тунашни бошлади. Мамлакат ўзини ўзи яккалаб, асосий мақсадини жаҳон революцияси, дея эълон қилди. Яъни бутун инсониятни ўз исканжасига олишни ният қилди.

Ленин фаолиятининг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтамиз:

1905-1917 йиллар. Террорни ташкил қилди ва террорчиларни илҳомлантирди. Ҳуқуқни сақлаш ва давлат ходимларини ўлдиришни рағбатлантирди. Талончилик, босқинчилик билан шуғулланди.

1917 йил. Россияга қарши урушаётган Германиядан Россияга қайтиб келди. Немислар пулига дунёдаги биринчи рангли (қизил) инқилобни ташкиллаштирди.

1918 йил. Тарихда мисли бўлмаган хиёнатни

амалга ошириб, Германия олдида таслим бўлиб, унга Украина, Белоруссия, Латвия, Литва, Эстония ва Грузияларни бериб юборди. Ўзи билан бирга урушаётган иттифоқчиларини ҳам сотиб кетди.

1918 йил. Аввалги мамлакат раҳбари (подшо)-нинг оила аъзолари билан отиб ташлашга ҳукм чиқарди. Аҳолини оммавий равишда қатл қилиш учун “қизил террор”ни бошлаб юборди. Мамлакатни атайин фуқаролар урушига бошлади, оқибатда у бутунлай вайрон бўлди. Ун миллиондан ошиқ одам ҳалок бўлди, мамлакат элитасининг аксари ватанини ташлаб қочди.

1918 йил. Ҳарбий коммунизмни жорий қилди. Салгина бойлиги бор фуқароларнинг уй-жой ва мол-мулкани мусодара қилди. Йирик мол эгаларининг банклари, завод ва фабрикалари, тегирмонлар, кичик тадбиркорларнинг устахоналаригача олиб қўйилди.

1920 йил. Юз минг аскар ёрдамида Тамбов деҳқонларини йўқ қилиб ташлади.

1921-1922 йиллар. Ленин ташаббуси билан аҳолидан озиқ-овқатларни олиб қўйиш натижасида беш миллиондан зиёд одам очликдан ўлиб кетди.

1921 йил. Мамлакатни вайрон қилиб, коммунистик ғоялардан воз кечиб, мамлакатни қайта тикламоқчи бўлди. Янги Иқтисодий Сиёсат (НЭП) туфайли мамлакат оз бўлса-да, йўқ бўлиб кетишдан омон қолди.

1922 йил. Черковларни тунади, барча диний эътиқод вакилларига қарши уруш эълон қилди. Диндорларга қарши оммавий қатағон бошланди.

1922 йил. Миллий чегараланиш асосида СССРни ташкил қилди. Туркистон туркийларини ало-



ҳида миллат, дея парчалаб ташлади. Чегаралар шу тарзда белгиландики, олдинлари бир миллат вакили бўлганлар бир неча аср ер ва сув талашиб, бир-бирларига адоватда бўлиши кўзда тутилди.

1924 йил. Ўз халқи ва бошқа халқларнинг асл фарзданлари жонига қасд қилган қароқчи-террорчиларни ҳокимиятда қолдириб, заҳм касаллигидан ўлди.

Бўлди. Қисқача айтганча, у ҳаётида бундан бошқа ҳеч нарса қилгани йўқ. Фақат қабихлик, разолат – қотилликлар, тунаш, хоинлик, вайронгарчилик, йўқ қилиш, қирғинлар. Бундан бошқа ҳеч нарса йўқ. Ана сизга инсон тақдири ҳамда шахснинг тарихдаги роли.

Бунга ўхшаш аблахлар аслида асрлар оша лаънатланиши керак. Бироқ қолганлар устидан ўз ҳукмронлигини янада кучайтириш ва оқлаш учун унинг ҳамтавоқлари уни авлиё деб эълон қилмоқчи бўлдилар. Жасади сақланадиган жой устида пирамида қуришди, унинг ичига эса янги “фиръавн”нинг мумиёланган жасадини жойлаштирилди. Халқни эса унга сиғинишга мажбурлай бошланди.

Коммунистик тузум малайлари бўлган мансабдорлар ўзлари сиғинадиган бутларини файласуф ва ҳатто доҳий, дея одамларга уқтира бошланди. Аммо, айтган бемаъни ғояларнинг бир зарраси бўлсада, ўз тасдиғини топмади. Давлат, армия ва полициянинг йўқ бўлиши ҳақида даъволар инқилобнинг илк кунларидаёқ пучлиги маълум бўлди. Пролетариат диктатураси ишчиларнинг ўзини ҳам талон-тарож қилиб ташлаган партия диктатурасига айланди. Сўнг “социализм” подшо давридан ҳам қашшоқ турмушга олиб келди. Жаҳон

инқилоби ҳам рӯй бермади. Коммунизм ҳеч қаерда барпо этилмади ва ҳеч қачон барпо этилмаса ҳам керак. Социализм эса мутлақо самарасиз усул экани ўз исботини топди. Қонун чиқарувчи ва ижро ҳокимияти бўлган шўролар эса доим коммунистик партия манфаатларига хизмат қиладиган ҳамда сайловларда доим қаллоблик қиладиган парламентларга тақлид эди.

Бугунги кунда ҳам аҳмоқ ва маънавий бадбашара нусхаларгина бузуқ кимсанинг мурдасига сиғинишини давом этмоқда. Ёшлигидан мияси коммунистик ғоялар билан айнитиб ташланган зомбилар улардан қолишгани йўқ. Олдинлари кўпчилик бу нусхалар “ҳурмати”дан мавзолейдаги ярамаснинг мурдасига тегиб бўлмади, деб ўйларди. Ва яна кўпчилик ҳақиқатни англаб, советлардан кўнгли айнийдиган даражага етгач, коммунистларнинг мумиёланган “фиръавни”ни чет эллик сайёҳларга кўрсатиб, пул ишлаш мумкин, деди. Тўғри, бунда ўликни таҳқирлаш бор. Аммо бир тарафдан бу ёвуз қонхўрнинг жасадига ҳаққоний равишда тупуриш учун жаҳон халқларига берилган имконият ҳам эди.

У билан боғлиқ бўлган турли хил номларни, масалан, Ульяновск, Қизил юлдуз, Ленинград вилояти, шоссе ва кўчалар номларини ҳамда одамхўр ва унинг шериклари номлари берилган ҳамда инсонийликка қарши нафрат ғоялари билан суғорилган коммунизмга доир барча номларни ўзгартириш керак. Воқеликдан маълумки, давлат ўз халқи, айниқса, кўшни мамлакатлардаги заиф фуқароларни ҳали ҳам шу заҳарли ғоялар билан заҳарлаб келмоқда.

Фикрлар янада тушунарли бўлиши учун кўйидаги истиорани таклиф қиламан. Ўзини қаттиқ

зўрлаб, фарзандларини ўлдириб ташлаган зўравоннинг расмини бир аёл чиройли рамкага солиб, уйининг тўрига жойлаганини бир тасаввур қилинг. Бу аёлнинг ақли жойидами ёки йўқ? Фарзандлари қотилига нисбатан қандайдир муҳаббат ила унинг мурдасига ғамхўрлик қилаётган одамлар ақлдан озмаган, дейиш мумкинми?

## ТАРИХДАН ЯНА БИР ШИНГИЛ (АНҚАРА ЖАНГГИ)

Анқара жанги (*туркча-Анкара Muharebesi*) – 1402 йил 20 июль куни Усманийлар султони Боязид I ва Турон амири Темур ўртасида Анқара атрофида бўлиб ўтган жанг. Мазкур жангда Амир Темур қўшни Йилдирим Боязид қўшинларини тор-мор этган...

### Қўшинлар

Усманийлар салтанати қўшини номунтазам оғир отлиқ аскарлар – сипохийлар, номунтазам пиёда аскарлар ва мусалламлар, шунингдек, кўнгиллилар бўлинмаси – дели ва войнуклардан (балкан вилоятларининг кўнгиллилари) ташқари султоннинг доимий гвардияси – “Капикулу”дан (сарой қўриқчилари) ташкил топган бўлиб, таркибининг бир қисми яничарлар (пиёда аскарлар) корпуси ва капикулу сипохийларидан (оғир отлиқ аскарлар) иборат бўлган.

Усманийларнинг яничарлар ва ишончли серблардан иборат шахсий қўшинидан ташқари, Боязиднинг армияси ўз ичига у томонидан ўн йил илгари тугатилган майда давлат – бейликларининг аскарларини ва мўғиллар давриданок Кичик Осиёга қарашли бўлган татар отлиқ гуруҳларини олган.

Ўз аждодларининг бой тажрибасига таянган ҳолда Амир Темур жанг майдонларида ўз рақиблари устидан қойилмақом ғалабалар қозонишни таъминлай оладиган қувватли ва жанговор армия ташкил қилишнинг уддасидан чиққанди. Бу армия кўпмиллатли ва турли дин вакиллари-

дан иборат уюшма эди. Унинг ўзагини турклар, кўчманчи – аскарлар ташкил этарди. Темурнинг кўшинлари отлик ва пиёдага бўлинганди. Уларнинг негизи эса оғир қуроолланган сара отлик аскарлар бўлинмалари, шунингдек Амир Темурнинг хос соқчиларидан иборат гуруҳ эди. Пиёда кўшинлар аксар ҳолларда ёрдамчи вазифасини ўтаган, қалъаларни қамал қилишда зарур бўлган. Пиёда аскарларнинг кўп қисми енгил қуроолланган бўлиб, улар, асосан, камондан ўқ отувчилардан иборат эди. Лекин кўшинда, шунингдек, пиёдаларнинг оғир қуроолланган зарба гуруҳлари ҳам бўлган.

Темур армиясида асосий кўшин турларидан (оғир ва енгил отликлар, шунингдек пиёдалар) ташқари понтончи (кўчма кўприк қуриш билан шуғулланувчи ҳарбий хизматчи), мухандис ва бошқа мутахассислардан иборат гуруҳлар, шу билан бирга тоғ шароитидаги ҳарбий ҳаракатларга ихтисослашган махсус пиёда аскарларидан (улар тоғ ҳудудида яшовчилардан танлаб олинган) иборат қисмлар ҳам бўлган. Темур кўшинларининг ташкил этилиши ҳудди Чингизхоннинг ўнлик тузимига мос эди, лекин унга бир қанча ўзгаришлар ҳам киритилганди.

Енгил отлик ва пиёда кўшинларининг асосий қуроли камон эди. Улар шунингдек, қилич, найза ва болтадан ҳам фойдаланишган. Оғир қуроолланган чавандозлар совут кийишган, темир қалпоқ билан ҳимояланишган. Оддий пиёдалар камон билан қуроолланган. Оғир қуроолланган пиёда аскарлар эса қилич, болта ва гурзилар билан жанг олиб боришган.

## Жанг олди

Амир Темур бетиним ҳарбий юришлар билан ўтказган 35 йиллик ҳукмронлиги даврида (1370 – 1405) йирик империя ташкил этди, унинг чегаралари Шимолий Хиндистондан то Шарқий Анадолигача бориб етган эди. У мусулмон оламининг якка ҳукмдори бўлишни истаган ҳолда, бирин-кетин ўз рақибларини йўлдан олиб ташлади. Уша даврда Боязид I Кичик Осиёнинг барча бейликларини ўзига бўйсундириб, Анадўлининг тўлақонли ҳокимига айланишга улгурганди.

Ғарб томон юрар экан Темур Қора Қуюнли давлати билан тўқнаш келди. Темур қўшинининг ғалабаси туркманларнинг йўлбошчиси Қора Юсуфни ғарбга Усманийларнинг ҳукмдори – Боязид тарафга қочишга мажбур қилди. Шундан сўнг Қора Юсуф ва Боязид Темурга қарши биргаликда курашишга келишиб олишди. Қора Қуюнлиларнинг султони билан ҳисоб-китобни тўғирлаб олиш учун Темур Боязиддан Қора Юсуфни топширишини қатъий талаб қилади. Лекин Боязиднинг рад жавоби эса Усмонлиларга қарши уруш бошлаш учун расмий сабаб бўлди.

1402 йилнинг майида Темур Кичик Осиёга юриш бошлади. Унинг қўшинлари Кемак ва Сивас турк қалъаларини ишғол қилди. Бу ерга музокаралар учун турк султони Боязиднинг элчилари ташриф буюради. Элчилар иштирокида Темур ўз қўшинларини кўрикдан ўтказди, унинг сони 140 минг нафар эди. Темур қўшинининг асосий қисмини отлиқ аскарлар ташкил этарди. Буюк армиянинг баҳайбат кўриниши элчилар-

нинг руҳини сўндиради, улар орқали эса турк қўшинларининг ҳам.

Боязид Темурга қарши икки баробар кам қўшинни қўя олади. Очиқ жанг қилишдан ҳавфсираган султон, ўз қўшинларини Ангор шаҳрининг шимолий қисми – тоғ-ўрмонли ҳудудларига жойлаштиради. Темур Ангорни қуршаб олади ва ҳийлакор тактика натижасида Боязидни ялангликка чиқишга мажбур қилади.

Темур ўзининг ҳарбий юришларида уч халқа рамзи туширилган байроқдан фойдаланган. Ҳиндистон ҳарбий сафари мобайнида кумуш аждаҳоли қора байроқ қўлланилган.

Анқара жангидан олдин Темур ва Боязид учрашганлиги ҳақида афсона бор. Боязид Темурнинг байроғига қараб, шундай дейди: “Бутун дунё сенга тегишли деб ўйлаш, нақадар сурбетлик!” Унга жавобан Темур, туркларнинг байроғини кўрсатган ҳолда, бундай деган: “Ой менга тегишли деб ўйлашинг, ундан ҳам баттар сурбетликдир”.

### *Жанг*

Турклар тоғлардан тушиши билан Темур Ангор камалини бекор қилади. Темур Боязид томонидан анчадан бери маош берилмаётганини, унинг қўшинлари, айниқса анадўли бейлари орасида норозилар кўплигини биларди. У бейларга айғоқчилар жўнатади, бу билан уларни ўз томонига оғдириб олишни кўзлайди.

Боязид қўшинини тоғларга орқа қилиб, ён қанотларни орқага чекинтириш йўли билан қурганди. Армиясининг марказини кучайтиришга уриниб, султон ён қанотларни кучсизлантириб қўяди. Турк қўшинининг чап қанотини Стефан Лазаревич қўмондонлигидаги серблар

ташкил қиларди. Унг қанотда эса анадўли бейларининг бўлинмалари жойлашган эди. Темур эса, аксинча, кучли ён қанотларга ва 30 полкдан иборат танланган аскарларнинг бақувват захирасига эга эди.

Жангни енгил отлиқлар бошлаб беради, кейин эса Темур қўшинининг унг қанот – сара аскарлари унча кўп бўлмаган серб рицарларига муваффақиятсиз ҳужумни амалга оширади. Темур ўзининг унг қанотдаги барча кучларини жангга туширади, лекин серблар зўр бериб қаршилиқ кўрсатишади. Бу эса Темурнинг таҳсинига сазовор бўлади. Чап қанотнинг илғорлари дарров муваффақиятга эришади, анадўли бейларининг бўлинмалари ва 18 минг нафар ёлланган – татарлар рақиб томонга ўтиб кетишади. Шундан сўнг, Темур сербларни асосий кучидан маҳрум қилиш мақсадида иккинчи чизиқнинг бир қисмини жангга киритади.

Ён қанотларни тор-мор қилгач, Темур захирасини ҳужумга ташлайди ва туркларни асосий кучини қуршаб олади. Яничар қириб ташланади, Боязид эса асир олинади.

### *Аҳамияти*

Жангдан кейин Кичик Осиёнинг барча қисми Темур қўшинлари томонидан эгаллаб олинади. Мағлубият Усманийлар империясининг қулашига олиб келди, бу Боязид ўғилларининг ўзаро жанжаллари ва Мустафа Бўрккүжү (Mustafa Borkluse, 1408-1417) бошчилигидаги деҳқонлар қўзғолони билан биргаликда юз берди.

Боязиднинг мағлубиятидан фойдаланган император Иоанн VII Палеолог унинг ворисларидан Мармар денгизининг европа қирғоқларини ва



Фессалоникани тортиб олди. Қолган қўшинлари билан Сербияга қайтган Стефан Лазаревич, Константинополда император қўлидан деспот (аҳамияти жиҳатидан шохдан кейин иккинчи ўринда турувчи шахс) унвонини олди. Қўлга киритган ғалабаси билан Темурни Англия, Франция ва Кастилия қироллари муборакбод этишди. Кастилия элчиси Руй Гонсалес де Клавихо Темур давлатининг пойтахти Самарқандга сафар уюштиради...

### ***Византия империяси***

Замонавий тарихий адабиётларда кенг тарқалган нуқтаи назарга кўра, айнан Боязид қўшинларининг мағлубияти сабаб византия давлатчилиги яна ярим аср амалда бўлган (1453 йилга қадар). Лекин бу айнан шундай эмас. Босқин арафасида Кичик Осиёга шиддат билан бостириб келган туркман қабилалари муғул ҳужумлари босими остида Эгей денгизи томон ҳаракат қилишади ва юнонларнинг минтақадаги демографик устунлигидан тамомила маҳрум қилишади. Шунингдек, жанг арафасида турклар тўдалари билан саросима ҳолида усмонлилар назорати остида бўлган Галлиполи орқали Европага кўча бошлашади (1352 йилдан бошлаб). Марица ва Фракия минтақаларига янада зич жойлашишади. Кўпчилик бу ердаги усмонлиларнинг пойтахти – Эдирне шаҳридан бошпана қидиришади. Шундай қилиб, Темур юриши кўпроқ болқон Фракиясининг турклашиши ва мусулмонлашишини тезлаштирди, юнон Константинополини ўз мустақиллигини сақлаб қолишга ҳеч қандай имконият қолдирмади. Чунки Византия эндиликда ҳар тарафдан турк ҳукмронлиги қуршовида қолган эди.

## ЯҚИН ШАРҚДАГИ ГЕНОЦИД

Сўнгги йилларда Ғарб бошлаган урушларда 4 миллион мусулмон ҳалок бўлди. Буни геноцид деб айтсак тўғри бўладими?

Иккинчи жаҳон уруши даврида Япониянинг ўлим лагерлари бўлгани каби баъзи америкаликлар мусулмонларни шундай лагерларга жойлаштириш кераклиги ҳақида айта бошлашди. Баъзида эса Исломга эътиқод қилувчи 1.6 миллиард одамни йўқ қилиш (геноцид)га чақириқлар ҳам чиқиб турибди.

Эҳтимол, Ғарбнинг Яқин Шарқда олиб бораётган замонавий урушларида қанча одам ўлганлигининг ҳақиқий сонини ҳеч қачон била олмасмиз. Бироқ бу сон 4 миллиондан кўп экани тахмин қилинмоқда. Вафот этганларнинг аксари араб ёки мусулмон бўлганини инobatга олиб, АҚШ ва унинг иттифоқчиларини геноцидда айблаш адолатли бўлмайдими?

“Шифокорлар ижтимоий адолат учун” ташкилотининг март ойида тарқатган баёнотида айтилишича, Ироқда бўлаётган урушда 1,3 миллион киши ҳалок бўлган экан. Эҳтимол, уларнинг асл сони 2 миллионга ҳам етиб қолади.

Журналист Нафиз Аҳмаднинг таъкидлашича, Яқин Шарқда давом этаётган урушларда қурбон бўлганларнинг сони 4 миллионга етган. Агар Ироқ ва Афғонистонда ҳалок бўлганлардан ташқари Ироққа қарши қўлланилган жазо санкцияларини ҳам ҳисобга оладиган бўлсак, БМТ маълумотларига кўра яна 1,7 миллион одам ҳалок бўлган. Уларнинг ярми болалардир.

## ***Рафаэл Лемкин ва геноциднинг таърифи***

“Геноцид” сўзи 1943 йилда пайдо бўлган. Бу иборани польшалик яҳудий адвокат Рафаэл Лемкин (Raphael Lemkin) уйлаб топган. Мазкур термин юнонча “гено”, яъни халқ, қабила сўзи билан лотинча «цид» – ўлдириш сўзидан ташкил топган.

Нюренберг маҳкамаси ўтказилган вақтда фашистик Германия раҳбарларининг ҳарбий жиноятлари учун судга тортилишида Лемкин илгари сурган геноцид тушунчасидан фойдаланилган. Кейинги йил эса бу сўз халқаро ҳуқуқ лексикасидан ҳам жой олган.

Геноцид билан курашаётган Американинг “United to End Genocide” ташкилотининг ёзишича: “1945 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош ассамблеяси резолюция қабул қилди. Унда халқаро ҳуқуқ нормаларига кўра геноцид жиноят деб қабул қилинди. Аммо мазкур жиноятга ҳеч қандай таъриф берилмади”.

АҚШ вакилларининг ёрдамида Лемкин БМТга “Геноцид жиноятининг олдини олиш ва уни содир этганлик учун жазолаш тўғрисидаги конвенция” деб номланган биринчи лойиҳасини тақдим қилди. 1948 йили Бош ассамблея мазкур конвенцияни қабул қилди. Бироқ ҳужжатга имзо чеккан мамлакатлар ратификация қилиш учун яна уч йил керак бўлди.

Конвенцияда геноцидга қуйидагича таъриф берилади: “... маълум бир миллий, этник ёки диний гуруҳни бутунлай ёки қисман йўқотишни ният қилиб содир этиладиган қуйидаги ҳаракатлар тушунилади:

а) мазкур гуруҳ аъзоларини ўлдириш;

б) гуруҳ аъзоларига жиддий жисмоний ёки ақлий шикаст етказиш;

в) гуруҳ аъзоларининг бутунлай ёки қисман йўқ қилишга мўлжалланган ҳаётий шарт-шароитларни қасддан яратиш;

г) гуруҳ ичида бола туғилишининг олдини олишга мўлжалланган чора-тадбирлар кўриш;

д) бир гуруҳга мансуб болаларни бошқа гуруҳга зўрлаб ўтказиш.

Конвенцияга кўра, геноцид нафақат қасддан ўлдириш, балки яна бир нечта жинойий ҳаракатларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, бирор бир гуруҳни тўлиқ ёки қисман жисмоний йўқ қилишга қаратилган ва олдиндан шу мақсадни амалга оширишга замин яратган, яъни ҳаётий эҳтиёжлар учун зарурий ресурслардан, масалан, сув, озиқ-овқат, кийим-кечак, тиббий ёрдамлардан маҳрум қилиш ҳам геноциддир. Ҳаёт учун муҳим бўлган воситалардан маҳрум қилиниш турли йўллар билан амалга оширилиши мумкин: ҳосилни мусодора қилиниши, озиқ-овқат қамали, лагерларга жойлаш, мажбурий кўчиртириш ёки яшаш учун яроқсиз жойларга кўчириб юбориш.

Мажбурий стерилизация ва абортлар, оила кўришга тўсқинликлар ва болаларни оилаларидан олиб кўйиш каби ҳаракатлар ҳам геноцид деб тушунилади. 2008 йили БМТ геноцид тушунчасини анча кенгайтириб, “зўрлаш ва жинсий зўравонликларнинг бошқа турлари ҳам харбий жиноятлар, инсониятга қарши жиноят экани ёки геноцидга олиб борадиган акт” дея тан олди.

## ***Яқин Шарқдаги геноцид***

Геноцид ҳақидаги конвенциядаги энг муҳим меъёр қуйидагидир: “йўқ қилиш ниятида ҳаракат қилиш”. Ҳалок бўлган араб ва мусулмонларнинг сони жуда катта бўлиб, булар фактлар билан ўз тасдиғини топган бўлса ҳам буларни маълум бир “миллий, этник, ирқий ёки диний” мансублиги учун қасддан йўқ қилинаётганини исботлаш жуда мушкул иш ҳисобланади. Бироқ конвенция муаллифлари геноцидни содир қилганлар ўзларининг сиёсатларини очиқчасига ошкор қилмаслиги ҳамда қатлиомлар учун ёзма буйруқ бермаслигини яхши жуда яхши биладилар (Германия фашистлари эса ёзма равишда буйруқ берганлар). Шундай бўлишига қарамай, 2002 йили Genocide Watch ташкилоти “қасд қилингани берган баёноти ёки буйруқлари орқали исботланиши мумкин” деб таъриф берди. Бироқ систематик ва координациялашган ҳаракатларига асосланиб, хулоса чиқариш керак.

2001 йил 11 сентябр воқеаларидан сўнг ўзининг илк чиқишларида Жорж Буш сўз ўйинларидан фойдаланган. Унинг тарихдаги диний тўқнашувларни эсга олиб ўтиши кўпчиликнинг хавотирига сабаб бўлди. Wall Street Journal нашрининг мухбирлари Питер Волдман (Peter Waldman) ва Хю Поуп (Hugh Pope) бу ҳақда шундай ёзган: “Президент Буш дунёни бадбахтлардан тозалашга қасам ичди. Ва бу салб юриш, ҳамда терроризмга қарши кураш маълум вақтни олади”, дея огоҳлантирди.

Салбчилар юриши? Жиддий айтиладиган бўлса, бу ибора ўтмишдаги насронийларнинг муқад-

дас ерларни мусулмонлардан озод қилиш учун қилган ҳарбий ҳаракатларини англатади. Бироқ Ислом оламида кундалик турмуш ҳам дин ва тарихга қаттиқ боғлиқ. Бу нарса аксар америкаликлар учун тушунарсиз. Ғарбнинг иқтисодий ва маданий босқини қуллик ва Исломнинг таҳқирланиши билан тугаши мумкинлигидан аксар мусулмонлар қаттиқ хавотирда”, дейилади ушбу мақолада.

Сўнг Афғонистон ва Ироқда АҚШнинг олиб борган урушларда миллиондан ошиқ одамларнинг ҳалок бўлиши билан бирга мазкур мамлакатлардаги мавжуд инфратузилмалар ҳам изчиллик билан вайрон қилинади. Ушбу инфратузилмалар фаровон ҳаёт учун зарур бўлиб, урушдан сўнг босиб олинган ҳудудларнинг маҳалллий аҳолиси манфаатларига хизмат қилиши мумкин эди.

Ироқнинг барбод бўлиши ортидан геноцид таърифига мос келадиган ҳаракатлар билан бирга қийноқ ва азобларга солиш ҳамда жинсий зўравонликлар каби жиноятлар ҳам келиб қўшилди. Бундан ташқари, АҚШ минтақада беқарорлик омили бўлиб, жуда кўп одамларнинг ўлимига сабабчи бўлмоқда. Бунинг оқибатида ИШИД каби террорчи гуруҳлар кўпайиб кетди, уларга келиб қўшилаётганлар ҳам кўпайди.

2001 йил 11 сентябрдан сўнг АҚШ “терроризмга қарши” глобал уруш эълон қилди. Бу уруш Яқин Шарқда ниҳояси ҳали бери кўринмайдиган беқарорлик ва низоларни келтириб чиқарди. Мазкур уруш ва ИШИДнинг асосий қурбонлари оддий мусулмонлардир. Бунинг натижасида келиб чиққан тартибсизликлар оқибатида экстремистлар ўзларининг террористик хуружлари билан Ғарбда

кескинликни келтириб чиқармоқда. Бундан фойдаланган баъзи америкаликлар диний уруш ва зўравонлик риторикаси билан мусулмонларни йўқ қилишга ёки уларга жойини кўрсатиб қўйишга чақирмоқдалар.

*Global Research* матеариллари  
асосида тайёрланди

## МИЛЛАТЛАРАРО НИЗОЛАР

### УЛАРНИ БАРТАРАФ ҚИЛИШДА ОАВ ЎРНИ

*Оқил инсонлар ўз миллатини қузатар экан, аввало камчиликларга эътибор қаратади. Маънавий қашшоқ кимсалар эса фахрланиши учун ўзида ҳеч нарса топа олмаганидан ўзи мансуб бўлган миллат билан мақтанишга ўтади. Ҳатто миллатнинг камчиликлари ва бемаъни нарсаларини ҳам жон-жаҳди билан ҳимоя қилаверади. Артур Шопенгауэр.*

\* \* \*

Бугунги кунимизда этник мажаролар фавқулодда ҳодиса ҳисобланмайдиган бўлди. Бундай можаролар ҳақида телевидение орқали эшит-япмиз ёки газеталардан ўқиб турибмиз. Том маънодаги этник ғалаёнлар жуда кам учрайди, бунга ўхшаш можаролар асосан ҳудудий ёки диний даъволар асосига қурилади. Албатта, бундай можароларга кимдир сиёсий таъсир қилмайдиган бўлса, улар ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. Шунинг учун ҳам улар кўпинча ўта кескин шакллarga кирадилар. Ҳатто ҳарбий тўқнашувлар ҳам юз бериши мумкин. Миллатлараро мажаролар баъзи вақтларда “этник тозалаш”ларга ҳам айланиб кетади. Бу жумлага эса одатда қуйидагича таъриф берилади: этник тозалаш бу – маълум бир ҳудуддан бошқа этник гурпуага мансуб шахсларнинг қувилиши ёки мажбурий кўчирилишидир. Этник тозалашлар турли хил кўринишларга эга бўлади. Яъни, бирор бир этносни оммавий кўчирилишидан тортиб, уларни зўровонлик йўли билан ўз



жойларидан ҳайдаш, депаортация ва геноцид қилишдир.

XXI асрдаги этник низолар ҳақида гапирадиган бўлсак, собиқ совет иттифоқи ва шарқий европадаги социалистик мамлакатлар блокининг йиқилишига эътибор қаратиш керак бўлади. Уша даврларда этник-диний-худудий конфликтларнинг тўлқини шарқий Европадан то Кавказ ва Марказий Осиёга бўлган худудларни қамраб олди. Югославияда бўлган мудҳиш ҳодисалар, яъни ҳар қандай дала қўмондони этник тозалашларни ўтказишга қодирлиги ҳали ёдимиздан кўтарилганига йўқ. Сребреницеда қатл қилинган саккиз мингдан ошиқ мусулмон, ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган Баня-Лукадаги Фархадия ва Арнаудие масжидларининг вайрон қилиниши ўша машъум фожиаларнинг бир кўриниши, холос.

Ўтган асрнинг 80 йилларда Совет иттифоқи худудларидаги “қайта қуриш” ҳамда иттифоқ тарқалиб кетганидан сўнг Болтиқ бўйидан тортиб Марказий Осиёгача локал урушлар маконига айланди. Қорабоғдаги арманилар билан озарбойжонлар ўртасидаги тўқнашувлардан аввал “сумгаития ҳодисалари” бўлиб ўтганди

Бу ҳодисалар охир-оқибат Арманистон ва Озарбойжон ўртасида уруш бошланиб кетишига сабаб бўлди. Гуржистон ва Абхазия (бир неча йил олдин эса Гуржистон ва Жанубий Осетия), осетин-ингуш урушлари, биринчи ва иккинчи чечен урушлари, Молдавия ва Приднестровье... Марказий Осиёда эса Тожикистон фуқаролар уруши гирдобига тортилди. Бу мудҳиш ва фожиали воқеалар бизларга дарс бўлиши керак.

Ҳатто бугун ҳам Евроиттифоқда миллатчилик кайфияти кучаяётганини кузатмоқдамиз. Хусусан, Каталония анча вақтдан бери Испаниядан мустақил бўлиш илинжида. Шотландиянинг Бирлашган қиролликдан ажралиб чиқиш ишқида ёнмоқда.

Бу можаролар кенгмиқёсли бўлиб, лотин Америкасидан Африка ва Осиёгача бўлган ҳудудда тарқалиб бормоқда. Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бунга ўхшаш можароларни ҳал қилиш ниҳоятда қийиндир. Можароларнинг пайдо бўлишига сиёсий ва иқтисодий беқарорликлар сабаб бўлмоқда. Ҳозир сиёсатшунослар миллатлараро муносабатларнинг ўта кескинлашганини айтишмоқда. Шундай экан, дунё харитасида яқин 20-40 йиллар ичида жиддий ўзгаришлар рўй берса керак. Жуда кўп кичкина мамлакатлар пайдо бўлиши кутилмоқда. Шубҳасиз, улар дарҳол катта мамлакатларнинг “қармоғига” илинади. Замоनावий дунёда кичик халқлар эркин яшай олмайди. Чунки бу уларга жуда қимматга тушади. Бугун ҳарбий йўл билан босиб олишдан бошқа усуллар ҳам пайдо бўлди. Масалан, мустамлака, қарам қилишнинг кенг тарқалган усулларида бири мамлакатларни иқтисодий қарам қилиб қўйишдир. Кичкина халқлар ўзини ўзи сақлаш ҳиссиёти устунлик қилибми ёки бошқа сабаблар борми, бугун йўқолиб кетиш хавфи борлигини сезишмоқда. Лекин бу тарихий ва қонуний жараёнлар бўлгани учун буларни тўхтатиб бўлмайди.

Этник муаммоларни ечишда ОАВнинг роли нималардан иборат? Миллатлар орасидаги можаролар муаммосини ҳал қилишда ОАВ жуда муҳим рол уйнайди. Улар ҳақиқатан ҳам мазкур можаро

оловини камайтиришда ёки миллатлараро низони келтириб чиқаришда реал ёрдам бериши мумкин. Бундай ҳолатларда журналист ёки умуман олганда ОАВ ўзи бермоқчи бўлаётган маълумотларнинг жамоатчиликка қандай таъсир қилади ва бунинг оқибатида одамлар қандай йўл тутиши мумкинлигидан келиб чиқишлари керак.

Филипп Денисович Бобков (Совет иттифоқи хавфсизлик хизмати ходими, генерал, КГБ 5-бошқармасининг раҳбари) "Совершенно Секретно" газетаси ходими билан бўлиб ўтган суҳбатда 1972 йили Литванинг ўзини ўзи ёқиб юбориш ҳодисаси ҳақида гапириб берди. Бунгача ва бундан кейин ҳам шунга ўхшаш воқеалар содир бўлиб турарди. Аммо бу воқеалар ҳақида телевидение ва газеталар хабар қилишни тўхтатган эди. Бу воқеалар ҳам ўз ўзидан тўхтаб қолди. Бу ҳақда Бобковга Москвага ташриф буюрган Рим полицияси раҳбари айтган экан. Агар телевизор ёки ОАВда қотиллик ёки бошқа жиноятлар ҳақида хабар берилса, бунга ўхшаш воқеалар албатта ўзининг издошларини топади. Ушбу мисол билан биз ОАВнинг миллатлараро низоларни ҳал қилиши ва бу жараёнга ижобий таъсир қилиши имкониятларини куриб чиқдик.

Сўз эркинлигини баҳона қилиб, миллатлараро можародаги барча салбий ахборотларни жамоатчиликка етказиш ақлдан эмас. Бу журналистнинг ҳали ҳам ўз касбининг асл моҳиятини тушунмагани, демакдир.

11 сентябр воқеаларидан сўнг АҚШ ва баъзи Европа мамлакатларининг ОАВда "ТЕРРОРИЗМ" сўзи урфга айланди. Ўз фуқаролари ва бошқа мил-

лионлаб одамлар онгига терроризм ўз "юзига" эга, деган шиор сингдирилди. Бу "юз"нинг исми эса Ислом, дейилди. Бу амалиётлар бевосита ва билвосита этник конфликтларга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Буларни эса ўз навбатида диний ва маданий нарсаларга қориштириб берганлар. Афсуски, бу қора кучлар ўз ишларида анчагина мувафаққиятга қозондилар. Оқибатда жуда кўп бегуноҳ одамлар қирилиб кетди. Инсонларга Исломнинг чинакам қадриятларини етказишга, Исломнинг терроризмдан мутлақо узоқлигини кўрсатишга, бу икки тушунчани бир-бирига боғлашга ҳар қандай уриниш қип-қизил ифвогарлик эканини фош қилишга бел боғлаган мусулмон журналистлар мазкур қора кучларга қарши турдилар. Бу курашда исломий жураналистлар амал қилишлари учун аниқ ва мустақкам асосга эга манбалар бор эди. Бу Қуръон ва суннатдир. Унга эргашиш эса журналистларни ҳақ йўлдан адашиб, тойиб кетмаслигини ва ўз навбатида ўзи ҳам ҳақни ботилдан ҳимоя қила олишини таъминлайди.

Дунёдаги сиёсий ва иқтисодий вазиятни таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, миллатлараро можаролар ҳали бери тўхтайдиганга ўхшамайди. Инсониятнинг маънавий-ахлоқий асосларини ҳимоя қилиш учун кураш давом этмоқда ва бу майдонда журналистлар муҳим ўринга эгадирлар.

Юқорида айтилганларга умумий хулоса қилиб, Артур Шопенгауэрнинг сўзларини келтирмоқчиман: Мақтанишнинг энг тубан кўриниши миллати билан мақтанишдир. Мақтанчоқликнинг бу тури билан заҳарланган кимсанинг бошқа фахрланадиган нарсаси бўлмайди. Агар бўлганида ўзидан бошқа яна миллионлаб кишилар ҳам мансуб бўлган нарса билан мақтанармиди?!

## ОИЛАНИ ЙЎҚ ҚИЛИШНИНГ ЕВРОПАЧА УСУЛИ

*Ғарб деса оғзидаги сўлаги оқиб кетадиганлар кўплигидан доим ажабланиб келганман. Уларнинг бошқалардан фарқли жиҳатларидан бири шундаки, бундайлар одатда ўз миллий қадриятлари ва ўз ота-боболарининг маданиятларига, юмшоқ қилиб айтадиган бўлсак, анча ҳурматсизлик қиладилар. Олдиндан оққан сувнинг қадри йўқ, деганлари шу бўлса керак-да. Куйидаги мақола ўз миллий қадриятларини писанд қилмаётганларга ижобий таъсир қилиши ва мавжуд ҳолатга бошқача нигоҳ билан қарашимизга сабаб бўлса, ажаб эмас.*

Яқинда бир дўстим Германиядан қайтиб келди. У томонларга ўғли билан бирга борган экан. Ўғли немислар ҳаётини бир неча кун кузатиб, отасидан сўрабди: “Улар ўзларини бундай тутиши нормал ҳолатми ёки биз қандайдир ўзга вақт ва ёки ўзга маконга тушиб қолдикми?”.

Мен дўстим сўзлаб берган ҳамма нарсани бирма-бир санаб ўтирмоқчи эмасман. Асосийси шуки, Германия, умуман айтганда, Европа унга ёқмаган, баъзи ҳолатларда нафратланиб ҳам кетган.

Ўзи Европага нима бўлган? Ғарбнинг шу даражага келиб қолишига инқироз сабаб бўлдими? Ёки Ғарб жамияти мумкин бўлган ва бўлмаган барча нарсаларни истеъмол қилавериб, ўз соғлиқлари, виждони ва ақлларини йўқотиб қўйдиларми? Бу нарсалар биз каби сайёҳлар кўзига яққол ташланадиган бўлиб қолдимми?

Русларнинг бир мақолида: “Маҳбубинг бирга бўлса, кулба ҳам жаннат”, дейилган. Бу мақол бошқа халқларда турли кўринишларда талқин қилинади: “Кулбанг бўлса, маҳбуб ҳам топилади,

жаннатга эса ҳожат йўқ”. Айтганча, инглиз тилида мақол бироз қўпол кўринишда талқин қилинар экан. “Love in a cottage”ни сўзма-сўз таржима қилсак, “Коттеждаги севги” маъносини ифодалайди. Ғарб менталитети кулба сўзини қабул қила олмайдиган даражага етиб келган. Жаннатни эса, таассуфки, ҳеч қачон тугамайдиган жинсий алоқа ва еб-ичишдан иборат деб тасаввур қиладилар.

Ўзини буюк давлат фуқароси эканини ҳис қилиш учун ўз ватанига муҳаббат қўйиш керак, холос. Бунинг учун ўз мамлакатини бошқа давлатлар билан солиштириш шарт эмас. Туғри, улардан ўрганишимиз керак бўлган нарсалар бўлса – бордир. Ҳаддан ошиқ мақталган Ғарбга кўр-кўрона-тақлид қилар эканмиз, бугунги янгича цивилизация даврини бошдан кечираётган Европанинг асл башарасини ҳам билиб қўйишимиз фойдадан холи бўлмайди.

### **ГЕРМАНИЯ**

Куйи Саксониянинг Хилдесхайм епископлигидаги черков тармоғини 53 донага камайтириш ҳақида қарор қабул қилинди. Аввалига 80 тага камайтирмоқчи эдилар. Лекин “худонинг байтларини” учдан бирга камайтиришга аранг рози бўлишди. Умуман олганда, Германияда яна юзлаб черковлар ёпилиш арафасида турибди. Булар нафақат католик черковлари, балки рўйхатда лютеран черковлари ҳам бор. Сабаб эса битта: номи келтирилган конфессияларга эргашувчилар сони шиддат билан камайиб бормоқда.

Немислар юртида жинсий бузуқлик одатий ҳолга айланиб бўлди. Бу ерда гомосексуализмга

нормал жинсий муносабат сифатида қаралади. Гамбургнинг собиқ ҳокими ва Берлин ҳокими очикчасига гомосексуаллар тоифасига мансуб эканини тан олган.

Германиялик аксар ота-оналар 14-15 ёшли фарзандларининг жинсий алоқа билан шуғулланаётганидан эмас, балки улар ҳомиладан сақланиш ҳамда таносил (венерик) касалликлар ҳақида етарли тушунчаси йўқлигидан ташвишланади. У ердаги мактабларда жинсий муносабатлар ҳақида таълим бериш, ўргатиш йўлга қўйилган. Унга кўра, гомосексуализм ҳам нормал жинсий муносабатлар қаторига киритилган.

Немисларнинг Сальцкоттен шаҳрида келиб чиқиши руслардан бўлган саккиз оила бошланғич мактаблардаги жинсий тарбия деб аталувчи мажбурий дарсларга ўз фарзандларини юборишмаган. Бу ишлари учун улар жуда катта миқдорда жаримага тортилган. Бироқ бу чора ҳам фойда бермаганидан кейин мазкур оила бошлиқлари қамоқ жазосига ҳукм қилинган.

Германияда булимия, яъни очофатлик касалига чалинганлар сони миллионга етди. Мазкур мамлакатда семиришнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши маҳаллий крематорийларнинг хавфсизлиги билан боғлиқ бир қанча муаммоларни келтириб чиқарди. Жуда катта жасадларнинг куйдирилиши крематорийларда ёнғин хавфсизлигини назоратдан чиқарди ҳамда атроф-муҳитни ифлослантириш масаласини кўндаланг қилиб қўйди.

## **НИДЕРЛАНДИЯ**

Нидерландия 2002 йилда эвтоназияни қонунийлаштирган биринчи мамлакат ҳисобланади.

Ушандан бери йилига уч мингдан кўп одам бу ҳуқуқдан фойдаланиб келмоқда. 2012 йилнинг баҳоридан бошлаб Нидерландияда моҳир шифокор бошчилигида махсус гуруҳ ўз фаолиятини бошлади. Энди мазкур гуруҳни уйга чақириб, эвтаназия қилдириш имконияти пайдо бўлди.

Нидерландиянинг Амстердам, Роттердам, Гаага, Утрехт ва бошқа йирик шаҳарларида наша (марихуана), алаҳлаш (галлюцинация)ни келтириб чиқарадиган кўзиқоринлар ва бошқа енгилроқ гиёҳванд моддаларни сотишга расмий рухсатномаси бўлган кофе-шоплар ҳаддан ташқари кўп. Рухсатномага эга кофе-шоплар ташкилоти оғир гиёҳванд моддаларга ўрганганларни енгил наркотиклар ёрдамида касалликдан халос қилишни ваз қилиб кўрсатадилар. Лекин гиёҳвандликдан даволаш маркази ходимларининг таъкидлашича, героин истеъмол қилувчиларнинг даволанишга келган 90 фоизи ўзларининг зарарли одатларини “оддий ўт”лар чекишдан бошлаган экан.

2011 йили Нидерландиянинг BNN телеканалида намоёиш қилинган “Proefkonijnen” телешоусининг бошловчилари Денис Сторм ва Валерио Зено бир-бирининг гўштини еди. Йўқ, буни кўчма маънода айтмаяпмиз. Телекўрсатувдан биров олдин махсус жароҳлик амалиёти ўтказилган бўлиб, операция чоғида улардан гўшт парчалари кесиб олинган. Кўрсатув чоғида улар ўша гўштни пишириб еганлар.

BBC News томонидан берилган хабарга кўра, Нидерландияда педофиллар ҳуқуқини ҳимоя қилувчи сиёсий партия рўйхатдан ўтган. “Раҳмдиллик, эркинлик ва ранг-баранглик” дея номланган партия жинсий муносабатлар учун рухсат этил-



ган 16 ёшни 12 ёшга тушириш учун курашмоқчи экан. Улар ҳайвонлар билан (зоофилия) жинсий муносабатлар ҳамда болалар порнографиясини ҳам қонунийлаштириш ниятида.

### **БРИТАНИЯ**

Британияда ҳам черковлар ёпилмоқда. Эндиликда яқиндагина ибодат қилинган маконлар урнида шопинг-марказлар ва ҳатто барлар очилмоқда.

Бирлашган Қироллик ҳукумати компаниялар ишчи-ходимларининг очиқчасига хоч тақиб юришини тақиқловчи ва бундай хатти-ҳаракатлар учун уларни ишдан ҳайдаш кераклиги ҳақидаги таклифни ҳам қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга, уша ҳукумат болалар учун Швейцарияда ишлаб чиқарилган презерватив савдосига рухсат берди. Британияда ёш қизлар саломатлиги ҳақида қайғуриш унутилгани йўқ. Оксфордширлик талаба қизлар SMS хабарлари ёрдамида контрацепция (ҳомиланинг олдини олиш) воситаларини буюртма қилиш имкониятига эга бўлишган (гап турмушга чиқмаган қизлар ҳақида бормоқда – муаллиф). Махсус таблеткаларни ёш қизларга мактабдаги ҳамширалар етказиб беради. Бундай замонавий буюртма хизматидан ўқувчи қизлар 11 ёшга тўлган вақтидан фойдаланиши мумкин. Ушбу дастур маҳаллий маъмурият ҳамда Биринчи тиббий ёрдам фондининг ҳудудий бўлими томонидан ишлаб чиқилган.

### **НОРВЕГИЯ**

Норвегияда ахлоқ даражаси мавжуд барча чегаралардан ҳам тубанроқ ҳолатга келиб бўлди. Айни пайтга келиб, жинсий бузуқлар парадларида бо-

лалар ҳам фаол иштирок этмоқда. Уларнинг қўл-ларида гомосексуализм ва бир жинсли никоҳларни тарғиб қилувчи баннер ва махсус байроқларни ҳам кўриш мумкин. Лут қавмига эргашувчиларнинг парадлари бу мамлакатда жамоат ва шаҳарнинг умумий байрамлари қаторига кириб бўлди.

Ота-оналар ва болаларнинг хатти-ҳаракатлари ювенал адлия идоралари томонидан тўлиқ назоратга олинган. Асосий ғоя шундан иборатки, болаларни тарбия қилишда уларнинг биологик ота-оналари ҳеч қандай устуворликка эга бўлмаслиги керак. Ота-оналар ўз фарзандларини жазолагани, ҳатто ширинлик бергани учун ҳам бола улардан олиб қўйилиши мумкин. Болаларга бериладиган ширинлик миқдори қатъий назорат қилиниши керак. Норвегияда йиғлаш қонунан тақиқланган бўлиб, кўз ёшлари руҳий беқарорлик аломати ҳисобланади. Ювенал адлия сабабли ўз фарзандидан айрилган онанинг кўз ёшлари судда унинг руҳан беқарор ва ақлан заиф эканининг далили сифатида кўрилади ҳамда "айбини" янада оғирлашишига хизмат қилади.

### **ШВЕЦИЯ**

Швеция пойтахти Стокгольмда ўлганларнинг 90 фоизи кремация қилинади. Яъни куйдирилади. Маълумотларга қараганда, куйдирилган жасад кулларининг 45 фоизини яқин қариндошлари ҳатто сўраб олишмас ҳам экан. Аксар ҳолатларда ҳеч қандай дафн маросими ҳам уюштирилмайди. Крематорий ходимларининг айнан кимнинг жасадини куйдираётганидан хабари ҳам бўлмайди. Шунчаки кул солиш учун мўлжалланган қутида рақам бўлади, холос. Иқтисодий нуқтаи назардан

ёндашганда жасадларни куйдирганда ҳосил бўладиган энергиядан шахарни иситиш тизимида ёки ўзининг шахсий уйини иситиш учун фойдаланилади.

2010 йили ташкилот ходимлари Стокгольмнинг Содермалъм районида болаларга мурожаат қилганда ишлатиладиган (жинсларни фарқ қиладиган) шведча "han" (бола) ва "hon" (қиз) сўзлари ўрнига анъанавий тилда мавжуд бўлмаган, бироқ гомосексуалар орасида ишлатиладиган "hen" сўзини муомалага киритдилар. Швеция Жинсий тенглик ассоциацияси (RFSL) томонидан берилган маълумотларга кўра, мазкур мамлакатда 40 мингдан ошиқ болаларнинг отаси гомосексуаллар экан.

1998 йили фотограф Элизабет Олсоннинг Исо Масих ва ҳаворийларни гомосексуал қилиб тасвирлаган суратлари Швецияда анча шов-шувга сабаб бўлганди. Уша кўргазма табиий равишда гомосексуаллар орасида катта шуҳрат қозонганди. Ушбу кўргазма лютеран черковида ўтказилган.

2003-2004 йиллар оралиғида пастор Ока Грин чиқишларининг бирида гомосексуал алоқаларни қоралаб, уни гуноҳ деб айтди. "Жинсий озчиликни беҳурмат қилганис учун маҳкама уни бир неча ой муддатга қамоққа ҳукм қилди.

2009 йили лесбиян эканини очиқчасига тан олган Эва Брунне Стокгольм епархиясининг епископи лавозимига сайланди.

Ғарбий Европанинг ёшлар ҳуқуқини муҳофаза қилиш (ювенал) тизими оилани барбод ва вайрон этадиган идорага айланиб қолди. Мисол учун, Швецияда ҳар йили ўртача 12 минг нафар бола ўз ота-онасидан тортиб олинади. "Тарбияда йул

қўйилган хато”, “ота-оналарнинг ақлий нуқсони борлиги”, ҳаттоки “ошириб юборилган васийлик” ҳам бунга баҳона бўлиши мумкин. 1979 йилдан бошлаб бу мамлакатда болаларни жисмоний жазолаш мутлақо тақиқланган. Ота-оналар ўз фарзандларини туртиб қўйиши, қулоғидан чўзиши ёки уларга баланд оҳангда гапириши асло мумкин эмас. Акс ҳолда, бунинг учун жазоланиши мумкин. Болани жазоласангиз 10 йилгача қамалиб кетишингиз эҳтимоли мавжуд. Боғча ёшидан бошлаб болалар ўз ҳуқуқлари тўғрисида батафсил маълумот олишни бошлайдилар ва уларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда, ўзлари полицияга хабар беришлари зарурлигини англайдилар. Бундай ҳуқуқдан уларнинг кўпчилиги мамнуният билан фойдаланиб келмоқда. Бола ва ота-она манфаатларида зиддият кузатилган ҳолда давлат ҳамиша боланинг ёнини олади.

### **ДАНИЯ**

Бечораҳол даниялик аёлларни аборт қилишга мажбурлашади, агар итоат қилишмаса, қарамоғидаги бошқа фарзандини ҳам олиб қўйиш билан таҳдид қилишади: “Ижтимоий соҳа ходимининг менга айтишича, агар қизим мен билан қолишни истасам, кейинги фарзандимни аборт қилишга мажбур эканман”, деди ёш бир аёл “Соренһаген Post” нашрига берган интервьусида.

Ижтимоий хизмат раҳбари Петер Брюгге қўл остида ишлайдиган ходимининг тарафини олиб, аборт билан “қўрқитишга” унинг ҳаққи борлигини айтди. “...Агар улар яна бир фарзанд кўришни истасалар, бунинг оқибатини ҳам ўйлаб кўришлари керак бўлади”, дея огоҳлантирди у.

Данияда истаган одам ўз жинсий фантазиясини амалга ошириши учун одатий фоҳишахоналар билан бир қаторда отлар ёки бошқа ҳайвонлар воситасида шаҳватини қондириш масканлари ҳам “хизмат” қилиб турибди.

Бунга ўхшаш “хизматлар” Норвегия, Германия, Нидерландия ва Швеция каби мамлакатларда ҳам кенг тарқалган. Қандайдир ёмон бир нарса рўй бермагунича, яъни одамлар ёки ҳайвонлар бу нарсалардан қандайдир жабр кўрмагунларича, мазкур мамлакатлар ҳукуматлари бунга ўхшаш қабих “хизмат турларини” тақиқлаш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасалар керак...

Буюк Антоний: “Шундай вақтлар келадикки, одамлар ақлларини еб қўйишади ва қачонки ақлини еб қўймаган одамни учратсалар, унга қарши чиқишади ҳамда унга “сен ақлингни еб қўйибсан”, деб айтишади. Чунки у уларга ўхшамаган бўлади”, деган эди.

Жаҳаннам – муҳаббат йўқ жойдир. Ўлган қариндошларининг жасадини куйдириш эвазига уйини иситаётган, ибодатхоналарини фоҳишахонага айлантирган, шаҳвоний бузуқликларни қонунийлаштираётган ҳамда фарзандларини ота-онасидан маҳрум қилаётган шаҳар ва мамлакатларни қандай ном билан аташ мумкин?

Худодан юз ўгириб, “бойлик”, “шаҳват” ва “фаровонлик” деб аталган бутларга сиғиниш ҳамда шу нарсаларга мурожаат қилиш натижасида Ғарб жамияти маънавий инқироз ботқоғига ғарқ бўлмоқда.

## **РОССИЯ**

Бугун Россияда ҳам Ғарб учун аллақачон одатий ҳисобланган ақлсизликнинг турли унсурла-

ри тарғиб қилинмоқда. Бироқ ушбу давлатда ҳали ҳам Ғарбнинг шайтоний амалларига қаршилиқ қилувчилар бор. Яъни, қандайдир қабих гуноҳ қонуний тарафдан тақиқланмаган бўлса ҳам, бу ерда ҳали бери қайсидир гуноҳ иш солиҳлик номини олгани йўқ. Агар кимдир айнаган бўлса, у – ё жосус, ё – сотқин, ё бўлмаса ўтган асрнинг 90-йилларида Финляндиянинг қайсидир бир чеккасида сотиб олган “яшил кўзойнагини” ечиб қўйишни унутган нусхадир.

### ***Ҳаёнинг йўқлиги — шизофрения аломати ҳисобланади***

Бизнинг жамиятда психиатрик белгилар, яъни айнан психиатрия соҳасига тааллуқли бўлган белгилар мода эталони сифатида тарғиб қилинмоқда. Демографик хавфсизлик жамоатчилик институти директори Ирина Медведева айнан шундай деб ҳисоблайди.

Психиатрик бузилиш ахлоқнинг ўзгаришига, ахлоқий бузилиш эса руҳий деформацияга олиб келади.

Ирина Медведеванинг фикрича, айна шу ўзгаришлар сабаб, россияликлар сунъий равишда психик зарарланмоқда. Бу баъзи ҳолларда “сексуал уйғотиш” деб ҳам аталмоқда. Таклиф қилинаётган нарса бир қарашда бошқача бўлиб, унинг “инсонпарварлик” ниқоби остида тамоман ўзга ғоялар тарғиб қилинмоқда.

Эътибор берадиган бўлсак, ҳозирги кунда кийинишда ҳам пала-партишлик кузатилмоқда. Мисол учун – сочи ювмай юриш, йиртиқ жинсилар, пальтолар ёки ўғил болаларнинг турли беухшов узунликдаги кўйлаклари, уларнинг нотўғри тугмаларга қадалиши ҳам урфга кирган. Энг ачинарлиси шундаки, психиатрик касалхоналардаги ка-

саллик варақасида “бемор тартиблилиги” деган пункт мавжуд бўлиб, агар бемор унга мувофиқ кўринишга эга бўлмаса (пала-партиш, тартибсиз кийинса), унда жуда оғир психик бузилиш бор деб ҳисобланади.

Масалан, кўплаб жангари ва триллер филмларнинг қаҳрамонларини олинг – улар ғайритабиий кучга эга бўлиб, ўз муаммоларини йўлдаги барча жонли ва жонсиз нарсаларни қулатиш ҳамда йўқ қилиш орқали ҳал этади. Бундай ҳолат психиатрияда “гипоид шизофрения” деб аталиб, унда ўсмирларга хос патологик ваҳшийлик қалбнинг патологик ноқислиги билан боғланиб кетади. Яъни патологик жиҳатдан ҳиссий бефарқлик рўй беради”, деб таъкидлайди Медведева.

Психиатрия нуқтаи назаридан олиб қараганда, ҳаёнинг йўқолиши нимани англатади? Ирина Медведеванинг фикрига кўра, “бу нафақат вуайеризм (ТВ орқали ўзгалар ётоғини намойиш этиш) каби турли беҳаёликлардан иборат турмуш тарзини тиқиштириш, балки сексопатологик оғишларни ҳам кенг тарғиб қилишдан иборат. Сексопатология эса психопатологиянинг бир қисмидир”. Аммо ҳаё пардасининг кўтарилишидаги энг асосий омил бу – ёшларга хавфсиз жинсий алоқалар ҳақида гапира туриб, уларни жинсий мойиллигини қониқтиришга ундаш ва шу йўл билан соғлом руҳият шаклланиши учун энг муҳим жиҳатлардан бири саналган оила-никоҳ муносабатларининг қадрини пасайтириш бўлиб қолмоқда. Агар мазкур қадриятлар сақланиб қолинмаса, инсон психикаси ўта оғриқли бузилишларга дуч келиши турган гап. Хусусан, бунинг оқибатида бутун жамият ақлий таназзул – деградацияга юз тутаяди.

## РАЗОЛАТ ХАВФИ

Парижда бир ой муқаддам мамлакат парламенти томонидан қабул қилинган ҳамда Франция президенти тасдиқлаган “бир жинсли никоҳларга рухсат берувчи қонун”га қарши халқнинг аксарият табақасини бирлаштирган катта намойиш бўлиб ўтди. Ҳукумат расмийлари норозилик намойишларидан чўчиганидан унда иштирок этган одамларнинг асл сонини яшириб, уларни 150 мингдан ошмади, демоқда. Хориж ОАВ тарқатган маълумотларга кўра, аслида бошқачароқ бўлган. Яъни, Париж кўчаларида норозилик намойишда иштирок этганлар сони бир миллион кишига етган.

Франция Европа мамлакатлари орасида бир жинсли никоҳга рухсат берувчи қонунни кучли қаршиликлар билан кутиб олган ягона давлат бўлиб турибди. У ўзида жуда куп сиёсий ва диний ҳаракатларни жам қилди. Католик черковининг фаоли ҳисобланган Фрижид Барио бошчилик қилаётган “Барча учун маниф” ушбу норозилик ҳаракатининг асосий ташкилий кучи бўлди. 2012 йилнинг 17 ноябридан бошлаб, Францияда анъанавий оила тарафдорлари оммавий равишда намойишлар уюштириб келмоқда. 2013 йилнинг 24 март куни ўтказилган шундай намойишларнинг бирида 1,4 миллион одам иштирок этган. Кузатувчиларнинг таъкидлашича, ушбу намойишлар одамлар сони бўйича 1968 йилги май инқилоби ташкил қилинган намойишлардан кейинги ўринга чиққан. Ҳозир анаъанавий оила ва миллий қадрият тарафдори бўлган франциялик



фаоллар кенг миқийёсда ташкилий ишларни бошлаб юборган. Улар яқинда бўлиб ўтадиган муниципал сайловларга ҳозирлик кўришмоқда.

Агар воқеаларга холис ёндашсак, кураш шунчалик шиддатли тус олган бўлмасин, ҳозирча мавжуд қарорни ўзгартиришга таъсир қила олмаслиги аниқ. Буни тушуниб етган машхур француз ёзувчиси Доминик Веннер 2013 йилнинг 21 май куни ўз жонига қасд қилиш орқали инсоният тамаддунининг асосларига ҳамла қилаётганларнинг ухлаб ётган “виждон”ларини уйғотмоқчи бўлди. Бироқ бу масала юзасидан қандайдир қарор қабул қилиш фақат франциялик сиёсатчиларга боғлиқ эмас. Чунки бошқарув дастаги Евроиттифоқнинг юқори қаватларида жойлашган.

Бугун ғарбда бесоқолбозлик қудратли ҳамда катта сиёсий кучга айланиб улгурди. У кун сайин агрессив (тажовузкорона) кўринишга эга бўлиб бормоқда. Ўзининг жирканч амалларини жамиятнинг турли қатламларига мажбуран сингдиришга журъат этмоқда. Бесоқолбозлар мафиясининг жаҳон сиёсати чўққисига чиқиши аста-секинлик билан амалга ошди. Узоқ вақт давомида уларнинг сонини оз деб билиб, хафв туғдириши мумкин бўлмаганлар рўйхатига киритилди. Натижада мазкур мафия катта уддабуронлик билан турли хил тармоқларни ташкил қилиб, жаҳон саҳнасига чиқиб олди. Энди “жинсий озчилик” атамаси “жинсий кўпчиликка” айланиб, бошқаларга ўзиникини мажбуран ўтказишга тушди.

Рим империясида насронийлар салтанати ўрнашиб қолганидан то XIX асргача Ғарбда бесоқолбозлик нотабий, жирканч шахвоний амал ҳисобланиб келинаётганди. Шу билан бирга, фуқаролик қонуни ҳам ушбу ишни жиноят деб

билар, буни содир қилганларга жазо тайин эди. XIX аср охирларида бу жиркач жиноятга бўлган муносабат ўзгара бошлади. Жазога лойиқ бўлган бу амал энди руҳий хасталик, дейиладиган бўлган. 60-йилларда “жинсий инқилоб” бошланиши билан ҳолат тубдан (радикал тарзда) ўзгара бошлади. Натижада ЛББТлар (лесби, баччабозлар, биосексул ва трансгендер) уюшмаси ташкил қилинди. Улар ўзларини алоҳида дунёқарашга эга эканини ва янги пайдо бўлган суб маданият вакиллари дея таништира бошлашди. Уларнинг таъсирида 1973 йили Америка психиатрия ассоциацияси, 1990 йили эса Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бесоқолбозликни руҳий хасталиклар рўйхатидан ўчириб ташлади.

Бошқача қилиб айтганда, разолат, ахлоқий бузуқлик, жирканч ва фаҳш ишлар қонунлаштирилди ҳамда булар яшаш тарзининг “муқобил” варианты сифатида кўрила бошланди. Дарвозаларланг очилди ва патология Ғарбда шиддат билан тарқала бошлади. “ЛББТ уюшмаси” ўз олдида барча мамлакат қонунчилигида “бесоқолбозликни патология ёки руҳий оғиш” эмаслигини уқтиришни мақсад қилиб қўйди. Бу билан бир вақтнинг ўзида бесоқолбозлик учун белгиланган жазони бекор қилиш жараёни ҳам давом этмоқда. Энди Африка ва Осиёнинг баъзи мамлакатларидагина бу жиноятга жазо борлигини учратиш мумкин, холос. Россияда шу мазмундаги модда 1999 йили бекор қилинди.

Ўтган асрнинг 90 йилларда бесоқолбозлар орасидан ҳам радикал кайфиятдаги гуруҳлар отилиб чиқа бошлади. Улар узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқиб, жинслар орасидаги та-

бий булган фарқи йўқ қилишга урнишга киришиди. Эрақ ва аёл ўртасидаги биологик фарқлар билан боғлиқ барча нарсалар афсона деб эълон қилинди. Гетеросексуаллик эса ахлоқнинг (юриш-туришнинг) бир тури холос, деб уқтирилди. Уларнинг айтишича, гўёки “ижтимоий жинс” (гендер) инсоннинг ўзи тарафидан танланиши ҳамда исталган вақтида алмаштириб олиши мумкин эмиш. Бу тезиснинг тарғиботи “гендер ўхшашлик” деб атала бошланди.

“ЛББТ уюшмаси”да устун бўлиб олган радикал бесоқолбозлар инсонни жинсдан “озод” этиш учун жаҳон жинсий инқилобини амалга оширишга киришиб кетди. Улар “гендер” ва “гендер ўхшашлик” тушунчасини нафақат ижтимоий, балки ҳуқуқий соҳаларда “жинсий ориентация” номи билан ўзлари бунёд қилаётган янги жаҳон тартибининг бир элементи сифатида сингдиришди.

Бу ўз навбатида жамиятда барқарор бўлиб турган муносабатларни оммавий равишда бузилишига, вайрон қилинишига замин яратди. Гап шундаки, “жинсий ориентация” сўзи бесоқолбозлар учун ниқоб вазифасини утамоқда. Халқаро ҳамда миллий қонун ҳужжатларнинг бирортасида ҳам бу сўзга аниқ изоҳ берилмаган. Бу сўз билан ҳар қандай жинсий ориентацияни тушуниш мумкин бўлиб қолган. Яъни, бугунги кунда жиноят деб баҳоланадиган, бироқ тарафлар розилиги бўлган ҳар қандай жинсий алоқа қонуний деб қаралиши мумкин. Бу полигамия, полиандрия (кўп эрлик), жинсий алоқада кўп шериклик, биосексуаллик, инцест (қариндошлар орасидаги жинсий алоқалар) ҳамда педофилия ва зоофилияга (табиат ҳимоячиларининг уюшқоқлиги туфайли унга

кейинроқ рухсат берилса керак) ҳам тегишлидир. Энди ҳамма нарса жамиятнинг юқорисида турганларнинг “замонавийлашиш” даражасига боғлиқ бўлиб қолди.

Гомосексуализмнинг оқланиши (реабилитация қилиниши) бесоқолбозларнинг янада жипслашишига туртки бўлди. Бесоқолбоз ва шуларга ўхшаш бузғунчи разил тоифалар легетим бўлишдан қониқмай, ўзларининг дунёқараш ва яшаш тарзини тарғиб қилиш имкониятини берувчи алоҳида мақом ҳамда махсус ҳуқуқларни талаб қилиб чиқа бошлашди. Ҳозирги кунда юридик ҳужжатларда ишлатиладиган “жинсий озчилик” тушунчасини улар энди таҳқирлашга қарши бўлган (антидискриминацион) қонунларда ишлатилишини талаб қила бошлашди. Ҳатто, “жинсий озчилик” ҳақида алоҳида қонунларни қабул қилиниши ҳамда “жинсий ориентация ва гендер ўхшашлик” ҳақидаги тушунчаларни мамлакат конституцияларида ҳам акс этилишини талаб қилишмоқда.

“ЛББТ уюшмаси” халқаро ташкилотларда катта таъсирга эга лоббини шакллантириб, 1993 йил гомосексуал ва лесбилар халқаро ассоциацияси БМТда ўз вакилига эга бўлди. Мазкур йилда қочқинлар иши бўйича БМТнинг олий комиссари ўз ҳужжатларида бесоқолбозларни “ўзига хос ижтимоий гуруҳ” деб атай бошлади. 1995 йили эса БМТ жинсий озчилик ҳуқуқларини паймол қилинишини инсон ҳуқуқларининг поймол қилинишининг тури сифатида рўйхатга киритди.

Европа Иттифоқи изчил ва муросасиз равишда бузуқларнинг ҳимоячисига айланди. 1997 йили Амстердам янги шартномасига ўзгартириш киритилди. Унга кўра, Европа Иттифоқи жинсий ориентация дискриминацияси бўйича аёвсиз

кураш олиб бориш ҳуқуқига эга бўлди. 2000 йили қабул қилинган Европа Иттифоқи фуқароларининг асосий ҳуқуқлари партиясида бундай дискриминацияга тақиқ қўйилди. 2006 йили эса Европа Иттифоқи “Европадаги гомофобия ҳақида” резолюциясини қабул қилди. Унда айтилишича, бесоқолбозлар ва уларга ўхшаган ифлосларнинг қарашларини қабул қилмаслик, яъни бесоқолбозлар ва гейлар, биосексуал ва трансвеститларга бўлган нафрат ирқчилик, ксенофобия, антисемитизм ва сексизм билан тенглаштирилди. Уларни таъқиб қилиш ва ўлдиришдан ташқари уларга нисбатан нафрат руҳидаги гап-сузлар, уларнинг устидан кулиш ёки суз билан ҳақорат қилиш ҳам энди гомофобиянинг бир кўриниши ҳисоблана бошлади. Ҳолат шу даражага етдики, баъзи мутахассислар гомофобияни ирқчилик каби “шахснинг тоқат қилиб бўлмайдиган касаллиги” деб баҳолашни таклиф қилишмоқда. Агар аҳвол шу тарзда давом этса, яқин келажакда гей ва лесбиларни ёмон кўрувчиларни руҳий касаллар шифохонасига олиб боришлари ҳам мумкин бўлиб қолади.

Жирканч бузуқлар бор эътиборини бир жинсли никоҳ тарғиботига қаратишмоқда. Агар улар бунга муваффақ бўлишса, ўзларига ўхшаганларни тарбиялашга замин яратган бўлади. Бу шармандаликни Европа Иттифоқи ва Европа кенгаши жон-жаҳди билан тарғиб ва ҳимоя қилмоқда. Улар ўзларининг манфур мақсадларига етиш учун мавжуд юридик имкониятлардан фойдаланган ҳолда кескин сиёсий йўлни тутганлар.

Сўнгги 20 йил ичида Европа парламенти бесоқолбозлар орасидаги муносабатларни қонуний деб тан олиниши ва уларга бола боқиб олиш,

тарбиялашга рухсат берувчи туркум резолюцияларни қабул қилди. Бу борада Европа Кенгаши Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди жинсий ориентация борасида камситилиш мумкин эмас, деб чиқди. Бир жинсли ва бир жинсли бўлмаган жуфтлар орасидаги фарқни оқлаш учун жиддий сабаб ҳам керак эди. Европа суд маҳкамаси бу масалаларга баҳо бериши учун мамлакатнинг ўзларига ҳеч қандай имконият қолдиргани йўқ. Шунга ўхшаш қўллаб-қувватловга эга бўлган “ЛББТ уюшмаси” бир жинсли никоҳларни тарғиб қила бошлади. Аввалида бу манфур ишларни “рўйхатга олинган шериклар”, дея бошлашди. Бугунга келиб 20 дан ошиқ мамлакатларда бу қоида жорий қилинди. Сўнг эса бу нарсани “никоҳ” деб атай бошлашди. Бу қабих нарса бугунги кунга келиб 15 та мамлакат, АҚШ ва Мексиканинг баъзи штатларида қонунлаштирилди. Ҳозирда бунга ўхшаш қонун лойиҳалари Люксембург, Непаль ва Парагвайда кўриб чиқилиш жараёнида турибди.

Турли мамлакатларда бундай сиёсат турлича қабул қилинмоқда. Баъзи жамиятлар ўта даражада манқуртлашиб, иммунитетини йўқотиб қўйган. Баъзиларида эса бундай ҳаракатлар қаттиқ қаршилиқларга учрамоқда. Биринчи мисол Швейцариядир. Бу мамлакатда “Рўйхатга олинган шериклар” ҳақидаги қонун бошқа федерал қонунларга ўхшаб референдум орқали кучга кирган. 2005 йили 5 июн куни Швейцария фуқароларининг 58 фоизи гомосексул жуфтларнинг бирга яхшаш ҳуқуқи бор, деб тан олишди. Иккинчи мисол эса Франциядир. Бу мамлакатда кураш энди қизғин паллага кириб бормоқда.

Унчалик фожиали тусда бўлмаса-да, бироқ бу масала Британия парламентида ҳам муҳокама қи-

линди. Буюк Британия мустақиллик партиясидан бўлган Европарламент депутаты Найжел Фаражнинг айтишича, аслида барча масалани Британия парламенти эмас, балки инсон ҳуқуқлари бўйича Европа суди ҳал қилади. Собиқ Бош вазир Давид Кэмерон ўз партияси ва халқ ирода-хоҳишига қарши ўлароқ, Страсбург кўрсатмасига биноан мазкур қонун лойиҳасини тикиштирди. Айтмоқчи, шунинг учун ҳам ушбу қонун лойиҳалари Франция ва Британияда бир вақтнинг ўзида муҳокамага қўйилди.

Нейжал Фараж Европа Иттифоқи 2010-2014 йиллар ичида Стокгольм дастури деб аталадиган Европа мамлакатлари ҳуқуқини унификация (бир хил қилиш) қилиш ҳақидаги режаси борлигини ҳам фош қилди (Фаражга кўра, ушбу дастур жорий йилнинг ноябрларида тасдиқланиши кутилмоқда). "Стокгольм дастури"га кўра, Европа Иттифоқида амалга оширилган ҳар қандай фуқаролар пакти ёки никоҳ бошқа аъзо-мамлакатларда ҳам қонуний ҳисобланиши керак. Яъни, гомосексуаллар жуфти ўз Ватанида никоҳдан ўта олмаса, улар Европа Иттифоқининг бошқа мамлакатада никоҳдан ўтиши мумкин эмиш ва бу уларнинг мамлакатада ҳам қонуний деб ҳисобланармиш.

Бугун "ривожланган" Европада бўлаётган нарсалар бутун инсоният учун намуна сифатида тақдим қилинмоқда. 2008 йилги молиявий-иқтисодий инқироз бошланиши билан глобал элита тарафидан "янги жаҳон тартиби"га эҳтиёж борлиги эълон қилинди. Сўнг бузуқ ва манфур кучлар ўз ҳуқуқларини янада мустаҳкамлаш борасида янги босқичларга чиқиб олдилар. Биринчидан, у бутун жаҳонни қамраб олди. Иккинчидан, бе-соқолбозлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш агрессив

тусга кирди. Гомофобия билан кураш баҳонасида анаънавий оила ва жамият қадриятларини сиқиб чиқарила бошлади.

2008 йили БМТ тарихида илк бора Франция, Нидерландия ва бошқа бир қатор мамлакатлар ташаббуси билан Бош ассамблеянинг 63-сессиясида жинсий ориентация ва гендер ўхшашлик йўналишида инсон ҳуқуқлари декларацияси қабул қилинди. БМТга аъзо давлатларнинг Учдан бир қисми мазкур декларацияни қўллаб-қувватлашди. Бугунга келиб, бу декларацияга 68 мамлакат имзо чеккан. Натижада ҳамма жойда бесоқолбозлар “ҳуқуқини” ҳимоя қилиш кучайтирилди. Бир жинсли никоҳни тан оладиган ва трансгендерлар тарафидан ўзлари истаган (танлаган) жинсни курсатувчи расмий ҳужжатлар олишни енгиллатувчи ҳамда гомофобия негизида содир этилаётган жиноятлар бўйича янги қонунлар қабул қилинди. Полиция, турма зобитлари, ижтимоий соҳа ишчилари ва бошқа шунга ўхшаган хизматчилар учун керакли дастурлар ишлаб чиқилди. Жуда кўп мактабларда ҳам шунга ўхшаш ташаббуслар амалга оширилди.

2011 йили 15 июн куни БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 17/19-сонли резолюциясини қабул қилди. Унга кўра, жинсий ориентация ёки гендер ўхшашликларига қарамасдан барча инсонлар тенгдир дейилган. ЖАР тарафидан тақдим қилинган матнни 39 та мамлакат қўллаб-қувватлади, 86 та мамлакат эса имзо чекиб, “инсон ҳуқуқларининг универсаллигини” тасдиқлашди. Шундан сўнг жинсий озчиликларга нисбатан камситилиш (дискриминация) амалиётлари бўйича БМТнинг расмий баёноти чиқди. Бу ҳужжатни



Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси тайёрлаб, 2012 йили март ойида муҳокамага қўйди. Бу БМТдаги ушбу мавзуга оид масаланинг илк бор муҳокама қилиниши эди.

2013 йил февралнинг-март ойларида гомофобияга қарши кураш учун умумий стратегия ва саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш борасида инсон ҳуқуқлари, жинсий ориентация ва гендер ухшашлик мавзуларида Бразилия, Непал ҳамда Францияда анжуманлар ўтказилди. Ослода 15-16 апрелда 86 мамлакатдан 200 вакил иштирок этган халқаро конференцияда қилинган ишлар натижаси, “ЛББТ уюшмаси” мавқеини кучайтириш борасида келажакда қилинадиган ишлар бўйича янги режалар ишлаб чиқилди.

Бесоқолбозлар мафияси саратон ўсимтаси каби жамиятнинг соғлом ҳужайраларини йўқ қилиб, уни ҳалокатга етакламоқда. Саратон касали билан мулоқотга киришилмайди ҳамда у билан муросага бориб ҳам бўлмайди. Бу масалалар бўйича яқин орада аниқ ва тиниқ бир фикрга келиб, керакли ҳуқуқий воситаларни ҳозирлаб, керак бўлса “жинсий бузуқлар” тажовузига (агрессиясига) янги сиёсий курашларга ҳам ҳозир бўлмоғимиз керак...

*“Фонд Стратегической Культуры”  
материаллари асосида тайёрланди*

## ОСИЁДА АЁЛ БЎЛИШ – ҲАЛОКАТЛИ НУҚСОНМИ?

БМТнинг 2010 йили баёнотига кўра, Хитой ва Ҳиндистон 85 миллион нафар аёл умрининг хазон бўлгани учун жавобгардир.

Исломдан аввалги Арабистон диёрларида ҳам аёлларнинг ҳолати жуда аянчли эди. Қиз бола туғилишини истамаган ота-оналар янги туғилган қизалоқларни ўлдирар эди. Фақат Ислом келганидан сўнггина аёлларнинг ҳолати яхши томонга ўзгарди ва уларнинг реал ҳақ-ҳуқуқлари пайдо бўлди.

Бугун Осиё мамлакатларида аянчли ҳолат кузатилмоқда: иқтисодий ривожланиш орқасидан жамиятда ота-оналар тарафидан ўз қизларини ўлдириш ҳоллари кўпайиб кетди. Мутахассислар бу кўринишлар модернизация оқибати эканини ишонч билан таъкидлашмоқда. Яъни, фақат истеъмолга мослашган жамиятда ахлоқнинг тубанлашуви ва шафқатсизликнинг ошиб кетиши ҳоллари кузатилади.

БМТ маълумотига кўра, Хитой ва Ҳиндистон ҳудудида сўнгги йилларда 85 миллион марта аборт қилинган. Мутахассисларга кўра, бундай суръат билан силжиётган дунё бу асрнинг ўзидаёқ ижтимоий зўравонлик ва урушларга дуч келиши мумкин.

“Қачондир Мита Хуранага тинчлик учун Нобел мукофоти берилар. У Ҳиндистонда ҳали туғилмаган қизларини ўлдирмоқчи дея айблаб, ўз эрини судга берган биринчи аёлдир. У жинсга кўра қотилликлар иқтисодий ҳисоб-китоб билан Осиё иқтисодий ўсиши ортидаги муаммога эътибор қа-

ратилишини истайди”, деб ёзади Георг Блуме Die Zeit нашрида чоп этилган мақоласида.

Журналистнинг айтишича, Мита Хурана Деҳлида яшайди ва шифокор бўлиб ишлайди. Эрининг оиласи ҳам шифокор ва у меросхўр ўғли бўлишини жуда истаган.

Хурана ҳомиласининг жинсини олдиндан билишни истамайди. Бунинг устига, ҳинд қонунларига кўра жинсни аниқлаш тақиқланади. Эрининг оиласи уни гинекологга кўринишга мажбур қилишди. Ҳомила эгиз қизлар экани маълум бўлгач, эри ва қайнонаси уни аборт қилишга мажбурламоқчи бўлишди. Уни бир хонага қамаб қўйишди, таом беришмади ва ҳатто эри ҳомилани тушириш учун ўз аёлини бир икки марта зинапоядан итариб ҳам юборди. “Хурана ўз ота-онасиникига қочиб, улардан қутулди ва эгиз қизларни туғиб олди. Икки йил ўтгач, у судга арз қилди”, дейди муаллиф.

Полицияда эри билан муаммоси бор аёллар кўпинча жинсий зўрланишга учрайди, деб унинг онасини огоҳлантириб қўйишди. Аризасини қайтариб олиши учун суд унга пул ҳам таклиф қилди. Бошқа бир суд эса эрига болалари билан учрашиб туришга рухсат берди. Бироқ Хурана: “Агар ўқимишли аёл, унинг устига шифокор бўлиб босимларга бардош бера олмаса, унда ким бардош бера олади”, деб ўйлади ва таслим бўлмади.

“Туғруқдан кейин Хуранани ота-онаси ва нодавлат ташкилот қўллаб-қувватлаб турди. Аммо жуда кўп қариндошлари, ҳамкасблари ва дўстлари ундан юз ўгирди. У тўрт йилдан бери суд бошланишини кутмоқда”, дейди мақола муаллифи.

Болалар ҳуқуқлари бўйича Ҳиндистон миллий қўмитаси бошлиғи Шанта Синханинг сўзлари-

га кўра: “Туғилажак қизчани ўлдириш сабаблари ўта замонавий сабабларга боғлиқ, десак ҳам бўлади. Масалан, одамлар катта тўй-томоша қилишни ва қимматбаҳо совға-саломлар олишга сабаб бўладиган мағрур ўғиллари бўлишини исташади. Иқтисодий жиҳатдан фақат чиқимга сабаб бўладиган қизлар эса бу истакнинг айнан тескари кўриниши ҳисобланади. Инсон ҳаётига бўлган муносабат салбий томонга кескин ўзгарди, бу эса фақат модернизациянинг таъсири бўлиши мумкин.”

Муаллифнинг сўзларига кўра, “Қизларни ўлдириш (бу “гендерцид” ёки “фемцид” деб ҳам аталади) патриархал замонлардан қолган мерос эмас, балки истеъмолчи жамиятда ахлоқнинг бузилишининг оқибатидир”, дейди муаллиф.

Жамиятшуносларнинг фикрига кўра, аёлларнинг етишмаслиги келажакда ижтимоий зўровонлик ва урушларга сабаб бўлиши эҳтимоли бор. Авваллари иқтисодий ривожланиш ва таълим даражасининг юқори бўлиши жамиятни зўравонликдан халос қилади, деб ҳисобланган.

Аёл ва қизларга зулм қилинишига Жанубий Хитой ёки Шимолий Ҳиндистонга ўхшаш эски патриархал жамиятлар мисол бўлиши мумкин эди. Бироқ зўравонликлар айна пайтда Осиё жамиятининг ўртасида содир бўлмоқда. Ва бу ҳолат модернизация билан ёнма-ён қадам босиб бормоқда.

“Хитойда бутун мамлакат бўйлаб ва биринчи навбатда ривожланаётган қирғоқ бўйи ҳудудларида аёллар сони кескин тарзда пасайиб кетган. Бунга асосий сабаб – “бир фарзанд сиёсати”нинг расман давом этишидир. Ҳиндистонда ҳам аҳвол шу сценарий асосида кетмоқда. Янги асрнинг бо-

шидан бой жанубда, катта шаҳарларда ва ҳатто либерал саналган Карала штатида аёллар камайиб кетиши кўзга ташланмоқда”, деб ёзади муаллиф.

“Жинсига кўра қотилликка қарши ҳамма ҳам курашавермайди”, дея бу борада ҳам ўз фикрини билдиради Блуме.

У Харян штатининг соғлиқни сақлаш бўлими собиқ раҳбари Дипака Дахияни мисол қилиб келтиради. 1996 йили эмбрион жинсини аниқлашни тақиқловчи қонун эълон қилинганидан сўнг Дахияга УЗИ қиладиган шифокорларни топиб, маҳкамага тортиш мажбурияти юклатилди.

“2001-2005 йиллар орасида Харянда 30 шифокор маҳкамага тортилди, 20 нафари эса бир неча йилга қамоқ жазосига ҳукм қилинди”, деб хабар қилади муаллиф. Бироқ, унинг сўзларига кўра, Дахия нафақага чиққанидан сўнг Ҳиндистонда битта бўлса ҳам шифокор жинсни олдиндан айтиб бергани учун ҳибсга олинмаган. “Хитой ва Ҳиндистон шифокорлари учун аввало аборт ҳар йили миллион доллар даромад келтирувчи бизнесдир”, деб ёзади муаллиф.

Сўнгги йилларда General Electric ва Siemens Хитой ва Ҳиндистонда Ғарбдаги ускуналардан анча арзон УЗИ жиҳозининг янги турларини ишлаб чиқишди.

“Ғарб сиёсатчилари доимий равишда Хитой ёки Ҳиндистонга бориб турадилар. Айниқса, Пекинга бориб бармоқлари билан таҳдид қилиб, инсон ҳуқуқларини эслатадилар. Бироқ, шу кунгача ҳеч ким жинсига кўра ўлдирилган бир неча миллион қотилликларни танқид қилишга журъат қилиб кўрмади”, дейилади мақолада. Бунинг сабаблари-

дан бири – Деҳли ва Пекиннинг ўзларини бунга қарши чоралар кўраётганидек кўрсатишидир.

“Иккала ҳукумат ҳам ўтган ўн йил ичида маърифий дастурларни қабул қилган. Жинсига кўра ўлдирилишга ва эмбрион жинсини аниқлаш учун қонун ва катта жарима чиқарилди. Аммо булардан фойда йўқ. Бу биринчи навбатда сиёсий ирода йўқлигидан”, деб ёзади Блуме. “Бироқ Пекин политбюроси бошқача йўл тутса ҳам бўлади. Бир пайтлар бош вазир Вэнь Цзябао СПИД билан курашиш ахборот кампаниясини ўз қўлига олган эди. У касал ва беморларни олдига ҳол-аҳвол сўраб бориб турган. Бу оммага яхши таъсир кўрсатганди. Аммо Политбюро катталари ҳали туғилмаган қизлар учун бунга ўхшаш нарсани ҳозирча қилишганича йўқ”.

## ЖИНСИЙ ЗҶУРАВОНЛИК АВЖ ОЛГАН МАМЛАКАТЛАР

Охирги пайтларда хотин-қизлар жуда катта миқёсда жисмоний ва жинсий зўравонликка дучор бўлмоқдалар. Бу аҳоли орасидаги хотин-қизларнинг 36 фоизини ташкил этади.

Ушбу мақолада хотин-қизларга энг кўп жисмоний ва жинсий зўравонлик қайд этган ўн та давлат билан танишасиз. Ачинарлиси, бу рўйхатда дунёнинг ривожланган давлатларидан АҚШ, Швеция, Канада ва Буюк Британия ҳам бор.

Мисол учун, АҚШда 12 ёшдан 16 ёшда бўлган қизларнинг 83 фоизи турли зўравонликларга дучор бўладилар. Шу жумладан, жисмоний зўравонликларга ҳам. Англияда эса 16 ёшдан 59 ёшгача бўлган хотин-қизнинг бештадан биттаси худди ана шундай зўравонликка дуч келади.

### *10. Дания ва Финляндия*

Европада ҳар учта аёлдан биттаси турли зўравонликларга дучор бўлади. Шулардан беш фоизи жисмоний зўрлаш ҳисобланади.

Европа Иттифоқи агентлигининг Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамоаси томонидан Финляндияда хотин-қизлар ўртасида ўтказилган сўровномада шу нарса маълум бўлдики, унда қатнашган ожизаларнинг 47 фоизи турли хил зўравонликларга, шу жумладан, жинсий зўравонликка ҳам дучор бўлишган. Бу кўрсаткич Данияда 52 фоизни ташкил этади.

Сўровномада яна шу нарса маълум бўлдики, 10 тадан битта аёл катталар томонидан жинсий

зўравонликка дучор бўлган. Ҳар унингчи аёл эса 15 ёшдан ўтганда турли зўравонлик жабрини тортган бўлса, ҳар 15 аёл 15 ёшдан ўтганда жинсий тажаввузга учраган. Ҳар бешинчи аёл ўзларининг ҳамроҳлари ёки ўтмишдаги танишлари томонидан жисмоний ва жинсий зўравонликка учраган. Фақатгина 13 фоиз хотин-қиз бу жиддий жиноят ҳақда полицияга хабар берган.

### **9. Зимбабве**

Зимбабве жинсий зўравонлик фоизи бўйича дунёда тўққизинчи ўринни эгаллайди. Бу мамлакатда ҳар 90 дақиқада камида битта аёл жинсий зўравонликка дучор бўлади. Зимбабве миллий статистика бошқармасининг сўнгги маълумотларига қараганда, ҳар ойда 500 нафар аёл жинсий зўравонликка дучор бўляпти. Бу ҳар куни 16 та ана шундай ҳолат содир бўляпти, деганидир.

Бу жирканч жиноятни ўлжалари 11-16 ёшгача бўлган болалар ташкил этади. 276 ҳолатда эса 5-10 ёшгача бўлган болалар билан юз берган. Бу рақамлар бир неча марта кўпроқ ҳам бўлиши мумкин.

Кўп ҳолатларда бундай ҳодисалар борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар қилинмайди. ЮНИСЕФ маълумотларига кўра, Зимбабведа болаларни мажбурлаш 42 фоизни ташкил этади. Агар кўрсаткичларни 2012 йил билан солиштирадиган бўлсак, бу жирканч жиноят қанчалар ўсиб бораётганининг гувоҳи бўламиз. 2010 йилда вояга етмаган болаларни зўрлаш ҳолати бўйича полицияга 2192 та ариза тушган бўлса, бу кўрсаткич 2014 йилда 3112 тани ташкил этди. Зимбабведа бу ҳолатларни яширишларини ҳисоб-



га оладиган бўлсак, рақамлар янада катта бўлиши табиий.

### **8. Австралия**

Австралияда ҳар 100 минг нафар киши ҳисобида ҳисобланганда жуда катта фоиз зўрлаш ҳолати қайд этилган. 2012 йилда 18 ёшдан катта бўлган 51200 нафар австралиялик хотин-қиз жинсий зўравонликнинг турли даражасидаги жабрланувчиларига айланган. Шундай бўлса ҳам бу хўрлаиш бўйича атиги 30 фоиз жабрланувчи полицияга арз қилишган.

news.com сайтининг маълумотларига қараганда, ҳар олти австралиялик аёлнинг биттаси ўзи танитайдиган ёки яқин алоқада бўлмаган одамлар томонидан жинсий зўравонликка учраган (агар таққослайдиган бўлсак, бу курсаткич дунёда ҳар 14 нафар аёлнинг биттаси нотаниш одам томонидан зўрланишига тўғри келади). Шу йўналиш текширувига қараганда Австралияни Янги Зеландия билан бирга олганда аёлларни нотаниш одамлар томонидан зўрлаш ҳолати бўйича дунёда учинчи ўринни эгаллайди. Бу жинойт бўйича полицияга мурожаат қилган аёллар атиги 16,4 фоизни ташкил этган.

Австралия зўрланган хотин-қизларнинг ҳимоя қилиш маркази ходими Карен Виллиснинг айтишича, 70 фоиз содир бўлаётган жинсий зўравонлик оила аъзолари, дўстлари, ҳамкасблари ёки бирга ўқийдиган дўстларининг айби билан юзага келади. Яна 29 фоиз зўравонлик эса аёлларнинг танишлари ёки олдин учрашиб юрган одамлари томонидан содир этилади. Фақатгина 1 фоиз ҳолатда аёллар нотаниш одамлар томонидан зўрланмоқда.

## 7. Канада

Зўравонликдан полицияга мурожаат қилаётганларни аксарияти хотин-қизлар бўлиб, The Huffington Post нашрининг ёзишича, давлатда ҳар йили 460 мингдан зиёд жинсий зўравонликка оид жиноят содир этилади. Шундан 1000 тадан 33 та сигина полицияга маълум қилинмоқда.

Шимолий Америкада ҳар 4 нафар аёлдан биттаси жинсий зўравонликка дучор бўлган. Статистик маълумотларга қараганда, фақатгина 6 фоиз аёл полицияга ариза билан мурожаат қилган. Бу жиноятдан азият чекканларнинг 80 фоизини аёллар ташкил этади. Зўравонлик кўп ҳолатларда уйда содир этилмоқда. Шу сабаб 80 фоиз ҳолларда бу жиноят аёлнинг дўстлари ёки қариндошлари томонидан амалга оширилади. Ҳайратланарлиси шундаки, ишга яроқсиз деб топилган аёлларнинг 83 фоизи жинсий зўравонликка дуч келган. Бу жиноятнинг 17 фоиз жабрланувчилари қизлар бўлса, 15 фоизини 16 ёшгача бўлган ўғил болалардир.

## 6. Янги Зеландия

2013 йилда ўзларини Roast Busters деб номлаган, жинсий зўравонлик билан шуғулланувчи гуруҳнинг қўлга олиниши бу юртда мазкур турдаги жиноят қай даражада эканлигини кўрсатиб беради. Полициянинг хабар беришича, Ғарбий Оклендлик бир нечта ёш йигит қизларни, шу ўринда, вояга етмаганларни ҳам бир жойга тўплаб, оммавий жинсий ахлоқбузарлик қилишга мажбурлашган.

Буюк Британия The Lancet тиббий журналининг маълум қилишича, Янги Зеландия жаҳон-

даги жисмоний зўравонлик авж олган мамлакат сирасига киради. Журнал Янги Зеландияни жисмоний зўравонлик бўйича Австралия билан бир қаторга қўйган. Бу учинчи ўрин бўлиб, аҳоли орасидаги аёлларнинг 16,4 фоизи жисмоний зўравонлик қурбонига айланишини англатади.

Янги Зеландия Адлия вазирлигининг маълум қилишича, давлатда ҳар икки соатда турли хилдаги жинсий тажовузлар юз бермоқда. Кўрсаткичлардан шу нарса муълум бўлдики, 16 ёшгача бўлган қизларнинг ҳар уч нафардан, ўғил болаларнинг эса ҳар олти нафардан биттаси зўравонлик қурбонига айланишган.

Бу жиноятнинг ўсиш даражаси шуни кўрсатадики, йилига 15 фоиз, мактаб ўқувчилари орасида эса 1 бараварга кўпаймоқда. Жинсий зўравонликка дуч келганлиги ҳақидаги маълумотни жабрдийдаларнинг фақатгина 9 фоизи маълум қилмоқда. Ошкор этилган жиноятларнинг атига 13 фоизида жиноятчилар тегишли жазо олмоқдалар. 91 фоиз ҳолатда эса жабрланганлар полиция босими остида ўз аризаларини қайтариб олишмоқда, деб ёзади New Zealand Herald.

### **5. Ҳиндистон**

Ҳиндистонда жинсий зўравонлик жуда катта муаммо ҳисобланади. Жиноятларни рўйхатга олиш миллий қўмитаси (NCRB)нинг ҳисоб-китобларига қараганда 2010 йилдан аёлларга нисбатан зўравонлик 7,5 фоизга кўпайган. 1,2 миллиард аҳолиси бўлган Ҳиндистонда жинсий зўравонликдан жабр кўриб, полицияга мурожаат қилганларнинг сони 2012 йилги 24923тадан 2013 йилда 33707га кўпайган. Жинсий зўравонликка дуч кел-

ганларнинг аксарияти 18 ёшдан 30 ёшгача бўлган хотин-қизларир. Жабрланувчиларнинг 18 ёшгача бўлганлари учтадан биттани, 14 ёшгача бўлганлари эса 10 тадан биттани ташкил этади. Давлатда ҳар 20 дақиқада бир аёл жинсий зўрлашга дучор бўлмоқда.

Ўтказилган текширувлардан маълум бўлдики, Ҳиндистонда жинсий зўравонлик асосан Нью-Дели шаҳрида содир этиларкан. Бу шаҳарда ўтган йили содир этилган зўравонликка оид жиноятларнинг тўрттадан биттаси ҳақида полицияга хабар қилинган. Умумий ҳисоб-китобларга қараганда, Нью-Дели шаҳрида жинсий зўравонлик 1636тани ташкил этган бўлса, ундан сўнг Мумбай шаҳри (391та), Жайпур (192та), Пуна (171та) шаҳарлари қайд этилган. Штатлар бўйича эса Мадхя-Прадеш штати биринчи ўринда турибди. Бу штатда бир кунда 11та зўрлаш ҳолати қайд этилиб, бу умумий натижада 4335та ҳолатни ташкил этади. Кейинги ўринда Ражастхон штати бўлиб, (3285 ҳолат) Махараштра (3063) ва Уттар-Прадеш штатлари (3050) шунинг қаторида эканлиги аниқланган.

Давлатда ҳар куни 93 нафар хотин-қиз жинсий зўравонликка дучор бўлади. 94 фоиз ҳолатда зўравонликлар аёлларга таниш бўлганлар, яъни қўшнилар, танишлар, қариндошлар ва ҳатто оила аъзолари томонидан содир этилмоқда (бу 31807 ҳолатдан 539тани ташкил этади). Мутахассисларнинг фикрича, бу жиноят бўйича дунёда 54 фоиздан 90 фоизгача бўлган ҳолатларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига хабар берилмайди.

#### **4. Англия ва Уэлс**

Буюк Британия қонунларига кўра, жинсий зўравонлик, бу – эркак кишининг ғайриоддий

ҳаракатлар билан бошқа бир одамга тажовузи ҳисобланади. Бошқа давлатларда жинсий зўравонлик ҳисобланадиган айрим ҳолатлар Буюк Британия қонунларига ҳозиргача киритилмаган. Мисол учун, қандайдир буюм ёки бармоқлар ёрдамида зўравонли ҳатти-ҳаракатларини амалга ошириш.

Адлия вазирлиги, ички ишлар вазирлиги ва Статистика бошқармасининг 2013 йилги “Англия ва Уэлсда жинсий зўравонлик” номли маърузасида бу давлатда ҳар йили 85 минг нафар одам жинсий зўравонликка дучор бўлади. Шулардан 73 минг нафари хотин-қиз ва 12 минг нафари эркак ва ўғил болаларни ташкил этади. Ҳар куни 230та жинсий зўравонлик содир бўлиб, 16 ёшдан ошган ҳар бешта хотин-қиздан биттаси шундай қабиҳликка дучор бўлади.

ВВСнинг хабар беришича, Англия ва Уэлсда умумий жиноятлар сони камайиб бораётган бир пайтда айнан жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятлар кўпайиб бормоқда. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айтишича, бу жиноят 29 фоизга кўпайган. 13 ёшдан 18 ёшгача бўлган учта қиздан бири ва 16 фоиз ўғил бола, шу жумладан, 250 минг нафар балоғат ёшига етмаган қиз доимий равишда жисмоний зўравонликнинг турли кўринишларидан азият чекмоқда.

### 3. АҚШ

Жаҳон жинсий жиноят статистика бўлими ва Жорж Мейсон университетининг маълумотларига қараганда, ҳар учтадан битта америкалик хотин-қиз жинсий зўравонликка дучор бўлмоқда. 19,3 фоиз аёл ва 2 фоиз эркак ҳаёти давомида ҳеч бўлмаганда бир марта жинсий зўравонликка дуч

келмоқда. Бундан ташқари, 43,9 фоиз аёл ва 23,4 фоиз эркак бошқа кўринишдаги жинсий зўравонликка учрамоқда.

Жуда кўпчилик ёшлик пайтлариданоқ жинсий мажбурланиш қурбонига айланган. Улар орасида 79 фоизни 25 ёшдан кичик бўлганлар, 40 фоизни эса 18 ёшдан кичик бўлганлар ташкил этади, деб ёзади USA Today.

РАИИнинг маълумотларига кўра, АҚШда ҳар 107 сонияда битта одам жинсий зўравонликка дучор бўлади. Ҳар йили шу турдаги жиноятдан 293 минг нафар одам жабрланади, 12 ёшдан ошганлар 68 фоиз жинсий жиноят ошкор қилинмайди ва 98 фоиз зўравон қамоққа тушмай озодликда қолиб кетади.

Талаба бўлган 25 фоиз хотин-қизларнинг айтишича, уларни 14 ёшга тулганларидан сўнг биринчи бор мажбурлашган Бу ҳолат бўйича атиги 16 фоиз одам полицияга хабар берган. Кўп ҳолларда жинсий зўрланишга 18 ёшдан 24 ёшгача бўлган хотин-қизлар дучор бўлмоқда.

Адлия бошқармасининг хабар беришича, Америка қамоқхоналарида аёллардан кўра кўпроқ эркаклар жинсий зўравонлик қурбонига айланишмоқда. Ҳар йили АҚШда 216 минг нафар маҳбус жинсий зўравонликка учрамоқда. Шу соҳада иш олиб бораётган Миллий тадқиқот қўмитасининг хабарига кўра, 4 фоиз маҳбус жинсий зўравонликка учраётган бўлса, шундан 9,5 фоизи вояга етмаганларни ва 7 фоизи аёлларни ташкил этади. Хотин-қизларнинг айтишича, уларни ўз хонадошлари мажбурлаган. Эркак маҳбусларнинг айтишича, уларни қамоқхона ҳодимлари зўрлашган.

## **2. Швеция**

Швеция жинсий зўравонлик бўйича ЖАРдан сўнг иккинчи ўринда туради (100 минг нафар одамдан 52,2 нафари). Статистика маълумотларига қараганда, швециялик аёлларнинг ҳар тўрттадан биттаси жинсий зўравонликка дучор бўлган. Бу жиноятнинг ўсиши ва оқибатлари жуда ташвишли даражага етиб келган. 1975 йилда шу жиноят бўйича полицияга 421 та ариза тушган бўлса, 2014 йилга келиб бу рақам 6620 тани ташкил этди. Бундан шу нарса маълум бўладики, Швеция хотин-қизлар учун дунёда энг хавfli ҳудуд бўлиб қолмоқда.

Швеция жинсий зўравонлик бўйича Европада энг “олғир” давлатдир. Мамлакатдаги жиноятчиликка қарши курашиш ва уни йўқ қилиш қўмитасининг маълумотларига кўра, 2013 йилда Швеция полициясига жинсий зўравонлик юзасидан 100 минг нафар одамдан 63 таси ариза билан мурожаат этган. Балоғат ёшига етмаган швециялик қизларнинг ҳар учтадан биттаси турли хилдаги жинсий зўравонликларга дучор бўлган. 2013 йилнинг биринчи олти ойлигида Стокгольм полициясига 1000 нафар аёл ариза билан мурожаат этган. Шулардан 300 нафари 15 ёшга тўлмаган қизлардир.

### **1. ЖАР**

Бу мамлакат жинсий зўравонлик бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Агар ЖАРда йилга 500 минг нафар одам мажбурланиш жинояти билан рўбару келишини ва бу рақам хотин-қизларнинг 40 фоизини ташкил этишини тасаввур

қилсангиз, бу қанчалар даҳшатли ҳолат эканини тушуниб етасиз. ЖАРдаги хотин-қизларнинг 40 фоизи умрида камида (!) бир марта жинсий зўравонликка дучор бўлади. Тиббий тадқиқот марказининг хабарига кўра, жабр кўрганларнинг фақат ўнтадан биттаси шикоят аризаси билан мурожаат этади. Демак, полицияда бор маълумотлар бу ҳаммаси деагни эмас.

Озчиликнинг бераётган аризалари билан ҳам ЖАР шу жиноят бўйича рўйхатни бошқариб турибди. Жинсий зўравонлик билан боғлиқ жиноятдан асосан аёллар жабр кўраётгани тушунарли. Эркаклар ва болалар ҳам бу жиноятдан четда қолаётгани йўқ. Бошқа эркаклар томонидан мажбурланган эркаклар 4 фоизни ташкил этади. Полициянинг маълумотларига қараганда бу жиноятдан 41 фоиз ҳолатда болалар жабр кўрмоқдалар. 15 фоизи ҳолатда эса 11 ёшдан кичик бўлганлар жабрланмоқда. ЖАР Тиббий тадқиқот марказининг хабарига кўра, жинсий зўравонликка 18 ёшгача бўлган болаларни 50 фоизи дучор бўлмоқда. Бошқа маълумотларда эса ЖАРда 24892 ҳолатда жинсий зўравонлик ёки шунга ҳаракат қилинганлар 18 ёшдан кичик бўлган болалар ташкил этиши келтириб ўтилади.

*Wonders Lists материаллари  
асосида тайёрланди*



## СОХТА ҒОЯ ЗАМИРИДАГИ ФИТНА

Ақсар мамлакатларда аҳолини истеъмолчилар жамиятига мослаш, онгли равишда маърифатдан йироқлаштириш ишлари олиб борилаётгани туфайли китобхонлар сони жуда камайиб бормоқда. Маданият даражаси ҳам катта тезлик билан тубанлашишни давом этмоқда. Тарихни билиш шарт бўлмай қолди. Маълум ва машҳур тарихий ҳодисалар, воқеалар ва фактлар ўрнини турли хил уйдирма, афсоналар эгаллади. Бунда Голливуд ва Европа киносининг ўрни беқиёсдир.

Яқинда тақдим этилган "Табиб. Авицена шогирди" деб номланган янги кино хусусида ҳам гап шу. Кино бошдан-оёқ сохта, уйдирмалардан иборат. Ушбу кино учун ажратилган пулга ўнлаб тарихий маслаҳатчиларни ишга таклиф қилиш мумкин эди, улкан бюджетлари билан тарихий воқеаларнинг ҳаққонийлигини таъминлаб бера оладиган мутахассисларни ишга чақиришни унутиб қўйишган. "Шедевр" дея қулоққа лағмон осётган киноларида тарихий ҳақиқатларга умуман ўрин ажратишмаган.

Аслида кинонинг асосий ғояси бўлган европоцентризм руҳини бошқача услуб билан кўрсатиб беришнинг иложиси йўқ эди. Кинода инглизлар (европаликлар) ҳаммадан зўр деган ғоя яширилган. Айтиладики: "Ибн Сино – буюк табиб, бироқ айнан у эмас балки унинг инглиз шогирди вабо касаллиги каламушлар орқали тарқалишини топган (о-ла, Ибн Синонинг бундай шогирди бўлмаган).

Албатта, Ибн Сино – буюк табиб, бироқ у эмас, балки унинг шогирди дунёда биринчи бўлиб кўр

ичакни (аппендицит) жарроҳлик йўли билан олиб ташлаган (бундай жарроҳлик амалиётлари Ибн Синодан сўнг 700 йил ўтиб қилина бошлаганини шифокорликка ўқиётган талабалардан бошқа ким ҳам биларди?!)

Албатта, Ибн Сино – буюк табиб, бироқ у ўзининг гениал инглиз шогирдининг янги кашфиётларини тан олмасдан, яъни ҳаммасини янгидан бошлашга тайёр бўлмаганидан заҳар ичиб ўзини ўлдирган экан” (аслида шифокор олим 57 ёшда нимадан вафот этгани маълумдир).

Тарихни оз бўлсада билганлар учун буларнинг бари бўлмағур гаплардир. Аммо, тарихни киноматография “шедевр”лари асосида ўрганиладиган бўлса юқорида зикр қилинган нарсаларнинг ҳаммаси ишончли бўлиб кўриниши мумкин.

Кинодаги идеал инглиздан бошқа ижобий ва салбий қаҳрамонлар ҳам бор. Ижобийлари - инглиз шогирдининг сартарош ҳамда майда фирибгар ва яҳудий бўлган биринчи устози. Яҳудийлар бир жойида эрига хиёнат қилган аёлни тошбўрон қилишга уринганини ҳисобга олмаганда жуда ақлли ва маданиятли қилиб кўрсатилган. Мусулмонлар эса, ахмоқ ва мутаассиб қилиб кўрсатилган. Бироқ, яҳудийлар ҳам тинчликда яшаётган ҳамда Ибн Синодан (у ҳам мусулмонлардан эди) тиббиётни ўрганиш имконияти бўлган муҳташам Исфaxon шахрини ким бунёд қилган экан? (Ўша вақтлар Эрон шаҳарларида суннийлар яшар эди). Бундай ажойиб шаҳарни доим маст ва ахмоқ бўлган шох (аслида амир) қандай бошқарган экан? Сўнг шаҳарни жоҳил ва кўрқинчли Салжуқийлар (боболаримиз) босиб оладилар (бунга ажабланмаса ҳам бўлади).

Салжуқийлар ҳақида алоҳида зикр қилиб ўтмасак бўлмайди. Кинода уларни жоҳилдор, ахмоқ ва мутаассиб қилиб кўрсатилган. Аслида-чи?. Аслида салжуқийлар Ўрта Осиёдан чиққан туркийлар бўлиб, улар илм-фан, санъат ва бошқа соҳаларни ривожлантиришга катта хисса қўшганлар. Кино муаллифлари уларга катта тухмат қилишган, яҳудийларни ёмонлаб бўлмаслиги учун салжуқийларни нишонга олишган бўлса керак. Яъни кимдир салбий қаҳрамон ҳам бўлиб бериши керак-ку, ахир.

Кинода яна бошқа майда-чуйда гаплар кўп. Масалан, бош қаҳрамон Исфахонга келиб араб тилидаги "Минг бир кеча"га ўхшаш китобларни ўқиб кетиши каби...

Мен тарихчи эмасману, аммо тарихга қизиқман. Кинони кўриб ундан турли хил ноаниқлик, сохталик ва ёлғонларни топишга уринаётганим ҳам йўқ (тарихчилар бу кинодан жуда кўп яна бошқа сохталикларни топишига ишончим комил). Ўтмишимиз, тарихимизда ўтган буюк инсонларнинг бири ҳақида қилинган тухмату бўхтонларга жим қараб тура олмаганимдан буларни ездим.

## **“ОВЕРТОН ОЙНАСИ” ЁХУД “ЙЎҚ ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ”**

Қандай қилиб исталган нарсани қонунийлаштириш мумкинлигини биласизми?

Жавоб беришга шошилманг. Ишонинг, бунинг имкони бор. Бўлганда ҳам, жуда ишончли ва сигналган йўли мавжуд.

XX асрнинг 80-йилларида АҚШдаги “Макки-нак” сиёсий тадқиқотлар марказида социолог-олим Жозеф Овертон томонидан ҳозирда “Овертон ойнаси” ёхуд “йўқ қилиш технологияси” деб номланувчи сиёсий технология ишлаб чиқилди. Аввалига сир сақланган мазкур технология, кейинчалик Овертоннинг ўзи томонидан омма эътиборига ҳавола этилди. Қизиғи шуки, орадан кўп ўтмай Жозеф Овертоннинг ўзи ҳам кичик самолётда ҳалокатга учрагани сабабли, шубҳали тарзда ҳалок бўлди. Бироқ, унинг “йўқ қилиш технологияси” аллақачон ишга тушириб юборилган эди...

Хўш, “Овертон ойнаси” ёхуд “йўқ қилиш технологияси”нинг ўзи нима? Унинг бизга нима қизиқ томони бор?

Қуйида мазкур сиёсий технология билан танишиб чиққач, жаҳонда ва ён-атрофингизда содир бўлаётган воқеа ҳамда ҳодисаларга бошқача назар билан қарай бошласангиз, ажабмас.

Шундай қилиб, “Овертон ойнаси”га кўра, исталган нарсани, ҳаттоки илгари ақл бовар қилмаган нарса ва ҳодисаларни қонунийлаштириш, ҳаттоки бутун бошли миллатлар учун “қадрият” даражасига олиб чиқиш мумкин. Бунинг учун ҳар

қандай жамиятда “имкониятлар ойнаси” мавжуд. Бу “мияни тозалаш” эмас. Аксинча, жуда юқори самара билан ишловчи ва амалда синовдан ўтган аниқ сиёсий технология бўлиб, минглаб ядровий қурооллардан ҳам даҳшатли оқибатларга олиб келади.

Мутахассислар томонидан “Овертон ойнаси” куйидаги босқичларга бўлинган:

*биринчи босқич* (бошланғич нуқта) – ақл бовар қилмайдиган масала;

*иккинчи босқич* – ўта кескин (радикал) ҳолат;

*учинчи босқич* – ўйлаб кўрса бўладиган ҳолат;

*тўртинчи босқич* – нозик масала;

*бешинчи босқич* – машҳурлик;

*олтинчи босқич* – давлат сиёсати даражасидаги масала.

Биз юқоридагиларга кўшимча тарзда, *еттинчи босқич* – “халқларнинг йўқ бўлиб кетиш босқичи”-ни ҳам кўшиб кўямиз.

Келинг, буни муайян мисолда кўриб чиқайлик.

Бунинг учун бизга ҳозирда ақл бовар қилмайдиган, яъни биз учун фараз қилишнинг ўзи қийин бўлган нарса керак бўлади. Айтайлик, каннибализм – одамхўрлик, яъни одамнинг одам томонидан ейилиши.

Хўш, фуқароларнинг бир-бирларини ейиш ҳуқуқини қонунийлаштиришга нима дейсиз?

Аслида бк жуда ҳам жирканч ва ўта кўпол мисол. Тўғрими?

Демак, одамхўрлик биз учун ҳозирда, яъни 2014 йилда, биринчи босқич – “ақл бовар қилмайдиган масала” босқичида турибди. Агар ҳозирда каннибализмни жамиятда илгари сурадиганлар бўлса, одамларнинг тепа сочи тикка бўлиши аниқ. Ундайлар “ақли заиф” ва “руҳий касал”га чиқари-

лади. “Имкониятлар ойнаси” учун бундай ҳолат ҳозирда нолга тенг, яъни бунинг имконияти умуман йўқ.

Ҳозирча одамхўрлик жамият учун ўта жирканч ва умуман қабул қилиб бўлмайдиган масалалигича қолмоқда. У ҳақда на оммавий ахборот воситалари орқали ва на бир фаросат аҳли йиғилган давраларда гапириб бўлади. У ҳар томонлама тақиқланган ва одамхўрликнинг ҳар қандай кўриниши учун кескин жазо чоралари кўриш назарда тутилган.

Шундай қилиб, “Овертон ойнаси” воситасида каннибализм масаласини “ақл бовар қилмайдиган масала” босқичидан иккинчи босқичга – “*ўта кескин (радикал) ҳолат*” босқичига ўтказамиз.

Хуш, бунинг учун бизда нима бор? Бизда сўз ва фикр эркинлиги бор! Қандай ҳам яхши!

Нега энди одамхўрлик ҳақида гаплашмас эканмиз?! Ҳеч бўлмаганда, олимларимиз бу ҳақда фикр юритишсин. Улар учун тақиқланган мавзунинг ўзи йўқ. Олимлар ҳар қандай мавзуда гапириши, фикр юритиши, тадқиқот олиб бориши зарур. Шундай экан, келинг, этнологик симпозиум ташкил этамиз ва унда “Полинезия қабиаларининг экзотик одатлари” мавзусида суҳбат қурамиз. Тадбир доирасида пайтдан фойдаланиб каннибализм ҳақида ҳам фикр алмашиб, унинг келиб чиқиш тарихини ва “ватани”ни ҳам белгилаб оламиз. Шу йўсин, каннибализм мавзусини илмий доирага киритиб, “нуфузли” олимларнинг у ҳақдаги фикрлари билан қизиқамиз. Қаранг-а, одамхўрлик ҳақида гапирган ҳолда ўз илмий нуфузини сақлаб қолса бўларкан. Во ажабо! “Овертон ойнаси” ўз ҳолатидан силжиди, кенгайди, яъни одамзот дунёқарашини ўзгартириш учун

асос пайдо бўлди. “Ақл бовар қилмайдиган ҳолатдан” асталик билан *“ута кескин (радикал) ҳолат”*га ўтиб олдик.

Буёғига илмий мунозаралар кетаётган бир пайтда, бизга зудлик билан “Радикал одамхўрлар жамияти” керак бўлади. Майли, у ҳозирча фақат интернет тармоғида бўла қолсин. Ҳечқиси йўқ, керакли ахборот воситалари бундай жамиятни тезда “илғаб олади” ва у ҳақда маълум қилади.

Биринчидан, бу ҳам фикр билдиришнинг воситаларидан бири. Иккинчидан эса, бундай радикаллар аслида одамларни кўрқитиш учун керак. Улар “ёмон канибаллар” ролини ўйнайди, бошқа тарафдан қараганда эса “ўзгаларни оловда ёқишга чақираётган фашистлар” кўринишида ҳам номоён бўлади. Одамларни кўрқитиш ҳақида қуйироқда яна тўхталамиз.

Бошланиши учун, масалан, британиялик “илғор” олимларнинг “одам гўштини ёйиш” ҳақидаги фикрларини керакли ОАВда эълон қиламиз. Бунинг учун жаҳондаги барча етакчи ОАВ бизнинг ихтиёримизда. “Овертон ойнаси” натижа бера бошлади – каннибализм илмий доирага киритилди. Бу борадаги тақиқларга чек қўйилди. Табулардан воз кечилди. Муаммонинг бирламчи кўриниши парчаланди.

Кейинги босқичда ойна янада кенгайтирилади. Одамхўрлик масаласини энди *“уйлаб кўрса бўладиган ҳолат”* босқичига ўтказамиз.

Бу босқичда “илғор” олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан иқтибослар келтиришда давом этамиз. “Илм-фан”дан юз ўгириб бўлмайдик-ку, ахир. Каннибализм ҳақида фикр юритишдан юз ўгираётганлар эса “қолоқлар” ва “эскилик сарқитлари” сифатида кўрилиши керак бўлади. “Қо-

лоқлар”ни танқид қилиш баробарида, одамхўрликка энди янгича, жозибатор ном топиш зарур.

Диққат қилинг! Бу босқичда айни жозибали номни шакллантириш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Зеро, ақл бовар қилмайдиган ғояни номини алмаштириш орқалигина қонунийлаштириш мумкин. “Каннибализм” ёки “одамхўрлик”дан воз кечамиз. У энди, масалан “антропофагия” деб номланади. Лекин бу номни ҳам кейинроқ алмаштиришади. Қарангки, бундай атама ҳақоратомуз маънога эга экан.

Янги-янги номларни ўйлаб топишдан кўзланган мақсад – масала моҳиятини унинг номидан айириш, сўз шаклини унинг мазмунидан узиб олиш, тилни ғоявий қарама-қаршиликлардан тозалашдир.

Шундай қилиб, каннибализм антропофагияга, кейинроқ эса антропофилияга айланади. Худдики жиноятчи ўз исми-шарифини ўзгартирганидек, биз ҳам номларни ўзгартиришда давом этамиз. Шунинг баробарида, асос бўлиб хизмат қилувчи прецедент (аввал бўлиб ўтган воқеа)ни яратиш устида иш олиб борамиз. Бундай прецедент хоҳ тарихий бўлсин, хоҳ – афсонавий, хоҳ – тўқиб чиқарилган, хоҳ – замонавий бўлсин, бунинг умуман аҳамияти йўқ. Асосийси унинг легитим бўлишида, яъни муайян одамлар доирасида қабул қилинган урф-одатлар, қоида ва қонунлар асосида шаклланган бўлиши керак. Бу биз учун антропофилияни, “умуман олганда, қонунийлаштириш мумкин” бўлиши учун зарур.

“Ташналик ва очликдан ўлаётган болаларини ўз қонидан ичириб сақлаб қолган жасур она ҳақидаги афсонани эслайсизми?”, “Антик даврдаги “худо”ларни-чи? Улар умуман ҳамма нарса-



ни истеъмол қилишган. Римликларда бу норма эди!”, “Қадимий шаманлар одамларни ўз илоҳлари йўлида қурбонликка сўйишган”, “Насронийларчи? Уларда антропофилия билан ҳаммаси доимо жойида бўлган. Улар ҳанузгача ўз худодарининг қонини ичишади. Сиз насроний черковни айбламассиз, ахир? Умуман олганда, бошқаларни айблашга нима ҳаққингиз бор? Сиз кимсиз ўзи?”.

Мазкур босқичнинг асосий мақсади – одам ейишни, ҳеч бўлмаганда, қисман бўлса-да, жиний жазоланадиган ижтимоий хавфли қилмишлар рўйхатидан чиқаришдан иборат. Ҳеч бўлмаганда, қайсидир жойда ва қайсидир вақтда шундай қилиш зарур бўлади. Бундай натижа қўлга киритилгач, “қовун қовундан ранг олиши” бошланади, “Овертон ойнаси”ни янада кенгайтириш имконияти пайдо бўлади.

Одамхўрлик энди “нозик масала” босқичини ҳам тугаган ҳолда, “машхурлик” томон йўл олади.

“Одамларни ейиш истаги генетик илдизларга эга, бу одам табиатига хос нарса”, “Баъзида одамни еб қўйиш керак бўлади, бунинг учун муайян ҳолатлар мавжуд”, “Ўзларини еб қўйишларини хоҳловчи одамлар бор”, “Одам гўшти инсон соғлиғи учун фойдали”, “Антропофилларнинг жаҳлини чиқаришган!”, “Тақиқланган мева доимо ширин бўлади”, “Эркин одам нимани истеъмол қилишини ўзи белгилаши керак!”, “Одам гўштини ея олмаётган бечора аёллар! Одам гўштини ейишни сизга атайлаб тақиқлаганлар. Воҳ, бечора, эзилган аёллар!”, “Одамлардан маълумотларни яширманг. Ҳар ким ўзи учун ҳал килсин – у антропофилми ёки антропофобми”, “Антропофилиянинг зарари борми ўзи? Буни ҳеч ким исботлаб бермаган”.

Ижтимоий онгда муаммо юзага келтириш учун сунъий равишда “кураш майдони” яратилди. Энг чеккада одамларни кўрқитувчи радикал шахслар, жамиятлар, турли ҳаракатлар ҳамда бошқа тузилмалар махсус равишда яратилади ва моли-ялаштирилади. Одамхўрликка ҳанузгача қаршилик кўрсатиб келаётганлар ўша радикаллар қаторига қўшиб қўйилади. Бундай кўрқитувчилар “ақлдан озган психопатлар” ролини ўйнайди. Улар бу ҳақда билишлари шарт эмас. Бунинг учун уларнинг онгига эга чиқиш ва уларни ўзлари билмаган тарзда бошқариб туриш керак бўлади. Ҳайриятки, бунинг учун замонамизда имкониятлар жуда ҳам кенг. Радикаллар антропофилларга нисбатан тажовузкор ва вахший бўлишлари ҳамда, умуман олганда, одамхўрларни, яҳудийларни, коммунистларни ва ҳабашларни ўтга ташлашга чақиришлари керак.

Бу босқичда ОАВнинг асосий нигоҳи антропофилия тарафдорларига қаратилади. Уни қонунийлаштиришга қарши бўлганларнинг фикрлари ОАВ орқали деярли берилмайди. Ҳа, майли, “адолат” ва “плюрализм” таъминланиши учун антропофилияга қарши бўлганларга ҳам ўз фикрини айтиш имкониятини берайлик. Бизда газета ва журналларнинг камдан-кам ўқиладиган бетлари ва жойлари ҳам бор-ку! Телевизор ва радиони ҳам кун бўйи эшитавермаймиз, тўғрими? Улар ҳам чиқиш қилишсин, майли, имкон берамиз. Бунинг учун ҳамма ухлайдиган тун соатлари, “иш қизиб турганда телевизор кўришга бало борми?!” деб номланувчи соатлар ҳам мавжуд. Жуда бўлмаса, зерикарли сарлавҳа остида уларнинг чиқишини бериш ҳам мумкин ёки, ўша мақола ёнига ҳамма

учун қизиқарли маълумотларни “текин совғалар мавсуми” ҳақидаги хабарни жойлаштиришса бўлади. Боринг ана, ҳажм борасида устунлик барибир антропофилия томонида бўлади. Бунинг учун бизда “юқори малакали” ва “ростгўй” журналистларимиз ҳамда “ҳақиқатпарвар” теле ва радиоканалларимиз етарлича. Мақсадга эришиш учун уларни ўз вақтида етарли даражада “мойлаб” турсак бас. Ҳар қандай одамда ҳам “тўда инстинкти” бўлади. Тўда қайси томонга юрса, қўй ҳам ўша томонга кетади. Бу амалда исботланган.

“Олимлар” ва “журналистлар” антропофилия фойдасига сўз юритган ҳолда “инсоният тарихида бир-бирини еб туриш ҳолатлари жуда ҳам кўп бўлган ва бу нормал ҳолат” қабилдаги фикрларни илгари сурадилар. Фаол “олимлар”, “мухбирлар”, “антропофилларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчилар” нуфузли халқаро ташкилотларнинг махсус мукофотлари билан тақдирланадилар, эл оғзига тушадилар.

Антропофилия мавзуси энди “машҳурлик” даражасига эришиб бўлди. “Овертон ойнаси” эса ўз ҳаракатида давом этади.

Бу босқичга етиб келгандан сўнг антропофилияни поп-контент билан қўллаб-қувватлаш керак бўлади. Унда тарихий ва афсонавий шахсларнинг образлари, замонавий поп-юлдузлар, шоуменлар, кино юлдузлари, махсус ўйлаб топилган замонавий “қаҳрамонлар” иштирок этадилар. Антропофилия оммавий тарзда янгиликлар ва ток-шоуларга кириб боради. Одамларни прокатга чиққач катта шуҳрат қозонадиган филмларда, қўшиқ ва видеоклипларда, оммавий концерт дастурларида, мусиқа танловларида, спорт ареналарида ея

бошлашади. Айтганча, болалар учун махсус кўрсатувлар, мулфильмлар ва кино асарларини яратишга, улар онгига одамни бошқа бир одам томонидан ейиш ғоясини усталик билан сингдиришга эътибор қилишимиз зарур. Ахир, болалар – эртанги кунимиз ҳисобланади. Шундан келиб чиққан ҳолда бугунги ишларимизни эртага муносиб давом эттира оладиган мустаҳкам издошларни тарбия қилишимиз керак.

“Сиз фалончи машҳур кўшиқчи ёки кино юлдузининг антропофил эканини эшитдингизми?”, “Жаҳонга машҳур фалончи расом ёки бастакор аслида антропофил бўлган экан. У бечорани бунинг учун қамашган ҳам экан”, “Уларнинг қанча-қанчасини жиннихоналарга тиқиб юборишган экан-а!”, “Фалон ерда илгари бундайларни мамлакатдан ҳайдаб чиқаришган экан”, “Айтганча, Леди Гаганинг янги “Eat me, baby!” кўшиғини эшитдингизми?”, “Бу йилги “Евровидение” танловида антропофил ғолиб бўлибди. Миллионлаб одамлар унга овоз берибди!”, “Бизникига янги йил кечаси Қорбобо кийимида бир антропофил келди. Уни атайлаб чақиртирдик. Кўз ўнгимизда Қорқизнинг бармоғини еб берди”, “Анави антропофил сузиш бўйича жаҳон чемпиони бўлибди”.

Мазкур босқичда антропофилия мавзуси автоном тарзда ишлашни бошлайди. ОАВ, шоу бизнес, спорт ва сиёсатда ўз ўрнига эга бўлганлар орасида тарафдорлари пайдо бўлиб улгуради. Уларнинг ўз байроғи, қоида ва урф-одатлари, нишонланадиган турли байрам саналари ўйлаб топилади. Кийим-кечакларда эса антропофилия аломатлари ва белги-нишонлари акс эттирилади. Бунинг учун махсус “мода”лар жорий этила-

ди. Ушбу ишларни амалга оширишда одамлар психологияси, аудио ва визуал қабул қилиш хусусиятлари эътиборга олинади, шунингдек сезги органларига самарали таъсир этиш усулларидан унумли фойдаланилади.

Қонунийлаштириш тарафдорларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, бошқа бировни еб қўйган жиноятчини “инсонийлаштириш” ва унинг тимсолида ижобий образ яратишга алоҳида урғу берилади. “Улар ижод аҳли, ахир. Хотинини еб қўйибди. Хуш, бунинг нимаси ёмон?”, “Улар ўз қурбонларини чин муҳаббат ила севадилар. Модомики еб қўйибдим, демак, севади”, “Агар билсангиз, антропофилларнинг IQ даражаси анча баланд бўлади”, “Антропофиллар – жабрланган шахслардир. Уларни бу ишни қилишга ҳаёт мажбур қилган”, “Уларнинг ҳеч қандай айби йўқ, улар шундай тарбияланганлар”. Бу каби гап-сўзлар кенг омма онгига телевидение, радио, интернет, газета ва журналлар орқали доимий ҳамда тизимли равишда сингдириб борилади.

“Ҳозир сизга антропофилияга тегишли таъсирли бир ҳикояни сўзлаб берамиз. Йигит қизни еб қўймоқчи эди. Қиз ҳам бу иш амалга ошишини жуда истарди. Биз ким бўлдик-ки, уларни айблаймиз?! Бу соф муҳаббатдир, балки? Севги йўлига тўғаноқ бўлишга сизнинг нима ҳаққингиз бор?”, “Қоида ва стандартларни биз белгилаймиз!”

Мавзунини етарли даражада қизитиб олдик. Энди “Овертон ойнаси”ни навбатдаги – “*давлат сиёсати даражасидаги масала*” босқичига олиб чиқса ҳам бўлаверади. Панада юрган лоббист гуруҳлар кенг майдонга чиқиб, бирлашадилар. Давлатнинг юқори лавозимларига бирин-кетин

антропофил шахсларни тайинлаш бошланади. Утказилган ижтимоий суровларнинг натижалари эълон қилинади. Унга кура, “антропофилияни қонунийлаштириш тарафдорлари кўпчиликни ташкил этиши” аниқ бўлади.

Сиёсатчилар антропофилияни қонунийлаштириш борасида ўзларининг дастлабки чиқишларини амалга ошира бошлайдилар. Махсус белгиланган ташкилотлар томонидан “Антропофилияни қонунийлаштириш тўғрисида”ги қонун лойиҳаларини таклиф этилиши бошланиб кетади. Турли даражадаги “олимлар”, “экспертлар”, ҳар хил ташкилотларнинг вакиллари иштирокида илмий-амалий конференциялар, семинарлар ва турли давра суҳбатлари мумтазам равишда ўтказилади. Уларнинг иши ОАВда атрофлича ёритиб борилади. Кенг омма онгига “Одам ейишни тақиқлаш мумкин эмас” деган тушунча сингдирилади. Азалий урф-одатлар, қадриятлар ва дунёқарашни ўзгартириш мақсадида уларнинг мазмуни антропофилия фойдаси томон буриб юборилади.

Антропофилия ғояларини илгари суриш ва кенг оммага етқизиш учун мавжуд халқаро ташкилотларнинг имкониятларидан нега фойдаланмаслигимиз керак?! Улар томонидан қилинаётган харажатларнинг асосий қисмини ким тўлайди, ахир? Биз у ерларга “юқори малакали” ва “айтганимизни сўзсиз бажарадиган” ходимларни тўплашимиз, уларга катта миқдорда маош тўлашимиз зарур бўлади. Бошқалар кўриб, ҳавас қилсин. Сал қолса ёддан кўтариларди бирон нуфузли халқаро ташкилот доирасида: “Антропофилия ва одам гуштини истеъмол қилиш ҳақи-

да умумжаҳон декларацияси” қабул қилиниши керак. Бундай ҳужжат ҳамма учун дастуриламал бўлиб хизмат қилиши зарур. Керак бўлса, у билан гапимизга кирмайдиганларнинг бошига урамиз.

“Либерализм”, “демократия”, “сўз ва фикр эркинлиги” натижада яратиб берилаётган кенг имкониятлардан унумли фойдаланишда давом этамиз. “Илғор” фикрлар ва “замонавий мода”га ҳали ҳамон қаршилиқ кўрсатаётганларни аёвсиз калтаклашда давом этамиз, уларни “қолоқлик”да айблашни янада кучайтирамиз, керак бўлса, жазолаймиз ҳам.

“Овертон ойнаси”нинг ушбу босқичига келиб жамият батамом синдириб бўлинди, қайсидир маънода “ўлдирилди”. Ҳали ҳам тириклик аломатларини кўрсатаётган санокли кишилар ва гуруҳлар одамхўрликни қонунийлаштириш ишларига қарши бир амаллаб курашишда давом этаверар, балки. Лекин жамиятнинг асосий қисмига, ўзагига болта уриб бўлинди. У қулади, тўлиқлигича забт этилди.

Одамхўрлик қонунийлаштирилди, инсоний муносабатлар тубдан издан чиқди, мавжуд бўлишнинг асосий шартлари бузиб ташланди. Ҳеч қандай муқаддас тушунчалар ва туйғулар қолмади.

“Халқларнинг йўқ бўлиб кетиши босқичи”да бутун бошли миллатлар ва халқлар бирин-кетин ўзларини жарга отдилар. Инсоният тўла маънода таназзулга учради.

Лекин... лекин... олис тропик оролларнинг бирида... мусаффо ҳаво, қуёшнинг илиқ нури остида, шаффоф уммон сувларининг оқ қумли соҳилларида “сараланган кишилар” гуруҳи қўл-

га киритилган “ғалаба”ни нишонламоқда... кўй гушти, мол гушти, балиқ гушtidан тайёрланган сара таомларни истеъмол қилмоқдалар. Одам гуштини ейиш уларнинг тушига ҳам кирган эмас. Улар одамхўр ҳам, антропофил ҳам, яна бошқача “...фил” ҳам эмас... улар – шунчаки шайтоннинг малайларидир. Бундайлар ва уларга эргашганларнинг тақдири қандай бўлиши азалдан аён.

Қадрли ака-укаларим, суюкли опа-сингилларим!

Огоҳ бўлинг! Атрофга теран назар билан боқинг! Ҳар қандай масала юзасидан чуқур мулоҳаза юритинг!

Билим олинг, ҳақ илмни эгаллашга интилинг. Ҳалолни ҳаромдан ажратинг. Таълим-тарбияда хушёр бўлинг, зеро: “Тарбия биз учун ё ҳаёт – ё мамот, ё нажот – ё халокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”.

“Овертон ойнаси”нинг фаолияти кенгайишига асло йўл қўйманг.



## ЗАРАРКУНАНДАЛАР

Жониворлар орасида икки ҳашаротнинг уруғ қўйиш жараёни кўпчиликнинг диққатини тортади. Пашшадан каттароқ ҳашарот пашшани тутиб олади. Ана ҳозир ейди, деб хаёл қилиб турганингизда, йирик ҳашарот уни емайди. Питирлаётган пашша эса тинчиб қолади. Пашша қаноти остига йирик ҳашарот уруғ қўяди. Уруғини қўйиб бўлгач, ҳеч нима бўлмагандек бошқа жойга учиб кетади. Болаларим нима бўлади, уларни пашша ўлдириб қўймасмикин, деб хавотир ҳам олмайди. Пашша ҳам ўз навбатида устидаги юкдан халос бўлиш учун бир неча бор уриниб кўради. Уринишлари бефойда кетгач, тақдирга тан бериб қорин ғамида учиб кетади. Зулукдек ёпишиб олган майда қуртлар пашшани маҳкам қучоқлаб, унинг устида парвоз қиладилар. Пашша кавшанаётган мол устига кўнади. Худди биров ўргатиб қўйгандек, “кўниш” амалга ошиши билан самолётдан тушаётган йўловчилари сингари қуртваччалар ҳам пашшадан тушиб, мол терисига ёпишади. Чунки мол терисидан чиқаётган иссиқлик улар учун пашшадан тушишга сигнал бўлади. Мол “чақирилмаган меҳмонлар”дан безовта бўлиб, думи билан уларни ҳайдамоқчи бўлади. Пашшанинг осмону фалакдан ташлаб юбораман деб қўрқитишидан чўчимаган қуртлар молнинг оддийгина пўписасига парво ҳам қилишмайди. Уч ой давомида молнинг қонини сўриб ётадилар. Уч ой деганда мол билан хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, учиб кетишади.

Иккинчиси эса жуфт қанотли нозик ҳашарот бўлиб, у уруғини барг ичига қўяди. Икки ҳафта

ўтар-ўтмас улар атрофида чумолилар гирдика-палак бўлиб қолади. Чумолилар уларга оталарча ғамхўрлик кўрсата бошлайди. Аста-секин у қуртларни ўз инларига судраб олиб келадилар. Бу ҳолатдан ҳайратланган микробиология мутахассислари ушбу ғамхўрликнинг сирини излай бошлайдилар. Узоқ вақт олиб борилган изла-нишлар натижасида у қуртлар ўзидан чумолига хуш ёқадиган ҳид чиқаради, деган фикрга келиш-ди. Чумоли бу ҳидга мафтун бўлиб, қуртни ўз бо-ласидек парваришлайди, турли зарарлар етиши-дан ҳимоя қилади.

Вақти соати келганда, чумоли инида кун кўра-ётган қурт қанот ёзиб, ўзини боққанларга ташак-кур айтишни ҳам унутиб, учиб кетади. Ота-онаси-ни эмас, “менинг насибам қайда экан” дегандек, ўз жуфтини қидириб ўрмон томон йўл олади (“Даъватчи қуш” китобидан).

Шиллиқуртнинг ҳам ўзига хос гижжа паразити бўларкан. Ўша паразит унинг ичини роса ер, аммо ўлдирмас экан. Чунки шиллиқуртни ўлдириб ташқи муҳитга чиқса, ўзи мустақил яшай олмас экан. Ҳалиги паразит ўз эгасини қийин аҳволга солиб бўлганидан кейин кўпайиш учун шароит қидириб қоларкан. Унга керакли шароит эса қуш-нинг ичаги экан. Энди тасавур қилинг, паразит нима қилиши керак? У ўт орасида ўрмалаб юрган кичкинагина ҳашорат ичида, қуш эса баланд ос-монда, ҳаёт эса давом этиши зарур. Нима қилсин?

Паразит шиллиқуртнинг миясини айнита бошлар экан. Натижада шиллиқурт бечора бер-киниб юриш ўрнига ўзини очик жойга, барглар ва шохлар учига айнан паразит таъсирида чиқа бошлар экан. Бу ҳам камдек, паразит шиллиқурт-

нинг шохчаларига кириб олиб турли алвон ранглар берар ва бетўхтов равишда қимирлатиб тураркан. Натижада бу аҳволга тушган шиллиқуртни ҳар қандай қуш қанчалик баланд парвоз қилаётган бўлмасин, топиб олиши қийин бўлмай қоларкан. Қуш тайёр овқатни тутиб еб юборади-ю, ўзи билмаган ҳолда ўлжаси ичидаги паразитни ичагига жойлаб олади. Шиллиқурт халок бўлади, паразит эса орзу қилган жойида қуш ҳисобидан кун кечираверади. Жуда кўпайиб кетса, қуш ахлати билан ташқи дунёга тушиб кетади. Ерда эса шиллиқуртлар кўп, яна биттасининг ичига кириб олади.

### *Яна бир мисол*

Сергей Кара-Мурза китобида чумолиларнинг уясига кириб олган кўнғизлар иштирокида юз берадиган жуда ғалати хатти-ҳаракатларни тасвирлаб берган: “Масалан, чумоли уяларида майда – ломехуз кўнғизлари жойлашиб олишди. Ҳаракатлари ва қилиқлари билан улар чумолига жуда ўхшайди ва уларнинг имо-ишора тилини яхши тушунади. Ҳамжиҳат ва меҳнаткаш бўлган чумолилар дўстига биринчи сўраган пайтдаёқ емиш беради. Чумолилар одатда овқат сўрашни шеригини ўзига хос тарзда “тақиллатиш” орқали ифодалайди. Кўнғизлар ҳам бу ҳаракатни осонгина ўзлаштириб олади ва бемалол емиш сўраб олаверади. Лекин улар жуда очофат бўлиб, бутун бошли чумоли жамоасини ўзларини боқишга мажбур этади. Кўнғизлар танасида олтинранг туклар тутами бўлиб, уларда ажратмалар (чиқиндилар) тўпланади. Ишчи чумолилар бу ажратмадан ялайдиган бўлса, соғлом фикрлаш қобилиятини йўқотиб қўйишади. Натижада улар кўнғиз

ва унинг личинкаларини шундай ғайрат билан озиклантира бошлайдики, натижада ўз шериклари ва личинкалари озукасиз қолиб кетади. Келгиндиларга меҳр қўйиш оқибатида ўзлари тўлиқ ҳалокатга юз тутадилар. Ҳатто чумоли тухумларини ҳам қўнғизларга емиш сифатида бериб, зурриётсиз қоладилар. Мабодо, чумоли уясига қандайдир таҳдид бўлса, улар ўз личинкаларини ташлаб, қўнғиз личинкаларини қутқаради.

Аниқки, ўзининг наркотикка ўхшаш ажратмаси билан ломехуз қўнғизлари чумоли организида мавжуд бўлган муҳим хатти-ҳаракат дастурини йўққа чиқарувчи сигнал юборади. Яъни, одатда чумолиларнинг ҳаётини таъминлаш ва зурриёдини давом эттиришга йўналтирилган ҳаракатларни бажаришга ундовчи дастур ишламай қўяди. Афтидан, қўнғизлар томонидан берилган ахборот “нормал” дастурни тўсибгина қўймасдан, уни ўзгартириб ташлайди. Натижада чумолиларда боқиманда (паразит) учун фойдали бўлган ҳаракатлар фаоллашади. Бўлиб ҳам, чумолилар бу каби ишларни бажаришдан мутлоқ бахтиёрликни ҳис этади”.

Бугунги кунда дини душманлари айнан шу тарзда иш юритмоқдалар. Улар умматнинг ҳушёрлигини сохта ғоя ва шиорлар билан сўндирмоқдалар, ўзларининг оммавий маданияти, филмлари ва мусиқалари билан мусулмонларни Исломга хизмат килишдан тўсмоқдалар. Уларнинг орасига ташқи кўриниши мусулмонга ўхшаш (худди ломехуз қўнғизлари чумолиларга ўхшаганидек) мунофиқ ва сотқинларни киритмоқдалар. Бундай мураккаб вазиятда соф иймонга йўғрилган иммунитет эгаларигина ўзлари ва яқинларини бу нарсалардан ҳимоя қила олади.

## КАЛАМУШЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

Жорий ҳолат “Каламушлар қироли” деб аталувчи технология ёрдамида ясалди. Мазкур технологиянинг вазифаси ижтимоий конструкциянинг кўринмас пойдеворлари, муҳим бўғинлари ва уларни боғловчи воситаларни бузиб юборишдан иборат бўлади. Тарқоқлик муҳитини барпо қилиш, бунинг натижасида ҳамма ўзи учун бўлиб, “бизники” деган тушунчани тамомила йўққа чиқариш асосий кўзланган мақсадлардан ҳисобланади. Буларни амалга оширишнинг бирдан-бир йўли одоб-ахлоқни йўқ қилиш ҳисобланади. Одоб-ахлоқ йўқ қилинганининг энг катта аломати эса ўзиники ўзиникини ғажиб ётишидир.

Мазкур технологиянинг моҳиятини каламушлар мисолида яққол кўриш мумкин бўлади. Бу ҳайвонлар ўзларининг ниҳоятда яшовчанлиги билан бошқалардан яққол ажралиб туради. Бундай чидамлиликка уларнинг ижтимоий бирдамлиги асосий сабабдир. Каламушлар ниҳоятда ижтимоий ҳайвон саналади. Улар бирга “ишга чиқади”, бир-бирига ёрдам беради, ҳимоя қилади, агар имконият бўлса, жароҳат олганларни ўзлари билан олиб кетади. Каламушлар тўдаси ўзларини ягона организм деб ҳис қилишади ва ўзларини бир организм каби тутишади. Уларда маълумот алмашинуви жуда тез, хавф ҳақида бошқаларга тезлик билан хабар берадилар, ҳимоя кўникмаларини бошқаларга ҳам берадилар. Бундай ҳаракатларда ҳеч қандай шахсий манфаат кўзланмаган. Ҳимоя қилиш механизми уларда феъл-атвор даражасига кўтарилган.

Каламушлар билан курашишнинг энг самарали услуби уларнинг ҳимоясини йўқ қилишдир. Ҳимоя эса ўзига хос ахлоққа асосланган экан, усул ҳам улардаги мавжуд-ахлоқни йўқ қилишга қаратилади. Албатта, уларнинг ахлоқини бузиб бўлмайди. Бир-иккитасининг ахлоқини бузиш мумкин бўлиб, бу иш ҳам аста-секин, босқичма-босқич амалга оширилади. Бунинг учун шароит ҳозирланади, унда рационал мантиқ муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак бўлади. Энг муҳими биринчи, илк қадамни ташлашга, яъни олдинлари тақиқланган ҳаракатни амалга ошириш учун муҳим бўлган қадамни босиш керак.

Бу қўйдаги тарзда амалга оширилади. Тўда орасидан йирик ва кучли каламуш танлаб олинади, уни узоқ вақт очлик билан қийнашади, сўнг унинг қафасига энди ўлган (ўлдирилган) каламушни ташлашади. Бироз иккиланишдан сўнг, у зинининг шеригини ейишни бошлайди. Ундаги рационал мантиқ қўйдагича: бу энди биродаринг эмас, балки таомдир. У ўлиб бўлди, мен эса тирик қолишим керак. Демак, уни ейишим керак, деб айтиб туради

Кейинги сафар ахлоқсизлик сари яна бир қадам қўйилади. Қафасга тирик, лекин нимжон ҳолатдаги бошқа бир каламуш ташланади. Янги "таом" нимжон бўлса ҳам, бироқ ҳали тирик. Бу сафар ҳам рационал мантиқ асосида керакли қарор чиқарилади. У барибир ўлади, мен эса яшашим зарур. Бу сафар ҳам каламуш ўзига ўхшаган бошқа бир каламушни тириклайин ейишга киришади.

Учинчи марта қафасга тирик ва соғлом, аммо заифроқ "таом" киритилади. Кучли каламушнинг рационал мантиқ алгоритми яна ишга тушади.

Барибир бундан бошқа таом йўқ бўлса, иккаламиз ҳам ўлим кетишимиздан не наф? Кучлироғимиз тирик қилсин, майли, дейди. Ва уларнинг кучлиси тирик қолади.

Эътибор беринг, ҳар сафар қарор қабул қилиш учун каламуш жуда оз вақт сарфлайди. Ўзига ўхшаган каламушни еб қўйгани сари унинг ахлоқсизлиги ортиб бораверади. Бироз вақт ўтгач, каламуш ҳеч нарсани ўйламайдиган бўлади. У ўзи каби каламушларга таом назари билан қарай бошлайди. Унинг қафасига янги бир каламуш қўйиб юбориладиган бўлса, дарҳол унга ҳамла қилиб, еб ташлайдиган даражага етди. Ейиш ёки емаслик ҳақида ортиқча фикр қилмай қўйганидан бери, унинг ахлоқи синиб бораверди. Сўнг уни ўз вақтида қаердан олинган бўлса, ўша жойга қайта қўйиб юборилди. Энди олдинги вақтдаги каламуш эмасди. У одоб-ахлоқдан ҳеч қандай аломат йўқ бўлган махлуққа айланиб бўлди. У ўзининг ҳаракатларида фақат худбинлик мантиғига асосланар эди. Бироқ атрофидагилар унинг бундай эканини билишмасди. Улар уни ўзимиздан деб, унга тўлиқ ишонишар эди.

Тез орада кўриниши каламушга ўхшашаган махлуқ “нега қаердандир таом излашим керак, атрофимда иссиқ ва ширин таомлар тўлиб ётган бўлса”, деб ўйлай бошлади. Рационал мантиқ ҳаракат характери белгилаб берди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ каламушлар эса ушбу каламуш-хўрнинг қурбонига айланиб, унга таом бўлиб кетарди.

Бироз муддат ўтганидан сўнг очиқчасига эмас, балки жамоадан махфий тарзда ҳамла қилиш ва бошқа бир шеригини ейиш энг яхши чора экани-

ни англаб етади. Кейинги сафар у ёки бу баҳона билан каламушларни четроққа олиб чиқиб, ейдиган бўлди.

Каламушлар жамоаси тўдада каламуш ниқобидаги бўри пайдо бўлганига шубҳалари қолмаганидан сўнг, бу ерларни тарк этишга қарор қилишади. Шундай воқеа юз марта содир бўлса, улар юз марта ўша жойни тарк этганлар. Бир марта бўлса ҳам истисно бўлмаган. Ҳайвонлар худди каламушхўрлик ўзларига юқиб қолишидан қўрққандек у ерлардан тезда кетишган. Улар ўша каламушхўрга ўхшаб қолишдан чўчишган. Инстинктив тарзда улар, агар уларнинг онги ахлоқсизликни қабул қилса, тўсиқ нималигини билмайдиган, иштаҳаси карнай, сотқин истеъмолчилар жамияти пайдо бўлишини ҳис қилишган. Ахлоқсизлик муҳити ижтимоий ҳимоя механизмларини йўқ қилади ва натижада ҳамма ҳалок бўлади.

Ҳатто каламушлар ҳам бир-бирлари билан доим уришаётган, бирлашиш ўрнига тарқоқлик ҳукмрон бўлган ҳолатда яшагиси келмайди. Бу масалада каламушлар рационал мантиқни асос қилиб олган баъзи одамлардан шубҳасиз устундир. Улар худбинликка асосланган рационал мантиқ касаллигига чалинишдан қўрқиб, бошқа ерга кўчиб ўтадилар.

Каламушлардаги бу каби трансформациядан уларда инсонлардаги озодлик тушунчасининг йўқлиги билан изоҳласа бўлади. Уз навбатида инсонда бўлгани каби интелектнинг йўқлиги ҳам сабаб бўла олади. Улар инстинкт (ички ҳис-туйғулари)га эргашадилар. Инстинкт эса, жамиятда таом ёки қандайдир бир каламушни эмас, балки одоб-ахлоқни энг бирламчи қадрият сифатида белгилайди. Бу ҳар қандай ижтимоий конструктор-



ция барпо қилинадиган фундамент (пойдевор) дир. Худди шу нарсани сақлаб қолиш мақсадида улар касаллик манбасини тарк этишга шошиладилар. Фундаментни сақлаб қолишга ҳаракат қилган каламушлар ўзларининг мавжуд жамиятлари ва ундаги кадриятларни сақлаб қолишади. Алал-оқибат бу орқали ўзларининг турларини ҳам асраб қоладилар.

Инсонларнинг жамиятларини бузиш ҳам “каламушлар қироли” технологияси асосида амалга оширилади. Барча зарбалар одоб-ахлоқни вайрон қилишга қаратилган бўлади. Қандай йўл билан бўлмасин, бизники деган тушунчанинг йўқ бўлишига ҳаракат қилинади.

Истеъмолчилар жамияти айтади: табиатда бизники деган тушунча йўқ. Ҳамма бир-бирига бегона, у ердаги ҳамма нарса таом. Энг оптимал таом эса, ёнингдагилар, сени ўзига яқин деб ҳисоблайдиганлардир. Аслида улар сенинг “каламушлар қироли” эканингни ҳам билмайдилар. Улар сенга ишонишади, сен эса уларни ғажийсан, еб қўясан.

Бу каби “каламуш қироллари” биз яшаб турган жамиятда жуда кўпайиб кетди. Улар шубҳасиз энг вахший йиртқичлардир. Ўзига ўхшаганларни таом санаб уларни ғажиб ташлаш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб бирлашадилар. Ўзларининг бахтини бошқалар бахтсизлиги эвазига қуриш осон экани ҳақидаги “ҳақиқатни” билганларидан сўнг, улар аввалига очиқчасига халқни ейишар эди. Кейин эса, халқни чиройли баландпарвоз шиорлар билан ейиш энг оптимал вариант эканини тушуниб етдилар.

Минбарлардан баландпарвоз ваъдалар ҳамда озодлик ва тенглик ҳақидаги дабдабали гаплар сел каби оқиб туради. “Қироллар” ўзи бошданок

берган ваъдаларининг устидан чиқмоқчи эмасдилар. Сабаби улар учун буларнинг бари “таом” ейишнинг бир услуби эди. Улар жамиятнинг муҳим бўғинларига эгалик қилиш учун талпиндилар ва чиройли сўзлар ниқобида ўзига ишонганларни ғажишга киришдилар. Йил ўтгани сайин улар куч йиғиб бордилар, куч-қудратга тўлдилар ва хавфли бўла бошладилар. Уларнинг асосий хавфи – жамиятнинг бошқа соғлом аъзоларидан ташқи кўринишида ҳеч қандай фарқи йўқлигида эди. Улар ниқобланиш санъатини шу даражада эгаллаганки, жамиятнинг бошқа ҳалол аъзоларидан ҳам чиройлироқ кўрина оладилар. Агар гапирётган гапларига эътибор қилмай, улар қилаётган ишларга назар солинса, уларни таниб олиш унчалик қийин эмас. Жиноят оламидаги майда “каламушлар” ўзларича ўйлайди – мана, бир маст беҳуш ётибди, чўнтагида эса пул бор. Барибир кимдир шу пулни олиб кўяди. Шундай экан, нега у одам мен бўлмаслигим керак? Ва аста пулни олади... Узини оқлаш эса бошқача бўлган: у барибир пулини ичкиликка сарфлайди, менга эса хайрли ва тўғри ишларни қилишим учун пул керак. Сўнг, пул барибир ҳаммага етмас экан, нима бўлгандаям ҳамма ночор яшаркан, унда ким кучли бўлса, яшаш олишни уддаласин, деган фикрга келади. Сўнг бир қурбонни кузатади ва бошига уриб, пулини ўмаради. Одоб-ахлоқ йўқ экан, мазкур мантиққа қарши бирон нарса дейиш қийин бўлиб қолади.

Бизнесда эса, мантиқ аввал бировни ишдан бушатиш, кўчага ҳайдаш деган фикрга олиб келган. Фикр тушунарли: агар мен уни ҳайдамасам, ишим касод бўлади ва у барибир кўчада қолади. У билан бирга ўзим ҳам. Демак, унинг кўчада қолиши

муқаррар экан, бу иш менсиз бўлгани яхши, деб ишдан бўшатиб юборилган.

Иккинчи босқич: майли, ишлайверсин, бироқ маош бермаса бўлади. Агар маош берсам, касодга учрайман ва ҳамма кўчада қолади. Корхонани сақлаб қолишни ўйлаш керак. Шундан сўнг ата-йин маошни кечиктириш бошланди.

Учинчи босқич: масалан, тадбиркор билиб турган ҳолда инсон саломатлиги учун зарарли бўлган маҳсулотни ишлаб чиқара бошлади. Агар ўзим танимаган одамларнинг саломатлиги ҳақида ўйлайдиган бўлсам, касодга учрайман. Улар ўзлари ҳақида ўзлари ўйласин. Бундайлар учун бошқа одамлар ўзи оғзига келиб тушаётан гўштан бошқа нарса эмас.

Сиёсатчилар ҳам шунга ўхшаш кўринишда фикр қиладилар.

Бугун (Ғарбнинг) сиёсий оммавий секториди учига чиққан "каламушлар" урчиб кетди. Улар учун азиз нарсанинг ўзи йўқ, фақат бизнес ҳақида ўйлайдилар. Ва бу жараённи сира тўхтатиб бўлмаяпти. Бу рационал мантиққа бўйсунган ҳолда такомиллашиб бораверади.

Давлат ҳодимларига ҳам рационал мантиқ ёрдамида аста-секинлик билан ўзларининг одоб-ахлоқларини сингдиришди. Аввалида пул таклиф қилинганида кўпчилик бундан уялган. Пора ҳаром экани кўпчиликнинг ёдида турган. Сўнг пора сўзи бошқача атала бошлади, пора сўзига бўлган табиий рефлекс йўқ қилинди ва жараён бошланди. Энди ҳеч ким пора олмайдиган бўлди, бироқ совға, ҳадя ва турли хил шу каби чиройли номлар ўртада айланадиган бўлиб қолди. Булар энди ўғри эмас, балки жамиятнинг "кенг

имкониятлардан” унумли фойдаланиб келаётган муҳатарам аъзоларига айланишди. Кейин энг ёмон нарса рўй берди – жамиятнинг кўз ўнгида бу нарсалар қонунийлаштирилди. Инсон энди виждонини ҳам сотиши мумкин бўлди. Жамият унга одамлар пулини ишониб топширса-ю, у пора эвазига уни йиртқичларга бериб юборадиган бўлди. Ўзини ифбатли деб билган аёл пул эвазига жинсий алоқа қилишга асло рози бўлмайди. Истеъмолчилар жамиятининг ходимлари, яъни жамият ҳаққини пуллайдиганлар фоҳишалардан ҳам тубанлашиб кетди. Ҳар ҳолда фоҳиша ўзига тегишли нарсани сотади, улар эса бировларникини. Хуллас, буларнинг ҳаммаси “ҳаётга тижорий нуқтаи назар билан қараш”, дейиладиган бўлди.

Маълум бир босқичда шундай ҳолатгача борилдики, маъмурий жиҳатдан ўзининг қоидалари ва нарх-наволари билан бозор пайдо бўлган, деб расмий равишда тан олишни ҳам таклиф қилишди. Шундай экан, нега уни қонунийлаштирмаслик керак? Бир сўз билан айтганда, ғазнани ўмариш ва коррупцияни, шу билан бирга, фоҳишабозликни ҳам қонунийлаштириш таклифи билдирилди. Буларнинг бор нарса эканини ҳамма билади-ку. Ҳозирча, бу уч ҳолатни қонунлаштириш режаси амалга ошмаган бўлса ҳам, бузилиш жараёни давом этмоқда, барча нарсалар эса ўзгармоқда...

Масалан, виждон, у сотилаётган вақтда йўқ бўлиб, кўринмай туриш хусусиятига эга бўлди.

Давлат ходимлари ахлоқини бузишнинг биринчи босқичида мутлақо қонуний бўлган, аммо биров тезлаштириб битирилган ишлар эвазига уларга совға (пора) берилади. Сўнг, “нимжон” бўлганларни ейиш таклиф қилинади. Бу муҳмал

буйруқларни бажарилишида намоён бўлади. Мисол учун, давлат бюджетидан маълум бир ўқув муассасаси қурилиши ёки таъминлаши учун пул ажратилишига эришиш ва берилган пулдан эса ўз улушини (откат) олиш таклифи ҳам берилади. Мантиқ эса бир хил – “сен бўлмасанг, бошқаси”. Рози бўлсанг, ўзинг ҳам пул ишлаб оласан, талаба ёки ўқувчиларига ҳам нафинг тегади.

Учинчи босқичда эса “тирик ва соғломларни ейиш” амалга оширилади. Хайрли мақсадни баҳона қилган ҳолда пул ўмариш, масалан, касалхонадаги беморларнинг пулини ўғирлаш. Ташқаридан қараганда хайрли иш қилаётгандек кўринади, ҳеч ким ундан шубҳа ҳам қилмайди. Бироқ биладиганлар ҳаммасини тушуниб туради. Бу ерда ҳам ўша мантиқ: сен олмасанг, бошқаси ўмариб кетади. Сен барибир яхши қила олмайсан, аҳмоқ бўлганинг қолади, холос.

Мантиқнинг барча доираларидан муваффақиятни ўтган “каламуш қироллари” жамиятга қўйиб юборилади. Улар эса ўз халқига таомдек қарай бошлайди. Таом уларга ёққанидан кейин ташаббусни ўз қўлларига оладилар. Иштаҳалар карнай бўлади, техника такомиллашади, “каламушлар” гуруҳларга жамланади, сўнг улар бир-бирлари билан рақобат қила бошлайдилар.

Бу гуруҳ аъзолари, яъни ҳамтовоқлари ўртасида ҳам “биз” деган тушунча бўлмайди. “Ўзимизники” деган нарсанинг бўлиши мумкин ҳам эмас. Булар ўз биродарларини ейиш учун бирлашган ҳамтовоқлар, холос. Одатда шериклари бироз заифлашадиган бўлса, бошқалари собиқ шерикларни тезда еб, гумдон қилиш пайида бўлади. Шундай бўлишига қарамай еган ва ейилган шерик бўлиб қолаверади.

Улар орасидаги мавжуд тушунчага кўра, еган ейилганга: “Мендан хафа бўлма, ўзинг заифлашдинг, мен эса шундан фойдаландим” деган маънодаги гапни уқтиради. Ҳеч қандай шахсий адоват йўқ, бу шунчаки бизнесдан бошқа нарса эмас.

Янги шароитлар ўз-ўзидан янги мантиқни пайдо қилади. Шерикчилик энди заифларни ейишда намоён бўлади. У туғишган укангми ёки бошқа яқинингми, ҳеч қандай аҳамияти қолмайди. “Каламушлар” шерикчилик алоқаларини ўлганларича сақлаб қоладилар. Агар уларнинг биттаси заифлашиб, қолганлари еб қўйишидан олдин қочиб қолишга улгурса, энди собиқ шериклари “каламуш қиролларини” ёмонлашни, хуллас, сирни бой бериб, ҳаммасини ёппасига сотишни бошлайди. Бу билан у ўзининг илгариги ўрнига қайтишдан умид қилади. Кимлардир бунинг уддасидан чиқиб, ўзининг олдинги ўрнига қайтишга муваффақ бўлади. Худди ҳеч нарса бўлмагандек, ўз ишини давом эттираверади. Орқасидан эса менга уларнинг тишлари ўтмади, деб юради. Энди эса, яна биргамиз ва кимни ейиш ҳақида ўйлаяпмиз. Ора-орада бир-биримизга заифлашмадими, уни ейиш вақти келмадими, деган маънода қараб қўямиз. Мувозанатни сақлаб турадиган муҳим омил шерикнинг кучи ва унинг ҳам сени еб қўйишга ҳозирли саналади.

Тасвирлаб берган манзарамиз бугунги одоб-ахлоқнинг бир кўриниши, холос. Одамлар ҳали ҳам озодлик, бахт ва тенг ҳуқуқчилик ҳақидаги чиройли гапларга лаққа тушиб ўтирар экан ҳамда электорат билан ишлаш, сайловларда қатнашиш ёки “рангли” инқилоблар иштирок этиш орқали ўзлари билмаган ҳолда “каламуш қирол-

лари”ни кўпайтириб берадиган тизимни (система) барпо қилишга ҳисса қўшмоқдалар.

Бугун одамлар бир-бирларини ейиш билан овора бўлиб қолдилар. Кўзига лўқ қилиб қараб ёки турли хил хийла-найранглар билан бўладими фарқи йўқ, бу ерда технология иккиламчи ҳисобланади. Асосийси – очикча даражада одамхўрлик бўляпти. Тўғри, тепадагилар қўлларини қонга ботираётганлари йўқ. Аммо каламушларнинг қуйи табақаларидагилари ўз шерикларини беаёв тунамоқдалар.

Тепада ҳам билвосита одамхўрлик юз беряпти, аммо у ердаги одамхўрликнинг кўлами шу даражадаки, пастдагилар ҳатто тасаввур қила олмайди. Юқоридагилар эса бавосита одамхўрлик билан шуғулланишмоқда. Бунинг миқёси қуйидагиларнинг тушларига ҳам кирмайди ҳатто. Юқорида зикр қилинган услуб билан топилган пуллар аслида бировлар учун ғам, азоб, ўлимдир. Агар “каламушлар”га ёғ битиб, у ялтираяптими, демак, кимдир ҳаётдан маҳрум бўлган. Бир қарашда кимдир фақат ҳамёнидан айрилганга ўхшаб кўрилади. Йўқ, бу жарёнлар жамиятнинг заиф аъзоларининг жисмоний ўлимларига ҳам сабаб бўлади. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун туғилиш ва ўлим динамикасига қараш кифоя...

*Akigata сайти материаллари  
асосида тайёрланди*

## **ЯХШИ ХОДИМЛАР КЕТИШИНИНГ 9 САБАБИ**

*Кўпчилик раҳбарлар яхши ходимлар бошқа жойга кетиб қолаётганидан шикоят қилишади. Умуман олиб қараганда уларнинг шикояти ўринли. Чунки аксар ҳолларда қадрли бўлган ходимларни йўқотиш уларга жуда қимматга тушади.*

*Раҳбарлар бу муаммони ҳар қандай нарсага боғлашга, турли баҳоналар топишга тайёр. Яъни ҳамма айб ходимга юкланади. Лекин улар оддий ҳақиқатни тан олишни сира хоҳлашмайди: инсонлар аслида ишдан эмас, раҳбардан кетадилар.*

*Энг ачинарлиси шундаки, мазкур масалани осонлик билан ҳал қилиш мумкин. Вазиятга янгича ёндашиш ва қўшимча чораларни кўришнинг ўзи кифоя қилади.*

*Аввало, раҳбарларнинг қайси ҳаракатлари яхши ходимларнинг ғашига тегишини тушуниб олиш лозим бўлади.*

**1. Улар жуда ҳам кўп вазифаларни зиммаларига юклаб юборишади.**

*Ҳаддан зиёд юкламалар тезда ҳиссий томонлама ишдан совишга олиб келади. Агар сиз энг яхши ходимлар билан ишласангиз, уларнинг салоҳиятидан тўлиқ фойдаланишга интиласиз. Аксарият раҳбарлар мана шу ерда тузоққа тушиб қолишади. Ортиқча юкламалар яхши мутахассисларга ёмон таъсир қилади. Улар олдинги вазифаларни яхши бажарганликлари учун ўзларини жазоланаётгандай ҳис қила бошлайдилар. Бундан ташқари, ортиқча юк – унумдорликка қарши бориш ҳисобланади. Стэнфорд университетининг янги*



тадқиқотларида иш ҳафтасининг 50 соатдан ошиб кетиши натижасида меҳнат самарадорлигининг кескин пасайиши ўз исботини топган. Шунингдек, ҳафтанинг давомийлиги 55 соатдан кўпайиб кетадиган бўлса, ҳар бир ортиқча соат ҳеч қандай фойда келтирмайди.

Агар сиз иқтидорли ходимингизга қўшимча иш топшириш истагида бўлсангиз, аввало, унинг мартабасини кўтаришингизга тўғри келади. Албатта, сиз сўраган ҳамма нарсани бажаради, лекин иш босим ўтказа бошласа, унинг сиз билан узоқ муддатга қолиши даргумон бўлиб қолади. Қўшимча ҳақ, ваколоти доирасида бўладиган юксалишлар ёки ўзгаришлар – ортиқча юкламаларнинг бадали бўла оладиган мақбул усуллар сирасига киради. Агар сиз инсонларни улар иқтидорли бўлганлиги учунгина кўпроқ ишлашга мажбур қилсангиз ва ҳеч нарсани ўзгартирмасангиз, улар ўзларига лойиқ бошқа ишни топадилар. Кўпинча ишнинг энг кўпини бажарганлар бир четда қолиб, муносиб иш кўрсата олмаганлар кўпроқ тақдирланади. Бундай адолатсизлик ҳам муаммони янада кучайишига сабаб бўлади.

**2. Улар умумий ишга қўшилган ҳиссангизни тан олишмайди ва қилинган яхши иш учун мукофотлашмайди.**

Раҳбарлар кўпинча энг яхши ижрочилар учун оддийгина елкасига қоқиб қўйишнинг ўзи қанчалар аҳамиятли экани етарлича аҳамият беришмайди. Ҳамма мақтовни яхши кўради. Қаттиқ меҳнат қиладиганлар ва умумий ишга борлигини берадиганлар ҳам бундан мустасно эмас. Раҳбарлар қўл остидагилар билан тез-тез мулоқотда бўлиб туриши, улар ўзларини яхши ҳис қилишля-

ри учун нима ёрдам бериши мумкинлигини аниқлаб туришлари лозим (мисол учун, баъзиларга устама ҳақ керак бўлса, бошқаларига эса оддий эътироф етарли). Олинган маълумотлар асосида мукофот турини танлаш керак бўлади. Иқтидорли ходимлар билан эса бу ишни одатдагидан ҳам тез-тез амалга ошириб турган маъқул. Кўпинча, ҳамма ишни қилиб юрганларнинг иши эътироф этилмай қолади. Уларга худди ҳеч нарса қилмагандек муносабатда бўлишади, бошқаларнинг кичик ишлари бўрттирилиб кўрсатилади. Бу ерда адолатсизлик бор. Кам маошга чидаш мумкин, аммо адолатсизликка чидаб бўлмайди.

### **3. Улар ходимларга ғамхўрлик кўрсатишмайди.**

Иш жойини тарк этган ходимларнинг ярмидан кўпроғи собиқ раҳбарлари билан алоқани сақлаб қолмайди. Узоқни кўзлайдиган компаниялар вакиллари касбий маҳорат ва инсонийлик ўртасидаги мувозанатни сақлай оладиган раҳбарларни ёллашга ҳаракат қиладилар. Улар ходимларнинг ютуқларини уларнинг ўзлари билан бирга нишонлайди, энг оғир кунларида ғамхўрлик кўрсатади ва дастлабки қарашда оғир бўлиб кўринса-да, уларга жуда қийин вазифалар беради. Ходимларга нисбатан бепарво бўлган раҳбарлар эса юқори даражада кадр қўнимсизлигига дуч келишади. Фақат молиявий рағбатни кўзлаб, қилаётган ишидан завқ олмасдан, ким биландир саккиз соатни биргаликда ўтказишнинг имкони йўқ.

### **4. Улар мулоқот қилишмайди.**

Инсонлар билан мулоқотга киришар экансиз, маълум маънода хавfli ҳудудга қадам босасиз. Чунки сиз кимнидир бахтиёр қиласиз, ёки иш-

дан кетишига сабабчи бўлиб қоласиз. Ҳамсуҳбат бўлар экансиз, ходимлар кўз ўнгида обрўйигиз ошади, ўсасиз, ишончли, ҳалол эканлигингизни исботлайсиз. Бу каби хислатлар яхши раҳбар учун жуда зарур ҳисобланади. Ваъдасини унутиб қўйган раҳбар ходимларга жуда хунук кўринади. Шундай экан, агар раҳбар ўз сўзининг устидан чиқишни лозим деб ҳисобламас экан, нима сабабдан бошқалар буни қилишга мажбур бўлиши керак?

**5. Улар нопок одамларни ёллайдилар ва уларни қўллайдилар.**

Яхши, ҳалол ходимлар ўзларига ҳамфикр ходимлар билан ишлашни исташади. Агар раҳбар яхши ходим танлашда ўта синчковлик билан кўп вақт сарфлаётган бўлса, бу ҳолат у билан ишлаётганларнинг ҳафсаласини пир қилиши мумкин. Бундан ҳам ёмон ҳолат сифатида нолайиқ инсонларни ишга олишни кўрсатиш мумкин. Яъни узоқ йиллардан бери тер тўкиб келаётган ходимлар бир четда қолиб, янгиларига катта ишонч билдиришдир. Астойдил меҳнат келаётган кишининг эришмоқчи бўлган мартабасига нолайиқ бўлган бошқа одам эришадиган бўлса, ҳалол ўзини ҳақоратлангандек ҳис қилиб, бошқа иш қидиришига сабаб бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

**6. Улар инсонларнинг ўз орзулари томон интилишларига йўл қўймайдилар.**

Иқтидорли ходимлар – жушқин табиатли инсонлар ҳисобланади. Ўз орзулари томон интилаётган бундай ходимлар зўр бериб меҳнат қилади, бажараётган ишидан роҳатланади. Лекин кўпчилик раҳбарлар ўз ходимларини чеклаб қўяди. Улар ўз бизнесини кенгайтиришга уринаётган инсонлар бўлиб, баъзан орзуга жуда

берилиб, иш самарадорлиги пасайиб кетишидан кўрадилар. Бу кўрқувнинг ҳеч қандай асоси бўлмайдиган одатда. Тадқиқотларда эҳтиросга бутунлай берилиб кетадиган инсонлар эйфория ҳолатига тушиши исботланган. Бундай ҳолатда эса иш самарадорлиги беш барабар ошади. Ёки иқтидорли ходимнинг юксалишидан кўрқиб, уни чеклашади. Натижада бошқаларга йўл кенгроқ очилади.

**7. Улар ходимларга янги кўникмаларни кўлга киритиш имкониятини яратиб беришмайди.**

Ходимларига нисбатан эътиборсизлик ҳақидаги саволларга жавоб берар экан, раҳбарлар ўзларини оқлашга уринишади ҳамда "ишонч", "муқим иш" ва "имкониятларни мустаҳкамлаш" каби сўзлардан фойдаланишади. Аслида буларнинг бари сафсата. Яхши раҳбар ходимлари қанчалар иқтидорли бўлмасин, уларни бошқариши керак. Уларга эътибор қаратиш, мунтазам тинглаш ва ўз фикрини айтиб туриши лозим.

Балки бошқариш жараёнининг ибтидоси бордир, лекин муайян интиҳоси йўқ. Агар сизнинг иқтидорли ходимингиз бўлса, унинг такомиллашишига хизмат қиладиган йўналишларни топинг. Уларнинг янги чиққаетган техник воситалар билан таъминлаб туришни ҳам унутманг.

**8. Улар ижодий ёндашувни рағбатлантормайди.**

Иқтидорли ходимлар кўл урган ҳамма нарсаси яхши бўлишига интилади. Агар сиз янгиликлардан хавфсираб, одатий ёндашувларни ўзгартириш ва иш сифатининг яхшиланишига рухсат бермасангиз, улар ўз ишини тезда ёмон кўриб қо-

лади. Ходимнинг ички қувватини чеклаб туришга уриниш нафақат уларга, балки сизга ҳам зарар етказди.

### **9. Улар ходимларини янги марралар сари руҳлантирмайди.**

Яхши раҳбарлар ўз ходимларига дастлаб имконсиздай туюладиган вазифаларни берадилар. Улар синалган, одатий босқичли ёндашувлардан воз кечиб, инсонларни қулай худуддан чиқишга мажбур қиладиган жуда мушкул мақсадларни ўз олдига қўйишади. Шундан кейин яхши раҳбар унинг ютуққа эришиши учун қўлидан келган барча кўмакни беради. Иқтидорли инсонларга қилаётган иши жуда ҳам оддий ва қизиқарли эмасдек туюлади, улар ўзларининг ақлини синаш мақсадида бошқа иш қидира бошлайди.

### **Хулоса**

Агар сиз яхши ходимларни ушлаб қолишни хоҳласангиз, уларга бўлган муносабатингизни қайта кўриб чиқишингиз керак. Яхши мутахассислар ишончли, лекин иқтидор уларга чекланмаган танлов имкониятини беради. Шундай қилинганда, улар сиз учун ишлашни хоҳлашсин.

*huffingtonpost.com материаллари  
асосида тайёрланди*

## АЛКОГОЛ НИМА ҶИЗ?

Одамлар алкоголь тайёрлашни қуйидаги усуллар билан ўрганишган: Идишга узум сувини (шарбат) қуйиб, сўнг унга ачитқи (дрожж) бактерияларини қўшади. Бактериялар эса ширинликларни жуда яхши кўрадилар. Энди заррабин (микроскоп) ёрдамида бактерияларни кузатамиз: манна, бактерия, унинг кўзи, оғзи узум суви таркибидаги ширинликларни, шакарни маза қилиб емоқда. Орқаси – думининг остидаги тешикдан эса этил спиртини –  $C_2H_5OH$ , бошқача айтганда, алкоголь моддасини чиқаряпти. Шунинг учун, илтимос ёзиб қўйинг: “Абсолют алкоголь – чиритувчи бактерияларининг пешобидир”. Бу илмий истилоҳда “экскремент” дейилади, яъни нажас, чиқинди...

Шундай қилиб, бактериялар шакарларни еб, сийдикларини чиқаради. Идишдаги пешоб концентрацияси 11 фоизга етгач, ҳар қандай тирик организм каби, бактериялар ҳам ўзининг нажасига чўкиб-бўкиб ғарқ бўлади. Агар бу ахлат суюқлик шишаларга қуйилса, унинг номи рус тилида “вино сухое ординарное” деб аталади. У ҳамма жойда шу ном билан сотилмоқда. Агар суюқлик икки йил тиндирилиб, сўнг бактериядан тозаланиб, шишаларга қуйилса “вино сухое марочное” деб номланади. Унинг баҳоси биринчисидан икки бараварга қиммат бўлади.

Кўп ёшлар, айниқса аёллар, негадир шампан виносини яхши кўрадилар. Шампан виноси қандай тайёрланишидан эса беҳабар. Мен унинг қандай тайёрланишини Абрау-Дюрсода ўз кўзим

билан кўрганман. Бу ер Краснодар ўлкасида жойлашган совет шампаннинг ватани ҳисобланади. Шампан виносини қуйича шаклда тайёрланар экан.

Махсус яшил рангли қалин шишага узум сувининг беш хил навидан қуядилар. Уларнинг миқдорига қараб шампан турлари ҳам фарқланади. Яъни беш хил навидан шунча хил шампан виносини чиқарса бўлади. Хуллас, идишга узум суви қуйилиб, унинг устига чиритувчи бактериялар ташланади. Кейин махсус шишалар махсус пўкак қапқоқлар билан вақтинча ёпилади. Улар тоғ ёқасидаги ертўлалар деворидаги махсус жойларга қўйиб чиқилади. Эшиклар маҳкам ёпилиб, бир йил давомида +14 ҳароратда сақланади. Икки йил ичида бактериялар тинчлик ва хотиржамликда шакарларни еб ахлат..., вой, узр..., спирт ишлаб чиқариш билан банд бўладилар.

Вақти-соати етгач, ертўла очилади. Ертўла ичига ёруғлик берадиган кучли прожекторлар ўрнатилиб, кучли чироқлар ёқилади. Кутилмаган чироқдан кўрқиб кетган бактерияларнинг "ичи кета" бошлайди. Ҳаммаси кўрққанидан ва кўп миқдорда "бажариб" қўйганларидан қирлиб, ўлиб кетади. Бироқ ўлишдан олдин улар кўрққанларидан "газ"ларини ҳам тўхтамасдан чиқара бошлайди. Купчилик яхши кўрадиган шампан ичкилигининг газлари шу тариқа ҳосил бўлади.

Қизиғи, бактериялар нафақат шакардан спирт чиқаради, балки ҳар қандай органик моддалардан спирт ажратиши мумкин. Масалан Уст-Абаканнинг гидролиз заводида ёғоч қипиқилари қайта исланиб, спирт олинади. Бунда ёғоч

чиқиндиқлари намланиб, шишага солинади ва бактериялар қўшилади. Бошқа ейдиган нарсалари бўлмагани учун бакериялар шуларни паққос тушириб, чиқиндиларини чиқараверади...

Бу бактериялар инсон ахлатини ҳам алкогольга айлантириши мумкин. Менинг ўзим Олтой ўлкасининг бир қишлоғиданман. Ҳазил қилиб ёки қасддан кимнингдир ҳожатхонасига ачитқи (дрожж) ташланса борми, жараён бошланиб кетади... Ёнидан ўтаётиб шампан ичкилигининг хиди ураётганини сезасан...

Узр, ..чегарадан чиқдик. Бироқ ҳақиқат шу. Ундан кўз юмиб бўлмайди.

*(Сибирь Гуманитар-Экология Институтининг профессори, халқаро психоаналитиклар бирлашмасининг президенти, Россия ХСУК (халқаро сергаклик учун кенгаши) раисининг ўринбосари Жданов Владимир Георгиевичнинг маърузасидан парча)*



## ЦИВИЛИЗАЦИЯЛАШГАН ИНСОНИЯТ

### ЯЛАНҒОЧ ХОТИНЛАРНИ ДЕБ ҲАЛОК БЎЛМОҚДА

Бугунги куннинг энг қудратли оммавий қирғин қуроли нима, биласизми? Стриптизчи қизлар!

Маълум бўлишича, аёлларнинг яланғоч баданини кўп томоша қилиш эркакларда проста та бези саратон касаллигини келтириб чиқарар экан. Демак, цивилизациялашган инсоният қандайдир ядро бомбаси ёки табиий ресурсларнинг етишмаслигидан эмас, балки яланғоч хотинларнинг кўпайиб кетганлигидан ҳалок бўлаётган экан. Бу алаҳсираш ёки футуристик романнинг қисқача мазмуни эмас. Бундай ҳалокат яқинлашиб келаётганини машҳур шифокор, “Стресснинг рухий антропологияси” деб номланган тадқиқот муаллифи, академик Леонид Китаев-Смык айтмоқда.

Энг қизиғи, динга мутлақо алоқаси бўлмаган дунёвий олимнинг хулосалари жинсий эркинликни тақиқловчи самовий динларнинг ҳукмлари билан бир хил бўлиб чиқмоқда. Академик ушбу илмий ҳақиқатни “Россия ҳаёт учун” деб номланган электрон нашрга берган интервьюсида маълум қилган.

– Сўнги ўн йилликлар давомида аденома (безарар ўсма) ва простата раки билан касалланиш европача, америкача цивилизация ҳукм сурган мамлакатлардаги эркакларни эпидемия каби камраб олди. Асримизнинг бошига келиб, эркакларнинг 40 фоизида аденома учраган бўлса, 40 ёшдан ошганларнинг ярми бу касалликка чалин-

ган. АҚШлик патологоанатомлар 60 ёшдан ошиб вафот этган эркекларнинг 80 фоизда простата раки бўлганлигини аниқладилар. Бошқача айтганда, уларнинг кўпчилиги бу касалликнинг фожиали, азобли оқибатларини кўриб улгурмай ўлиб кетишган. Бироқ, жумбоқни қарангки, муслмон мамлакатларда эркеклар онкологиясида бундай кўрсаткич йўқ!

– Нега ахир? Ғарб мамлакатларида тиббиёт кучлироқ ривожланган, уларда турмуш фаровонлиги ҳам юқорироқ-ку?

– Мен шундай хулосага келдим. “Истеъмолчилик жамияти” ҳукм сураётган мамлакатларда сўнгги ўн йилликлар давомида аёлларнинг қадди-қоматини, жисмоний гўзаллигини – илмий тил билан айтганда, иккиламчи жинсий белгиларини – бўрттириб турувчи ёки очиқ кўрсатиб турувчи кийимлар урф бўлди. Аёлларнинг қорни-ю киндигини очиб юриши оддий ҳолга айланиб қолди. Стрейч-джинсилару ёқавайрон декольтеларни кўрган эркекларнинг кўзи олма-кесак теради...

Буларнинг бари жинсий эҳтиросни уйғотувчи сексуал сигналлар ҳисобланади. Шаҳарда яшовчи эркек бундай сигналларни кунига ўртача 100-200 марта қабул қилади, бундан ҳосил бўлган эҳтирос қондирилмагач, мияга сиқиб чиқарилади. Эркак буни кўриб кўрмаганликка олиши ҳам мумкин, бироқ қонга андрогенлар тула миқдорда ажралиб чиқади. Аммо энг муҳим гап мана шу ерда экан! Андрогенлар қонга катта (онкологик жиҳатдан безарар) ҳажмда эмас, балки ўртача дозада ажралиб чиқади, бу доза эса канцероген (саратон касаллигини келтириб чиқарувчи) миқдордир. Натижада тез-тез кўзғалиб турган, лекин нафси

қондирилмаган эркак организми ичдан емирувчи канцероген ҳужумга учрайди, бу эса оғир оқибатларга олиб келади.

– Кечирасиз, сизнингча ҳар бир кўзғалиш жимомъ билан қондирилиши керак бўладими?

– Ҳа, табиатнинг қонуни шундай. Эркак ва аёл ўртасидаги яқинлик – насл қолдириш воситаси бўлиб, у ҳар қандай ҳолатда ҳам организм учун фойдалидир. Дарвоқе, шунинг учун ҳам дин ниқоҳни ва эр-хотин ўртасидаги яқинликни рағбатлантиради.

Бу ҳодисанинг физиологиясини лўнда қилиб тушунтириш учун ҳайвонлар ҳаётидан мисол келтираман. Урғочи ҳайвон инстинкт асосида энг яхши эркак ҳайвонни, яшовчан насл қолдира оладиган эркакни қидиради, бундай талабга жавоб бермайдиганларини эса ўзидан нари ҳайдайди. Бироқ ана шу ҳайдалган, қўшилишдан маҳрум қилинган эркак ҳайвонлардаги жинсий кўзғалиш сақланиб қолади... у қондирилмайди, балки мажбуран сўндирилади... Уларнинг қонидаги андрогенлар таркиби эса ўртача миқдорлигича, яъни онкологик жиҳатдан хавфли миқдорда сақланиб қолаверади. Вақт ўтиши билан уларнинг мижози сусаяди, сўнг бу нарса ракка айланади. Шу тариқа заиф, “талабга жавоб бермайдиган” эркак ҳайвонлар “табиий танланиш” натижасида йўқолиб кетаверади.

Фанда эса худди шундай жараёнлар одамларда ҳам юз бериши ҳақидаги маълумотлар тўпланиб қолди. Шунинг учун жинсий эҳтиросни кўзғатувчи аёллик зийнатларининг кўз-кўз қилиниши, бўрттириб кўрсатилишини “сексуал стресс”ни ҳосил қилиш деб қараш керак. Бундай стресс оқи-

батада мураккаб “сексуал тийилиш” комплекси ишга тушиб, бу комплекс импотенция (мижоз сустлиги) ва ҳатто саратон касаллиги билан тугайди.

– Ғарбнинг бой ва ривожланган халқлари нима учун қирилиб кетаётганлигининг сабаби шундами?

– Ҳа, албатта, бу энг муҳим механизмлардан бири. Мен шундай хулосага келдим ва уни ҳаммага етказишга ҳаракат қиламан: аёлларни ечинтирувчи мода европа элатларини ҳалокат сари етакламоқда. Уларнинг ўрнида эса дунёда аёлларининг иффати ва авратини ҳимоя қила олган ва шу йўл билан эркакларини эҳтиёт қилувчи халқлар қолади. Бу биринчи навбатда Ислом халқлари бўлади.

– *Бироқ, бутун Африка, Осиё ва Жанубий Америка аҳолиси-чи? Улар умуман яланғоч юришади-ку. У ерда иқлим иссиқ. Уларнинг ҳоли нима бўлади?*

– Саволингизга савол билан жавоб бераман: бундай халқлар узоқ умр кўряптими? Бутун халқни олганда ҳам, алоҳида кишиларни олганда ҳам – натижа бир хил. Уларнинг маданияти, цивилизацияси қандай ҳолатда? Бир нарсани тўғри тушунингки, яланғоч бадан урф бўлган қадимий юнон ва римликларни айнан шу нарса ҳалок қилган. Қани улар ҳозир? Дунё харитасидан йўқолиб кетишди-ку. Улар ҳарбий ҳаракатлар натижасида қирилиб кетмади, улар ичдан емирилдилар. Инжилда ва Қуръонда Лут қавми ҳақида айтилган айтилган гаплар – кўп мисоллардан биридир. Улар ўз-ўзини емириш йўлидан бордилар, табиатнинг қонунларини буздилар, унинг табиий механизмларини барбод қилдилар (дарвоқе,

“содомизм”, гомосексуализм – гедонизмнинг, эҳтирослар ҳукмронлигининг уччига чиққан кўриниши бўлиб, ярим яланғоч кийинишнинг оқибатларидан биридир).

Иккинчи томондан, ўз аجدодларининг анъанавий қадриятларига риоя қилиб келаётган халқлар ҳамон барҳаётдирлар. Бу мусулмон халқлардир. Дарвоқе, бугунги славянларнинг аجدодлари ҳам мусулмон бўлишган. Россиядаги барча халқларнинг XIX асрдаги аёллар либосига бир қаранг: уларнинг кийими кенг, этаклари узун, баданга ёпишиб турмаган...

Рус тилидаги “опростоволисться” деган ажойиб ифодани эсланг. Унинг маъноси “тасодифан бошяланг бўлиб қолиш”дир. Бошқача қилиб айтганда, тасодифан рўмолни тушириб юбориш, сочи кўриниб қолиш, демакдир. Ҳозирги кунда бу сўз “хато қилиб қўйиш, билмасдан тезда тузатиш лозим бўлган ишни содир қилиб қўйиш” деган маънода ишлатилади. Машҳур Ушаков луғатида бу сўзга шундай таъриф берилган: **ОПРОСТОВОЛОСИТЬСЯ** сов. (разг. шутол.). Оплошать, сделав промах, ошибку. Он боялся, что когда придет к Лопуховым после ученого разговора с своим другом, то несколько опростоволосится. Чернышевский. Как бы нам теперича с этим делом не опростоволоситься. А.Островский. (Первонач. в русском крестьянском быту о женщине - снять с себя публично головной убор, что считалось неприличным.) (Словарь Ушакова).

Эътибор берган бўлсангиз, муаллиф матнининг сўнггида қавс ичида шундай изоҳ берган: “Дастлаб бу сўз рус деҳқонлари ҳаётида аёлларга нисбатан айтилган – унинг маъноси ҳамманинг

олдида бош кийимни ечиш бўлиб, бу уят, беодоблик ҳисобланган”.

Қадимий рус фрескаларини, иконалар, қўлёзмаларни кўринг, ўтган аср хонимларининг, рус деҳқон аёлларининг суратларига қаранг – аёллар либоси нақадар чиройли, ўзлари ифбатли бўлган!

XXI асрнинг кўпчилик аёллари эса ўзининг яланғоч оёқлари ва очик ёқалари билан том маънода эркаклар саломатлигига қабр кавламоқда. Хилват учрашувга юпун отланаётган ҳар бир “гўзал” биргина кишининг кўнглини олиши мумкин, бироқ йўлда учраган ўн кишини ногирон қилади. Стриптизчи қизларни эса Ғарб цивилизациясини жисмонан носоғлом эркаклар жамиятига айлантириб улгурган “оммавий қирғин қуроли” деб бемалол айтиш мумкин.

*– Ҳуш, бу вазиятдан чиқиш йўли борми? Қийин жойи шуки, Россия – ўнлаб турли миллат ва динларнинг вакиллари яшаётган улкан мамлакатдир. Қадимий юнонларга ўхшаб қирилиб кетмаслик учун ҳамма бирлашиб бирор иш қилиши мумкинми?*

– Бу жуда осон. Модага таъсир қилиш механизмлари бор-ку. Гузаллик ва Нуфузлилик ифодаси сифатида, хусусан, оммавий ахборот воситалари орқали модага таъсир кўрсатиш керак. “Модани бироз орқага, халқларимизнинг анъанавий либослари томон қайтарамиз!” деган аниқ сигнал бериш керак – қарабсизки, олам гулистон!

Яна қайтараман: либос маданияти диний анъаналарга риоя қилган барча халқларда бўлган.

Минг йил орқага, “олтин асрлар”га қайтишга чақириш керак эмас, гўзаллик ва саломатлик-

нинг оптимал нисбатини тикласак, либоснинг асл мақсад-моҳиятини тўғри тушунсак бўлди. Сизни ишонтириб айтаманки, ушанда ҳатто бутун дунёни кийинтираётган хитойликлар ҳам, бизнинг буюртмамиз бўйича “ғарб модаси”ни эмас, биз сўраган нарсани етказиб бера бошлайди.

## MADE IN CHINA: НЕГА ҲАММА НАРСА ХИТОЙДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН?

Европа ва Американинг гаджетлар билан шуғулланадиган ташкилотлари ишлаб чиқариш объектларини нега Хитойга кўчираётгани ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз? Яъни, мазкур корхоналар ўз мамлакатларида ишсизлик пайдо бўлиши мумкинлиги ҳамда бутун бошли бир саноат тармоғининг йўқ бўлиб кетиши ҳақида ўйлаганлари ҳам йўқ. Одатда бунга иқтисодий сабаблар вазифатида кўрсатилади. Яъни Хитойда ишчи кучи жуда арзон! Бунинг натижасида ишлаб чиқариш сарф-ҳаражатлари арзонга тушади ва ҳоказо...

Бироқ, айтингчи, юқори имкониятларга эга гаджетни ишлаб чиқарувчи конвеер ишчисининг маоши ўша ўзи тайёрлаётган маҳсулот қийматининг неча фоизини ташкил этади? Бу арзимас миқдорда эмасми? Платалар куруқ бармоқлар ёрдамида пайвандланмайди-ку. Ишчиларга арзиманган иш ҳақи тўлайдиган давлат фақат Хитой эмас.

Яна бир фикр борки, унда хитойликларнинг жуда меҳнаткаш, ҳаракатчан ва тиришқоқ экани айтилади. Бу хато ва янглиш фикрдир. Чунки коммунистик тарғибот туфайли хитойликлар анча бузилиб кетган. Яъни, улар дангаса ва текин нарсаларга ўч бўлиб қолган. Агар қандайдир натижага эришиш керак бўлса, уларнинг бошида тўқмоқ билан назорат қилиб туриш зарур. Шунинг учун ҳам "Made in China" тамғаси урилган аксарият маҳсулотларнинг сифати жуда паст. Яхши маҳсулотларнинг борлиги бетиним ва сергак назорат туфайлидир.



## *Хуш, нега айнан Хитой?*

Гап шундаки, ҳар бир юқори технологик маҳсулотни ишлаб чиқаришда сайёрамизда камдан кам учрайдиган нодир металллардан фойдаланилади. Хусусан, айпадда буларнинг камида 17 таси мавжуд: планшетнинг литий-ион батареясида латандан фойдаланилган бўлса, смарт-қопқоқни ушлаб турадиган ён магнитларида неодим қотишмаси, ойналик экранни полировка қилишда эса оксид церия қўлланилади.

Энг қизиқ жиҳати шундаки, Ерда учрайдиган барча нодир элементларнинг 95-97 фоизи Хитойда қазиб олинади. Ва ҳал қилувчи омил шуки, Хитой ерда учрайдиган нодир элементларни тоза, табиий кўринишда экспорт қилишга асло йўл қўймайди, фақат ўзида ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлардагина фойдаланишга рухсат берган.

Мана шу орқали юқори технологияларга асосланган техникаларни ишлаб чиқаришдаги Хитой монополиясини тушуниб оламиз. Иқтисодий муносабатлардаги бу қадар чидаб бўлмас тенгсизликка дунё қандай қилиб йўл қўйиб берганига ақл бовар қилмайди. Шундай тасаввур пайдо бўладики, бошқалар бугун уйғонди: АҚШнинг Molycorp ва Австралиянинг Lynascorp компаниялари 2012 йилнинг охирига келибгина ер ости қазилмаларининг нодир турларини ўзлари қазиб олишни бошладилар. Бироқ уларнинг бу ишлари ишлаб чиқариш эҳтиёжларини қондирмаяпти: нодир ер ости қазилмаларига бўлган йиллик талаб ҳажми 136 минг тоннадан ортиқ ва бу талаб Хитойни тўлиқ қондиради.

Яқин келажакда Ғарб нафақат ўз уйида компьютер, смартфон, планшет, плеер, GPS-навигатор маҳсулотлари ҳамда бошқа юқори технологияли ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни, ҳатто Хитой ташқарисида ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун ҳеч қандай имконият қолмайди.

Бу маълумот глобал иқтисодиёт кучининг ҳаққоний манзараларига нигоҳ ташлаш учун янги йўл очишига ҳеч қандай шубҳа йўқ.

Хитой дунёнинг бўғзидан маҳкам ушлаб турибди.

## **КИТОБГА ЭЎТИРОМ ЁКИ МУТОЛАА ҚИЛУВЧИ МИЛЛАТ ДАВЛАТГА НЕГА КЕРАК?**

Сўнги пайтларда одамлар китоб ўқимай қўйгани ҳақида кўп гапирилмоқда. Бу бор гап. Бироқ мавжуд муаммони келтириб чиқарувчи омиллар ҳақида негадир жуда кам гапирилади. Келинг, шу масалани таҳлил қилиб кўрайлик. Сўнгра ушбу муқаддимага илова қилинган мақолани ўқиб чиқайлик. Хўш, муаммонинг илдизи қаерда?

Менинг фикримча, бунга кўп омиллар сабаб бўлмоқда. Аммо кўпчилик нисбатан кам гапирадиган асосий жиҳатларни санаб ўтаман:

1. Китоблар жуда қиммат (китоб саноатидан хабари бор одам сифатида китоблар ҳақиқатан ҳам қиммат эканини тан оламан. Кўпинча ноширлар китобни атайин «катта» қилиб, қиммат нархда сотишга ҳаракат қиладилар – катта шрифтларда териш, нақш ва бошқа безаклар эвазига). Майли, бу ноширларнинг иши. Китоб чиқариб, шундан бойиш гуноҳ эмас. Аммо оддий халқнинг ҳолатидан келиб чиққан ҳолда, аҳолини ҳам маърифатга ошно қилиш йўлларини ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди. Фақат бойлар ёки пули кўплар китобхон бўлиши керак, деган гап йўқ-ку!?

2. Текин кутубхоналар ташкил қилиш керак. Олдинги кутубхоналарни модернизация қилиш, қўллайлаштириш ва бошқа керакли чораларни кўриш зарур. Интернетда онлайн кутубхоналарни ривожлантириш мақсадга мувофиқ. Масалан, [Ziyouz.uz](http://Ziyouz.uz) сайтга ўхшаш маърифий ресурсларни қўллаб-қувватлаш лозим. Туғри, бу ерда муаллиф-

лик ҳуқуқи муаммоси ҳам бор. Муаллифлар ёки ноширлар ўн марта нашр қилиб сотган ва фойдасини ўн марта олган китобларини текинга, халқ ўқиши учун беришга рози бўлавермайди. Улар яна ва яна сотиш илинжида бўлади. Шу муаммони ҳам чиройли ҳал қилиш керак. Яъни, бу масалада сих ҳам, кабоб ҳам куймаслиги лозим.

3. Китоблар сони жуда кўп. Қай бирини энг аввал ўқиш нуқтаи назаридан энг зарурий китоблар рўйхатини тузиш керак. Албатта, бу иш мутахассислар назорати остида қилинса, мақсадга муваффиқ бўларди. Масалан, фейсбукда “Фонус лойиҳаси” бор. Шу лойиҳани ривожлантириш зарур.

Катта бир интернет кутубхона ташкил қилиб, барча китобларни шу ерга жойлаш керак. Оффлайн ишлаши учун махсус дастурлар ҳам ишлаб чиқилса яхши бўлади.

Халқни китобхон қилиш учун китоблар албатта чоп этилган бўлиши шарт эмас. Китобларнинг электрон муқобилларини кўпайтириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини қулайлаштириш, арзонлаштириш керак. Сўнгги вақтларда Ғарб ва бошқа китоб ўқишни севадиган юртларда электрон китобларни ўқиш анча кучайган.

Жадид боболаримиз эл-юртни маърифатли, зиёли қилиш учун ўз ҳисобларидан мактаблар очган, газета ва журналларни чиқарган. Халқни маърифатли, зиёли қилиш учун ўз мол-мулкларини аяшмаган. Биздагилар эса китобхонларнинг китобга бўлган муҳаббатларидан ўзларига моддий манфаат излашади. Халқ манфаатларини устун билмайдилар. Биз нега боболаримизга ўхшамадик? Шу ҳақда ҳам ўйлаб кўриш керак...

Мана, бир неча ойдирки, ижтимоий тармоқларда адабиёт ишқибозлари фаоллашиб қолди. Баъзилари ўқилиши лозим бўлган китоблар рўйхати тақдим этса (масалан, “ақллироқ бўлиш учун кўмаклашадиган 50 китоб”, “сени муваффақиятли қиладиган 11 китоб”, “ўзини ҳурмат қилган ҳар бир киши 25 ёшигача ўқиши керак бўлган 25 китоб”), бошқаларининг мақсади ўзга иштирокчиларга нисбатан кўпроқ адабиёт ўқиб чиқиш ёки муайян санага қадар аниқ бир кўрсаткичдаги ўқилган китоблар даражасига етиш бўлган хилма-хил “Китоб мусобақаларига” аъзо бўлишмоқда. Бундай китоб ишқибозлиги ортида нима турибди?

Агар инсон кўп китоб ўқиса, у ақлли саналади. У қанчалик кўп ўқиса, билими шунчалик ошиб боради. Шунинг учун китоб ишқибозлари камдан кам ҳолларда китоб ўқийдиганларни, биродар, нега сен миянгни маънавий озуқа билан таъминламайсан, деб койишади. Ўз навбатида биродарларда уят ҳисси уйғонади. Чунки жамият кам ўқиган тақдирда ҳам ҳафтасига битта китоб ўқийдиганларга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлади.

Китобга доир бир неча тушунчаларни кўриб чиқамиз:

### ***Китоб – билим манбаи***

Нега энди йўқ? Лекин фақат китоб билим манбаими? Ҳаётини тажриба, кинофилмлар, қўшиқлар, расмлар, жараёнлар кузатуви, суҳбатлар, анъаналар, радио эшиттиришларни тинглаш, доно кишилар билан суҳбатлашиш, ниҳоят, шахсий хулосалар-чи? Яъни, аслида китоб – билимнинг ягона манбаи эмас.

Иккинчидан, бу тушунча орқали билим сифати, савияси назарда тутилади. Сифат ҳақида гапирмаслик – худди шоколаддаги шакар миқдори ҳақида гапирмай, “Шоколод – калория манбаи” шиорини чиқариш кабидир. Ҳар бир инсон учун ҳамма билимлар ҳам керакли ва фойдали бўлмаслиги мумкин. Ҳаттоки баъзилари фикрлашга ҳақиқат берадиган кераксиз чиқинди бўлиши ҳам мумкин. Мисол учун, янгиликлар, ток-шоулар, шубҳали кўринишдаги мақолалар, “Ғира-ширалик” ёки “Кул рангининг 50 хил жилоси” кайфиятидаги китоблар. Шу сабабли “Китоб – билим манбаи” шиори ҳам худди “Таом – энергия манбаи” шиори сингари номақбул ва мавҳумдир. Чунки, биринчидан, қандай таомлиги тушунарсиз, иккинчидан, балки у ҳазм бўлмас?

### ***Ўқиш – энг яхши таълим олишдир***

Башарти инсон китобни ўзлаштира олмасачи? Квант механикаси (элементар зарралар ҳаракати ва уларнинг ўзаро таъси ҳақидаги назария), генетика ёки молекуляр биологияга оид манбани қўлга олиб, мияда “ўқиб чиқдим” белгисини қўйиб, ўзидан мамнун бўлиб юриши, ваҳоланки ўқиб чиққани ҳақида биронта тасаввурга ҳам эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Ёки инглиз тили ва олий математикага доир дарсликни ўқиб чиқиш инглиз тилида гапиришни ёки ўзгарувчан тенгламаларни ечишни ўргатиб қўядими?

### ***Китоблар инсонни ақллироқ қилади***

Ўқиш сўзлар ва сиймолар маъносини очиб беришни назарда тутати. Бу эса ижодий ёндашув ва танқидий таҳлилни талаб этади. Шу сабабли ҳам ақлий ва яширин қобилият ўсиб боради. Лекин бу

ақлли бўлишнинг ягона ва аниқ энг самарали усули эмас. Бола учун қай бири фойдалироқ – рицар ҳақидаги романни ўқиб чиқишми ёки мантиққа доир машқларни ечишми? Бир йил официант бўлиб ишлашми ёки 50 та бамаъни китобни ўқиб чиқишми?

Албатта, ҳар иккаласини ҳам мужассамлаштириш мумкин. Лекин танлаш керак бўлганда сиз қай бирини танлаган бўлардингиз?

Китоб ақллироқ қилгани ҳолда, ойнаи жаҳон (телевидения) зеҳни пасайтиради, деб ҳисобланади. Лекин, бунинг турган битгани сафсата. Чунки, ойнаи жаҳонда ҳам, китобда ҳам, аудиода ҳам бамаъни материаллар бўлиши мумкин.

“Экспериментал ўқитиш журнали” берган маълумотга кўра, бир хилдаги маълумот матн ва филм кўринишида берилганда мактаб ўқувчилари ўқиш мобайнида видеони томоша қилганга нисбатан мияларини кўпроқ зўриқтирганлар. Кутилган натижаларга зид равишда, ўқитишда филмни томоша қилиш матнга нисбатан самаралироқ бўлган (дедуктив хулосаларга асосланган ўқитиш назарда тутилмоқда). Бундан ташқари, узок муддатли истиқболда видео материал ўқилганига нисбатан кўпроқ эсда сақланиб қолган.

Креативликни оладиган бўлсак, “Амалий психология журнали”нинг ҳисоботига кўра, аудио видеога нисбатан ижодий қобилиятни яхшироқ ривожлантиради. Яъни, бериш шакли иккинчи даражали, мазмун эса – биринчи даражали (бу шундоқ ҳам аён бўлиши керак эди). Ҳар битта алоҳида ҳолатда тўғри танланган шакл, максимум мазмун сиқиб олинишини таъминлаши – бошқа масала. Бошқача қилиб айтганда, фақат китоб ва матнлар билан чегараланмаган турли хилдаги шакллар

орқали мазмун-моҳиятни англаган ҳолда ақллироқ бўлиш мумкин.

Бадий адабиётга келадиган бўлсак, унга катта рол беришга уринаётганлари тушунарсиз. Мутахассисликка у туғридан-туғри таъсир кўрсатмайди, даҳо ҳам қилиб қўймайди. Агарда ҳаётни тушунишни истаса, кўчага чиққан осон эмасми? У ерда ҳақиқатда ҳаётнинг янги ва актуал кўришини англаш мумкин. Тошкент кўчаси эса алдамайди. Лекин биринчи қараганда безарар бўлиб кўринган китобларда жуда кўплаб ёлғон мавжуд. Бу эса воқеликка яқин бўлмаган ўқувчида реаллик ҳақида бузуқ таассурот уйғотиши мумкин.

Романтика ва қаҳрамонлик ҳаракатлари билан тулдирилган китоблар қанчадан-қанча раҳмдил ёшларни жувонмарг қилди!

### *Ўқиш бошқа маълумот истеъмол қилиш шаклларидан фойдалироқ*

Ўқиганда филм томоша қилганга нисбатан мия кўпроқ ишлайди, деган тушунча машҳур. Лекин бу борадаги активлик ва пассивлик инсоннинг ўзига ҳам боғлиқ. Чуқур мулоҳаза қилмай туриб китобни “чап кўз” билан ўқиш мумкин бўлганидай, филмни ҳам ҳар бир гап ва ракурсни англашга ҳаракат қилган ҳолда, агарда нимадир назардан четда қолган бўлса, орқага қайтаришдан эринмасдан эътибор билан кўриб чиқиш мумкин. Қўшиқни ҳам турлича – куйдан завқ олган ҳолда, матнига умуман эътибор бермай ёки ҳар бир сўзнинг мазмун-моҳияти ҳақида чуқур фикр юритиб тинглаш мумкин.



### ***Ўқиш диққатни жамлашни ўргатади***

Шубҳасиз! Ажабланарлиси шундаки, агар китоб қизиқарли бўлса, тўхтамай ўқийсан. Лекин у қизиқарли бўлмаса, ўзингни ўқишга мажбурлашга тўғри келади. Худди шу нарсани филмлар, монологлар ва бошқа исталган билим олиш шакллари ҳақида ҳам айтиш мумкин. Мисол учун, қайта-қайта кўрсанг ҳам бўладиган филмлар бор. Аммо шунақалари ҳам борки, мутлақо ҳазм қилолмайсан, вассалом. Бошқа тарафдан, китоб ўқиш учун филм томоша қилишга нисбатан кўпроқ вақт талаб этилади. Шунинг учун китоб ўқиш кўпроқ тоқатни шакллантиради, десак бўлади.

### ***Ўқиш бу - жозибадорлик***

Ҳозирги кунда интернетда шундай тарғибот ҳам мавжуд. Ўқиш бу - билим олиш жараёни эканлигидан бошлаймиз. Яъни, худди шундай ҳолда муваффақият билан шунга тенг бўлган шиорларни ясаш мумкин: “Фикрлаш - жозибадордир”, “Тилларни ўрганиш - жозибадордир”, “Квадрат тенгламаларни ечиш - жозибадордир” ва ҳоказо... Мен эса жозибадорликни тамоман бошқа нарса деб ўйлардим. Шундай экан, бундай ҳолатда ўхшатиш жуда ноўрин, чунки инсон бир вақтнинг ўзида фақат битта жараён билан шуғулланиши мумкин.

### ***Ўқиш тасаввур учун кенг макон беради***

Филм томоша қилар экансан, сенда деярли танлов бўлмайди - режиссёр сен учун сюжет, ранг ва луқмани ҳам ўйлаб қўйган. Радио ва эшитти-

ришларни тинглар экансан, бу ҳолда ҳам узоққа боролмайсан. Ҳаттоки тезликни ҳам умуман назорат қилолмайсан. Бунда китоблар ноёб саналади, чунки улар реал воқеликда тезликни ўзгартириш ва ҳамма нарсани ўзича тасаввур қилиш имконини беради. Бунда мазмун – DIY (Do It Yourself – Ўзинг бажар) дейилади. Бошқа тарафдан бу минус. Чунки сен ҳеч қачон муаллифни охиригача тўғри тушунганлигинга амин бўлмайсан.

Режиссёрнинг маҳсулоти эса изоҳ учун бундай бой асос бера олмайди. Унинг барча ижод маҳсули, барча аниқ ранг ва луқмалар билан бизнинг кўз ўнгимизда туради. Ўқиш пайтидаги тасаввур эркинлигига келадиган бўлсак, барибир у чегараланган. Қанчалик айлантирмайлик, биз барибир муаллиф ўйлаган сюжет чегарасидан борамиз, холос.

“Қирмизи олма” сўз бирикмасини ўқир эканмиз, биз тасаввуримизда, сариқ лимоннинг эмас қизил олма суратини чизамиз. Ўзимизнинг уйдирмаларимиз билан фақатгина муаллиф ноаниқ қолдирган ёки айтмай кетган жойларни тўлдиришимиз мумкин. Мисол учун, муаллиф бу ҳақда айтмаган бўлса-да, биз қизил олмани яшил барги билан тасаввур қилишимиз ҳам мумкин.

Китобни севувчилар ўша китоб асосида филм суратга олинса, улар тасаввур қилганларидай чиқмаганлигини кўриб, одатда, чуқур хўрсинадилар. Лекин, наҳотки, матн, мисол учун мултфилм каби мияда шунчалик аниқ, батафсил, бир-бирига мос видео ва аудиосигнал бериши мумкин? Наҳот, олмадаги яшил баргни тасаввур қилиш ёки қилмаслик, ўқишни муҳим мияни чархлайдиган манба доирасига киритувчи асосий элемент бўлса?

Ҳамма кутубхонага олға.

## **Ўқишга тарғиб қилиш асослари**

Ўқишни тарғиб қилишда манфаатли қизиқиши бўлган уч тараф бор: нашриёт ва муаллифлар, оддий фуқаролар ҳамда давлат.

Муаллиф ва нашриёт учун актив ўқувчи бу – потенциал харидор.

Оддий фуқаролар учун ўқувчи – потенциал ҳам-фикр ва суҳбатдош, шунингдек, ўзининг нақадар ўқимишли эканлиги мақтана оладиган шахсдир.

Давлат учун эса ўқувчи бу, биринчидан, кўча чангитиб юрмайдиган инсон (нимадир билан банд), иккинчидан, буш вақтини бегона бир инсоннинг мулоҳазалари ва виртуал воқеликка алмашувчи (воқеликка аҳамият бермасликни таъминлайди), учинчидан, сўз оғусига берилган инсон (таъсир қилишнинг яна бир дастаги). Ва, албатта, керакли адабиётни ўқий олган инсон водород бомбасини ихтиро қила олади.

Ихтирочиларга бўлган эҳтиёж давлатнинг ўқувчи фуқароларга бўлган қизиқишининг жуда кам қисмини ташкил этади. Чунки илм-фан учун битта ўқишнинг ўзи кифоя қилмайди. Худди бошқа кўринишдаги истеъмол воситаларининг камлиги сингари бу хоҳ фильм кўриш бўлсин, хоҳ радио тинглаш бўлсин. Минимал шароит, лекин бу етарли эмас. Шундай экан, давлатга ўқийдиган фуқароларнинг нима кераги бор? Итоатли гўлларни, яъни ўқимайдиган, телевизор кўрадиган идеал истаъмолчиларни бошқариш осон эмасми? Бизнинг бошимизда “Ўқийдими – демак фикрлайди”, деган аксиома мустаҳкам ўрнатилди. Фикрлар экан, демак, потенциал исён қилади. Реал ҳаётда эса ҳаммаси аниқ равшан эмас.

Вольтернинг сўзларига кўра: “Ҳеч қачон йигирмата каттакон том (жилд) революция қила олмайди, уни йигирма сулик кичкина чўнтак китоблар қилади”.

Уқувчи аҳоли ҳукумат учун фойдали. Чунки улар ўқилиши лозим бўлган адабиётлар рўйхати ва мафкуравий ишловдан ўтган дарсликлар асосида етиштирилади. Ўқишга одатланар экансан, тўхташ мушкул бўлади. Ва ҳамма нарсани қаторасига ўқийверасан – реклама баннерлари, газета, интернет – ОАВ, блоглар. Матн билан мияни тозалаш, телевизор билан мияни тозалаш у қадар самарали эмасдир. Лекин у анчагина арзон ва ҳамма ерга кириб бориши мумкин – ҳаттоки электр ҳамда интернет бўлмаган жойларга ҳам. Шунинг учун ҳам камбағал мамлакатларда ҳамон китобга таянилмоқда.

СССРда ва ўтган асрнинг 90-йилларда туғилганларнинг кўпчилигида китобга нисбатан ҳаяжонли муносабат сақланиб қолган. Ҳошияларига нималарнидир чизиш, бўяш, саҳифасини йиртиш – ақлга сиғмайдиган ҳолат. Ахир бу китобку! Ваҳоланки, бу аслида қоғознинг бир парчаси ва бўёқнинг миллиграмми. Шунга қарамасдан, бизда китобга нисбатан эҳтиёткорона муносабат, баъзида ирим-сиримдан иборат ҳам: “Билимлар кириб олиши учун китобни ёстиғинг тагига қўйишни унутма!”

### ***Биз китобни нега ҳаддан ташқари севамиз?***

Биринчидан, бунча кўп асрлардан бери келаётган анъаналар сабаб. Илгари маълумотни сақлаш учун бунчалик хилма-хил шакллар бўлмаган. Китоб босиб чиқариш ҳам дастлаб арзон эди. Саводсизларнинг кўплигини айтмасак ҳам бўлади.

Шунинг учун кимки ўқий олса, шу ондаёқ олимга тенглаштирилган.

Иккинчидан, китоблар – бу маълумот сақлашнинг энг арзон йўли ҳисобланади. Филм суратга олиш бир неча юз минг, ҳаттоки миллион доллар туради. Мустақил равишда ҳаётий тажриба олиш эса жон билан тўланиши мумкин. Китобни ҳар ким ёзаолмаслиги мумкин, исталган одам уни ўқий олади. Бу кўпол бўлса-да, маълумот сақлашнинг асрлар давомида синалган универсал усулидир. Барча вақтларда аудио ёзишга ва видео туширишга нисбатан китоблар кўпроқ чиқарилганига асосланадиган бўлсак, ҳамма китобдан фойдаланади.

Учинчидан, китоблар анча илгари ўтиб кетганларни “эшитиш” усулидир. Чунки уларнинг ўз фикрларини бошқа ташувчи воситаларга ёзиш имкони бўлмаган. Қачонки, бу китоблар экранлаштирилса ёки овозлаштирилса, ташув услубига боғланиб қолиш эҳтиёжи бўлмайди.

### ***Китоб ўқиганинг яхшироқ эди!***

Китоб ўқишга тарғибот соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш билан узвий боғлиқ. Бу нафақат шахсий ҳаётга кириб бориш, балки танловга таъсир қилишга уриниш ҳамдир. Кўп марта такрорлайвериш ўз ишини қилди: эндиликда китобнинг яхши нарса экани ва уни ўқиш (ва яхши кўриш!) кераклиги аксиомага айланди. Бу ҳам худди аудио тинглаш ва видео кўриш мияни ишлатмайдиган пассив машғулот деган тушунча сингари талқин қилина бошлади. Эндиликда ўқувчида ўқиса у ақлли, бой, янада ахлоқли, маънан етук ва ҳоказо бўлиб кетаман, деган нотўғри тушунча ҳосил бўлиши мумкин.

## **Китоб парҳези**

“Ҳар бир китобдан нимадир олиш мумкин” – бу қўлига қизиқарли бўлмаган китоб олиб, уни мажбурият юзасидан тугатиб қўйган кишидаги ўзини овунтиришнинг одатий усулидир. Чунки китоб ёмон бўлиши мумкин эмас! У ҳар доим ҳақ. Сенга ёқмаган бўлса, демак, гап ўзингда.

Мия – нозик нарса. Уни тўғри келган нарса билан озиқлантирар эканмиз, оқибатда заҳарланиш юзага келиши мумкин. Шундай экан, ҳар бир китоб ёки мақола ҳам эътиборга лойиқ эмас. Бу ҳақда Александр Невзоров шундай дейди: “Ўзимизни юқори информацион ҳимоя воситаси билан таъминлашимиз керак ҳамда бизга керак ва керак бўлмаган нарсалар ҳақида тушунчага эга бўлишимиз лозим. Мутахассислик ёки бошқа, бизга алоқадорлиги бўлмаган барча нарсани узиб ташлашни билишимиз, қизиқ бўлса-да, масалан, муносабатлардаги эркинлик каби мақолани ўқишдан воз кеча олишимиз ва бизни қизиқтириши керак бўлмаган нарсаларга қизиқмаслигимиз керак. Мен мана шундай контрацепция (ҳимоя воситаси) билан яшайман ва бундан сира афсусланмайман”.

““Жиноят ва жазо”ни ўқимай туриб қандай яшаш мумкин?” руҳидаги таънали саволлар бўлганда нима қилиш керак? “Бу менга қизиқ эмас, вақтимни қизғаняпман” каби рост вариантлар билан бирга, доим туз козири бор – Пушкин Достоевскийни ўқимаган бўлса ҳам қандайдир яшанган-ку.

*Юрий Паламарчук мақоласи  
асосида тайёрланди*

## ПОСТИНДУСТРИАЛ ДАВРДА ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф ҳазратлари билан суҳбатларимизнинг бирида: "...Ҳозирга келиб Ғарбда одамлар бир-икки йил умрини сарф қилиб ўрмонларга, тоғларга чиқиб кетади. Ҳайвонлар, табиат ёки ҳашоратларнинг ҳаётини ўрганеди. Видеоларга олиб, кинолар қилади, тадқиқотлар олиб боради ёки шунга ўхшаш бошқа ишларни қилади. Сўнг узоқ вақт қилган меҳнати, асос солган иши эвазига моддий фойда кўради. Интеллектуал мулк аҳамияти кун сайин ошиб бормоқда", деб айтган эдилар роҳимахуллоҳ.

Ҳозирги замонда ишлаб чиқаришнинг жойлашув ўрни аҳамиятга эга бўлмай қолди. Муҳими – ким ишлаб чиқаришни тўлиқ назорат қила олишида. Ким назорат қилаётган бўлса, ўша фойдага эга чиқади. Бир мисол, iPhone ишлаб чиқарилиши (истеъмолчилар жамиятида бу нарса деярли муқаддас нарсага менгзалади). Бу ускуналар Хитойда ишлаб чиқарилади, АҚШдан у ёққа керакли бўлган мингдан ошиқ компонентлардан фақат бир икки нарсагина олиб борилади. Масалан, сапфир шишаси каби нарсалар. Шу сабабли iPhone Хитой, Корея ёки ишлаб чиқариш жойларининг 99 фоизи Осиёда жойлашгани учунгина мазкур маҳсулотни ўша ернинг маҳсулоти, деб айтиш тўғри бўладими? Apple ўзининг барча маҳсулотларни ўзи ишлаб чиқариш қувватига эга эмас. iPhone ва умуман олганда Apple'нинг бошқа ускуналари АҚШнинг Калифорния штатидаги Купертино офисида лойиҳалаштирилади. Бу ерда

ускуналар учун дизайн, дастурлар ишлаб чиқарилади ҳамда реклама кампаниялари режалаштирилади. Асосий қилинадиган ишлар ана шулардэн иборат. iPhoneнинг расмий сайтида ёзилишича, “хитойлик ишлаб чиқарувчилар ускуналарни йиғиш бўйича энг яхши потенциалга эга” бўлса ҳам уларнинг гаджет ишлаб чиқаришга қўшган ҳиссалари атиги бир фоизни ташкил қилар экан. Яъни, ўн минглаб хитойликлар – Сичуан вилоятида Хитойга тегишли заводнинг стерилланган хоналарида бир кунда 400 мингдан ошиқ қурилма ишлаб чиқарувчиларга якуний маҳсулотдан бир фоизгина улуш тегар экан.

Постиндустриализм – бу саноатнинг йўқ бўлиб кетиши эмас, балки давр иқтисоди бўлиб, бу қўшимча қийматнинг асосий қисми конлар болғалар билан эмас, балки мия орқали топилиши деганидир. Янада яхшироқ тушуниш учун постиндустриал гигант ҳисобланадиган Apple ва индустриал гигант “Газпром” мисолида кўриб чиқайлик. 2014 йил “Газпром”нинг 459 минг ходими компанияга \$ 3,5 млрд соф даромад келтирган. Apple компаниясининг 80 мингдан ошиқ дизайнер, дастурчи ва офис ходимлари эса ўз эгалари \$ 39,5 млрд соф фойда олишига сабаб бўлган. Ҳар бир ходимга шу пулларни тақсим қиладиган бўлсак, Apple ходимларининг ҳар қайсисига \$ 493 750 дан, “Газпром” ходимларига эса, \$ 7 625 дан тўғри келади. Демак, ақлини ишлатадиган ходим ер қаъридан бойлик қазиб олиш билан шуғулланадиган одамдан 65 марта кўп пул топар экан. Яна бир бор шу масалани яхшилаб ўйлаб кўринг...

Айни вақтда дунёдаги энг барқарор маҳсулот интеллектуал мулкдир. Дунё “Газпром” махсу-



лотларидан бемалол воз кечиши мумкин. Масалан, Россиядан оқиб келаётган газ ёки нефтнинг муқобили бор, уни бошқа минтақалардан ҳам қазиб олса бўлади. Бироқ iPhone ни нима билан алмаштира бўлади, яъни уни бошқа қаердан сотиб олиш мумкин? Албатта, унга ўхшаш суррогат маҳсулотлар ҳам бор, бироқ истеъмолчилар негадир Хитойнинг арзон смартфонлари ўрнига жуда қиммат бўлган айфонларни харид қилишга жуда ўч. Постиндустриал иқтисоднинг индустриал иқтисоддан фарқи ҳам шу. Индустриал даврда арзон маҳсулот таклиф қилган ютади, постиндустриал иқтисодда ноёб, нодир маҳсулот таклиф қилган ютади. Samsung, LG, Lenovo, Huawei ва бошқа шуларга ўхшаганлар бир бири билан рақобат қилиб, ўз даромадининг маълум қисмидан воз кечиши мумкин. Apple эса ўз маҳсулотини қимматлаштиришда давом этаверади. Чунки у ўзига хос нодир хусусиятга эга. Apple ва "Газпром" ни қиёс қилар эканмиз, яна бир муҳим жиҳатга эътибор қилиш керак. Бу икки компаниянинг айланма пули билан соф даромадида ҳам катта фарқ борлигини кўриш мумкин. Америка корпорациясининг айланма пулга нисбатан соф даромади 21,5 фоизни ташкил қилади. Газ гигантида эса бу рақам 3,4 фоиздан иборат. "Газпром"нинг асосий сарф-харажатлари газни қазиб олиш, уни мижозга етказиб бериш ва шунга ўхшаш нарсаларга йўналтирилади. Америка компаниясининг асосий харажатлари эса ходимлар ва пудратчиларнинг маошига сарф қилинади. Яъни, Apple бир йил ичида \$ 183 млрд пул топиб, уни америкаликларга маош, дивидент ёки солиқ сифатида қайтаради. Яна бир фоиз пул офис хона-

ларини совутиш учун ишлатилган электр тоқлари ҳамда қурилмаларни йиғаетган осиеликлар учун сарф қилинади. “Газпром” фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришга сарф қилаётган харажатлар кун сайин ошиб бормоқда, захиралар тугаб боряпти, фойда эса кам... Компаниянинг моливий ҳолати банкрот бўлиш арафасида экани айтилмоқда. Чунки XXI асрда углеводород хом ашёларни қазиб чиқариш худди гармдори етиштириш ёки ипак тайёрлашга ўхшайдиган нарсадир. 400 йил олдин Европага гармдори етказиб бериш 1000 фоиз даромад келтириши мумкин эди. Туғри, одамзот постиндустриализм даврида ҳам гармдорисиз яшай олмаслиги мумкин, унинг устига бу маҳсулотга бўлган талаб ўрта асрлардан ҳам уч марта юқори даражага етган. Бироқ гармдори экинзорлари кўп бўлган бирор бир мамлакат бугун илғорлар сафида бўла олмайди. Ўтган асрда углеводород хом ашёлари захираларини назорат қилган мамлакатлар илғор эди. Бугун эса қандайдир бир кичик электрон буюмларни ишлаб чиқарувчиларни назорат қилувчи мамлакатлар дунёни бошқармоқда. Сизга ёқса ҳам, ёқмаса ҳам шундай...

## “АЙФОН” ВА БОШҚА АРЗИМАС НАРСАЛАР

– Лена опа, илтимос, мен ўлмай, – кроватда ётган боланинг сочи бутунлай тўкилиб тушган. Ранги эса яшилсимон бўлиб кетган. Бу бола французларнинг машхур кино комедиясидаги Фантомасга ўхшайди. Бироқ, бу сира ҳам кулгули эмас.

Чамаси, олтмиш ёшлар атрофидаги ҳамшира сесканиб кетди. Бундай нарсаларга шунчаки индамай кетиш мумкин эмас. Инсон бундай нарсаларга ўргана олмайди. Шунинг учун ҳам у одам. Бунга одамийлиги асло йўл қўймайди.

– Нималар деяпсан, азизим! Албатта ўлмайсан, – деди кўзи тўла ёш билан.

– Лена опа, биласизми, шанба куни онажонимнинг туғилган куни. Мен унга совға тайёрлаб қўйдим. Уни ўзим ясадим. Агар ўлиб қолсам, совғамни қандай қилиб унга бераман? Илтимос, шанба кунигача ўлиб қолмай? Шундай қилиш мумкинми?

Онкология. Ҳаёт ва мамот чегараси йўқолган палата. Бу болалар тирикка ўхшаб кўринса-да, аллақачон ўлиб бўлган. Ҳар қайсининг куни саналган. Балки бир-икки ҳафта ёки бир неча ойлари қолгандир. Маҳкум бўлган болалар. Бундан оғирроқ нарса бўлмаса керак.

Унга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Уни ҳеч нарса қутқара олмайди. У фақат онажонисининг туғилган кунигача яшашни, арзон картон ва рангли қоғоздан ўзи ясаган беўхшов совғасини ҳадя қилиш илинжида. Бу ўзининг ва онасининг умридаги энг қимматбаҳо совға...

Ё Аллоҳ, онасига сабр бер, мусибат туфайли ақлидан озиб, жинни бўлиб қолмасин...

Бизчи, дардимиз нима ўзи? Навбатдаги янги чиққан “айфон”га эгалик қилишми? Ёки музлатгичимиздаги MP3 плеерми? Космосга олимлар эмас, саёҳатчилар катта пуллар эвазига парвоз қила бошлади. Илм-фан бутунлигича икки оёғи бор ошқозон ва тубсиз шаҳват аъзосининг эҳтиёжини қондиришга бел боғлаб турибди. Гўзаллик институти. Аёллар тагликларини ўрганадиган тадқиқот институтлари. Ажинлар учун кремлар чиқариш лабораторияси. XXI аср илм-фан, технологиялар асри деб мақтанишни биласизлару, саратон, ОИТС ва бошқа юзлаб касалларга мағлубсизлар. Аслида, ғолиб бўлишни истамайсизлар ҳам.

Сенга “айфон” лозим. Ҳамда орқани масссаж қиладиган ускуна керак. Ва бўкиб еса ҳам семирмайдиган таблеткалар керак. Ош бўлсин, бўкавер. Прокладкаларни ҳам истаган жойингга қўявер. Башарангга эса турли туман ёғ упаларни ҳам чаплайвер...

Ҳар қайсимизнинг ўзимизга яраша минг хил орзу истакларимиз бор. Озиш. Кўп пулга эга бўлиш. Янги телефон. Иккинчи, учинчи, тўртинчи хотин. Саратон касаллигига чалинган одамнинг битта орзуси бўлади – шифо топиш. Уларга моддий ёрдам беришга бахиллик қиляётган бўлсангиз ҳеч бўлмаса ҳақларига дуо қилиб туринг...

Яқинларни мазкур оғир дард, бало-офатлар четлаб ўтсин...

## “ТАТУИРОВКА” ДЕГАНИ НИМА?

“Татуировка” – тери ичига махсус асбоблар ёрдамида ўчиб кетмайдиган қилиб сурат ёки ёзувларни сунъий йўл билан чизиш ҳисобланади.

Татуировка тарихига саёҳат қилиш учун жуда қадимги даврларга, яъни Қадимги Мисргача бориш керак. “Татуировка” сўзи (қисқача – “тату”) таит тилидан олинган (“ta” - расм, “atoua” - илоҳ). Ибтидоий давр одамлари ўз танасига қайси қабиладанлиги, ижтимоий ҳолатини кўрсатиб туриш учун расм чизиб олишар эди. Ҳатто бунда қандайдир сеҳрли куч бор, жангларда ҳимоя қилади, касалликлардан сақлайди, деб ишонганлар.

Бошқа тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, “татуировка” сўзи яванликлар тилидан олинган бўлиб, полинезияликларнинг “тату” сўзига мувофиқ экан ва “яра”, “ярадор” маъноларини ифодаларкан.

Доктор Гелльштерн ўзининг “Жиноятчиларнинг татуировкалари” деган асарида, “татуировка” сўзининг келиб чиқиши ҳақида гапириб, бу сўзни денгизчи Кук Ҳаити оролларида олиб келганини айтади. Ҳаити оролининг аҳолиси ҳар хил баҳоналарни сабаб қилиб, ўз танасига тату чиздирар экан.

Профессор Рикканинг хабар беришича, европаликлар орасида тату ҳақидаги илк хабарлар XVIII аср бошларига тўғри келади. Ушанда бозорларда танасига чизилган татуировкаларни кўрсатиб, бунинг эвазига пул топмоқчи бўлган одамлар пайдо бўлгани ҳақида маълумотлар келтирилади.

Ушандан бери татуировкалар жуда тез тарқалиб кетди. Айниқса, денгизчилар орасида! Сўнг жиноят оламида кенг ёйилди.

Маънавий қашшоқ бўлган одамлар, хусусан, жиноятчилар орасида татуировка чиздириш жуда оммалашиб кетди.

Расм, ёзувлар ва уларнинг танадаги жойлашган ўрнига қараб орган ходимлари жиноятчининг қайси жиноятларга кўпроқ мойил эканини тезда билиб олишлари мумкин.

Татуировка ёрдамида жиноят ишларининг фош этилгани ҳолатлари ҳам кузатилгани қайд этилган.

Бизнинг замонамизда татуировкалар урфга айланди, маданий ҳаётнинг бир тури ўлароқ намоён бўлмоқда. Бу иллат қандайдир заруратдан юзасидан эмас, шунчаки одамзотнинг нафсу ҳавосидан келиб чиққан.

Урфнинг психологик асоси инстинктив, онгли иродага унчалик боғлиқ бўлмаган ҳамда доим ўзгариб турадиган подаликнинг бир кўринишидир (Энциклопедик луғат).

Урф – тарихнинг айна даврдаги бир кўринишидир. Унинг ҳар бир инсон ва ҳаётнинг ҳар бир соҳасига – пошнадан тортиб адабиётгача, муаттар ҳиддан меъморчиликкача алоқаси бор.

Бироқ, ҳар бир урф деган нарсанинг саломатликка фойдаси бор дегани эмас. Урф деб айтилган баъзи қизиқишлар ҳаёт учун зарарли, ҳатто хавфли бўлиши эҳтимоли бор.

Жамиятда, айниқса, ёшлар орасида турли хил усулда тату чизиш одатга айланди: боди-арт (рангли татуировка) ва оддий анъанавий татуировка.

Агар татуировкага боғлиқ психология ҳақида гап очиладиган бўлса, бу ерда татуировкачининг руҳияти алоҳида диққатга сазовор. У қилаётган ҳар бир ишида ўзини намоён қилади.

Ҳар бир халқнинг асрлар давомида шаклланган ўзига хос рамзий белгилари бўлади. Улар билан танишиб чиқиш фойдадан холи эмас.

### ***Саломатлик учун хатар***

Танага бунга ўхшаш тарзда ишлов бериш саломатлик учун хатар туғдириши мумкин: оддий инфекциядан то жиддий хавф туғдириши мумкин бўлган касалликларгача. Шунинг учун ҳам тату чиздираётганлар бу ишлари билан ўз саломатликларига нечоғли хавф солаётганлари ҳақида бир ўйлаб кўришлари керак бўлади.

Ҳозир татуировкалар махсус ускуналар билан чизилади. Уларнинг иши худди тикув машинасининг ишига ўхшаб кетади. Чизилаётган расм ёки ёзувга қараб, бу ишнинг неча соат давом этиши мумкинлиги ва қанча миқдорда қон кетишини чамалаш мумкин. Чиздирилаётган жойига қараб, жараённинг оғриқли ёки оғриқсиз кечишини ҳам чамаласа бўлади.

Татуировка чизилишида инфекция тушмаган тақдирда ҳам, қизил рангли модда қўлланилса, аллергия реакцияси содир бўлиши ёки терига зарар қилиш орқали бошқа бир касалликни келтириб чиқариши мумкин. Ҳолбуки, чет эллик шифокорларнинг таъкидлашича, тату чиздириш жиддий салбий оқибатларга олиб келиши мумкин экан. Татуажчилар ўз мижозларига қоқшол, сил ва ҳатто ОИТС касаллигини юқтириб қўйгани ҳам маълум.

Инфекцион касалликларнинг олдини олиш ва назорат қилиш давлат марказларининг (АҚШ) маълумотларига кўра, татуировка чиздириш импетиго ёки дерматит деб номланган тери инфекцияси касаллигини келтириб чиқариши эҳтимоли мавжуд.

Вақт ўтиши билан терига туширилган расм ости ёки унинг атрофида экзема пайдо бўлади. Бундай беморлар шифохонага ётқизилади. Ушбу касалликка бўёқдаги парафениленодиаминлар сабаб бўлар экан. Бу моддадан косметика саноатида оз миқдорда фойдаланишга рухсат этилган. Айниқса, қора ранг билан чиздирганлар кўпроқ зарар кўришлари мумкинлиги такидланади.

Яна зарарлардан бири сифатида тиртиқ бўлиб қолиши эҳтимоли борлиги айтилади.

Сўнгги йилларда АҚШда татуировкаларнинг инсон саломатлигига келтираётган зарари кўпайиб кетганидан, давлат вазиятни назорат қилишга ҳаракат қилмоқда.

1961 йилда жуда кўп штатларда татуировка чиздиришга чекловлар жорий қилинди. Ушанда татуировкалар чиздириш жараёнида гепатит билан хасталанганлар жуда кўпайиб кетганди.

2003 йили АҚШ ҳарбий-денгиз флотидида хизмат қилувчи аскарларга бош ва бўйинга татуировка чиздириш тақиқланди. Кимнинг юқорида айтилган жойларда татуси бўлса, уни йўқ қилиш тавсия этилди.

Айни вақтда Осиё ва Африкадан келтириладиган вақтинча татуировка қилиш ишлатиладиган хнани ҳам АҚШга олиб кириш тақиқланган. Америкада хна сочи бўяш учунгина рухсат этилган бўлиб, тату-салонларда улардан фойдаланганлар қонунан жавобгарликка тортилиши мумкин.



Айтмоқчи, Америка қон банклари ассоциацияси ва Америка қизил хоч ташкилоти татуировка қилган донорлардан бир йил ичида қон қабул қилмайди. Айни шу давр мобайнида ушбу зарарли иллатнинг салбий жиҳатлари ўзини намоён қилади.

Татуировка қилишдан олдин яна бир бор яхшилаб ўйлаб кўринг!

Аллергиянгиз бўлса, бу ишни қилиш асло мумкин эмас. Ёки терингиз ҳаддан зиёд "сезгир" бўлса ҳам. Яна шуни билингки, татуаж қилиш жараёни жуда оғриқли кечади. Чунки расм солиш терига игна санчиш орқали амалга оширилади. Вақт ўтиб чиздирилган расмни ўчирмоқчи бўлсангиз, кўп ҳолатда танада чандиқ қолади.

Сўнгги вақтларда хна бўёқлари билан солинадиган татуировкалар ҳам кенг тарқалди. Бу ерда хнанинг ўзи эмас, балки унинг таркибига қўшилдиган бўёқ жуда хавфлидир.

Бўёқ таркибида жуда кучли аллергия модда бўлиб, ундан фойдаланган одамда бутун умр мобайнида қуёш нуридан сақлаш кремлари, оғриқни қолдирувчи таблеткаларга аллергия қўзиши мумкин. Иммунитет тизимига таъсир қилиши ва бошқа инфекциян касалликларни юқтириб олиш хавфи ҳам туғилади. Бўёқдаги моддалар лимфа томирлари орқали тугунчаларга тушиб, унинг фаолиятини издан чиқаради. Бу эса ўз навбатида иммун тизимига салбий таъсир қилади.

Татуировкаларни ўчириш одамга енгиллик олиб келмайди. Чунки лимфа тугунчаларига тушган бўёқ моддалари ўзининг қора ишларини аллақачон бажариб бўлган бўлади. Оқибатда лимфа тугунчалари бегона ва касаллик келтириб чиқарувчи нарсаларга тўлиқ қаршилиқ кўрсата олмай

қолади ҳамда турли хил бактерия ва вирусларга қарши восита ишлаб чиқармай қўяди.

Шундай экан, саломатликни таҳликага қўйиш шартмикан? Чунки йиллар ўтиб чиздирган расм учун пушаймон буларсиз ва вақт ўтиши билан терингиз ҳам осилиб қолади. Бир вақтлар кўзингизга чиройли кўринган расм ҳам осилиб, хунук бўлиб қолади. Гузаллик тимсоли балки бошқа тарафдир, шу ҳақида ҳам ўйлаб кўринг... Урф эса, тез ўзгариб турадиган нарсадир.

## ҚАСОС

Қуйидаги мақолани ўқиб, ўқувчида баъзи мулоҳазалар туғилиши табиий. Лекин шуни унитмаслик керакки, бугунги кундаги ахборот манбаларининг бир томонга йўналтирилганлиги натижасида, халқлар ўзларининг тарихий анъаналарини унутиб, қора пиар орқали ўзларини намойиш қилаётган, аслида ғараз ва зулмнинг манбаи бўлганларга ҳавас қилишмоқда. Оммавий маданият жодугарининг домига тушиб бормоқдалар. Мақола муаллифи мусулмон бўлмаса-да, лекин ўзининг инсофли эканлигини, тарихий жараёнларга холис баҳо беришга ҳаракат қилади. Албатта, мақоладаги таҳлиллар исломий дунёқараш дея талқин қилинмаслиги лозим. Лекин тарихий далиллар бугун дунёда етакчиликни даъво қилаётганларнинг асл нусхаси қандай эканлигини кўрсатади.

\*\*\*

Бугун қасос мавзуси ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб турибди. Бутун дунё бўйлаб Американинг “чексиз адолат” деб номланган лойиҳаси амалга оширилмоқда. У 11 сентябр воқеалари учун “қасос” сифатида қўлланилмоқда. Бироқ террорчилар бунинг аксини айтадилар. Яъни, 11 сентябр куни бутун Шарқ, Жануб, Учинчи дунё Америкадан қасос олди, дейилмоқда. Шу боис мазлумлар учун АҚШнинг қасос олишга ҳаққи йўқ экан. Бу орада “Улар бизлардан нега бунчалик нафратланишади?” деган мавзу бўйича Америкада қизғин баҳслар ҳам кузатилди.

Воқеалар қуйидагича тақдим қилинмоқда:

“Бечора қашшоқлар, мутаасиб бўлган маҳлуқ-

ларнинг билимсизлиги, қандай яшашни ва пул топишни билмаслиги туфайли омадли, ақлли ҳамда бой америкаликларга ҳасад қилишмоқда. Ўқиш, бойиш ва хурофотлардан халос бўлиш ўрнига, улар ҳасадга тўлиб, “қўшнилариинг уйларига ўт қўйишмоқда”. Бузиш ҳамиша бунёд қилишдан кўра осон бўлган. Қашшоқ мутаассиблар доим енгил йўлдан боришади, бироқ бу боши берк кўчадир...”.

Асли эса оддий, яъни, тарихдан озгина хабари бор одам “Нега биздан бунчалик нафратланади?” деган саволга осонгина жавоб толиб олади. Чунки бунга кўплаб сабаблар бор. Америкаликлар тарих соҳасида анча саёз бўлиб, улар Иккинчи жаҳон уруши, Вьетнамдаги уруш ва Саддам Ҳусайн устидан қозонилган ғалабанигина биладилар, шулар билангина фахрландилар. Америкаликлар айнан шундай қисқа хотиралари билан ўз келажагига қарайди. Ницша маслаҳатига кўра, улар ўз ўтмишларига маломат назари билан боқишмайди.

Шарқ, Жануб, айниқса кичик Осиё одатда ер юзининг энг бой жойларидан ҳисобланган Жаҳон цивилизацияси ҳам айнан Осиёдан бошланган. Бу қитъада илм, санъат, касб-ҳунар, жаҳон динлари ўз ривожини топган (бу гаплар аслида ким цивилизациялашган, ким эса йўқ, деб савол берувчилар учун). Англия ва Шимолий Атлантика минтақасида эса поклик нималигини билмайдиган ифлос, жоҳил варварлар яшашган. Уларни ҳам аста-секинлик билан цивилизацияга ўргатишган. Қадимги Хитой тарихига назар соламиз. Анатолия санъати мелодий аср бошида XVI аср Европаси даражасида бўлган. Давлат имтиҳончиси талабига кўра, ҳар қандай мансабдор шахс шеър

тўқиб бера олган. Қоғоз, порох, ипак ва фарфорларни ҳам бир эслаб кўринг-а... Фалсафий тизимлари билан танилган Ҳиндистонни, Эрон (турли хил динлари билан), Бобил (астрономия, тиббиёт, математика), Миср (математика), Юнонистон (фалсафа, илм-фан, санъат, техника, тиббиёт), Рум (сиёсат ва ҳуқуқ) диёрларини бир ёдга олинг. Биз ҳеч қачон қадимги Англия, Франция ва Германия тарихини ўрганган эмасмиз.

Милодий асрнинг бошланиш даврларида ривожланган Ислом (Шарқ-Жануб) ва насронийлик (Шимол-Ғарб) инсониятнинг яшаш шаклларини асло ўзгартирмаган, балки улар мазкур ҳолатни янада юксалишига сабаб бўлган (Ислом тарқалган ерлар энг маданиятли ва энг цивилизациялашган жойлардан ҳисобланган). Европада ҳатто қироллар ҳам саводсиз бўлган. Уларнинг саройларида бурга босадиган махсус ликопчалар турган. "Олий табақа" сарой йўлакларида ҳам ўз ҳожатларини чиқариб кетаверишган (хусусан, Версал саройида ҳам). Варварлар ҳужумидан сўнг Италия ва Юнонистон инқирозда бўлиб, буюк аждодлари қолдирган меросдан бебаҳра эдилар. Варварлар мағлуб бўлганларнинг маданиятини қабул қилишмади (ўз вақтида Рим қадимги юнонлар маданиятини қабул қилгани каби), балки уларни вайрон, яксон қилишди.

Араблар эса аксинча, илм ва санъат уларда нафақат сақланиб қолди, балки гуллаб-яшнади. Шарқнинг ҳикмати ва бойлиги ҳақида турли афсоналаргина эмас, балки иқтисодий ҳисоб-китоблар ҳам мавжуд эди. II минг йиллик бошланишида иқтисодий ривожланиш даражаси бўйича Шарқ мамлакатлари Европа давлатларидан 1,5-2

карра устун эди. Албатта, бу жойларда ҳосилдор ерлар, денгизлар борлиги ҳам тушунарлидир. Бироқ бунда субъектив сабаблар ҳам бўлган, яъни, ўз жоҳиллиги билан фахрланадиган шимолликларда маданият бўйича устунликка эришишга бўлган интилиши ҳам мавжуд эди. Шарқ аҳлисининг саводхонлиги Ғарб мамлакатларидан 8-20 марта устун бўлган. Ушанда Лондон сассиқ бир қишлоқ бўлиб, талончилик ва ичкиликлар авжида бўлиб турганида Араб Қуртубаси (Кордова) университетда талабалар давр талаби цивилизацияси асосида таълим олишарди. Бунга ўхшаш ҳақиқатлар жуда кўп.

Шу масалада Шимолий Атлантлар бой ва "ақлли" кўшинларига нисбатан ҳасадлари кўзғаб, ўйнаб кетади. "Салбчилар юриши" – "қашшоқ мутаассибларнинг" маданият, цивилизацияга қарши юриши бўлган эмасми? Биринчи "Бин Лодин" ўз кўшинларига барча разил кимсалар ва диний экстремистларни жам қилган Ричард Шерюрак эди. Урушлар узоқ давом этди ва натижада араблар ғолиб бўлди. Улар қурол кучи билан эмас, балки кучли маданият эвазига билан ғолиб бўлишди. Қашшоқ мутаассибларга нисбатан уларнинг режаси фақат уларга билим бериш, цивилизацияни ўргатиш бўлган. Улар бунинг уддасидан аъло даражада чиқишган, европаликлар араблардан ювинишни (покликни) ўрганганлар (бунгача эса, машҳур рицарлар бир-икки ойлаб ювиниш нималигини билишмаган, либосларида ухлайверганлар, улар дайди уйсизлар каби сасиб юришаверган). Араблардан математикани (арабча сонлар) ва унутилган фалсафани ўзлаштирган (Арасту, файласуфлар матнлари, санъат ва шеърхонлик

асосларини ўрганишган). Араблар таъсирида “урта аср билимлилиги даражаси” ривожланган, илм даргоҳлари пайдо бўла бошлаган. Уйғониш даври ҳам бир нечта босқичда араблар ҳаракати туфайли содир бўлди. Протестанизм (ҳозирги Англия ва АҚШ динлари) ҳам айнан араблар таъсирида туғилди. Диншунослар ислом ва протестанизмнинг ўхшашлиги ҳақида бир неча марта таъкидлашган. Бунга ўхшаш фикрни бошқа йўл билан ижтимоий фанлар олими М.Вебер ҳам келтирган эди. Унинг таъкидлашича, протестанизм “капитализм руҳи”ни ташкил қилган.

Протестанизм вируси жуда хавфли бўлди. Уйғониш давридаги жодугар таъқиби натижасида Европа аҳолисининг ярмига тенг келадиган одамлар қатл қилинди. Битта Варфоломей кечасининг ўзида Парижда 4000 га яқин одам ўлдирилди.

Европаликлар ўз ораларидаги тўқнашувларга чек қўйиб, бошқа ерларни босиб олишга киришиб кетдилар (Шарқ ўша вақтлар ҳали қудратли эди, фақат XVII асрга келиб, Европа иқтисодий тараққиёт борасида Шарқдан ўзиб кетди. Ниманинг эвазига эканини қўйида кўриб чиқамиз). Инглизларнинг аждодлари Америка туб аҳолисини бутунлай қириб ташлади (испанларнинг аждодлари бундай қилмаганди). Қатл қилинганлар неча миллион эди? Буларнинг олдида Сталиннинг миллионлаб одамларни қатл қилгани ва 3-5 миллион инсонларни репрессия қилгани ҳолва бўлиб колди. Бироқ бу уларга оздек кўринди. Кейинги қитъа Африка бўлди (иштаҳани қаранг!) Бу ерда айтилган статистикада турли фарқлар мавжуд. Бироқ сони 10 миллиондан 25 миллионгача бўлган одамлар Америкага олиб ўтиш жараёнида

ҳалок бўлганлар. Либерализм назариясининг отаси сифатида танилган Жон Локкнинг қулчилик билан шуғулланадиган компанияда шерикчилик улуши бўлган (либерализм чала одамларга алоқаси йўқ бўлса керак-да). Колонияларни талаган, талон-тарож қилган барча Европа мамлакатлари ўз иқтисоди ривожланиши учун яхшигина бошланиш сармояга эга бўлишган.

Яхши технология ғоясига эга бўлган фирма, ўз кучи билан мазкур ғояни юз йил ичида бўлса ҳам амалга татбиқ қила олиши иқтисодчиларга яхши маълум. Бозорни дарҳол босиб олиш учун эса сармоя киритиш керак. Аммо сармоялар ихтиёрий ва мажбурий бўлади. Уруш ҳамда колонияларни эксплуатация қилиш уша мажбурий инвестициялар сирасига киради.

Энди Шарқ ҳақида гаплашсак. Ҳиндистон, Хитой, Жанубий-Шарқий Осиёнинг барчаси европаликларнинг оёғи остида қолди. Колониялардан таланган сармоя Ғарб иқтисодининг ривожланишига туртки бўлди ва бу ишлаб чиқаришни модернизациялашга имкон яратди. Шундан сўнггина Европа моллари рақобатбардош бўла олди. Европа экспорти Шарқни бўға бошлади, натижада у қашшоқлашиб борди. XVIII асрда Ҳиндистоннинг минг йиллик тарихида илк бор очарчилик кузатилди. Бунинг оқибатида ўн миллионга яқин одам ўлиб кетди. XIX асрда Англиядан Ҳиндистонга пахта ипидан қилинган газламалар экспорти 100 фоизга ошиб кетди (олдин буларнинг акси эди).

Шундай экан, бой ва истеъдодли Ғарб билан қашшоқ ва телба Шарқ ҳақида эртакларни айтишни тухтатинг. Ғарб сўнгги 300 йил ичида бо-



йиб кетди. Шарқ эса қашшоқлашди. Бутун тарих мабайнида Ғарб Шарқни йуқ қилиш учун бир марта имконга эга бўлди (бунгача эса, Шарқ Ғарбни 1000 марталаб йуқ қилиб ташласа бўларди). Ғарб бу имкониятидан унумли фойдаланди. Хитойда опиум урушлари, деурбанизацияга учраган Африка, Жанубий-Шарқий ва Кичик Осиёнинг консервацияси...

Ниҳоят, XX аср озодлик ҳаракатлари даври бўлди. Ушбу ҳаракатларнинг пешволари ҳам дунё тарихини айнан биз юқорида баён қилганимиздек кўришди (масалан, Ж. Нерунинг тарих бўйича мактубларига қаранг). Ҳа, бу озодлик ҳаракатлари экстремистик ва шавфқатсиз бўлгани билан уларда қасос олиши керак бўлган нарсалар бор эди (Гандига ўхшаш “юввош” халоскорлар ҳамма жойда ҳам топилавермаган-да).

Бироқ Ғарб ҳам қаршилиқ кўрсатди. Мана, Иккинчи жаҳон урушдан кейинги даврдан бир мисол: Жазоир мустақиллиги учун уруш. Франциянинг бўлажак президенти Миттеран бомбардимон ва оммавий қатл қилишга буйруқ берди ва унинг санкциялари асосида миллионга яқин маҳаллий халқ ҳалок бўлди. Жонини фидо қилган бу одамларнинг ягона мақсади озод ва ҳур бўлиш эди. Бу ГУЛАГ ишлаб турган бутун вақти мобайнида отилишга ҳукм қилинганлар сонидан ҳам бир мунча кўпдир. Сўнг Миттеран “инсон ҳуқуқлари” ҳақида одамларга ўзича алламабалоларни гапириб, ўргатиб юраверган...

Албатта, буларнинг барчаси террор хуружларини асло оқламайди. Ўзаро қасос ва айбловлар тарихга шунчалик чуқур сингиб кетганидан уларнинг бугунги вазияти яна ҳам кучли бўлганини

кўрсатиш учун бу тарихий чекиниш атайлаб қилинган. АҚШ ҳақидаги “эзгулик” салтанати ва ёвузликнинг акси бўлган “халқаро терроризм” каби гап-сўзлар нафақат гўлликни ифода қилади, балки муаммони яширади ҳам. Барча бандлар бўйича АҚШни “ёвузлик салтанати” дейилишга асосларимиз бор. Чунки бугунги халқаро сиёсат ва иқтисодий тартиб адолатдан анча узоқдир (халқаро кредит тизимини олинг, унга кўра, ривожланаётган мамлакатлар йил сайин тиришқоқлик билан қарзларини тўлаб келаётган бўлса ҳам уларнинг қарзлари тинимсиз ошиб бормоқда).

Шундай қилиб, қасос. Ҳар қалай, 90 фоиз киноларда ҳам турли йўл билан қасос мавзусидан фойдаланиб келинишини ҳамма билади. Аслида, қасос шахсни ўзидан чиқариш учун, уни ҳатто ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлардан чиқариб бўлса-да, фаол ҳаракат қилдириш мақсадида қўлланиладиган воситалардан бири экани сир эмас. Ҳадя олган шахс уни қайтаришга мажбур бўлганидан фарқли ўлароқ, қасосда субъект бирор нарсадан маҳрум қилиниши билан қандайдир ҳаракатларни ҳам қилишга мажбур бўлади. “Қонга қон, жонга жон” – қадимги қонун ишга тушади. Ҳозирги замонавий адлия тизимининг жиноят ва жазо муаммоларига назар ташлар эканмиз, ана шунинг устига қурилганига амин бўламиз. Биз бу ерда дарров фундаментал фалсафий муаммолар тугунига дуч келамиз (қасос қонуни, гуноҳ ва тавба, жиноят ва жазо муаммолари). Ҳозир буларни муҳокама қилишга имкон йўқ. Ҳатто улар ҳақида қисқача ҳам тўхтала олмаймиз. Сўнгги асрнинг барча буюк мутафаккирлари ушбу муаммони диққат билан ўрганганини айтиш кифоя (Достоевский “Жиноят

ва жазо”, Ницше “Заратустра”сида унинг учун энг катта умид – инсониятни қасос ҳис-туйғусидан халос қилишдир, дейди. XX асрнинг буюк файласуфи М.Хайдеггер ўзининг сўнги нашр қилган “Тафаккур дегани нима?” номлик китобида “қасос” тушунчасини атрофлича таҳлил қилади). Биз учун ўта муҳим бўлган нарса – субъектнинг (шахснинг) доимий қасос олувчи махлуққа айланиши ҳисобланади. Бу аслида, абадий двигателнинг (доимий ҳаракатга солувчи кучнинг) пайдо бўлиши, “ижтимоий ёқилғи”нинг текин манбаси, ижтимоий энергетика демакдир. Манипуляция эса буларни бир нечта техника ёрдамида амалга оширади. Уларнинг энг оддийси ҳар қандай “етишмовчиликни”, ҳар қандай маҳрумликни, талаб ёки инкорни қандайдир маъсул, айбдор шахс иши қилиб кўрсатишдир. Яъни ҳаммасига маълум бир шахсни айбдор қилиб кўрсатиш – мавжуд барча айбни унга тўнкашдир. Бу амалдаги ҳукумат, ўтган ҳукумат, қандайдир душманлар, табиат ва ниҳоят, Худо ёки шайтон ҳам бўлиши мумкин (сўнги икки тушунчадан кўпинча тоталитар секталарда жуда кўп фойдаланилади). Бироқ барча ёмонликлар-у, маҳрумлик, омадсизликларни кимгадир тўнкаб қўйишга имконият бўлиши учун ҳаётга, дунёга бўлган муносабатларни ҳам шунга асосан шакллантириш лозим бўлади. Унга кўра, содир бўлган ва бўлаётган барча нарсалар бошқачароқ бўлиши ҳам мумкинлигидир. Бошқачагина эмас, балки бундан ҳам яхшироқ, тўлиқроқ, яъни, хатосиз, камчиликсиз, азоб-уқубатсиз ҳам бўлиши мумкин. “Қасос аслида, – деб ёзади Ницше, – вақтга нисбатан ва унинг “бу бўлган”, талпинётган истаклари ҳамда бирор нарсани ўзгар-

тириш, қайтариш ва тўғрилашнинг имконияти йўқлигига бўлган нафратидир". Инсон, албатта хато қилиши мумкин. Бу тўғри. Бироқ у қандайдир масалада хато қилмаслиги мумкин эканлиги ҳам тўғри саналади. Бошқаси янада тўғрироқ ҳисобланади: у умуман хато қилмаслиги (дунёда яхшилик қанчалик кўп бўлса, ёмонлик ҳам шунчалик бўлади) ва қилинган хатони тўғирласа бўлади.

Аммо мавжуд мафкура бизга унисини ҳам, бунисини ҳам сингдиришга уринмоқда:

1) ёвузликсиз жамият бўлиши мумкин;

2) хатоларни тўғирлаш мумкин.

Умуман олганда, "революция" сўзи "қайтариш" деган маънони англади. Яъни, босиб ўтган йўлни қандайдир янги услуб билан қайтадан босиб ўтиш. Маркс бекорга барча инқилоблар "ўтмиш шарпаларидан" озикланади ва ўликларга ўз ўликларини дафн қилишни таклиф қилади, демаган. У қилинажак инқилобни келажакдан озикландиган, яъни, реал тарихий эксперимент бўлиши кераклигини айтади. Бироқ бундай шиор сиёсат майдонига ташланганида авантюризм, дея баҳоланган бўлар эди. Шунинг учун ҳам кейинги марксчилар ва бошқа инқилобчилар эски синалган услубни афзал билиб келадилар. Унга кўра, тарихнинг X нуқтасига (хато қилинган жойга) қайтайлик ва ҳаммасини бошидан бошлайлик. Бу қайта қурувчиларга тегишли пафос эди. Унга кўра, Россия 70 йилдан бери тўғри йўлдан адашган, бугунги сўлчилар эса "нотўғри йўл"нинг "қайта қуриш" давридан бошланганини айтишади. Бошқа мафкурачилар Хрушевни айтишади, учинчилари эса Пётр биринчи деб айтади ва ҳоказо.

“Нима бўлиши мумкин эди” мавзусидаги “таассуб” улар мафкурасининг асосини ташкил қилади. Мутаассиблик қанчалик кучли ва қанчалик кўп одамлар бунга аралашаган бўлса, ижтимоий портлаш энергияси ҳам шунчалик кучли бўлади. Инқилобларни қиладиганлар бошқа, унинг самарасидан бошқалар фойда курадиганлар ҳам бошқа.

*Олег Матвейчев,  
“Уши машут ослом. Сумма политтехнологий”  
китобининг “Қасос” боби асосида тайёрланди.*

## ГЛОБАЛЛАШУВ ДАВРИДА АХБОРОТ ХАВФСИЗЛИГИ ОМИЛЛАРИ

Миллий хавфсизликни назарий ва амалий жиҳатидан таъминлаш одатда ҳарбий кучларнинг вазифаси ўлароқ қабул қилинган. Бугунги кунга келиб бироз вазият ўзгарди. Чунки ахборий жамиятнинг шаклланиши бундай ёндашувларни энди чеклаб қўйди. Ахборот инқилоби иқтисодий ва ижтимоий глобаллашувнинг асосий бўғини ҳисобланади. Замонавий технологик инқилоб асосида илмий ва технологик кашфиётлар ётибдики, улар телекоммуникация воситасида маълумот алмашиш ва тадқиқот қилишга имкон яратади.

Сиёсатшунослар “ахборий” деб атаган жамият саноатлашган жамиятдан кескин фарқ қилади. Бугун энг ривожланган мамлакатлардан АҚШ, Канада, Японияда, Ғарбий Европанинг катта қисмида, Осиёнинг жанубий-шарқида жойлашган баъзи мамлакатларда ахборий инфратузилмалар ташкил этилган бўлиб, булар мазкур мамлакатлардаги жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олган. Бундан ташқари, дунёда ягона глобал тизимга тезкор суратда ўтишга мойиллик ҳам кўзга ташланмоқда. Янги пайдо бўлган ахборий жамиятнинг технотузилмаси соҳасида куп одамларнинг банд бўлишига қарамай, саноат йўқ бўлиб кетмайди ва ўз мавқеини йўқотмайди. Биринчи навбатда янги жамиятдаги саноат, қишлоқ хўжалиги ва алоҳида хизмат кўрсатиш соҳалари билан эмас, балки улар бир-бири билан ўзаро ахборий алоқада экани аҳамиятлидир.

Ҳозирги пайтда ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларида ахборот муҳим таркибий қисмга айланди. Масалан, БМТнинг йиллик ҳисоботида айтилишича, 90-йиллар бошида Америкада ишлайдиган аҳолининг олтмиш фоизи ахборот билан ишлаш соҳасида банд бўлишган. Ахборот инсониятнинг глобал хазинасига айлангани боис унинг ресурсларини жадаллик билан ўрганиш даври етиб келди ва ҳар қандай мамлакатнинг миллий хавфсизлиги учун катта таъсир кучга эга бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам дунёда кузатилаётган глобал ижтимоий ўзгаришлар ҳар томонлама чуқур таҳлилни ва жиддий ахборий тадқиқотларни талаб қилади. Америкаликларга ҳозирги мавжуд ахборий жиҳатдан тезкор сиёсий тизимни шакллантириш учун ўн йилдан ошиқ вақт кетди (1963-1973 йиллар). 1967 йилги “Миллий мақсад, аслият ва воситалар акти”да бир гуруҳ маслаҳатчилар томонидан президент учун йиллик ҳисобот тайёрлаш ва АҚШ Конгресси қошида ижтимоий ахборот қўмитасини ташкил қилиш талаблари ҳам бор эди.

Жамият ҳаёти ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро алоқаларига тегишли маълумотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги ўн йил ичида АҚШ миллий хавфсизлик стратегиясининг асосий мақсади америкача яшаш тарзининг ҳимоясига қаратилгани билан алоҳида диққатга сазовор. “Менинг маъмуриятим учун энг муҳим вазифа ва конституциявий бурч – халқ, мамлакат ҳудуди ва яшаш тарзининг миллий хавфсизлигини таъминлаш бўлди”, деган эди АҚШ президенти Билл Клинтон.

АҚШда давлатнинг юқорида кўрсатилган ягона тизими (“ижтимоий кўрсаткичлар”) бўйича америкача ҳаёт тарзининг асосий тамойиллари белгилаб олинди. Бу эса АҚШ сиёсий-ҳарбий раҳбарларининг “миллатнинг ижтимоий кайфияти”да пайдо бўлган ва уларга таъсир қилаётган ахборий-руҳий босимнинг ташқи ва ички манбаларини аниқлаш ҳамда муаммоларга шошилишч муносабат билдириш имкониятини очиб берди. Шундай қилиб, миллий хавфсизлик манфаатлари учун АҚШ ички маълумотларнинг ташхис (диагностика) тизими ишлаб чиқилди. XX аср охирида эса ташқи маълумотлар учун ҳам ташхис тизимини ишлаб чиқиш бошланди. Бунинг учун эса, АҚШ назоратида бўлган (айниқса Шарқий Европа мамлакатларидаги) халқаро ахборот тизимларидан фойдаланилмоқда (биринчи навбатда интернетдан). Ягона ахборот майдони шаклланиши шароитида АҚШ доимий кузатиш (мониторинг) ва ижтимоий маълумотларни назорат қилиш ёрдамида ўзининг миллий хавфсизлигини таъминлашга муваффақ бўлди. Ғарб сиёсатида мавжуд сиёсий ҳукуматга ахборот таъсирининг кўлами ва мамлакатнинг сиёсий ҳолати каби масалалар асосий ўринни эгаллаб келмоқда.

Тадқиқотчилар айтишича, керакли маълумотларни туплаш ва улардан фойдаланишда кенг имкониятларни ишга солиш билан давлатнинг геосиёсий имкониятлари кучаяди. Мамлакатдаги ҳукумат ижро девонининг имкониятлари вакиллик ҳокимиятидан устун бўлиши кузатилмоқда. Бу нарса собиқ Совет иттифоқи мамлакатларидаги сиёсий жараёнлар орқали ҳам ўз тасдиғини



топмоқда. Ўтказилган президент ва парламент сайловлари ҳамда ҳукуматни сақлаб қолишда ОАВ ва компьютер тармоқлари устидан назорат қилиш (мониторинг) жамоатчилик фикрини хоҳлаган ўзганга буриб юбориш имконини беради. Сайлов натижалари кўпинча электрон ОАВга боғлиқ бўлади.

Интернет давридаги илк сайлов кампанияси 2000 йили АҚШда ўтказилган президент сайловларига тўғри келди. 1996 йили ҳам интернетдан сиёсий мақсадларда фойдаланиш бўйича айрим тажрибалар ўтказилган. Ҳисоб-китоблардан маълум бўлишича, 144 миллион америкалик бир йилда ўртача ўн соат интернет воситасида турли хил маълумотлар билан танишади. Натижада, худди газета, телевидение, радио ва журналлар каби интернет ҳам сайловчиларга таъсир ўтказиш воситасига айланди. Ушанда номзодлар бўлмиш Буш ва Гор ҳам ўз сайтларига эга бўлиб, уларнинг сиёсий мақсадлари ва ўзлари ҳақидаги бошқа керакли маълумотлар мазкур саҳифаларда акс этган эди. Партия вакилликлари ва турли хил ижтимоий-сиёсий ташкилотлар ҳам ўз сайтларига эга бўлишган. Шундай қилиб, сайлов ҳали бошланмай турибоқ овоз берувчи сайловолди курашларига аралашиб қолади. Масалан, республикачи ва демократларнинг партия қурултойлари даврида 600 мингдан зиёд киши Буш ва Горнинг сайтлари билан танишиб чиққан. 2000 йилги сайловларда эса Интернет воситасида овоз бериш масаласи ўртага қўйилди. Феникс (Аризона), Сан-Диего ва Сакраменто (Калифорния) шаҳарларида бу борада тажриба ўтказилиб ҳам кўрилди. Бундан ташқари, хорижда бўлган икки юзга яқин ҳарбий

хизматчи ўз яшаш манзиллари бўйича (Жанубий Каролина, Техас, Флорида ва Юта штатлари) интернет орқали овоз бериш имконига эга бўлишди.

Иқтисод, илм-фан, сиёсатнинг барча жабҳаларида ахборот технологиялари ва ахборий ресурсларнинг геосиёсий аҳамияти кўтарилади чунки мамлакатнинг геосиёсий салоҳияти ва унинг сиёсий имкониятлари глобал миқёсда мамлакатнинг ҳудудий жойлашуви, катталиги ва аҳолисининг кўплиги билангина эмас, балки иқтисодий, илм-фан, ҳарбий ҳамда коммуникацион имкониятлари билан намоён бўлади. Шубҳасиз, сиёсат мамлакатнинг иқтисодий имкониятларига таянади ва унинг иқтисодий манфаатларига бевосита хизмат қилади. Илгари мамлакатнинг иқтисодий қудрати унинг табиий бойликлари (ҳосилдор ерлар, фойдали қазилмаларнинг мавжудлиги ва ҳоказолар) билан ўлчанар эди. Кейинчалик эса иқтисодий салоҳиятнинг асосий омили қайта ишлаш саноатининг ривожланиш даражасига кўра белгиланадиган бўлди. Айни вақтда ахборот стратегик аҳамиятга молик миллий ресурсга айланиб, мамлакатнинг асосий бойлиги ҳисоблана бошлади. Шунинг учун ҳам мамлакатнинг геосиёсий мавқеи ахборий инфратузилмаларининг ривожланишига боғлиқ бўлиб қолди.

Ривожланган мамлакатларда ахборот техникаси ва ахборот маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми ҳамда бу соҳада иш билан таъминланиш омиллари биринчи ўринга чиқиб олди. 80-йиллар бошида етакчи давлатлар ахборотлашиш бўйича давлат дастурларини қабул қила бошлашди (Япония – ахборот жамияти қуриш дастури, АҚШ – стратегик ахборий ташаббус, Европа

Иттифоқи – “Эврика” ва ҳоказолар). 1993 йили АҚШда 11-доктрина – миллий ахборот инфратузилмаси ташкил этилгани эълон қилинди. Клинтон – Гор меморандумларида бу АҚШ иқтисодий ривожланишининг муҳим вазифаси деб эълон қилинди.

Бугун дунёда ҳар қандай мамлакатнинг геосиёсий обрўси унинг илмий-техник салоҳияти, хусусан, олим ва инженерлари меҳнатининг ахборий-техник таъминланганлилик даражаси билан белгиланади.

Ахборотлашиш жараёни ҳарбий соҳани ҳам қамраб олди. Маълумки, уруш сиёсатнинг узвий давоми ҳисобланади, армия эса – сиёсатчилар қўлида кучли қурол ва ҳал қилувчи воситадир. Қуролланиш пойгасида ядро-ракеталар масаласининг ечими топилди. Ҳарбий соҳалар янги ядровий босқичга кирди, оммавий қирғин қуролларидан воз кечиб, экологияга хавф солмайдиган ва сиёсий-иқтисодий мақсадларга эришишнинг энг унумли воситаси ҳисобланган ахборий қуролларга ўтиш жараёни бошланди. Шикастлаш таъсири анъанавий қуролнинг самардорлиги тобора ут очиш қудрати билан эмас, балки қувват, бошқарувчанлик, тезкорлик каби ахборот кўрсаткичлари билан белгиланмоқда. У “улдирмайдиган” қуролдан “зарба берувчи”, яъни нишонни пайқай олувчи, танлай олувчи қуролга айланиб бормоқда. Ривожланаётган мамлакатларда 80-йиллар бошидан армияни ахборотлаштириш илмий ва ҳарбий-техник сиёсатининг биринчи ўриндаги вазифаси деб тан олинди. Ҳарбий амалиётларда бевосита ахборий-техник ва ахборий-руҳий қисмларнинг салмоғи ҳамда аҳамияти ошиб бормоқда.

Бугунги кунда ахборий таъсир қилиш воситаларининг унумдорлиги ўта юқори даражага чиққан, улардан фойдаланиш қамрови шунчалик кенгки, бу ерда гап янги ахборот қуроли ҳамда ахборот урушлари ҳақида бораётир. Форс кўрфазидаги ҳарбий амалиётлар ниҳоясига етган пайтда Америка ҳарбий мутахассислари “ахборот уруши” иборасини қўллай бошладилар. Бу урушда ахборот қуроллари ўта самарали экани ўз исботини топди.

1992 йил 21 декабр куни Пентагон “ахборот уруши” деб номланган Т8 3600,1 фармойишини қабул қилди. Бу ҳужжатда гап келажакдаги урушларда “ахборий ресурсларни ҳар томонлама эътиборга” олиш масаласигина бўлмай, балки АҚШга қарши қўлланиши мумкин бўлган янги ахборот технологияларининг миллий хавфсизликка таҳдиди борасида чуқур ташвиши ҳам баён қилинган эди. Штаб раҳбарлари қўшма қўмитасининг раиси Ж. Шаликашвили томонидан 1993 йили чоп қилинган 30-сонли фармойишда ахборот урушларига тегишли асосий қоидалар ва бошқариш тизими билан курашиш йўли батафсил баён қилинган. Ахборот уруши ўзига хос хусусиятлар билан алоҳида мустақил тур ва бошқа уруш турларининг қўшимча элементи сифатида қаралади (қуролли, мафкуравий, иқтисодий ва ҳоказо). Булар уруш ва тинчлик даврларида ҳам содир бўлади. Мазкур урушнинг миқёси шунчалик кенгки, уларга ҳозирлик кўриш ўз оқимида бўлмай, балки тартибли равишда ва ахборот урушларининг қонуниятларига таянган ҳамда соҳа бўйича чуқур билимга асосланган бўлиши керак. Ахборот уруши назариясини ишлаб чиқиш,

унинг қонуниятлари, асослари, турлари ҳамда уни тайёрлаш ва амалга ошириш қоидалари тизимини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Ахборот урушининг мақсади – шахсий ахборий хавфсизликни юқори сифат билан таъминлаш ва рақиб тарафидан етказиладиган талафот оқибатларини энг юқори даражада камайтиришдир. Буни бир қатор вазифаларни ечиш йўли билан амалга ошириш мумкин. Улар орасида энг муҳим саналган рақибнинг ахборий муҳитидаги объектларини йўқ қилиш ва ўз маълумотларини ҳимоя қилиш ётади. Булар ахборот урушлари таркибини, тузилиши ҳамда мақсад ва вазифаларини белгилаб беради. Бундан ташқари ахборот уруши моҳиятига жуда кўп омиллар таъсир қилади. Булар орасида сиёсий, иқтисодий, руҳий ҳамда ҳарбий ва ахборот омиллари бор. Ахборот уруши моҳияти шаклланаётганида сиёсий омил муҳим аҳамиятга эга. Хусусан у қуйидагиларни белгилайди:

- унинг вазифа ва мақсадлари;
- унинг пайдо бўлиши ва тугатиш йўллари;
- уни олиб бориш ва давом эттириш учун қилинадиган сарф-харажатлар;
- уни олиб бориш учун моддий ва молиявий ресурслар билан таъминлаш.

Ахборот урушининг кучайишига иқтисодий омилнинг катта таъсири бор. Мамлакатнинг ахборотлашув даражаси айнан иқтисодга боғлиқдир. Уруш ва тинчлик давридаги ахборот урушларининг самарадорлиги ҳам айнан шу омилга боғлиқ. Илмий-техникавий тараққиёт ахборот уруши воситаларини янада мукамаллаштириб, унинг назариётида инқилобий ўзгаришларни юзага келтиради. Психологик омил эса ахбо-

рот уруши назариясини амалга оширишда ҳал қилувчи таъсирга эга саналади. Ахборот тизими ходимларининг умумий ва касбий тайёргарлиги, унинг мафкуравий-ватанпарварлиги ва руҳий ҳолати, мамлакат манфаатлари ҳимоясидаги фидо-корлиги ахборот урушларида қўйилган вазифаларни амалга оширишда муҳим рол ўйнайди.

Ахборот уруши кучайишининг асосида ҳарбий омил ётибди. Ҳарбий доктрина қоидалари, душманларнинг (рақибларнинг) ҳарбий доктриналари, ахборот уруши воситалари тараққиётининг ҳолати ва истиқболлари, бу соҳада тўпланган тарихий тажриба ва билимлар ахборот урушининг вазифавий қоидаларини ишлаб чиқишнинг асосий базаси бўлиб, унинг йўналиши ва тараққиётини белгилаб беради.

Ахборот омили эса ахборот уруши билан бево-сита боғлиқ бўлиб, улар мамлакатнинг қай даражада ахборотлашув даражасига ҳам боғлиқдир. Бу омил урушнинг чегараси, қоидалари, унинг босқичлари, зарба нишонини аниқлаш ва зарба йўналишини белгилаш, кучларнинг тузилиши, рақибнинг ахборий муҳитда турли ҳаракатлар қилиш имкониятларини белгилаб беради.

Ахборот урушида жамоатчилик фикрига таъсир қилиш учун “ахборий-руҳий босим” услуги қўлланилади, у қуйидагилар билан боғлиқ:

– маълумотлар ичида “маълумотлар”ни бериш (бунда ёлғон маълумотларни бериш кўзда тутилган)

– тамаддун маънавий хусусиятларини эътиборга олиб, таъсир қилиш.

Инсоният тараққиётининг турли босқичларида бундай услублар турли хил кўринишда учраб

туради. Масалан, Чингизхон кўшинлари душман аҳолисини руҳан синдириш учун турли хил миш-мишлардан унумли фойдаланган (мисол учун, душманнинг заифлиги, ҳукмдорларининг сотқинлиги ва Чингизхон кўшинларининг қудрати ҳақида). Буюк Британия Жанубий Африкадаги бурлар билан олиб борган урушда бурлар тезда Германия, Ирландия ва бошқа мамлакатлар билан алоқа ўрнатиб, у ерда Буюк Британия ҳақида аёллар ва болалар билан курашаётган давлат экани ҳақидаги тасаввурини шакллантирган. Оқибатда улар халқаро жамоатчилик фикрини ўзига керакли руҳда шакллантиришидан ташқари қурол-яроғ етказиб туриш ва кўнгиллилар отрядларини тузиш каби ишни ҳам уддалай олишган. Бурларнинг баъзи партизан гуруҳлари ҳаракатларининг кенг ёритилиши алоҳида аҳамият касб этди ва енгилмас инглиз кўшинлари ҳақидаги афсонани йўққа чиқаришда қўл келди.

Тарғибот мустақил ҳарбий йўналиш сифатида биринчи жаҳон уруши даврида шаклланди. Масалан, АҚШда Германия ва АҚШ аҳолисига таъсир (турли жиҳатлардан) қилиш бўйича тарғибот ишларини мувофиқлаштирувчи Крили қўмитаси ташкил қилинди.

Ахборот урушларининг муҳим қисмлари қуйидагилар ҳисобланади: душман кўзидан яшириш, яшириниш воситаларини зудлик билан қўллаш, руҳий босим амалиётлари, радиоэлектрон кураш, бошқарув тизимининг ўт очиш йўли билан йўқ қилиниши, жосуслик, рақиб тарафнинг муҳофаазидаги бошқарув тизимини издан чиқариш каби лардир. 1995 йили Ахборот уруши ҳақида АҚШ армиясининг янги низоми чиқди. Миллий хавф-

сизлик университети эса бу соҳада илк мутахассислар гуруҳини тайёрлади. 1994 йилдан бошлаб ахборот урушлари муаммоси бўйича турли хил илмий анжуманлар уюштириб келинмоқда. Сўнги ун йил ичида АҚШ информатика ва ахборот урушларини тайёрлаш учун харажатларини уч баробарга оширди ҳамда энди бу харажатлар давлат бюджетининг 20 фоизини ташкил қилди.

2001 йили немис разведкаси бундан кейин ахборот урушларининг кучайиши таҳдидидан дунёнинг барча махсус хизматларини огоҳлантириб қўйди. Мутахассисларнинг хулосасига кўра, бир қатор давлатларнинг махфий хизматлари мунтазам тарзда ахборот урушига тайёргарлик кўрмоқда (мутахассислар баёотларида расмий равишда бу мамлакатларнинг номлари айтилмаган). Уларни рақиб томон компютеридаги маълумотлар базасини йўқ қилишга ўргатишмоқда. Ахборот урушининг асосий моҳияти мамлакатни бошқариш тизимига талафот етказиб, вақтинча ишдан чиқариш ёки уни бутунлай йўқ қилишдан иборат. Ахборот урушида энг олдин нишонга олинадиган нуқталар ҳарбий тузилмалар, кейин эса турли нуфузли ташкилотлар, банк тизимлари, полиция ва транспортга қарши қаратилган бўлади. Олмон мутахассисларининг маълумотига кўра, "Троя оти" деб ном берилган махсус дастурлар мавжуд. Улар рақиб компютерида йиллаб мавжуд бўлиб туради-да, керакли вақтда ишга тушиб, бутун тизимни ишдан чиқаради. Масалан, Франциядан сотиб олинган "Мираж" русумли самолётларнинг ҳеч қайсиси Ироқ урушида учирилмади. Чунки улар ичига яширин электрон мослама ўрнатилган бўлиб, французлар ёрдами-



сиз самолётларни ҳавога кўтариш иложсиз эди. Французлар ўзларига керакли вазиятда бу ҳолатдан аъло даражада фойдаланишган. Бунга ўхшаш услубни НАТО Югославиядаги ҳаво урушида ҳам қўллади. Америкалик ҳарбий хакерлар (компьютер тизимини бузиб, бостириб кира оладиган устамонлар) сербларнинг ҳаво мудофаа тизимини ишдан чиқара олишди. Немис разведкаси мутахассислари бу ҳийла ахборот уруши вақтида қўлланиладиган ягона услуб эмаслигини ҳам кўрсатиб беришган.

Рақибнинг ахборот тизимини ишдан чиқариш учун унинг компьютер тармоғига боғланиб, унга вируслар юқтирилади. Бунинг учун интернетдан фойдаланилади. Ҳозирги вақтда бирор-бир давлатда мамлакатни бошқаришнинг ягона компьютер тизими мавжуд эмас. Бугун турли хил лойиҳалар ўрганилмоқда, турли хил идоралар йўл-йўлакай ўзларининг шахсий ахборот тизимларига эга бўлишмоқда. Компьютер тизимларининг хавфсизлигини ҳимоялаш учун махсус ташкилий ишларни амалга ошириш ва керакли техника ва дастурий воситалар билан таъминлаш керак. Бу эса анчагина қимматга тушади ва ҳамманинг ҳам бунга имконияти йўқ.

Ўз маълумотларини бегоналардан ҳимоялаш ҳам ута муҳим аҳамият касб этади. Махфий ахборот ҳамма фойдаланадиган глобал компьютер тармоқларидан узоқда бўлиши керак ва бу маълумотларни махсус тузилган гуруҳ доимий равишда назорат қилиб туриши керак. Ахборий техника ва технологиялар ривожлангани сайин "совуқ уруш"ларни "қайноқ урушлар" аста-секинлик билан қисиб чиқармоқда ва бунда ахборот

қуроли ўта муҳим хизматни қилмоқда. Кўпинча бундай урушлар воситасида давлат ўз сиёсий мақсадларига етишишни кўзлайди (бир ўқ отилмай туриб Совет иттифоқидек улкан давлатнинг қисқа фурсатда йўқ бўлиб кетганини эсланг). Мамлакат учун халқаро майдонда катта таъсир кучига эга бўлиш унинг ахборий инфратузилмалари қай даражада ривожланганига ҳам боғлиқ ҳисобланади. Бу билан мамлакат ўзининг ақлий имкониятларидан унумли фойдаланади, ўз маънавий ва мафкуравий қадриятлари, маданияти ҳамда тилини тарғиб қилиш имкониятига эга бўлади ва ўзга мамлакатларнинг мамлакат руҳий-маънавий асосларига раҳна солувчи руҳий ҳамда маданий босқинига қарши тура олади.

АҚШнинг ташқи сиёсий ютуқлари нафақат унинг иқтисодий қудрати, балки “демократия” ва “халқ дипломатияси” дастурларининг амалга ошириши ҳамда ахборий ва маданий жараёнларни ўз назоратига олиши ёрдамида таъминланган. АҚШ оламшумул геосиёсий пешқадамликка бўлган даъвосини очикчасига эълон қилиб, бунинг учун керакли заминни ҳам тайёрлаб олди. Глобал ва миллий компьютер тармоқлари келажак ахборот инфратузилмаси асосининг илдизи экани бугун барчага маълум бўлиб қолди. АҚШ Мудофаа вазирлигининг суперкомпьютер тармоғи – АКРА дунё глобал ахборот тармоғи ҳисобланган ва ҳозир ҳамма ёқда машҳур бўлган интернет тармоғининг асосини ташкил қилди. Бугунги кунда интернет Ер қуррасида кенг қўламли асосий ахборот тизимига айланди ва у АҚШ ҳарбий мутахассисларининг назоратида турибди.

Оммавий ахборот воситаларининг мавқеи ҳам бирмунча ошган. Чунки турли хил сиёсий ва мо-

лиявий гуруҳлар ўз манфаатларини тарғиб қилишда оммавий ахборот воситаларининг жамоат фикрига таъсир ўтказишда муҳим восита эканини яхши англаб етишган. Тингловчилар, теле-томошабинлар ва ўқувчилар кўп ҳолларда ахборот урушларидаги фош қилувчи далилларнинг очилиши, баъзи маълумотларнинг атайин юзага чиқиши, буюртма мақолаларнинг тинимсиз чоп қилинишига ҳар куни гувоҳ бўлиб туришибди. Бу ижтимоий таъсир йўналишини янада кучайтиради, янги мустақил давлатларнинг фуқаролик жамияти асосларига, тадбиркорлик институтларига халқнинг ишончсизлигини келтириб чиқаради. Ҳукуматнинг ҳар қандай ҳаракатларига шубҳа, ишончсизликни юзага келтириш эса ҳукумат ва жамият ўртасидаги жарликни янада кенгайтиради, одамлардаги ўз ҳаётини келажакда яхшилаш умидини сўндиради. Демократик жамият ва оммавий ахборот воситаларига ишончсизлик андозалари ҳам тобора ўзгариб борапти. Шундай қилиб, мамлакатларнинг геосиёсий рақобатда, сиёсий режаларни амалга оширишда очиқ куч ишлатиш чора-тадбирларидан (иқтисодий, дипломатик ва ҳарбий тарафдан) кўра ахборот ресурсларидан фойдаланиш тарафига оғиш ҳолати кузатилмоқда. Курашнинг бир шаклдан бошқа шаклга ўтиши унинг жадаллашувини секинлаштирмайди, қатъият ва ўжарлигини ҳам йўқ қилмайди. Аксинча, у “демократик” дунё тuzилишига ўтиш даъватлари остида яшириниб, ўта муросасиз бўлиб бормоқда.

*Ираклий Нанадзе мақоласи  
асосида тайёрланди*

## **ГМО: ИРСИЯТ МУҲАНДИСЛИГИ ВА ШУБҲАЛАР ҚУРШОВИ**

“Бизнинг пайтларда помидорни тишласанг, суви атрофга сачраб кетарди... булғори қалампирдан дўлма қилинса, қалампир пўстининг юқалигидан ичидаги қиймаси кўриниб турарди... қулупнай ширинлигидан шакарга ботирмай ердик... тарвузнинг данаги анча йирик бўларди...”.

Ҳа, кўпчилигимиз бунинг гувоҳи бўлганмиз ёки каттароқ ёшдаги инсонлардан шу қабалидаги гапларни бот-бот эшитиб турамиз.

Хўш, ҳозир ўша сувли помидору юққа пўстли қалампирлар, қанддай қулупнайлару йирик да-накли тарвузлар қани? Уларнинг ўрнига бозор расталарини қандай маҳсулотлар эгалламоқда? Бу яхшими ёки ёмонми?

Қуйида эшитганимиз ва эшитмаганимиз, билганимиз ва умуман билмаганимиз – ирсият муҳандислиги воситасида ўзгартирилган таркибга эга бўлган, яъни ингредиентлари орасида ГМО мавжуд бўлган озиқ-овқат маҳсулотлари ҳақида сузлашамиз.

**Хўш, ГМО нима ўзи?**

**Унинг хавfli эканлиги ростми?**

Шундоқ ҳам бошқа зарур нарсаларга вақтим етишмаётган бир пайтда аллақандай ГМО ҳақида билишим шартми?

Бизнингча ҳа, билишингиз керак, биродари азиз. Агар истеъмол қилаётган луқмангизга бефарқ бўлмасангиз, ГМО ҳақида маълумотга эга бўлишингиз фойдадан ҳоли бўлмайди. Мазкур мақолани ўқиб чиққач, ўзингиз бунга амин бўласиз, деган умидимиз бор.

## Шундай қилиб, ГМО нима? У қандай етиштирилади?

Аслида, генетик модификация ишлари нафақат озиқ-овқат саноатида, балки бошқа соҳаларда ҳам кенг қулоч ёзиб бормоқда. Ушбу мақоламизда ирсият муҳандислигининг айнан озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш ва уларни ишлаб чиқариш соҳасидаги аралашуви мавзусига тўхталамиз.

Ҳозирги вақтда тобора ёйилиб бораётган “ГМО” аббревиатураси тилимизда “генетик модификацияланган организм” (“ирсий ўзгартирилган организм”) дейилади. Инглиз тилида ҳам ирсият муҳандислигининг мазкур кашфиёти “genetically modified organism” деб номланади ва унинг иштирокида тайёрланадиган ҳар қандай озиқ-овқат маҳсулоти “GM Food” дейилади. Рус тилида ҳам худди шундай: “ГМО” (“генетически модифицированный организм”) ва уни қўшиб тайёрланадиган маҳсулотлар – “ГМ продукт” деб аталади.

Нима бўлганда ҳам, шуни билишимиз керакки, “ГМО”, “ГМ”, “GM Food” ва “ГМП” қисқартмаларининг барчаси табиий шароитларда ўзидан аслида мавжуд бўлмаган ва генетик тузилишига инсон аралашуви натижасида муайян ўзгартиришлар киритилган ўсимлик ва ҳайвонлардан тайёрланган озуқа ва озиқ-овқат маҳсулотларини англатади.

ГМО ўсимлик ёки ҳайвонларнинг ДНКсига бегона генни “кўчириб ўтқазиб”, “пайванд қилиш” орқали етиштирилади ва бунинг натижасида трансген маҳсулотлар пайдо бўлади. Ген инженериясининг бундай аралашуви ўша ўсимлик ёки ҳайвонларнинг табиий хусусиятлари, етилиш (пишиш) даври ва ўлчамларининг ўзгаришига олиб келади.

Генетик модификация қилинган илк трансген маҳсулотлар ўтган асрнинг 80-йилларида АҚШдаги “Монсанто” ҳарбий компанияси томонидан ишлаб чиқарилган. Бугунги кунда дунё бўйлаб 100 дан ортиқ ГМ усимликлар, унлаб ҳайвон ва парранда турлари етиштирилмоқда. Улардан эса инсон истеъмоли учун ирсий жиҳатдан ўзгартирилган озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрланмоқда.

Данаги йўқ тарвузлар ҳақида эшитгандирсиз? Ранги қип-қизил, усти буткул силлиқ картошка ҳақида-чи? Генетик ўзгартирилган гуруч ҳақида ҳам билмайсизми? Наҳотки, уруғидан ҳосил бермайдиган бодринг, помидор, булғор қалампири каби кўплаб сабзавотларни учратмаган бўлсангиз? Ҳеч бўлмаганда, болаларимиз севиб тановул қиладиган колбаса ва сосискалардаги гўшт ўрнини босаётган, ирсий модификацияланган соя ҳақида биларсиз? Турли шоколадлар ва бошқа ширинликлар, кетчуп ва майонезлар, турли хил ичимликлар, тез тайёр бўладиган “шўрва” ва “лағмон”лар, овқатга “ўзгача таъм” берувчи “зираворлар” ва кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўлган бошқа юзлаб маҳсулотлар таркибига ГМО қўшилишини билмасмидингиз?

Бунга ишониш қийин. Ана шундай маҳсулотларни ҳали-бери учратмаган ёки истеъмол қилмаган бўлсангиз, сиз ё узоқ тоғли ҳудудда истиқомат қиласиз, ёки ГМО тақиқланган мамлакатда яшайсиз. Балки шу пайтгача бундай нарсаларга эътибор бермагансиз. Сизни ҳам тушуниш мумкин. Сиз қишлоқ хўжалиги ёки озиқ-овқат саноати соҳасига алоқадор бўлмаслигингиз ҳам мумкин-ку. Хижолат бўлманг, аслида ўша мана-ман деган фермерлару озиқ-овқат маҳсулотларини

атрофлича текширмай, ҳеч бир иккиланишсиз “100 фоиз ҳалол”, “ишончли маҳсулот”, “сифати кафолатланади” деб ишлаб чиқараётган “тадбиркорлар”, бозор ва дўконларимиздаги сотувчиларнинг ҳам куплари ГМО туғрисида етарли даражада билишмайди ёки билишса ҳам лом-мим дейишмайди. Ишонмасангиз, ўзингиз текшириб куришингиз мумкин.

### ***ГМО хавфлими?***

Келинг, соҳа мутахассисларининг бу ҳақдаги айрим мулоҳазалари билан танишиб чиқамиз.

Масалан, АҚШ Атроф-муҳит тиббиёт академияси томонидан берилган ҳисоботга кура, бир нечта жониворлар устида ўтказилган синов натижалари шундан далолат берадики, ГМО соғлиқ учун жиддий хавф туғдиради. Хусусан, ГМОни истеъмол қилиш иммунитет тизимининг заифлашувига, қариш жараёнининг тезлашувига, инсулин ишлаб чиқариш тизимига шикаст етишига, ошқозон-ичак тизимидаги асосий органларда қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар юз беришига, турли бедаво дардларга сабаб бўлиши мумкинлиги айтилади. Академия мутахассисларининг таъкидлашича, ГМО репродуктив тизимга ҳам ўта салбий таъсир курсатади. Хусусан, синов ўтказилган сичқонлардан олинган зурриёдларнинг ўлчамлари сезиларли равишда кичрайиб кетгани, улар орасида ўлим даражасининг юқори бўлгани кузатирилган. Учинчи авлод сичқонлари эса насл қолдириш қобилиятини буткул йўқотган.

Россия Фанлар академиясининг А.Северцов номидаги Экология ва эволюция муаммолари институти ҳамда Генетик хавфсизлик бўйича

умуммиллий ассоциация томонидан биргаликда ўтказилган тадқиқотлар ҳам ГМОнинг соғлиқ учун зарарли эканини кўрсатди. РФА ЭЭМИ директори ўринбосари, биология фанлари доктори Алексей Суровнинг айтишича, ирсий ўзгартирилган озуқани истеъмол қилиш наслсизлик, деградация ва мутация каби салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Ҳозирги кунда ГМОдан паррандачилик, чўчқачилик ва бошқа ҳайвонларни етиштиришда кенг фойдаланилмоқда. ГХУА президенти Александр Барановнинг таъкидлашича, синов учун танлаб олинган ва ГМО бериб боқилган ҳайвонларнинг эркакларида насл қолдириш қобилияти кескин пасайиб борган ва учинчи авлодга келиб, умуман йўқолган. Яъни ГМО таъсирида ҳайвонларнинг тўлиқ стерилизацияси содир бўлган. Синовда иштирок этган хомякларнинг учинчи авлоди эса мутацияга учраган – уларнинг оғиз бўшлиқларидан жун ўсиб чиққан.

Норвегия ҳукуматининг илмий масалалар бўйича маслаҳатчиси, ирсият муҳандислиги соҳасида салкам чорак асрдан фаолият кўрсатиб келаётган профессор Терье Траавик ГМОнинг олдиндан билиш қийин бўлган салбий оқибатлари ҳақида бир неча бор чиқиш қилган. Профессорнинг огоҳлантиришича, ГМ тузилмаларнинг эҳтимоллий хавфи кимёвий бирикмаларнинг хавфидан анча юқори ҳисобланади. Чунки ГМ тузилмалар атроф-муҳит учун “нотаниш” бўлиб, вақт ўтиши билан парчаланиб кетмайди, аксинча, кириб жойлашиб олган хужайраларида назоратсиз тарзда кўпайиши ва мутацияга учраши мумкин. “Шу сабабли, – дейди ген инженерияси олими, – ГМО бўйича мустақил тадқиқотлар ўтказилиши керак.



Ҳаққоний натижаларни олиш учун эса бундай ўргаришлар айрим ширкатларнинг маблағи эвазига эмас, холис манбалар ҳисобидан амалга ошириш зарур”.

ГМОнинг салбий оқибатлари, шунингдек, РФАнинг Олий асаб фаолияти ва нейрофизиология институти ходимлари, Франциядаги Кан университети ва бошқа бир қатор хорижий илмий тадқиқот марказлари ҳамда академик муассасаларнинг олимлари томонидан ҳам мустақил тарзда ўрганилган.

Жумладан, британиялик тадқиқотчилар ГМ картошка, италиялик олимлар ГМ соя, францияликлар эса ГМ жўхорининг хавфини ўрганишган. Ушбу изланишлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, ГМОни истеъмол қилиш ҳозирда жуда кўп учраётган аллергия касалликларга ҳам олиб келади.

Трансгенга эга бўлган ДНК инсон организмига тушгач, ошқозон-ичак тизими орқали қонга сўрилади ва тананинг исталган қисмига бориб жойлашади. Натижада, шу каби трансгенларга тўлган организмга турли антибиотиклар таъсир қилмай қолади. Яъни оддий касалликларни ҳам антибиотик дорилар билан даволашнинг имкони бўлмай қолади. Оқибатда, турли суперинфекциялар юзага келади ва тана бўйлаб кенг тарқалади.

Мутахассисларнинг билдиришича, ҳозирча ГМОнинг тирик организмга бўлган салбий таъсир механизмини аниқлаш қийин бўлмоқда. Бироқ шу нарса аниқки, ГМО синов ўтказилган барча жониворларнинг организмига жиддий шикаст етказган. Мутахассислар ГМОдан зарарланмасликнинг айна пайтда фақат бир йўли борлигини,

бу ҳам бўлса – уларни истеъмол қилишдан воз ке-  
чиш эканлигини айтадилар.

Баъзи манбаларда қайд этилишича, 2000 йилда “Жаҳон олимларининг ирсият муҳандислиги хав-  
фи тўғрисидаги баёноти”, шунингдек, жаҳоннинг  
84 мамлакатидан 828 нафар олим имзо чеккан  
“Олимларнинг ГМОга оид очиқ хати (барча дав-  
лат ҳукуматларига)” эълон қилинган эди. Бироқ  
мазкур ҳужжатларга етарли даражада эътибор  
қилишмади ёки шундай қилинишини истамаган-  
лар бўлди.

Соҳа вакилларининг хавотир билан айтиши-  
ча, айти пайтда ГМОнинг салбий оқибатларини  
ўрганиш бўйича етарли даражада изланиш ва  
тадқиқотлар ўтказилмаяпти. Бу ГМ маҳсулотлар-  
ни ишлаб чиқарувчи йирик ширкатлар манфаати-  
га хизмат қилади. Шунинг учун ГМО ширкатлари  
бунга қаттиқ қаршилиқ кўрсатмоқдалар ёхуд ил-  
мий изланишларни ҳам ўз манфаатлари томонга  
буриб юбормоқдалар.

Айрим кишиларнинг фикрига кўра, илгари  
нисбатан кўп бўлган ҳашаротлар, масалан  
сувараклар, ариларнинг айрим турлари, (шу жум-  
ладан асаларилар ҳам) ГМ ўсимлик ва ҳайвонлар  
таъсирида йўқ бўлиб кетмоқда. Аҳвол шу зайлда  
давом этаверса, инсониятга ҳеч қандай хавф йўқ,  
деб ким бемалол айта олади?!

Албатта, ўсимлик ва ҳайвонларнинг нави  
ҳамда наслини яхшилаш мақсадида амалга оши-  
риладиган селекция тадбирлари билан уларнинг  
геномини буткул ўзгартириб юбориш ўртасида  
жуда катта фарқ мавжуд. Селекция воситасида  
бир-бирига яқин, турдош бўлган организмлар-  
дан гибрид олинса, ирсият муҳандислиги орқали

бир-биридан тубдан фарқ қилувчи “бегона” генлар трансплантацияси амалга оширилади ва шу йўсин трансгенга эга бўлган ГМО олинади.

Мисол учун, турли картошка навларини чаптиштириш вақт синовидан ўтган ва хавфсиз усул ҳисобланади. Бунда ўсимликнинг асосий геноми ўзгармайди, яъни унинг отаси ҳам, онаси ҳам картошка ҳисобланади. Бироқ генетик модификация ёрдамида, масалан, картошкани олма, балиқ ёки чўчка билан “чаптиштиришади”. Устига-устак, бундай ирсий ўзгартиришларнинг салбий оқибатлари ҳали охиригача ўрганилгани йўқ.

Сиз табиий шароитларда ҳайвонларнинг айрим турлари ўзаро чапишади-ку, деб айтишингиз мумкин. Масалан, от ва эшак, шер ва йўлбарс, товуқ ва фазан ва ҳоказо. Бироқ уларнинг чапишганидан туғилган жонзот насл қолдиргани ҳақида эшитганмисиз?! Биз бу ҳақда эшитмаганмиз. Чунки табиатнинг ўзи ҳам ҳолатнинг бундай давом этиши, натижада бутун борлиқдаги ўсимлик ва ҳайвонларнинг турлари буткул ўзгариб, мавжуд тартиб бузилиб кетишига йўл қўймайди.

### ***ГМО қарамликни келтириб чиқарадими?***

Сир эмас, таркибида ГМО бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш орқали қатор компаниялар жуда катта даромад оладилар. Зеро, бундай маҳсулотларни ишлаб чиқариш, сақлаш, ташиш ва сотиш ишлари нисбатан анча арзонга тушади ҳамда бир қатор қулайликларга эга. Хусусан, ГМО маҳсулотлари ҳар хил зараркундалар ва касалликларга анча чидамли ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида етиштирилган бундай мева ва сабзавотларни ҳеч бир сарф-харажатсиз

ҳафталаб, ҳаттоки ойлаб сақлаш мумкин (бугунги кунда бозорларимиздан сотиб олаётганимиз помидорлар, булғори қалампирлари, қулупнайлар каби маҳсулотларни бир эсланг-а). Трансген маҳсулотларнинг хавфсизлигини текшириш, аксарият ҳолларда, уларни ишлаб чиқарувчилар ҳисобидан амалга оширилаётгани сабаб бундай ўрганиш ва тадқиқотларнинг натижаларини тўғри ҳамда холис дейишнинг имкони йўқ. Шунинг учун ҳам ГМОнинг хавфи ҳақида бонг ураётган мутахассис ва олимларнинг фикрларини эшитмаяптилар, аниқроғи, эшитишни хоҳламаяптилар.

Одатда, фермерлар ГМ уруғларни сотиб олар эканлар, тузилган шартномага кўра, мазкур уруғларни бошқа бировга бермаслик мажбуриятини ҳам оладилар. Бундай уруғлар атрофлича ўрганилмасдан туриб, ерга тушади, қарабсизки, дастурхонларимизда бирин-кетин янгидан-янги ГМО маҳсулотлари пайдо бўлаверади. Фермерлар эса ГМ ўсимликларнинг уруғларини йиғиштириб олмайдилар, чунки уларнинг уруғи униб чиқмайди. Ҳа, тўғри эшитдингиз, ГМО насл қолдирмайди! Навбатдаги мавсум экини учун эса фермерлар ўша ширкатларга қайта ва қайта мурожаат қилишга, улардан фалон пулга уруғ сотиб олишга мажбур бўлиб қоладилар. ГМ ўсимликлар ўз даласида тинч ўсса ҳам майлига эди. Улар қўшни экинзорлардаги ўсимликлар ва ён-атрофдаги дарахтларга ҳам салбий таъсирини ўтказди. Ҳашаротлар воситасида кечадиган ўзаро чанглатиш натижасида одатий экинлар ҳам трансген бўлиб қолиши эҳтимоли бор.

Ҳозирда ГМ ўсимликлар уруғини тайёрлаш ва етказиб бериш бўйича АҚШнинг жаҳонда етакчи-

лик қилаётган “Монсанто” компанияси томонидан орадан 10-15 йил ўтиб сайёрамиздаги барча уруғлар трансген бўлиши алоҳида таъкидланган. Ширкат ушбу мақсадга эришиш йўлида зўр бериб ҳаракат қилаётганини кузатиш мумкин. Агар шундай бўлса, ГМ уруғларни ишлаб чиқарувчи трансмиллий корпорациялар жаҳоннинг исталган нуқтасига ўзининг “уруғ ҳужуми”ни уюштириши ва у ерда очлик келтириб чиқариши мумкин. Бунинг учун ГМ уруғларини сотишни тўхтатса, бас.

### *ГМОнинг фойдаси ҳам бордир, ахир?*

Озиқ-овқат саноатида трансгенлардан фойдаланиш ғоясини қўллаб-қувватлаётганларнинг даъволарига кўра, ГМО турли касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил ҳамда кўзни қувонтирадиган даражада чиройли мева-сабзавот ва полиз маҳсулотларини, сердаромад чорва ҳамда паррандаларни етиштириш, янада аниқроқ айтганда, сайёрамизнинг тобора ортиб бораётган аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришга хизмат қилар экан (ўша ГМ ўсимликлар зиёнкор ҳашаротларга ҳақиқатан ҳам чидамлимикан ёки қурт-қумурсқалар уларга ўзлари билган ҳолда тушмасмикинлар? Бу – алоҳида муҳокама қилинадиган масала).

Ирсият муҳандислиги ёрдамида озиқ-овқат маҳсулотларини етиштириш бўйича етакчилик қилаётган ширкатларнинг таъкидлашича, ГМО дала экинлари барқарорлигини таъминлаб, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун хизмат қилармиш. Мисол келтирилишича, генетик модификация ёрдамида қурғоқчиликка чидамли

ГМ ўсимликларни тайёрлаш ва шу орқали сув ресурсларини тежаш имконияти пайдо бўлади. Бу, айниқса, сувсизликдан азият чекаётган минтақалар учун катта аҳамиятга эга экан. Тежалган сувни эса инсон истеъмоли учун йўналтириш имконияти пайдо бўлади, деб изоҳ беришган “Монсанто” каби компанияси вакиллари.

Бундан ташқари, ирсият муҳандислиги воситасида озиқ-овқат маҳсулотларининг озуқавий даражасини кўтариш имконияти ҳам мавжуд. Масалан, шоли (гуруч) ДНКсига витамин ва минераллар ишлаб чиқаришни кучайтирувчи трансгенларни жойлаштириш ҳамда шу орқали шоли таркибида инсон танаси учун керакли витаминлар миқдорини кўпайтириш имкон бор. Бундай “олтин гуруч” ёхуд “орзудаги гуруч” тарафдорлари бугунги кунда талайгина.

Бир қарашда, миллионлаб кишиларни тўйдириш, уларни ҳозирча арзон озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш яхши ишдек туюлиши мумкин. Лекин бунинг учун ГМОга зарурат бормикин? ГМОНинг юқорида зикр қилинган зарарлари очлик олдида кўзга кўринмай кетадими?

Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига кўра, иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатларда исроф қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотлари аслида камбағал давлатлардаги одамларни едириб-ичириш учун етиб, ортиб ҳам қолади. Жаҳон мамлакатларида етиштирилаётган ва ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари бир хилда тақсимланаётгани йўқ. Бой мамлакатлар аҳолиси эса керагидан ортиқ истеъмол қилмоқда ва исрофгарчиликка йўл қўйилмоқда.

ГМО ҳалолми ёки...

ГМОга диний эътиқод нуқтаи назаридан қарар эканмиз, энг аввало, шуни астойдил таъкидлашни истардикки, бу мавзуда бирор бир ҳукм чиқариш фикридан умуман йироқмиз. Зеро, ҳозирда бунинг учун бизда на ваколат ва на етарли даражадаги далил-исбот бор. Масала моҳияти ва аҳволини ҳамма ўзи англаб етиши тарафдоримиз. Бу ҳақида сизга маълум қилишни эса ўз бурчимиз деб билдик, холос. Мақсадимиз – ГМОнинг ҳалол ёки ҳаромлиги нуқтаи назаридан мулоҳаза юритиш учун бироз бўлса-да туртки бериш, соҳа вакиллари, айниқса, ирсият муҳандислиги соҳасида ишлаётган ёки шу йўналишда фаолият олиб боришни режалаштирган ака-укаларимиз ва опа-сингилларимизни бу масалага янада кенгрок эътибор қаратишга чақиришдир.

Маълумки, муқаддас динимиз таълимотларида инсон руҳи ва танасининг поклигига жуда катта эътибор берилади. Мусулмон кишига ҳар бир луқмаси ҳалол бўлиши ва ҳаром нарсалардан четланиш буюрилганини барчамиз яхши биламиз.

Юқорида гувоҳ бўлганимиздек, ирсият муҳандислиги воситасида ўсимликлар ва маҳлуқот ДНКсини ўзгартириш нисбатан яқинда пайдо бўлган фаолият туридир. Бугунги кунда жаҳон олимлари ГМОнинг фойда-зарари ҳақида баҳслашар эканлар, Ислом уламолари ва исломшунос мутахассислар ҳам бу борадаги ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдир моқдалар.

Жумладан, 2010 йилнинг июнь ойида Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ўтказилган бешинчи “Жаҳон ҳалол форуми” доирасида ирси ўзгартирилган ўсимликлар ва уларнинг ҳалоллик масаласи ҳам кўриб чиқилди. Мазкур ан-

жуманда 37 та давлатдан 800 га яқин вакиллар иштирок этди.

Форум иштирокчилари томонидан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқишда ГМОдан фойдаланиш ҳақида турли фикрларни билдирилган бўлса-да, умумий мулоҳаза бу каби маҳсулотларнинг Қуръони Карим ва ҳадиси шарифлар билан белгиланган ҳалоллик талабларига қай даражада жавоб бериши атрофида бўлди.

Масалан, Ислом ҳамкорлиги ташкилотининг фан ва технология бўйича доимий қўмитаси вакили доктор Анвар Насим (Покистон) ГМО маҳсулотларининг аллергия касалликларни келтириб чиқариши ҳақида гапирар экан, “инсонларда одатий ва ГМО қўшилмаган маҳсулотларга нисбатан ҳам аллақачон аллергия мавжуд... ГМО инсоният учун катта ёрдам бера олади, айниқса, ривожланаётган мамлакатлардаги одамларга”, деб урғу берди. Унинг фикрича, ГМО хавфсиз бўлиб, хатарли экани исботланмагунига қадар ундан фойдаланишда давом этиш керак. ГМОнинг хавфсиз ёки хатарли эканини билиш учун эса, уни доимий равишда мониторинг қилиб бориш зарур. Кувайт Илмий тадқиқот институтининг вакили доктор Ҳани ал-Мазидийнинг таъкидлашича, ГМОни ҳалол ёки ҳаром дейишдан аввал унинг ДНКсига қўшилган ўша бегона ген қаердан ва нимадан олинганига эътибор қаратиш зарур. Шунинг учун ҳам таркибида ГМО мавжуд бўлган маҳсулотлар алоҳида ёрлиқлар билан ажратилиши шарт.

Малайзиялик Марям Абдул Латиф хоним ушбу мамлакатнинг ҳалол стандарти MS 1500:2009 га асосланиб, “агар трансгенларнинг манбаси ҳалол



бўлса, улар қўшилган ҳамма ГМО озиқ-овқат маҳсулотлари ҳам ҳалол ҳисобланади”, дея эътироф этган.

Эрон Стратегик тадқиқотлар маркази вакили доктор Беҳзод Ғариёзий биотехнологиялардан қишлоқ хўжалигида унумли фойдаланиш ҳақида тўхталиб, ривожланаётган мамлакатлар ундан самарали фойдаланишлари мумкин, дея таъкидлади. Доктор Ғариёзий Ислом дини илмий кашфиётларни қўллаб-қувватлашини яна бир бор эслатиб, барча мусулмонлар инновацион технологиялардан унумли фойдаланишга ҳаракат қилишлари лозимлигини айтди.

Форум якуни бўйича қарор қабул қилинди ва унда: “биотехнологияга асосланган ўсимликлар ва маҳсулотлар... агар манбалари ҳам ҳалол бўлса, Ислом дунёсида ҳам ҳалол деб қабул қилинади. Биотехнологиялар, хусусан, ГМ ўсимликлар воситасида озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга оид илмий мунозараларда Ислом уламоларининг ролини кучайтириш керак”, деб таъкидланди.

Бироқ, мазкур форум ишини танқид қилган айрим ташкилотларнинг фикрича, тадбирда ГМОнинг хатарли жиҳатлари етарли даражада ўрганилмаган. Бунинг учун форумга бевосита мазкур соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассисларни кўпроқ таклиф этиш керак эди, дея эътироз билдирилган.

Татаристон Республикаси Мусулмонлар идорасининг “Ҳалол” қўмитаси мутахассиси Рустем Абдуллин ГМ маҳсулотлар ва Ислом ҳақида атрофлича фикр юритиб, “ҳозирда турли манбалар ГМОнинг зарари ҳақида келтираётган гап-сузла-

ри асосан тор доирада ўтказилган тадқиқотларга таянади. Шундай бўлса-да, бундай эътирозларни инкор эта олмаймиз, чунки бундай маҳсулотларнинг келтириб чиқариши мумкин бўлган зарарини аниқлаш учун кенг қамровли изланишлар керак”, деб айтган. Унинг фикрига қараганда, ҳар бир истеъмолчи ўзи учун ўзи қарор қабул қилиши ва саломатлигини “суғурта қилиш” мақсадида ГМОларни ҳозирча истеъмол қилмай туриши мумкин. Рустем Абдуллин маълум қилганидек, Татаристон Республикаси Муслмонлар идораси фаолиятида қўлланиладиган “Ҳалол маҳсулотлар ва хизматларни ишлаб чиқариш ва етказиб бериш қоидалари”да “ҳалол маҳсулот ва хом-ашёларни ишлаб чиқаришда ирсий ўзгартирилган манбалардан олинган ирсий ўзгартирилган хом-ашё ва ёки яримфабрикатлардан фойдаланиш тақиқланади”.

### ***ГМО тақиқланган мамлакатлар***

Қатор мамлакатлар ўз фуқароларини ГМ маҳсулотлардан муҳофаза қилиш мақсадида уларни етиштириш ва сотиш ишларини қонунга биноан қатъий тартибга солганлар. Айрим мамлакатларда эса ГМО умуман тақиқланган. Жаҳоннинг кўплаб мамлакатларида таркибида ГМО мавжуд маҳсулотлар алоҳида махсус ёрлиқлар билан белгиланиши мажбурий қилиб белгиланган.

Жумладан, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларнинг деярли барчасида “ГМОдан холи ҳудудлар” ташкил этилган бўлиб, у ерларда бундай ўсимликларни экиш қатъиян ман этилган. Масалан, Италиянинг 25 та провинциясида трансген экинларини ўстириш умуман тақиқланган. Австрия, Германия, Люксембург, Португалия каби

давлатларда ГМ жўхори, Саудия Арабистони ва Мисрда ГМ бугдой, Норвегияда антибиотикларга чидамли ГМО маҳсулотлари қонунга зид ҳисобланади. Британия парламенти биносидаги барча ошхона ва тамаддихоналарда ГМО тақиқланган. МДҲ мамлакатлари орасида Россия ва Қирғизистонда ГМ усимликларни устиришга қонунан йўл қўйилмайди...

Шундай бўлса-да, айрим мамлакатларда ГМ усимликлар, хусусан, сувсизлик шароитига мослаштирилган ГМ экинзорларни ривожлантириш кун тартибининг муҳим масаласи даражасига кўтарилган. Бундай мамлакатлар ГМОдан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўпроқ етиштириш ва аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқроқ қондириш зарурати борлигини билдириб келадилар.

### **Хулоса**

Ушбу мақолани тайёрлаш жараёнида киночиларимиз томонидан суратга олинган машҳур “Абдуллажон” филми ёдимизга тушди... Йўқ, ундаги учар кетмонлар эмас, далада ўсаётган ва устига нарвон билан чиқиладиган тарвузлар...

Илм-фан кундан кунга ривожланиб тараққий этиб бормоқда. Кеча хом-хаёлдек туюлган нарса бугунга келиб ҳақиқатга айланмоқда. Бу жуда ҳам қувонарли ҳол, албатта.

Ҳар бир ихтиро ва кашфиёт эзгулик мақсадида амалга оширилган бўлса-да, унинг ижобий ютуқлари баробарида салбий жиҳатлари ҳақида тасаввурга эга бўлиш, назаримизда, фойдадан холи бўлмайди. Ҳазрат Алишер Навоий айтганларидек: “Эурсен шоҳ – агар огоҳсен сен, агар огоҳсен – шоҳсен сен”.

Ирсият муҳандислиги ва у эришаётган натижалар нисбатан янги йўналиш бўлса-да, инсоният олдида кенг имкониятлар эшигини очиши мумкин. Бунинг учун берилган илмдан унумли, энг асосийси, эзгу мақсад йўлида фойдаланиш зарур.

Муҳтарам устозларимиз “Зарари аниқ бўлган ишни қилиш яхши эмас”, деб ургатиб келишади. ГМОнинг ҳам эҳтимолий зарарларини аниқлаш, исботлаш ёки тўлиқ инкор қилиш бугунги кунда узил-кесил ҳал қилинмаган масалалигича қолмоқда. Фикримизча, ҳар бир ГМОга алоҳида, индивидуал ёндашув талаб этилади. Зеро, уларнинг ҳаммасини ҳам бирдек зарарли ёки зарарсиз дейиш нотўғри экани аниқ.

ГМО ҳақидаги тасаввурингизни бироз кенгайтириб, сизни ўйлантираётган айрим саволларга жавоб топишингизга сал бўлса-да кўмаклаша олган бўлсак, мамнунмиз. Мақолани ўқиш учун сарф қилган қадрли вақтингизга рози бўлинг.

## **БУНДАЙ ФУТБОЛ КИМГА КЕРАК?**

Араб дунёсига катта футбол кириб келди. Бугун бу ерда футболга бўлган қизиқиш Лотин Америкасидан қолишмайди. Афсуски, футбол билан унга ҳамроҳ бўлган муаммолар ҳам қўшилиб келди, ҳатто булар орасида ёшларнинг ғулувга кетиши (ёшлар экстремизми) ҳам бор.

Энг йирик араб мамлакати бўлган Мисрда ҳам мутаасиблар (фанатлар) ҳаракати пайдо бўлиб, тўкилган қон ва қурбонлар бўйича ўрнатган рекорди камдек, улар бугун ҳеч тугамаётган зўровонлик ва қирғинларни келтириб чиқарувчи ўчоққа айланди.

### ***“Ва жинилик бошланди”***

Россия диний идораси вакили Расул Тадиряков Қоҳирада ўзи гувоҳ бўлган футболга бўлган ишқибозлик ҳақида сўзлаб бераётиб, таассуб кўламининг кенглигидан ҳайратда қолганини яшира олмаганди: “Футбол майдонидаги ўйин бошландиямки, йигирма миллион киши яшайдиган бу улкан шаҳар хувиллаб қолади. Тахминан кечки соат тўққиз эди, бошқа кунлар бу пайтда шаҳар дошқозондек қайнаётган бўларди.

Сўнгги йилларда Мисрда футболнинг аҳамияти шу қадар ортиб кетдики, мамлакат терма командаси ўйнайдиган кунги оломонни кўриб, бугун ҳайит намозмикан, дейишингиз мумкин. Ҳайит куниям, футбол куниям кўчада одам қолмайди. Фарқи шуки, Ийд кунлари ҳамма масжидга бориб, аввал фарз ибодатни, сўнг байрам

кунги вожиб амалларни адо этади, маъруза тинглайди. Футбол матчи трансляция қилинаётганда эса, баъзилар “шайтон” деб атайдиган кутининг олдига тикилиб, бақир-чақир қилиб футбол кўришади.

Уша куни ўқишдан қайтаётиб, дўконга кирдим. Кирдим, эшик олдида туриб қолдим – менга ҳеч ким эътибор ҳам бермади. Сотувчилар ҳам, харидорлар ҳам бурчакдаги телевизорга тикилиб турар, ўйинга қизиқиб, нақ экраннинг ичига кириб кетай дейишарди. Анча урингач, ушбу муассасанинг ходимларидан бирини бир амаллаб ўзимга қаратдим. Ҳуши ўзига келгач, у: “Сен Миср томонмисан ё Жазоирми?” деб сўради. Мен эса на у ва на бу томон дедим, сўнг унинг ўзидан: “Футболдан бошқа ташвиш йўқми сизларда?” дедим. Сотувчи эса дарҳол: “Худога шукр, йўқ”, деди. Шунда мен: “Ироқ-чи, Фаластин-чи?” деб сўрадим, бироқ у саволимни эшитмади ҳам – шу пайт у севган ўйинчи майдонда мудофаа чизигини босиб ўтиб, рақиб (!) дарвозаси томон югуриб қолди ва... эҳ... афсус..., рақибнинг (!) омади келди.

Буларнинг ҳаммаси “Араб баҳори”дан бурун юз берган эди. Сўнгги пайтларда юз бераётган бундай воқеаларни мусулмонларнинг таназзули деб аташ мумкин. Ўйин тугагандан кейинги аҳволни кўрсангиз эди?! Мисрликлар кўчаларда Жазоир байроқларини ёқиб юборар, йиртар, парчаларни эшакларнинг бошларига кийдириб қўйиб, хумордан чиқишар эди. Кўпчилиги асли жазоирлик бўлган француз талабаларга дўконларда хизмат кўрсатилмас, таксиларга олинмас, баъзиларига эса ақлдан озган фанатлар томонидан тажовуз ҳам қилинар эди.

### **Фақат шунинг ўзи бўлса майлийди...**

Энг ёмони, бундай фанатлар асосан жоҳил, илмсиз йигитлар бўлиб, олимларга эргашмаса, мушук боласидек кўзи очилмай юраверади. Ундан ҳам ёмони, Миср олимлари (баъзиларидан ташқари, албатта) муаммони кўрмаганликка олиб, мусулмонлар орасида авж олиб бораётган бу касалликни даволашга уринишмаяпти.

Бир устозим аччиқланиб шундай деган эди: “Ал-Азҳар раҳбарияти қаёққа қарашяпти? Улар учун бугунги кундаги энг муҳим, долзарб масала ниқоб масаласими ёки ўқув дастури матнларининг қай тарзда тузулишини кузатиш холосми?”.

Яна бир россиялик блоггер Андрей Благосколов ҳам Тунисда, шом вақтида футбол фанатизмига гувоҳ бўлганини айтади:

“Мен меҳмонхона олдида сайр қилиб юрган эдим. Шовқин-сурон бошланиб кетди. Аввалига йўлда автоуловларнинг қандайдир тиқилинчи юзага келди. Халқнинг ғазабга келаётгани шундан бўлса керак, деб ўйладим. Кейин маълум бўлишича, кичик бир локал чемпионатда маҳаллий команда ғолиб бўлган экан. Жиннилик бошланди: шаҳарнинг деярли барча аҳолиси бир зумда кўчаларга чиқиб, ғалабани нишонлай кетди. Араблар байроқларни кўтариб олиб, кўчаларни машиналарга тўлдириб, қўшиқ айтишар ва йўлдаги ҳаракатларни тўса бошлашди. Кейин полиция уларни ҳайдашга мажбур бўлди. Бироқ тўдага янги-янги машиналар келиб қўшилар эди. Гўёки ҳеч ким четда қолмаган эди. Саёҳларнинг биттаси ҳам қолмади, улар меҳмонхоналардан чиқишга журъат қила олишмади. Бу орада кўча-

даги одамлар янада кўпайиб борар эди... Хуллас, ҳамма ғалабани нишонлаётган эди”.

### ***Шайхлар рекорд қўйишмоқда***

Футболга қизиқиш бой хонадонларни ҳам четлаб ўтмади. Араб шайхлари номдор футбол клубларини сотиб олишга тушишди ёки клубларда ўз улушларига эга бўла бошлашди. Улар “Арсенал”, “Милан”, “Сарагосу”, “Портсмут”, “Манчестер” ва ҳакозоларга пул тикиб қўйишган. Ғарб олигархлари каби улар ҳам номи чиққан ўйинчи ва мураббийларни ўз командаларига жалб қилишмоқда. 2022 йили Қатар ўзида жаҳон чемпионатини ўтказмоқчи. Режаларга кўра, бу тадбир учун 200 миллиард доллар ҳам сарф қилмоқчи экан. Бу рақамлар ўнлаб бой бўлмаган мусулмон мамлакатларининг йиллик бюджетига тенг бўлиб, сарф қилинажак пуллар абсолют рекорд ҳамдир.

### ***Футбол ва қон***

Футболга бўлган жиннилик 2012 йили 1 феврал куни Порт-Саидда фожиа билан тугади. Жуда кўп одам пичоқланди. “Бу футбол эмас, бу урушдир”, деди “Ал-Аҳли” ярим ҳужумчиси Муҳаммад Абу Тариқа. – Одамлар шу ерда, кўз ўнгимизда ҳалок бўлишмоқда! Бу ерда даҳшатли воқеалар содир бўлмоқда. Бу кунни мен ҳеч қачон унутмайман!”

Бироқ қон тўкилиши тўхтагани йўқ. Маҳкама қарори ўқиб эшиттирилгач, бир неча кун норозилик чиқишлари давом этиб турди. Ўттизга яқин одам ҳалок бўлди, 170 дан ортиғи турли хил тан жароҳатини олишди. Футбол фанатлари билан бўлиб ўтган тўқнашувлар ўша куни давлат тўн-



таришига айланиб кетишига оз қолди. Миср парламенти аъзоси Ассам Ариананинг сўзига кўра, Порт-Саиддаги воқеалар олдиндан пухта режалаштирилган тадбирдир. “Бу эски режимнинг қилиқларидир”, деди у.

### ***Инқилоб авангарди ёки ҳарбийлар қўлидаги ўйинчоқ?***

Миср ва Туркиядаги футбол фанатларининг ҳаракатлари жиддий сиёсий кучга айланмаганида ҳеч нарса бўлмас эди. Улар Таҳрир ва Тақсим майдонида муҳолифат ҳаракатининг асосини ташкил қилди. Анархиячилар ва турли ўсмирлардан иборат жинорий гуруҳлар баланпарвоз широрлар билан қотилликлар, вайронагарчилик ва зуровонликларни уюштирдилар. Улар ҳанузгача ўз зулмларини давом этиришмоқда.

Агар Ғарбда футбол фанатлари сиёсий мафкура сифатида миллатчиликни танлашаётган бўлса, мусулмон оламида эса бунинг акси: ҳаммага таниш бўлган инқилоб руҳидаги либерализмни танлашяпти. Бироқ бу билан моҳият ўзгаргани йўқ. Айнан ўша оломонни ғарб матбуоти исломийчиларни ҳукуматдан афдариб ташлаган “инқилобий ёшлар” дея мадҳ этиб келмоқда. Қонуний сайланган Миср президенти Муҳаммад Мурсийни афдариб ташлашда етакчи куч бўлган Миллий нажот fronti аллақачон футбол безорилари ҳамда уларга яқин криминал доираларга суяниб келадилар. Улар бир неча марта буларни “Мусулмон биродалар”га қарши ташлашган эди. Жуда катта тўполонлар содир этилди. Ҳарбийлар эса охир-оқибат футбол фанатларини ўз сафларига қўшиб, қонуний сайланган ҳукуматга қарши

намойишларга жалб қила олди. Оқибат нима бўлгани барчага маълум.

Сўнгги кунларда Россияда кузатилаётган ҳаддан ошиқ хунук миллатчилик ҳаракатининг ўзаги ҳам футбол фанатлари асосида ташкил қилинган жамоалар экани айтилади. Футболга муҳаббат баҳонасида ташкил қилинган “Фан клублар”нинг спортга ҳеч қандай алоқалари қолмаяпти. Булар манфур сиёсий мақсадларни кўзлаган кучларнинг қўлларида қўғирчоққа айланиб бўлди.

Хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда футбол оддий ўйинликдан, сиёсий найрангларга айланиб бормоқда. Европадаги черков мутасаддилари якшанба кунги футбол ўйинларидан шикоят қилишарди. Чунки ҳафтада бир марта черковга бориш футболни деб йўққа чиққан эди. Бу муаммо уларнинг орасида анча олдинроқ кўзга ташланган, бугун айни шу муаммо билан мусулмон ўлкалари юзма-юз бўлиб турибди. Агар биз ҳолатни тўғри тушуниб, “футболизм” номли янги хатарлардан ёш авлодни огоҳлантирмасак, бу муаммо яшин тезлигида уларнинг зехнларини заҳарлаши табиий! Натижада келажак авлоднинг истиқболини хатарга қўйган бўламиз. Спорт миллатни дунёга танитишда энг яхши воситадир. Бунга барча иттифоқ қилади, лекин фанатизм миллатлар орасида низога сабаб бўлмоқда. Низолардан эса ғаразли сиёсатчилар доимо ўз манфаатлари йўлида фойдаланишади. Алал-оқибат оддий ишқибозликдан, сиёсий қўғирчоқлик домига тушиб қолинади. Бундан огоҳ бўлиш зарур.

## Мундарижа

Янги авторитар дунё .....	5
Қаёққа кетяпмиз? .....	13
Қиёфа.....	17
Инқирозлар кимга керак? .....	23
Инқироз сабаби нимада? .....	41
Тарихнинг жирканч саҳифалари: Қонга ботирилган қитъа .....	46
Европанинг қора юраги .....	72
Араб дунёси: фожеа, инқироз, парчаланиш... ..	94
Афғонистондаги уруш .....	105
Мустабид учун қопқон Нега Саддам Хусайн Кувайтни босиб олмоқчи бўлди?.....	117
Ёлғон туфайли бошланган босқин .....	125
Алавийларнинг ҳокимиятга келиш тарихи .....	135
“Улуг ота”нинг ҳозирги ҳолати .....	145
Яқин шарқ ҳарорати.....	152
Золим ҳукмдорлар унталиги .....	170
Буюк уруш ҳақида советларнинг бешта уйдирмаси.....	174
Ленин ким эди?.....	189
Тарихдан яна бир шингил (Анқара жангги).....	194
Яқин Шарқдаги геноцид .....	200
Миллатлараро низолар уларни бартараф қилишда ОАВ урни .....	206
Оилани йўқ қилишнинг европача усули .....	211
Разолат хавфи .....	222
Осиёда аёл бўлиш – ҳалокатли нуқсонми?.....	232
Жинсий зўравонлик авж олган мамлакатлар .....	237

Сохта ғоя замиридаги фитна.....	247
“Овертон ойнаси” ёхуд “йўқ қилиш технологияси”.....	250
Зараркунандалар .....	263
Каламушлар технологияси.....	267
Яхши ходимлар кетишининг 9 сабаби .....	278
Алкогол нима ўзи? .....	284
Цивилизациялашган инсоният яланғоч хотинларни деб ҳалок бўлмоқда.....	287
Made in China: нега ҳамма нарса хитойда ишлаб чиқилган? .....	294
Китобга эҳтиром ёки мутолаа қилувчи миллат давлатга нега керак?.....	297
Постиндустриал даврда интеллектуал мулк.....	309
“Айфон” ва бошқа арзимас нарсалар.....	313
“Татуировка” дегани нима?.....	315
Қасос .....	321
Глобаллашув даврида ахборот хавфсизлиги омиллари .....	332
Гмо: ирсият муҳандислиги ва шубҳалар қуршови .....	346
Бундай футбол кимга керак?.....	363

АБУ МУСЛИМ

# ЯНГИ ДУНЁ

Ношир: Муҳаммад Солиҳ ТУРСУНОВ

Муҳаррир: Турсунали АКБАРОВ

Техник муҳаррир: Илёсбек РАҲИМБЕК ўғли

Бадий муҳаррир: Юсуфжон ИСРОИЛЖОН ўғли

Саҳифаловчи: Нусратуллоҳ МУҲАММАДАЛИЕВ

**Нашр лицензияси № А1 293, 23.02.2017**

Босишга рухсат этилди 15.08.2017. Қоғоз бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ , Самбѳа гарнитураси. Офсет босма. Босма табаѳи 23.25. Адади 500 нусха. Буюртма № 08. Баѳоси шартнома асосида.

**«QAQNUS MEDIA» нашриѳти**

Тошкент шаѳри, Кўх ота кучаси, 33-уй,

«QAQNUS SOFTWARE» МЧЖ босмахонасида чоп этилди. Тошкент шаѳри, Юнусов кўчаси, 3-уй.  
e-mail: qaqnussoft@gmail.com  
Тел. (99890)3479600





**DAQNUS MEDIA**

www.dqnus.com

ISBN 978-9943-4931-5



9 789943 493155